

**O‘zbekiston Respublikasi**

**Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi**

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

# XORIJIY FILOLOGIYA

*til • adabiyot • ta’lim*

ilmiy–uslubiy jurnal

Samarqand

---

**3(72)/ 2019**

---

**Ministry of Higher and Secondary Special  
Education of the Republic of Uzbekistan**

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

# FOREIGN PHILOLOGY

*Language • Literature • Education*

Scientific-methodology journal

Samarkand

**Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим.**  
№3 (72), 2019.

*Уч ойда бир марта чиқадиган илмий-услубий журнал*

Муассис: Самарқанд давлат чет тиллар  
институту

Таҳрир хайъати:

**ТУХТАСИНОВ Илҳомжон (раис)**  
**САФАРОВ Шаҳриёр (бош муҳаррир)**  
**АШУРОВА Дилором**  
**АШУРОВ Шаҳобиддин**  
**ТУРНИЁЗОВ Нёмат**  
**РИЗАЕВ Баҳодир**  
*(муҳаррир ўринбосари)*  
**ХОЛБЕКОВ Муҳаммаджон**  
**НАСРУЛЛАЕВА Нафиса**  
**ИСМОИЛОВ Салоҳиддин**  
**КИСЕЛЁВ Дмитрий**  
**ЯХШИЕВ Ашур (масъул котиб)**

Жамоатчилик кенгаши:

**БУШУЙ Татьяна**  
**ГИЙОМ Оливье (Франция)**  
**КИДА Цуйоши (Япония)**  
**СИГМИЛЛЕР Стив (АҚШ)**  
**УСМОНОВ Ўрол**  
**ЖИАНГ Фенг (Хитой)**  
**РАҲИМОВ Ғанишер**  
**МИРЗАЕВ Ибодулло**  
**КАРАСИК Владимир (Россия)**

*Журнал Олий Аттестация комиссиясининг  
филология фанлари бўйича эксперт кенгаши (2014  
йил 10 мартдаги 2-сонли баённома) тавсияси билан  
зарурий наشرлар рўйхатига киритилган.*

Таҳририят манзили:

Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93, СамДЧТИ.  
Телефонлар: (998-662)233-78-43;  
(998-662)231-13-42  
Факс: (998-662) 210-00-18.  
Email: [ssifl\\_info@mail.ru](mailto:ssifl_info@mail.ru)

*Журнал Самарқанд вилоят матбуот ва  
ахборот бошқармаси томонидан № 09-12 рақам  
билан рўйхатга олинган.*

ISSN: 2181-743X; Индекс 1266.

Журнал 2001 йилдан чиқа бошлаган.

© Самарқанд давлат чет тиллар институти,  
2019 йил.

**Foreign Philology: Language, Literature, Education.**  
№3 (72), 2019.

*Scientific-methodical journal*

Founder: Samarkand State Institute of Foreign  
Languages

Editorial Board:

**TUKHTASINOV Ilhomjon (chairman )**  
**SAFAROV Shahriyor (editor-in-chief)**  
**ASHUROVA Dilorom**  
**ASHUROV Shahobiddin**  
**TURNIYOZOV Nemat**  
**RIZAYEV Bakhodir**  
*(vice editor)*  
**KHOLBEKOV Mukhammadjon**  
**NASRULLAEVA Nafisa**  
**ISMAILOV Salohiddin**  
**KISELYOV Dmitriy**  
**YAKHSHIEV Ashur (executive secretary)**

Public Council:

**BUSHUY Tatyana**  
**GUILLAUME Olivier (France)**  
**KIDA Tsuyoshi (Japan)**  
**SEEGMILLER Steev (USA)**  
**USMONOV Ural**  
**JIANG Feng (China)**  
**RAKHIMOV Ganisher**  
**MIRZAEV Ibodullo**  
**KARASIK Vladimir (Russia)**

*The journal is included in the list of required  
publications according to the recommendation of the  
expert council in filological sciences of Higher Attestation  
Committee (Proceeding #2 from March 10, 2014).*

Address:

Samarkand, Bustansaray str. 93, SamSIFL.  
Phone: (998-662) 233-78-43;  
(998-662)231-13-42  
Fax: (998-662) 210-00-18  
Email: [ssifl\\_info@mail.ru](mailto:ssifl_info@mail.ru)

*The journal is registered under No 09-12 by  
Samarkand Regional Department of press and  
information.*

ISSN: 2181-743X; Index 1266.

The journal has been published since 2001.

© Samarkand State Institute of Foreign Languages,  
2019.



## МУНДАРИЖА

### МАҚОЛАЛАР

<b>Холбеков М.</b> Таржима назарияси ҳақида ўйлар .....	5
<b>Данияров Б.</b> Ўзбек тилининг миллий корпусида лексик синонимларни бериш масаласи .....	9
<b>Киселёв Д.</b> Анафорическая единица как маркер дискурсивной значимости сегмента текста .....	13
<b>Амриддинова Д.</b> Миллий таълим-тарбия ривожланишида жадидчилик маънавий меросининг аҳамияти .....	19
<b>Маматқулова Х.</b> Осиё-Америка адабиёти вакиллари ижодида мавзулар кўламининг қиёсий тадқиқи.....	22
<b>Асадов Р.</b> Структурал синтаксисда валентли компонентлар таҳлили .....	27
<b>Шамахмудова А.</b> Испан мулоқот матнида сўроқ шакли билан ифодаланган билвосита нутқий тузилмалар таснифи. ....	36
<b>Туйчиева Г.</b> Специфика аруза: некоторые вопросы исследования .....	45
<b>Нурматов С.</b> Ҳинд-орий тилларидаги сонларнинг шаклланишига доир баъзи фонетик жараёнлар хусусида .....	51
<b>Даниева М.</b> Номутаносиб семантик бирикувларнинг контекстда мослашуви ва оламнинг лисоний қиёфасини тасвирлашда эстетик-эмоционал таъсири .....	57
<b>Бахронова Д.</b> Оламнинг лисоний манзараси тасвирида концепт ва концептосфера.....	62

### ИЛМИЙ АХБОРОТЛАР

<b>Юсупов О.</b> Инглиз лексик дублетларининг лингвокультурологик таҳлили .....	69
<b>Турсунова Н.</b> Раннее творчество Альбера Камю .....	74
<b>Норова М.</b> Нутқ товушлари талаффузидаги коннотатив маънолар.....	80
<b>Минниқулов И.</b> Тилшуносликда шарт муносабатлари ифодаланишини ўрганишга прагматик ёндашув .....	85
<b>Давронова М.</b> Садриддин Айний асарларида фразеологик бирикмалар бадий тасвирнинг муҳим воситаси.....	89
<b>Мирзоев Х.</b> Сайфий Бухорийнинг XV аср ғазалчилигидаги янгилиги .....	94
<b>Нурмухамедова М.</b> Смыслоразличительные свойства просодических доминант в разно системных языках (на примере фонетической системы русского, узбекского и китайского языков.....	99
<b>Хакимова Д.</b> Особенности применения семного анализа в разграничении составных военных терминов от фразеологизмов военного дискурса.....	108
<b>Иброҳимова Д.</b> Инглиз тилида шахс номлари мотивацияси.....	113
<b>Ахмедова М.</b> Бўлғуси шифокорларнинг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантириш лингвотехнологияси .....	117
<b>Мухитдинова Н.</b> Жеймс Жойснинг “Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили” романи бадий оламида макон ва замон муносабатлари .....	122
<b>Файзуллаева У.</b> Виржиния Вулф ижодининг инглиз ва америка адабиётшунослигида ўрганилиши тарихидан.....	127
<b>Ғайбуллаева Н.</b> Тиббиёт соҳаси тилининг лингвомаданий аспекти.....	133
<b>Мажитова С.</b> Мумтоз шеърят тилида аъъанавий тадқиқ усуллари ва янгича тамойиллар.....	138
<b>Safarova Z.</b> Ingliz va o‘zbek tillaridagi stilistik vositalarning lingva-milliy va lingva-madaniy kanatatsiyasi.....	146



## CONTENTS

### REPORTS

<b>Xolbekov M.</b> Thoughts over theory of translation. ....	5
<b>Daniyarov B.</b> The problem of lexic synonyms in national corps of the Uzbek language. ....	9
<b>Kiselyov D.</b> Anaphoric unit as a marker of discursive significance of a text segment. ....	13
<b>Amriddinova D.</b> Importance of the spiritual heritage of jadidism in the education of the young generation. ....	19
<b>Mamatkulova X.</b> Comparative analysis of the works of Asian-American literature. ....	22
<b>Asadov R.</b> Analysis of valency components in structural syntax. ....	27
<b>Shamakhmudova A.</b> Classification of indirect speech acts expressed in interrogative form in Spanish discourse. ....	36
<b>Tuychiyeva G.</b> Specificity of aruz: some points of research. ....	45
<b>Nurmatov S.</b> On some phonetic processes in the formation of numerals in the Indo-Aryan Languages. ....	51
<b>Daniyeva M.</b> Contextual concordance of semantic expressions and their esthetic-emotional influence on description of lingual world picture. ....	57
<b>Baxronova D.</b> Concept and conceptshpere in lingual world picture. ....	62

### SCIENTIFIC INFORMATIONS

<b>Yusupov O.</b> Lingual-cultural analysis of the English lexical doublets. ....	69
<b>Tursunova N.</b> The earlier creation of Albert Camus. ....	74
<b>Norova M.</b> Connotative meanings in the pronunciation of speech sounds. ....	80
<b>Minnikulov I.</b> Pragmatic approach to the study of the expression of conditionals in linguistics. ....	85
<b>Davronova M.</b> Phraseological units as important means of formation of artistic images in works by sadriddin ayni. ....	89
<b>Mirzoyev X.</b> Innovation Sayfi Bukhari in the gazelle genre of the 15 <sup>th</sup> century. ....	94
<b>Nurmuxamedova M.</b> Meaning distinctive features of supersegment prosodic elements in comparison of different structural languages (on the example of phonetic system of Russian, Uzbek and Chinese languages). ....	99
<b>Hakimova D.</b> The peculiarities of implementing semes analysis for differentiating compound military terms from phraseologisms of military discourse. ....	108
<b>Ibrohimova D.</b> Motivation of personalities' names in the English language. ....	113
<b>Axmedova M.</b> Lingual technology of formation of future doctor's professional communicative competence in foreign language. ....	117
<b>Muxitdinova V.</b> The interrelations of space and time in the literary world of James Joyce's novel "A portrait of the Artist as a Young Man". ....	122
<b>Fayzullayeva U.</b> From the history of studying Virginia Woolf's creative works in English and American literature. ....	127
<b>Gaybullayeva N.</b> Lingual-cultural aspect of the language of medical sphere. ....	133
<b>Majitova S.</b> Traditional methods of investigation and modern principles in the language of classical poetry. ....	138
<b>Safarova Z.</b> An article on the subject "The national cultural path of stylistic tools in English and Uzbek". ....	146



## ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

*Холбеков Мухаммаджон,  
СамДЧТИ профессори*

*Калит сўзлар: тенденция, феномен, концепция, дефинция, лингвистика, терминология, вербал белгилар, трансформация, продукт тил, рецептор тил, коммуникация.*

Иккинчи жаҳон уришидан кейинги даврда таржима назарияси ўзига хос “бошланғич йиғиниш” босқичини бошидан кечирди. Ўтган асрнинг 50-60 йилларида таржима назариясига катта қизиқиш уйғонгани, бу қизиқиш мутгасил кучайиб боргани, ҳатто “мода” тусини олгани кўзга ташланади. Мазкур тенденцияга таржима амалиёти тобора кенгайиб бориши ва бутун сайёрамиз ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнаши туб асос бўлди. Бу даврда фақат қизғин илмий баҳс-мунозараларгина кузатилиб қолмай, балки, айни чоғда, турли олимларнинг шу зиддиятли ва мураккаб феноменга ўз “индивидуал” калитини топишга интилиши ҳам кузатилади. Назарий ишланмалар соҳасида тажриба тўплаш аввал излаб топилган ҳақиқатларни ривожлантириш орқали эмас, балки янгидан-янги концепциялар мусобақаси орқали давом эттирилди.

Шу вақтгача на назариётчилар, на ёзувчилар ҳаёлига таржима ўзи нима деган савол келмаган эди. Бунга ўз-ўзидан маълум ва барчага тушунарли ҳақиқат деб қараб келинарди. Табиийки, таржимага таъриф на Пушкин, на Жуковский, на Гёте, на Шатобриан, на Гюго бисотида учрайди. Нафақат классиклар, балки К. Чуковский ва И. Кашкин китобларидан, 20-30-йиллар адабиётшунослари ва назариётчилари асарларидан ҳам бундай таърифни топиш даргумон. Таржима назарияси “илмий давр”га қадам қўйгач, ўзгача вазият юзага келди. Бу даврда бир қатор олимлар таржимага ўзининг тўлиқ, мукамал таърифини беришга интилдилар.

Таржиманинг лингвистик дефинициялари К.Р. Баушнинг ушбу

сўзларига аниқ-равшан далил бўла олади: “Назаримда, шу кунги лингвистика онгли ҳолдами ёхуд онгсиз ҳолдами янги терминологик Бобил минорасини тиклашга ҳаракат қилиб ётибди” (1). “Бу соҳада терминология борасида ҳам, усул ва тушунчалар борасида ҳам хилма-хиллик, аниқроғи, чалкашлилик ҳукм сурмоқда”, - деб ёзади муаллиф фикрини давом эттириб. Бундай чалкашлилик лингвистикадан ҳам кўра таржима назариясида кўпроқ учрайди, чунки таржимага жараён сифатида таъриф берувчилар фикри унга натижа сифатида таъриф берувчилар фикри билан, лингвистика нуқтаи назари тарафдорлари фикри эса адабиётшунослик нуқтаи назари тарафдорлари фикри билан зидма-зид келаётир.

Бу тамойил бир неча ўн йиллар давомида қандай қиёфа касб этганини қисқача бўлса-да, кузатиш мароклидир:

Р. Якобсон (1959): “Таржима бу – вербал белгиларни бошқа бирор тил воситасида талқин қилишдир”.

Э. Эттингер (1960): “Таржимани белгилар ёки образларнинг бошқа белгилар ёки образларга трансформацияси (representations) жараёни деб таърифлаш мумкин. Модомики, аслият бирор маънога эга экан, унинг инъикоси (images) ҳам худди шу маънога эга бўлиши, ёхуд янада ҳаққоний қилиб айтилса, иложи борича унга яқинроқ маънога эга бўлиши тақозо этилади”.

У. Уинтер (1961): “Таржима қилиш дегани биздан ташқаридаги ва бизнинг ичимиздаги оламнинг бир бўлаги талқинини унга мумкин қадар эквивалент



бошқа талқин билан алмаштириш демакдир”.

Ж. Кэтфорд (1965): “Таржимага куйидагича таъриф бериш мумкин: таржима – бир тилдаги матний материални (ИЯ) бошқа тилдаги эквивалент матний материал билан алмаштиришдир (ПЯ)”.

Ю.Кузьмин (1968): “Таржима, аввало, коммуникация жараёни, янада аниқроғи, унинг бир бўлаги бўлиб, бу жараёнда воқеликка доир бирор вазият хусусида бир тил белгилари орқали ифодаланган хабар, унинг маъноси тўлиқ сақланган ҳолда бошқа тил белгиларига ўзгартирилади”.

Ю. Найда ва Ч.Р. Табер (1969): “Таржима – продуктор-тилдаги фикр-мулоҳазани рецептор-тилда, биринчидан, мазмун, иккинчидан, услуб нуқтаи назаридан эквивалентга яқинлаштириб қайта яратишдир”.

А. Фёдоров (1970): “Таржима жараёнининг мақсади – лисоний асар яратишдир, бундай асар эса ғоявий ва эстетик яхлитлик сифатидаги аслиятга ўз мазмун –моҳияти ва услубий функциясига кўра мувофиқ бўлмоғи лозим”.

К. Райс (1971): “Таржима – тортиқ этувчи тилдаги матннинг қабул қилувчи тилдаги версияси бўлиб, мазкур версия учун оригинал матнни унга уйғун матн типи воситасида бериш, оригиналнинг ички тил қоидалари орқали юзага чиқаётган ғайри лисоний детерминантларини ифодалаш бош мақсад ҳисобланади”.

В. Коллер (1972): “Таржима, лингвистик жиҳатдан, Я1 тил инвентаридаги а1, а2, а3... элементларини Я2 тил инвентаридаги б1, б2, б3 элементлар ёрдамида қайта кодлаш ёки субститутирлаш деб таърифланиши мумкин”.

В.Комиссаров (1973): “Таржиманинг денотатив назариясига кўра, таржима – аслият тилида тавсифланган денотатларни таржима тилида қайта тавсифлаш жараёнидир”.

А.Людсканов (1975): “Таржима деганда муайян хабарни таркиб топтирган белгиларни бошқа бирор код белгиларига

алмаштириш жараёни тушунилади. Бунда мазкур хабарнинг координата тизимига инвариантлик (энтропия сабаб канчалик имкон бўлса, шунчалик) сақланмоғи лозим”.

А.Попович (1975): “Таржима нутқий матнни қайта кодлаш бўлиб, бунда матннинг янги лисоний қиёфаси ва стилистик шакли юзага келади”.

Г.Егер (1975): “Таржима бир валентли лисоний хабардан фарқ этувчи алоҳида коммуникацияни шундай йўл билан таъминлайдики, бунда, дейлик, Я-а тилдаги матн қайта кодланса, унинг коммуникатив маъноси Я-б тилда сақланиб қолиши зарур, негаки Я-а тилдаги матн билан Я-б тилдаги матн коммуникатив жиҳатдан ўзаро эквивалентдир”.

В.Вилс (1977): “Таржима – матнни қайта ишлаш ва қайта ифодалаш жараёни бўлиб, у аслият тилдаги матндан ўгирма тилдаги матнга қараб ҳаракатланади. Бунда аслият тилидаги матнга ўгирма тилидаги матн имкон қадар эквивалент бўлиши шарт қилиб қўйилади. Зеро, таржима аслият матнининг мазмуний ва услубий қайта идрок этилишини (Textvorlage) назарда тутати”.

М.Снелл-Хорнби (1986): “Таржима – бирор матннинг ўзга маданий муҳитда янгидан яралишидир. Бунда у мазкур маданиятнинг бир бўлагига айланади ва унда ҳукм сураётган вазиятга мувофиқлашади”.

А. Швейцер (1988): “Таржима – тиллараро ва маданиятлараро коммуникациянинг бир йўналиши ва икки босқичга эга жараёни бўлиб, бу жараёнда бирламчи матн аниқ мақсад (яъни таржима қилиш) кўзда тутилган ҳолда таҳлил этилиб, шу асосда иккиламчи матн (метаматн) юзага келтирилади ва шу иккиламчи матн бошқа тил ҳамда маданият муҳитида бирламчи матн ўрнини босади; иккиламчи матн икки тил, маданият ҳамда коммуникатив вазият ўртасидаги фарқ-тафовутлар сабаб жузбий ўзгаришга учраган бирламчи матннинг коммуникатив эффектини беради”.



Шу ўринда фақат бадий таржиманинг ўзигагина берилган баъзи таърифларни ҳам келтириб ўтиш мумкин. Аммо улар анча оз, яна қатъий илмий бўлмай, аксар тавсифий табиатга эга, қолаверса, асосан рус тили ёхуд собиқ Иттифоқ республикалари тилларида чоп этилган асарларда учрайди.

Иқтибослар келтиришни яна ҳам давом эттириш мумкин – шунда биз Бобилча ғала –ғовур кайфиятни янада аниқ хис қиламиз. Яна шуни ҳам кузатиш мумкинки, умумийликка даъво қилувчи таърифлар борган сари мураккаблик ва мавҳумлик касб этади. Таржиманинг барча шакл ва турларини қамраб олишни мақсад қилган бундай таърифларни такомиллаштириш ҳаддан ортиқ қийин ва чигал машғулотдир.

Айни чоқда, мутаржимлик фаолиятига қанча аниқ таъриф берилса, унинг бадий тури алоҳида тадқиққа муносиблиги шунча аён бўлади. Бадий таржима, фақат ўз асос-негизига кўра, умумий таржимачилик муаммолари билан боғланади, холос. Бу алоқадорлик бор-йўғи шу маънодаки, бадий таржима – “сўз санъати”, демак, унинг “бирламчи унсури” –сўз. Бадий таржиманинг спецификасига доир фикр-мулоҳазалар тил қонуниятлари сатҳидан матн қонуниятлари сатҳига кўчирилиши шу маънода ҳеч нимани ўзгартирмайди, негаки, матнни – лингвистика ва адабиётшуносликнинг ўзаро “учрашув” жойи деб аташ мумкин.

Бизнингча, энг муҳим жиҳат шуки, таржима дефинициясини тартибга солиш учун кўпдан-кўп саъй-ҳаракатлар қилинаётган бир пайтда баъзи тадқиқотларда “одатдаги таржима” деганга ўхшаш иборалар ҳам пайдо бўлаётир. Бу ибора илк бор Р.Якобсоннинг “Таржиманинг лингвистик аспекти ҳақида” (1959) номли мақоласида ишлатилган ва мазкур мақолада “таржима” истилоҳига кенг семантик маъно юклатилган эди. Р.Якобсон “вербал” таржимани “одатдаги таржима” (“proper translation”) деб белгилади ва шундан сўнг бу ибора адабий таржимага доир тадқиқотларда янаям кўпроқ кузатила

бошланди. Р.В.Ветеноу “Ўзганинг санъат асари” (1969) китобида бу иборадан (“nur” eine Übersetzung”) “сўзма-сўз” таржима билан “эркин” таржима оралиғидаги “ўрта” йўлни ифодалаш учун фойдаланади ва бу йўлни –энг мақбул, энг тўғри деб ҳисоблайди (2).

Мазкур ибора, шунингдек, рус тилидаги илмий адабиётларда ҳам учрайди. Масалан, белорус олими П.Копанев таржима таърифидаги чигалликларни ўрганар экан (“сўзма-сўз”, “аниқ”, “ҳаққоний”, “адекват”, “тўлақонли”, “реалистик”, “функционал” ва ҳоказо), тарихий тажрибага таянган ҳолда, “одатдаги таржима” атамаси ўрнига “таржиманинг ўзи” атамасини таклиф этади. Ўз муносабати билан у қуйидагича ёзади: “Бу ўринда “таржиманинг ўзи” атамаси тиллараро коммуникациянинг мазкур учинчи йўналиши генезиси ва динамикасини таржимага доир тадқиқотларда кўп асрлик эксперимент ўлароқ эсга олинувчи идеал таржима ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқ ҳолда кўрсатиш учун баҳс-мунозара йўсинида ишлатилмоқда” (3).

1993 йили В.Коллер мазкур иборани кенг маънода қўллаш таклифи билан чиқди. У “Таржиманинг ўзи” тушунчаси ҳақида” номли мақоласида таржимани, бир томондан, “матнни қайта ишловчи хилма-хил фаолият” турларига (реферат, резюме, шарҳ ва ҳоказо), бошқа томондан эса, “бирламчи матн”га муносабати нуқтаи назаридан тадқиқ этиб, герменевтика таъсирида “нусха” (репродукция) ва “маҳсулот” (продукция) атамаларини истемолга киритди. Коллернинг фикрича, ҳамонки сўз, биринчиси – фақат “матний нусха олиш” билан чекланувчи, иккинчиси – ўзини “бирламчи матндан мустақил” сановчи таржималар ҳақида кетса, у ҳолда “ўрта” истилоҳ сифатида “таржиманинг ўзи” (eigentliche Übersetzung”) атамасига зарурат туғилади. Сабаби, мазкур атама ортида “ҳар бир таржима назариясининг бош муаммоси” – “эквивалент муносабатлар” муаммоси туради(4).

Янги терминологияга қарамай, “таржиманинг ўзи” ибораси аввалги “но-



илмий” даврда қўлланилган барчага тушунарли “таржима” лафзидан ҳеч нимаси билан фарқ қилмайди.

Замонавий илмий йўналишларнинг юзага келиши, гарчанд барча муаммоларни ҳал эта олмаган бўлса-да, аммо тадқиқот ишларини анча жонлантирди. Баҳс-мунозара илмий таржимашуносликда бугун ҳам энг кўп тарқалган амалиёт бўлиб қолаётир. Бунга юқорида зикр этилган “Адабиёт ва таржима: назария муаммолари” (Москва, 1993) учрашуви ҳам яққол мисол бўла олади. Турли-туман конференция, симпозиум, коллоквиум, икки томонлама ва кўп томонлама учрашувлар сира камаймаяпти, аксинча, ортиб борапти.

Албатта, Л.Келли ёзганидек, “хайриятки, яхши таржима ҳеч қачон адекват назарияга боғлиқ бўлмайди” (5). Дарҳақиқат, таржима усталари назариётчилар тавсиясига камдан-кам кулоқ тутди ва ҳатто кўпинча бундай тавсиялардан беҳабар ҳам бўлади. Лекин назарий фикр амалиётга билвосита кучли таъсир кўрсатади. Бу таъсир, масалан, танқидчилик орқали юзага чиқади, зеро, танқидчилик илмий асосга эга бўлмаса, қатъий мезонлардан маҳрум бўлади. Шунингдек, мазкур таъсир таржимонларни

тарбиялаш ва ўқитиш орқали юзага чиқиши ҳам мумкин, зеро, бундай таълим ва тарбия назариясиз шунчаки бир машғулотга айланиб қолади. Қолаверса, айти таъсир таҳририят-нашриёт тизими орқали ҳам юзага чиқади, зеро, таржима адабиёти ана шу тизим ёрдамида ўз ўқувчисига етиб боради.

Кейинги ўн йилликларда таржимашунослик амалиётга тепадан туриб, менсимай қарашга одатланмоқда. У кўпинча амалиётдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланаяпти, аммо ўзи унга деярли ёрдам бермаяпти. Бунинг устига, назария амалиётга ўз меъёрларини тикиштираяпти-ю, лекин ўзи амалиётдан меъёрларни ололмапти. Шундай дейишга асос етарли. Бугун назария ва амалиёт ўртасида, ниҳоят, табиий мувозанат тикланмоқда, бундай шароитда эса ижод назария учун хизмат қилмайди, балки назария ижод учун хизмат қилади.

Таржима назариясининг асосий муаммолари атрофида ҳали ҳам баҳс-мунозаралар тингани йўқ. Бу эса шуни яна бир бор тасдиқлайдики, биз филологиянинг ҳозирча ўз мавқеи ва тушунчаларини тўлиқ аниқлаб олмаган янги, ёш соҳаси билан иш кўрмоқдамиз.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Бауш К.Р. Сравнительное языкознание, прикладная лингвистика и перевод// Вопросы теории перевода в зарубежной лингвистике. -М.: 1978. -С. 55.
2. Wuthenow R.R. Das fremde Kunstwerk. Gottingen, 1969. -S. 179.
3. Копанев П.И., Беер Ф. Теория и практика письменного перевода –Минск. 1986. С.34.
4. Қаранг: Traducere navem. Festschrift fur K.Reiss zum 70. Geburtstag (Hrsg. Von I. Hotz. Manttari und ch. Nord). Tampere, 1993, -S. 61.
5. Kelly L.G. The true Interpreter. A History of Translation. Theory and Praticce in the West, Southampton, 1979.- P. 4.

*Холбеков М. Размышления о теории перевода. В статье представлены размышления о проблемах теории перевода. Вместе с этим, прилагаются точки зрения авторы по поводу решения проблем, связанных с процессом перевода.*

*Xolbekov M. Thoughts over theory of translation. The article presents author's thoughts upon the problems of theory of translation. Alongwith, author's points of view on salvation of these problems have been applied.*





## ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ МИЛЛИЙ КОРПУСИДА ЛЕКСИК СИНОНИМЛАРНИ БЕРИШ МАСАЛАСИ

*Данияров Бахтиёр Худайбердиевич,  
НавДПИ ф.ф.н., доцент*

**Калит сўзлар:** *Электрон луғатлар, компьютер лексикографияси, кодлаш ҳамда декодлаш принципи, корпус лингвистикаси, матн корпуси, миллий корпус, тил корпуси, синонимлар базаси, синонимлар корпуси.*

Тилшуносликка компьютер технологияларининг жадаллик билан кириб келиши, электрон луғатлар яратилиши компьютер лексикографияси йўналишининг шаклланишига олиб келди. Компьютер лексикографияси амалий тилшуносликнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унда лингвистик ва дастурий таъминот асосида ишлайдиган, кодлаш ҳамда декодлаш принципи асосида яратилган компьютер луғатлари, уларни тузиш дастурлари, алгоритмлари ўрганилади [3.85].

Компьютер ёрдамида яратилган электрон луғатлар китобий луғатлардан бир қанча қулайликларга эгаллиги билан ажралиб туради. Улардан фойдаланишнинг афзаллиги тилшуносларнинг ихчамлиги электрон луғатларга нисбатан бир неча баробар юқори бўлган лойиҳаларни амалга оширишларига туртки бўлди. Компьютер лексикографиясининг тараккий этиши билан тилшуносликда корпус лингвистикаси йўналиши пайдо бўлди.

Компьютер лексикографиясини электрон матнлар корпуси ёки параллель матнлар корпусларисиз тазаввур қилиш мумкин эмас. Матнлар корпуси («corpus» лотинча «тана» деган маънони англатади) - бу электрон ҳолда сақланадиган муайян тил бирликлари бўлиб, улар тилшунослар томонидан турли хил муаммоларни ҳал этиш ҳамда турли йўналишдаги тадқиқотлар учун заруриятга қараб турли шаклларда тузилади. Булар фонема, графема, морфемалардан тортиб ундан каттароқ бирликлар - лексема, гап ва матнлардан (бадий ёки илмий асар, газета ва журнал матнлари) ташкил топиши

мумкин. Уларнинг қай тарзда сақланишига қараб махсус дастурлар ёрдамида ҳар бир керакли сўз ёки сўз бирикмаси учун унинг қўлланиши бўйича дарҳол мисоллар топилиши, имло бўйича вариантлари, синонимик қаторлари топилиши мумкин. Матнлар корпусига оид илмий тадқиқотлар салмоғининг кўпайиши натижасида тилшуносликда корпус лингвистикаси йўналиши шаклланди [3.86]. Жаҳон тилларининг жуда кўпчилиги мукамаллик даражаси, матнни қайта ишлаш имконияти билан фарқ қилувчи ўз миллий корпусларига эга [6.4] лиги тилшуносликнинг бу соҳасида анча-мунча ишлар қилинганидан далолат беради. Ўзбек тилшунос олимлари ҳам корпус лингвистикасининг амалий аҳамияти нақадар катта эканлиги тўғрисида ўзларининг қимматли фикрларини билдириб ўтишган: корпус - тил бирликларининг хусусиятларини аниқлаш мақсадида қидирув дастурига бўйсундирилган матнлар мажмуи, табиий тилдаги электрон шаклда сақланадиган ёзма ёки оғзаки, компьютерлаштирилган қидирув тизимида дастурий таъминот асосида жойлаштирилган он-лайн ёки офф-лайн тизимида ишлайдиган матнлар жамланмасидир. Тил корпуслари - тил бўйича тадқиқот ва амалий топшириқлар ечими учун инкор этиб бўлмас иш курали. У оддий электрон кутубхонадан фарқланади. Электрон кутубхонанинг мақсади - халқнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий, иқтисодий ҳаётини акс эттирувчи бадий ва публицистик асарларни нисбатан тўлиқ камраб олишга эришишдир. Электрон кутубхона матнлари тил нуқтаи назаридан ишлов



берилмаганлиги сабабли тадқиқотлар учун ноқулайлик туғдиради. Чунки электрон кутубхона илмий тадқиқот материали базасини тайёрлаш мақсадида тузилмайди, балки миллий-маънавий меросни жамлашни мақсад қилган бўлади. Тил корпуси эса электрон кутубхонадан фарқли ўлароқ, тилни ўрганиш ва тадқиқ қилиш учун зарур, фойдали ва қизиқарли матнларни тўплашни назарда тутди. Корпусни электрон кутубхонадан ажратиб турувчи биринчи омил ундаги матннинг хусусияти ва қўшимча маълумот билан бойитилгани ҳисобланади ҳамда бу белги корпуснинг алоҳида қисми - корпус бирликларига ёзилган изоҳни ташкил этади. Фойдаланувчига бирор сўз керак бўлса, буни одатий матн муҳаррири ҳам топиб беради. Лекин матндаги тил ҳодисасининг маъноси, мазмуни ва тузилишини «тушунадиган» дастурий тизим билан ишлаш жуда афзал ва қулай. Тил бирлигини қидириш, керак бўлса, бундай дастурий таъминот корпус тадқиқотчи ёки фойдаланувчига жуда катта ёрдам бериши мумкин. Агар тадқиқотчи ўз иши учун мисоллар топиш, уларни картотекага (компьютер технологиялари ривожланишидан олдинги даврда) кўчиришга ойнаб, баъзан йиллаб вақт сарфлаган бўлса, бугун дунё тил корпуслари ёрдамида санокли дақиқада юзлаб мисоллар топиш, улар устида ишлаш имконига эга бўлди. Махсус қидирув тизими корпусдан маълумот олишга мўлжалланган бир қанча дастурдан иборат. У статистик ахборот ва қидирув натижасини фойдаланувчига қулай шаклда тақдим эта олади. Тилда қандай жараён кечаётганини аниқ тасаввур қилиш учун корпус қамровини янада кенгайтириш, нафақат ёзма, балки оғзаки нутқ материалидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бундай корпус ёрдамида тараққиёт натижасида тилда содир бўлган ва кутилаётган ўзгариш ҳақида аниқ хулоса чиқариш мумкин [1].

Бугунги кунда халқаро талаблар асосида компьютер дастурлари ёрдамида лингвистик маълумотлар базалари яратилмоқда. Хусусан, ўзбек тилидаги

синоним қаторларни ҳозирги замон (масалан, халқаро ЛИНГВО дастури) талаблари доирасида санаб чиқиш, изоҳлаш лингвистик компьютер дастурларнинг унумдорлигини оширишдаги долзарб масалалардан биридир. Синоним қаторлардаги сўзларни изоҳлаш қуйидаги умумжаҳон мезонлар асосида олиб борилади:

Ўзбек тилида

1. Туркуми.
2. Синонимик қатор.
3. Тарифи / изоҳи.
4. Ишлатилиши: кам, ўрта, кенг.
5. Услуби: бадий, сўзлашув, расмий, илмий.
6. Даражаси: кучсиз, нейтрал, кучли.
7. Роли: ижобий, бетараф, салбий.
8. Соҳаси(доираси).
9. Муқобили.
10. Мисол [2.324].

Юқорида келтирилган разметка асосида ўзбек тилидаги синоним сўзларни изоҳлаш бўйича умумжаҳон мезонлари кўрсатиб ўтилган, албатта. Юқоридаги 10 та тасниф асосида синонимлар базасини яратиш учун дастлаб лингвистик маълумотлар омбори яратилиб, ундан сўнг электрон дастур яратилади. Мисол учун, бугунги кунда кишилар ўртасидаги мулоқот жараёнида энг кўп қўлланувчи инглиз тилида ҳам синонимлар базаси яратилган, у қуйидагича кетма-кетликдаги разметкаланганлигини кўришимиз мумкин.

Инглиз тилида:

Criterion

1. Type.
2. Synonyms.
3. Definition, commentary.
4. Using: infrequent, normal, frequent.
5. Style: artistic, colloquial, formal, scientific.
6. Degree: weak, neutral, strong.
7. Color: positive, neutral, strong.
8. Sphere.
9. Equivalent.
10. Example [2.324].

Тадқиқотчи А.Эшмунинов ўзбек тилида синонимлар корпусини яратиш учун ўзбек тилшунослигида синонимия



соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ва луғатлар асосида иш кўриш лозимлигини қайд этади ҳамда ўзбек тилида синоним сўзларнинг изоҳига бағишланган луғатлар келгусида синонимларни лексик-семантик разметкашга тўлақонли хизмат қила олмаслигини таъкидлайди. Негаки, ўзбек тили синонимларига доир лексикографик асарларни яратиш у қадар такомиллаштирилмаган. Холбуки, хорижий тилшунослик бу борада анча илғор эканлигини қайд қилиб ўтиб, таққос ва мулоҳаза учун “Рус тили синонимларининг луғат-тезarusи”ни келтиради [4].

Юқорида келтилган луғат структур тилшунослик тамойиллари асосида тузилган бўлиб, ўзбек тилида бундай тоифадаги луғатлар (“Ўзбек тилининг маънодош сўзлар ўқув луғати”, “Ўзбек тилининг сўзлар даражаланиш ўқув луғати”ни инобатга олмаганда) тузилган эмас. Мавжудлари ҳам соф ўқув характерида бўлиб, ўзида илмий муаммога тахлилий муносабатни ифода эта олмайди. Ваҳоланки, синоним сўзлар бу, аниқ семантик алоқа (муносабат) асосида боғланган луғавий бирликларнинг аниқ (конкрет) тизимидир. Худди мана шу аниқ семантик алоқа асосида боғланган лексик парадигмалар, ўз навбатида, яхлит бир микроузимни ташкил қилади. Қайсики, бу микроузим доирасида ҳар бир элементнинг мавжуд маънолари билан ўзаро боғланиш (алоқа)га киришиши асосида намоён бўлади.

Кўринадик, ўзбек тилида яратилган синонимлар луғатлари келгусида синонимларни лексик-семантик (лексик-семантик гуруҳларга кўра) разметкашга кўпам ёрдам бермайди. Бу эса разметкаш жараёнининг аниқлигига таъсир этмай қолмайди. Шунга қарамай, улардаги синонимларга берилган шарҳ ва тавсифдан асос манба сифатида фойдаланилади [4]. Шунга қарамай, тадқиқотчи А.Эшмуинов ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси яратилганлигини алоҳида қайд этиб ўтади. У қуйидаги разметка асосида таснифланган:

Сўз туркуми.

Маъноси.

Этимологияси .

Ясалиши.

Тузилиши.

Рус тилидаги муқобили.

Инглиз тилидаги муқобили.

Даражаланиш қатори.

Ижобий, салбийлигига кўра.

Ишлатилиш миқдорига кўра.

Омоними .

Пароними .

Антоними.

Ишлатилиши (мисоли) [5].

Тадқиқотчи томонидан яратилган ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси он-лайн тартибида энг кўп синоним сўз сифатида тахлилга олинган юз лексемасининг тахлили қуйидагича.

*Юз*

Туркуми: от

Маъноси: Одам бошининг олд томони, олд томондан кўриниши; бет

Этимологияси: Соф туркий сўз. Юз бошнинг бурун жойлашган олд қисми, “афт” Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу кўп маъноли от дастлаб ю:з тарзида талаффуз қилинган кейинроқ ў: унлисининг чўзикроқ шакли белгиси, ўзбек тилида юмшоқлик белгиси йўқолган йў:з-йўз-юз Таркиби: яхлит

Ясалиши: ясалмаган.

Тузилиши: содда туб.

Рус тилидаги муқобили: литсо.

Инглиз тилидаги муқобили: face.

Даражаланиш қатори: юз-бет-афт-чехра-башара-турк.

Омоними: юз (сон, юзта нон).

Пароними: мавжуд эмас.

Антоними: мавжуд эмас.

*Ишлатилиши: Аҳмад қилиб қўйган ишидан кўрқиб, юзи оқарди.*

Бугунги кунда ўзбек тили миллий корпусининг лексик синонимлар базаси яратилган, у интернет тармоғида он-лайн тартибида ишлаб турибди. Ушбу дастурни мукамалроқ ҳолга келтириш ва уни маълумотлар билан тўлдириш ҳамда ўзбек тили Миллий корпусини яратишни



кечиктириб бўлмас вазифа деб ҳисобламоғимиз даркор.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Менглиев Б., Бобожонов С., Ҳамроева Ш. Ўзбек тилининг миллий корпуси // Ма'rifat, 2018.04.06.
2. Пўлатов А. Компьютер лингвистикаси-Т.:2011, 399.
3. Раҳимов А. Компьютер лингвистикаси асослари. 2011. 189.
4. Эшмуминов А. Ўзбек миллий корпусини яратиш муаммолари// Илм сарчашмалари, 2019.-№ 6.
5. Эшмуминов А. Ўзбек тили миллий корпусининг синонимик базасини яратиш меъёрлари // Сўз санъати, 2019.-№ 1.
6. Ҳамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари ф.ф.д (PhD) дисс автореф. Қарши, 2018, 24.

*Данияров Б. Проблема лексических синонимов в национальном корпусе узбекского языка. В статье анализируется развитие компьютерной лексикографии, практическое значение корпусной лингвистики, создание лингвистической базы сведений о языке с помощью компьютерных программ по международным требованиям, характеристика синонимических рядов узбекского языка на основе современных требований (например, международная программа ЛИНГВО). А также, раскрыта задача изучения лексических синонимов на национальном корпусе узбекского языка.*

*Daniyarov B. The problem of lexic synonyms in national corps of the Uzbek language. The article analyzes development of lexicography of computer, practical importance of corps linguistic and helps to create basis of linguistic informations with computer programs based on national demands, synonymic lines in Uzbek language, explain demands of present tense are analysed. (For example National LINGVO). So, in Uzbek Language's National Corps to learn lexic synonyms are illuminated.*



## АНАФОРИЧЕСКАЯ ЕДИНИЦА КАК МАРКЕР ДИСКУРСИВНОЙ ЗНАЧИМОСТИ СЕГМЕНТА ТЕКСТА

*Киселёв Дмитрий,  
к.ф.н. СамГИИЯ*

*Ключевые слова: дискурс, текст, анафора, анафорические отношения, дискурсивная значимость, дискурсивный фокус, дискурсивная память, маркер.*

Текст характеризуется, в первую очередь, связностью и динамической (тематической) прогрессией. Последняя подразумевает введение в пространство текста новой информации, которая должна быть связана с предыдущей (уже известной) и содержать некоторую информационную новизну, которая, естественно, привлекает внимание читателя/слушателя, способствуя, таким образом, выстраиванию смысла. Среди способов выделения информации в текстовом пространстве исследователи отмечают, в первую очередь, топикализацию (тематизацию) и фокусировку [Col 2012: 2-3].

Один из авторитетных исследователей этих явлений, В. Чейф рассматривает топик как совокупность мыслей в сознание говорящего, а также как ментальное представление говорящего о том, что присутствует в сознании адресата речи [Chafe 1998: 110]. Таким образом, топик воспринимается как информация, содержащаяся в сознании как говорящего, так и слушателя. Такой подход является логическим продолжением т.н. "сценического" подхода к дискурсу, согласно которому, всякий дискурс представляет собой сцену, на которую для слушателя/читателя выводятся различные темы, к которым говорящий может впоследствии вернуться. По мнению исследователя, топик устанавливает пространственные, временные или индивидуальные рамки, которые ограничивают применимость общей предикации к некоторой ограниченной сфере [Chafe 1998: 110].

Если согласиться с этой точкой зрения, то следует признать, что новая

идея требует значительного когнитивного усилия, как со стороны говорящего, так и со стороны слушающего, для того, чтобы быть адекватно понятой. Топик же, напротив, представляется как информация доступная, полностью активная в сознании говорящего и слушающего. Таким образом, В. Чейф приравнивает топик к общей (для коммуникантов) информации, подчеркивая, что их восприятие требует от коммуникантов "слабого" когнитивного усилия.

С этой точкой зрения в целом соглашается Дж. Хайман [Haiman 1978], который, отвергая определение топика посредством категорий новая/старая информация, встает на защиту того же "сценического" подхода, утверждая, что топик представляет собой данность, чье существование приемлют говорящий и слушающий, и, как следствие, топик образует рамки последующего дискурса [Haiman 1978: 585]. Таким образом, топик может быть приравнен к пресупозиции.

Дискурсивный подход также присутствует в определении топика, которое дает М. Шаролль [Charolles 1997: 2-3]. Его определение можно отнести к т.н. "рамочному" подходу, представленному в работах Г. Фоконнье [Fauconnier 1984; 1997], согласно которому лингвистические единицы способствуют разделению информации, содержащейся в дискурсе, и ее распределению в различные "ментальные пространства" ("espaces mentaux"), или "дискурсивные рамки" ("cadres discursifs ") [Fauconnier 1984]. Эта сегментация информации является когнитивной функцией, направленной на некое управление читателем/слушателем в



процессе осмысления информации, поэтапно сообщаемой в дискурсе.

Топикализации традиционно противопоставляют фокусировку (focalisation), однако единого мнения по этому вопросу у исследователей не наблюдается [Col 2012: 3]. Так, Ф. Невё определяет топикализацию/тематизацию как операцию выделения темы, а фокусировку как операцию выделения ремы [Neveu 2000: 44]. Если обратиться к принципам дифференциации, сформулированным А. Бертудом [Berthoud 1996], а затем и Ф. Невё [Neveu 2000], то тема чаще всего рассматривается в как явление уровня предложения, а топик как явление дискурсивного порядка. Вышеизложенные определения В. Чейфа и Дж. Хаймана также относятся к уровню дискурса, в то время как М. Шаролль [Charolles 1997: 71-72] обращает большее внимание на выполняемую функцию: топикализация направлена на ввод дискурсивных рамок, в то время как фокусировка нацелена на их сужение.

Следует признать, что понятие "топикализация", как впрочем и многие другие лингвистические понятия, недостаточно устойчиво и зачастую представляется в слишком обобщенном виде. Так, Х. Нольке отмечает некоторое смешение понятий, когда речь идет о топикализации и фокусировании, которые он дифференцирует как явление синтаксическое (топикализация) и просодическое (фокусирование) [Nølke 1994: 127-128]. В то же время, лингвисты сходятся во мнении относительно того, что определяется термином "фокус" ("focus", "foyer"): это сегмент дискурса, который, будучи выделенным говорящим определенным способом, несет в себе существенную информацию ("information essentielle") [Nølke 1994: 128]. Таким образом, фокус оказывается явлением напрямую связанным с моментом речи.

Х. Нольке отождествляет со значением "существенная информация" идею концентрации, выражаемую посредством термина "фокус", поэтому для исследователя "сфокусировать" означает

"привлечь внимание" [Nølke 1994: 128]. Фокус привлекает внимание не только к сегменту предложения или текста в целом, но также и к той роли, которую играет данный элемент по отношению к другим элементам текста. Подобное видение феномена позволяет оторваться от традиционной оппозиции, связанной с тема-рематическим членением или введением новой/старой информации, и подойти к прагматическому (интенциональному) аспекту фокуса. В этой связи Х. Нольке подчеркивает, что лингвистическое фокусирование служит для того, чтобы представить выделенный элемент как результат выбора, сделанного в рамках той или иной парадигмы, при этом выбор всегда совершается с определенной целью [Nølke 1994: 129]. Таким образом, прагматическая целеустановка оказывается определяющим фактором в процессе дискурсивной фокусировки.

В ряде своих работ Г. Фоконнье [Fauconnier 1984; 1997] исследует процесс установления ментальных представлений по мере развития дискурса, будь то устного или письменного. Обращаясь к лингвистическим явлениям (синтаксические структуры, маркеры времени, вида, местоимения и др.) и прагматическим стратегиям, он анализирует операции формирования этих представлений, которые он обозначает термином "пространства" ("espaces"). По мнению исследователя, эти ментальные пространства не суть репрезентация объективной реальности, а скорее отражение способа мышления и общения коммуникантов. Если следовать этой логике, то ментальные пространства образуются поступательно, по мере того, как разворачивается дискурс, при этом одно пространство вытекает из другого. Появление в дискурсе нового предложения означает открытие нового пространства. Такое прогрессивное построение пространств соотносится с процессом обработки информации путем ее разделения на различные когнитивные сферы ("пространства знаний", "espaces de



connaissance"), которые связаны друг с другом различным образом. Преимущество подхода Г. Фоконнье заключается в рассмотрении лингвистических структур в качестве указаний по формированию пространств. При этом следует отметить, что в качестве средств дискурсивной фокусировки выделяются не только просодические средства и выделительные синтаксические конструкции, но практически все грамматические средства выражения, в частности, грамматические времена.

Подобный подход представляет построение смысла как распространение подструктур в рамках сложной когнитивной структуры (конфигурации) – пространства выстраиваются в определенной последовательности, что позволяет коммуникантам ориентироваться внутри конфигурации. Закономерно, что феномен фокусирования занимает ключевое место в этой теории, так как переход от одного пространства к другому сопровождается переменной фокуса, и так на протяжении всего дискурса (текста). Следовательно, дискурсивное фокусирование следует считать одной из базовых операций по выстраиванию смысла как отдельного предложения, так и всего текста.

Теоретический подход Г. Фоконнье трактует дискурсивный фокус как конститутивный элемент высказывания [Col 2012: 6]. Основная роль в реализации фокусирования отводится не столько специальным синтаксическим оборотам, сколько "текущим" грамматическим маркерам. Если это положение толковать расширительно, то можно предположить, что выстраивание смысла состоит именно в осознании событий, процессов, явлений, которые последовательно попадают в дискурсивный фокус. Как следствие, фокус следует считать вездесущим, присутствующим на различных уровнях. При этом возникает потребность в дифференциации операции общего фокусирования, т.е. переноса внимания от одного представления к другому (это сближается с "топикализацией" М.

Шаролля, описанной выше), от операции по привлечению особого внимания к отдельным сегментам высказывания, т.е. повышая степень фокусирования, что также сближается с определением М. Шаролля [Charolles 1997].

Теория Г. Фоконнье также определяет фокус как средство введения новых дискурсивных рамок или вербальной сцены, основываясь на общих представлениях коммуникантов [Fauconnier 1997: 128]. Хотя это вступает в противоречие с мнением М. Шаролля, определяющего фокус как процесс сужения, обобщение Г. Фоконнье кажется более обоснованным в силу того, что и топикализация, и фокусирование предоставляют возможность: а) открыть новые дискурсивные рамки, новое ментальное пространство или сцену; б) перенести (перевести) внимание на тот или иной сегмент дискурса.

Фокусировка внимания на том или ином сегменте дискурса означает придание ему определенной значимости. Изначально само понятие значимости (фр. "sailance") не является собственно лингвистическим. Прежде всего, оно относится к самым общим механизмам человеческого познания и когнитивной деятельности, таким как категоризация, перцептивная инвариантность, иерархизация представлений и т.д. [Col 2012: 7]. Учитывая такой общий и многофакторный характер значимости, довольно проблематично дать ей простое и, вместе с тем, емкое определение. В лингвистическом плане термин "значимость" используется с отсылкой к таким понятиям как важность, (внезапное) возникновение, способность запомнить последние элементы некоторой последовательности, т.е. заметить и выделить для себя некий элемент среди подобных в данном контексте.

Критерий активации (выделения) может считаться ключевым в рамках придания значимости. В когнитивном плане он соответствует процессу привлечения внимания. Ф. Ландражен [Landragin 2004] различает два типа



значимости: а) значимость, связанную с формой высказывания (просодическая или морфологическая форма, порядок или частотность слов в высказывании, лексическая форма, зависящая от природы употребляемых слов, например имен собственных и т.д.), которую обозначают как "физическую значимость" ("saillance physique", "P-saillance") и б) значимость, связанную с содержанием высказывания и его перлокутивным потенциалом, которую обозначают термином "когнитивная значимость" ("saillance cognitive", "C-saillance").

Значимость в лингвистической трактовке термина тесно связана с феноменами сингулярности (единичности) и непрерывности (континуума) [Col 2012: 7-8]. Изолирование (дискурсивное или визуальное) той или иной единицы или разрыв в континууме, например ритмическом, также как и повторение или симметрия обуславливают значимость элемента. Кажущийся противоречивый характер значимости (совмещение процессов сингуляризации и генерализации) находит объяснение, если провести параллель с дифференциацией двух типов внимания: внимание выборочное (умение сфокусироваться на одном сообщении, игнорируя другие, но маловажные, одновременно поступающие сообщения) и внимание разделенное (умение воспринимать и обрабатывать информацию, идущую одновременно из двух разных источников). Выборочное внимание обуславливает единичность как характеристику значимости, а разделенное внимание обеспечивает синтез получаемой информации и ее последующее обобщение.

Исходя из вышесказанного, можно отметить общность значимости и фокуса в том плане, что фокус следует рассматривать как частный случай значимости, направленный на выделение и сингуляризацию того или иного элемента дискурса. Из этого утверждения можно предположить, что фокус также наделен

способностью "придавать" дискурсивную значимость.

Проведенные практические исследования, в частности [Col 2012: 12-17], убедительно демонстрируют, что местоимения образуют референтное единство со значимыми сегментами дискурса, при том, что использование специальных выделительных конструкций или изменение порядка слов для дискурсивной фокусировки местоимений совершенно необязательно. Таким образом, можно заключить, что анафорическая единица связана с дискурсивно значимым сегментом дискурса, и, следовательно, анафоризация того или иного сегмента дискурса является признаком его (сегмента) дискурсивной значимости.

Исходя из вышесказанного и опираясь на результаты настоящего исследования, мы предлагаем концептуально новое толкование феномена анафоры, согласно которому анафорические отношения в двух взаимосвязанных планах: дискурсивном и прагматическом. Так, в дискурсивном плане, анафорические отношения – между анафорической единицей и референтом – обеспечивают реализацию ключевых категорий текста (связность, когерентность, тематическая прогрессия). В прагматическом плане, анафорическая единица, отсылающая к определенному сегменту текста (референту), активизирует его в дискурсивной памяти коммуниканта, подчеркивает его значимость в содержательном (когнитивном) смысле и фокусирует на нем внимание. Соответственно, анафоризация того или иного сегмента текста является признаком (маркером) его дискурсивной значимости. Идентификация референта не только обеспечивает адекватную интерпретацию анафорической единицы, но и позволяет выделить в пространстве текста дискурсивно значимый сегмент. В целом, дискурсивная и прагматическая сущность анафорических отношений может быть представлена в виде следующей схемы:






Рис.1 Дискурсивный и прагматический аспекты анафорических отношений

В сущности, целью дискурсивного фокусирования является намеренное привлечение внимание к определенному сегменту дискурса на каком-то этапе выстраивания смысла высказывания и в целом дискурса (текста), а то, что попадает в фокус является средством (инструкцией) по выстраиванию смысла. Феномен дискурсивного фокусирования следует считать частной формой общего процесса придания значения (*saillance*), опирающейся на принцип единичности. Инструментами придания значимости чаще всего бывают просодические или синтаксические средства, но этим инвентарь средств не исчерпывается. Попадание того или иного сегмента дискурса в фокус не означает изменение общего порядка обработки сегментов дискурса – все они участвуют в выстраивании вербальной сцены и общего смысла.

#### Список использованной литературы:

1. Berthoud A.-C. Paroles à propos. Gap: Ophrys, 1996.
2. Chafe W. Language and the Flow of Thought / M. Tomasello (ed.) The New Psychology of Language. Vol. 1: Cognitive and Functional Approaches to Language Structure. Lawrence Erlbaum, 1998. P. 93-111.
3. Charolles M. L'encadrement du discours. Univers, champs, domaines et espaces // Cahiers de Recherche Linguistique, n°6. LANDISCO (URA 1035). Université de Nancy 2, 1997. P. 1-73.
4. Col G. Focalisation, saillance et instruction de construction du sens / Paul Cappeau P., Hanote S. (éd). Focalisation(s) : saillance dans les langues : lexicque, syntaxe, prosodie. Paris, 2012.
5. Fauconnier G. Espaces mentaux. Aspects de la construction du sens dans les langues naturelles. Minuit, 1984.
6. Fauconnier G. Mappings in Thought and Language. Cambridge : Cambridge University Press, 1997.
7. Haiman J. Conditionals are Topics // Language. – 1978. vol. 54(3). -pp. 564-589.
8. Landragin F. Saillance physique et saillance cognitive / CORELA - Cognition, Représentation, Langage. – 2004. - 2(2).
9. Neveu F. Lexique des notions linguistiques. coll. 128. Nathan, 2000.
10. Nølke H. Linguistique modulaire: de la forme au sens. Ed. Peeters. Louvain-Paris, 1994. 297 p.



**Киселёв Д. Анафорик бирлик матн бўлагининг қийматини белгиловчи қўрсаткич сифатида.** Анъанага биноан анафора ҳодисаси структур жиҳатдан қаралиб, асосий эътибор референтнинг маконлашуви, маънонинг сақланиши кабилар берилган. Анафорага нисбатан дискурсив хотира назариясининг татбиқ қилиниши ва "дискурсив қиймат", "фокус" тушунчаларининг киритилиши анафорик бирликларнинг вазифасини матн бўлагининг қийматини белгиловчи қўрсаткич сифатида талқин қилинишига имкон яратди.

**Kiselyov D. Anaphoric unit as a marker of discursive significance of a text segment.** Traditionally, anaphora was considered in the structure plan, and the study was focused on such aspects as the referent's location, the preservation of the semantic volume of the referent or its change, etc. The application of the theory of discursive memory and introduction of notions of "discursive salience" and "focus" in relation to the anaphora have helped to identify the functional component anaphoric unit as a marker of discursive importance of text segments.



## МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ РИВОЖЛАНИШИДА ЖАДИДЧИЛИК МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Амриддинова Дилрабо,  
СамДЧТИ доценти*

**Калит сўзлар ва иборалар:** маърифий қадриятлар, тараққийпарвар ғоялар, маънавий мерос, комил инсон, комил инсон концепцияси, миллий ифтихор.

Жаҳон илмий-фалсафий мероси тараққиёти тарихида жадид маърифатпарварлигининг ижтимоий-фалсафий ғояларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан илмий-назарий тадқиқ этиш ёшлар миллий-маънавий қиёфасини шакллантиришда, уларни ахлоқий юксалтиришда, турли хил ёт ғоялардан сақлаш, ғоявий таҳдидлардан ҳамда улар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришда муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда буюк алломаларнинг илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни аждоқларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлар самарасини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. “Биз аждоқларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлида бормоқдамиз”<sup>1</sup>. Бу борада жадидларнинг нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида эътироф этилган Ватанга муҳаббат ва садоқат, бағрикенглик, оилани муқаддас қадрият сифатида эъзозлаш ва мустаҳкамлаш, маънавий огоҳлик, гуманизм ва маърифий ислом қадриятларига риоя этиш, комил инсонни тарбиялаш каби ғояларининг мазмунини

илмий асосда очиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тадқиқотда ёш авлодни халқимиз маънавий меросига ҳурмат, она юртимиз қадриятларига садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, жадидлар мафкурасида ҳозирги кунда ҳам долзарб бўлиб турган инсон маънавий камолоти ижтимоий жараёнларни фаоллаштириш, тараққийпарвар демократик институтларни вужудга келтириш, ўлкада ўзига хос миллий ривожланишни шакллантириш каби тарихий вазифалар жамланган эди.

Бу йўлда жадидлар ривожланган жамият яратишдек ўз ғояларини амалга оширишда мутаасиблик, лоқайдлик, қолоқликка қарши курашга алоҳида аҳамият берганлар. Бу вазифаларни амалга оширишда улар тараққийпарвар, билимли ёшларга таянганлар. Жадидлар тил ўрганиш ва фан-техника тараққиётининг аҳамиятига алоҳида эътибор бериб, Туркистоннинг ўтмишдаги ҳамда замонавий ҳолатининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда, унинг келажагини қуйидагича тасаввур қилганлар: кучли дунёвий ҳокимият, хусусий мулкнинг дахлсизлиги. Улар қурмоқчи бўлган давлат исломга ҳурматини сақланган ҳолда барча йўналишдаги маданиятларнинг эркин ривожланишига хайрхоҳ бўлиши лозим эди. Жадидлар халқнинг маданият даражасини халқаро савияга кўтаришни орзу қилганлар, бунинг учун эса ёшларни Европанинг энг яхши ўқув масканларида ўқитиш зарур, деб ҳисоблаганлар. Улар давлат келажаги ёшлар қўлидалигини жуда яхши англаганлар.

<sup>1</sup> Ўзбекистон республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. Т.: “Маънавият”, 2017.-184б.



Жадидлар ёшларга мурожаат қилиб, миллатнинг тараққиёти учун курашишга чақиради ва уларни миллат тараққиётининг пойдеворлари, деб тушунади. Улар бу масалада ёшларга мурожаат қилар экан, Туркистоннинг тараққиёти ва равнақи замонавий таълим-тарбия берадиган мактаб ва олий даргоҳларда таҳсил олиш, ислохотларни амалга ошириш ғайратли ёшларнинг ҳаракати маърифатпарварлиги, шижоати соясида вужудга келади дейди. Шунинг учун ҳар бир миллий ўзимизда мавжуд бўлган мушкул ишларда ёлғиз ёшларимизнинг илм салоҳиятидан умидвормиз ва улардан ёрдам сўраймиз деб ёзадилар. Жадид мактаби, илмнинг бешигидир. Бу бешикдан кейин албатта, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг бўлиши ва ёшлар таҳсилни шу тарзда, занжирсимон давом эттиришлари зарур.

Истиқлол ва юрт равнақи қайғуси билан яшаган жадидчилар замон кишисининг сиймосини белгилашда икки манбадан озиқ олдилар, бир томондан, улар миллий - маънавий анъаналарга суянган бўлса, иккинчи томондан, Оврупа тажрибасига мурожаат этган.

“Маданият тўлқинлари Осиёдан ўтиб, Оврупа қитъасини босган”, маҳаллий мутаассиб гуруҳлар ислохотларга тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатиб, халқни ортга жаҳолат ботқоғига тортаётган бир даврда жадидлар Оврупонинг илғор тажрибасига, хусусан, Оврупо фалсафаси ва адабиёти талқинидаги инсон концепциясига мурожаат этишга, Оврупо “Маданиятига киришмакка” интилади. Улар ўша давр шароитида инсон тарбияси соф миллий замин доирасида қолиши миллатнинг равнақини чеклаб қўйиши мумкинлигини яхши тушунганлар. Шунинг учун ҳам улар ўз изланишларида Ғарб тамойилларига мурожаат этганлар. Оврупо маданияти, Оврупода кенг тарқалган турли назариялар, хусусан, комил инсон концепцияси турли назариялар, турли йўллар билан жадидлар дунёқарашининг шаклланишига таъсир ўтказа бошлади.

XVIII аср француз маърифатпарварлари эса адолатли замоннинг барча фуқароларини дунёвий илмлар билан маърифатли қилиш орқали эришиш мумкин, деб чиқдилар. Улар маърифатли шахс деганда, биринчи навбатда, дунёвий илмлар билан қуролланган, тафаккурга эга бўлиш кераклигини эътиборга олганлар. Иккинчидан, ўз даври ижтимоий муҳит талаблари асосида шаклланган ахлоқ меъёрларига тўла риоя қилишни назарда тутганлар. Учинчидан эса, маърифатли киши, албатта, гуманизм руҳида (яъни бошқаларга эзгулик руҳида) тарбия топган бўлиши керак, деб тушунганлар.

Жадидлар Ғарб мамлакатларининг маънавий ҳаётида миллий анъаналаримиз, халқимиз руҳиятига тўғри келмайдиган жиҳатларни инкор этган ва комил инсонни тарбиялашда миллийликни бош мезон деб билганлар. Шу билан бирга, улар ўтмиш адабиёти ва унда ўз ифодасини топган комиллик асосларининг давр талабларига тўлиқ жавоб бермаслигини ҳам англаганлар.

Ғарб ва Шарқ инсоншунослигини пайванд қилишга интилган жадид ёзувчиларининг биргина ижобий қаҳрамонларга берган таърифида комилликнинг замонага мувофиқ “оврупоча андоза”си яққол кўзга ташланади. Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг “Падаркуш” драмасидаги зиёли тили билан давр қаҳрамонини тарбиялаш хусусида шундай фикр юритади: “Олими замоний бўлмоқ учун болаларни аввало мусулмоний хат ва саводуни чиқариб, зарурияти диния ва ўз миллатимиз тилини билатурган сўнгра ҳукуматимизни(нг) низомли мактабларига бермоқ керакдур... сўнг Петербург, Москов дорилфунунларига юбориб, доктурлик, закунчилик, инженерлик, судялик, илми санъат, илми иқтисод, илми ҳиммат, муаллимлик ва бошқа илмларни ўқитмоқ лозимдур”<sup>2</sup>.

Жадидлар матбуоти ана шундай ҳаққонийлик ва жасорат намунаси бўла

<sup>2</sup> Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. Т.: “Маънавият”-2009. 17 б.



олади. Асримизнинг 20-йилларидаёқ уларда миллий ўзликни англаш, миллий ифтихор ва ватанпарварлик ва халқ тақдири учун масъулият туйғуларини шакллантира олди.

Тарихий тажриба шуни кўрсатаптики, ўз даврининг кўзга кўринган ижтимоий-сиёсий оқими сифатида жадиличлик миллий ўз-ўзини англашнинг ўсишига ва миллий-озодлик мафкурасининг шаклланиши ва тараққиётига жуда катта хизмат қилди.

Етук маърифатпарвар Абдулла Авлоний миллат келажаги бўлган ёшлар тарбиясига, айниқса, уларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини умуминсоний кадриятларга мос қилиб тарбиялашга эътиборни қаратади. Унинг таъкидлашича, инсон ёшлигидан бошлаб яхши тарбия топиб, юксак маънавий фазилатларга эга

бўлиб, бузук хулқлардан сақланиб ўсган бўлса, бахтиёр ва осуда ҳаёт кечиради, ўзига, оиласига, жамоаси, халқи, миллати ва Ватанига беҳад катта наф келтиради.

Хулоса қилиб айтганда, жадиждлар замон кишисининг комиллик сифатларини белгилашда икки манбадан озиқ олдилар: бир томондан миллий ва исломий анъаналарга, хусусан, мутасаввуф алломаларнинг комил инсон ҳақидаги таълимотига таянган, уларни замон талабларига мувофиқ тарзда ривожлантирган бўлсалар, иккинчи тарафдан, Оврупо фалсафаси ва адабиётида ўз талқинини топган инсон концепциясидан давр ва ўзига хос миллий муҳит, халқнинг турмуш тарзи хусусиятларини эътиборга олган ҳолда унумли фойдаландилар.

#### Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. -Т.: “Маънавият”, 2017.-184 б.
2. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. Иккинчи жилд. –Тошкент: 1998, 28 бет.
3. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Тошкент: 1992, 27 бет.
4. Махмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. -Т.: “Маънавият”2009. 17 б.

*Амриддинова Д. Значение духовного наследия джадидизма в воспитании молодого поколения. В научной статье анализированы гуманистические идеи джадидизма в развитии общественно философской и педагогической мысли нашего народов. При этом приведены высказывания отдельных представителей этого просветительского движения в нашем регионе.*

*Amriddinova D. Importance of the spiritual heritage of jadidism in the education of the young generation. The scientific article analyzes the humanistic ideas of Jadidism in the development of social and philosophical and pedagogical thought of our peoples. At the same time, the statements of individual representatives of this educational movement in our region are given.*



## ОСИЁ-АМЕРИКА АДАБИЁТИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ИЖОДИДА МАВЗУЛАР КЎЛАМИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ

*Маматқулова Холида,  
СамДЧТИ ф.ф.номзоди*

**Калит сўзлар:** Америка адабиёти, Осие-Америка адабиёти, гибридлик, муштараклик, трансмаданият.

Замонавий Америка адабиётида 1960 йилларнинг охирига келиб барча этник гуруҳлар ҳақ-ҳуқуқлари учун курашларининг энг авжи палласида тўлиқ шаклланган Осие-америкашунослик интеграциялашув жараёнларига мос келганлиги боис XX асрнинг охири - XXI асрнинг бошларига келиб филологиянинг етакчи соҳаларидан бирига айланди. Элейн Ким “Осие-Америка адабиёти. Асарларга кириш ва уларнинг ижтимоий матни” (Elaine Kim. Asian-american literature. An Introduction to the Writings and their Social Context), Эми Линг “Дунёлар оралигида: Хитойдан келиб чиққан адибалар” (Between worlds: Women Writes of Chinese Ansetry), Х.Блум “Осие-америка адибалари” (Asian-american Women Writes) сингари дунё илмий жамоатчилиги тан олган олимлар эса ушбу соҳа назарий ва амалий асосларининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшдилар. Россияда М.Тлостанованинг “Мультимаданият-шунослик масаласи ва XX аср охири АҚШ адабиёти” номли китоби мазкур йўналишдаги илк ва энг мукамал тадқиқоти бўлиб келмоқда. Е.Бутенина, С.Коровина, О.Сидорова, Т.Лупачева каби олимларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Осие-америкашунослигини ўрганувчи ўзига хос майдон ҳосил бўлди<sup>3</sup>.

<sup>3</sup> Қаранг: Бутенина Е.М. Гибридная идентичность как литературная проблема. На материале китайско-американской женской прозы XX века. Дисс... канд. филол. наук. -М., 2006. Коровина С.Г. Творчество Эми Тан 1980-х-90-х гг. в контексте азиатско-американской литературной традиции: Дисс... канд. филол. наук. -Чита, 2002. Сидорова О.Г. Азиатский “акцент” в современной литературе США // Известия Уральского государственного университета. № 53. 2007. – С. 242-252. Лупачева Т. А.

Уларнинг фикрича, бир хил ижтимоий-сиёсий шароитда турли этник гуруҳлар адабиётида ўхшаш мафкура, ғоя ва қарашлар пайдо бўлиши, шу заминда бир-бирига яқин адабий ходисалар, оқимлар шаклланиши, муштарак образлар (ҳатто тасвирий усуллар) юзага келиши табиийдир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, улар бу масалага алоҳида ёндашдилар.

Осие-Америка адабиёти ёзувчиларининг кашф этилиши 1970 йилларда тузилган ва нашр этилган учта энг муҳим ва машҳур антологиялар билан бошланган десак хато қилмаймиз. Кай-ю Хсу и Хелен Палубинскас (Kai-yu Hsu) (Helen Palubinskas), Осие-америка ёзувчилари (*Asian-American Authors*, 1972), Осие-америка мероси: наср ва назм антологияси (Д.Н.Ванд, ed. *Asian American Heritage: An Anthology of Prose and Poetry*, 1974), Фрэнк Чин, Лосон Инада, Жеффри Пол Чан (Jeffery Paul Chan) ҳамда Шон Ванг (Shawn Wang) ҳамкорликда “Аййииии! Осие-америка ёзувчилари антологиясини (*Aiiieeeee! An Anthology of Asian-American Writers*, 1974) нашр қилдиришган [1.14.]. Осие-америка адабиёти бўйича мутахассис С.Э. Солбергнинг фикрича илк антология гарчи “жамиятшуносликдан мактаб дарслигидай” бўлишига қарамай бир авлод ортидан кўплаб бошқа тўпламларнинг нашр қилинишига, муҳими Осие-америка адабиёти ёзувчиларини янги асарлар яратишга руҳлантирган. Орадан йигирма йиллар ўтиб “Катта аййииии! Хитой-

Функционирование китайских вкраплений в произведениях американской писательницы Эми Тан: . Дисс... канд. филол. наук. -Владивосток., 2006.



америка ва япон-америка адабиёти антологияси (*The Big Aiiieeee! An Anthology of Chinese American and Japanese American Literature*, 1991) яратилган. 1990 йиллар ва ҳозирги кунгача Осиё-америка адабиётига тааллуқли кўплаб антологиялар тузилган. “Улғаяётган америкалик” (*Growing Up Asian American*, 1993), Осиё-Америка адабиёти. Антология (*Asian American Literature. An Anthology*, 2000), Осиё-америка жанубий-шарқий адабиёт (*Tilting the Continent. Southeast Asian American Writing*, 2000), “Тақиқланган сатрлар: Осиё-америка аёллар антологияси” (*The Forbidden Stitch: An Asian American Woman's Anthology*, 1989) ва бошқалар шулар жумласидан. Осиё-америка адабиёти таркибида турли гуруҳлар мавжуд бўлиб, ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, япон-америка адабиёти муаллифлари Ж.В.Хаустоннинг “Алвидо, Манзанар!” (J.V. Houston “Farewell to Manzanar!”), Жон Акаданинг “Йўқ, йўқ бола” (J. Okada “No-no boy”) асарларида қамокхоналардаги ҳаёт тасвирланган. Филлипин-америка ижодкорлари Б.Сантос “Олмалар хиди” (B. Santos “Scent of Apples”), К.Булосаннинг “Америка қалбимда” (K. Bulosan “America is in the Heart”) номли романларида эса бутунлай ўзгача руҳият, ўзгача мавзуларга дуч келамиз. Америка ва унга сингишиш асосий тушунчалардан ҳисобланади. Жинс ва жинслар ўртасидаги муносабатлар ҳам асосий мавзулардан ҳисобланади. Шу боис Осиё-Америка адабиётида феминистик йўналиш алоҳида кўзга ташланмоқда. Адабиётшунос Эми Линг “Дунёлар оралиғида: Хитойдан келиб чиққан адибалар” (*Between worlds: Women Writes of Chinese Ansetry*) номли китобида ўттиз тўртта машҳур ва машҳур бўлмаган хитой-америка адибаларининг асарларини кўриб чиққан, уларни тавсифлаб умумий ва ўзига хос хусусиятларига кенг тўхталган. Шунингдек, Осиё-Америка адабиёти вакилларининг асарларида умумий нуқта мавжуд. Бу нуқта-этник жиҳатдан ўз-ўзини англаш мавзусининг

ишланишидир [1.20]. Мавзу жиҳатдан яқинликдан ташқари Осиё-америка адабиёти матнларини бирлаштурувчи хусусиятлардан бири гендер ёндашувдир. “Осиёликлар ассимиляцияси. Осиё Америкасида муаллифликнинг гендер стратегиялари” (*Assimilating Asians. Gendered Strategies of Authorship in Asian America*, 2000) номли тадқиқотида Патриция Чу куйидаги фикрни эътироф этади: “Муаллиф эркалар ва муаллиф аёллар турли риторик стратегиялардан фойдаланиб асосий бадиий муаммонинг ечимини берадилар, яъни осие-америкалик шахсининг шаклланишини тасвирлайдилар” [3.4]. Ҳар бир муаллифнинг ўзига хослигини инкор этмаган ҳолда Сау-Линг Синтия Вонг интерматн мавзули тадқиқотни тавсия қилади. “Осиё-Америка адабиётини ўқиб. Эҳтиёждан исрофгарликкача” (*Reading Asian American Literature. From Necessity to Extravagance*, 1993) номли тадқиқотида Осиё-Америка адабиёти ҳамда мавжуд адабий анъналардаги индивидуалликни кўрсатган ва уларга хос бўлган умумий хусусиятларни аниқлашга ҳаракат қилган [10.12]. Вонг диққатини тўртта мавзуга қаратади: овқат, ўхшаш чеҳра тимсоли, сафарбарлик (америкаликка хос бўлган доим кўчиб юришларга интилиш) ва санъат. Шунга монанд фикрни Рейчел Ли “Осиё-америка адабиёти. Миллат ва транс миллатнинг гендер баёни” (*The Americas of Asian American Literature: Gendered Fiction of Nation and Transnation*, 1999) номли китобида келтиради: “Жинс ва сексуаллик Осиё-Америка ёзувчилари Американи эгаллашлари ва у ҳақида ёзишларида асосий тушунчалар бўлиб қолмоқда” [5.3]. Шунингдек, олимнинг таъкидлашича осие-америка муштараклигининг осие ва америкага бўлиниши нотўғри. Зеро, улар бир - бирига қарама - қарши бўлиши мумкин, лекин доимо ўзаро ҳаракатда бўладилар.

Дэвид Лейвей Ли (David Leiwei Li) 1990 йилларнинг охирида “Миллатни тасаввур этиб: Осиё-Америка адабиёти ва маданий битим” (*Imagining the Nation: Asian American Literature and Cultural Consent*, 1998) китоби-да мазкур атаманинг



таракқиётини таҳлил қилиб, адабиётини ўрганишни уч даврга бўлишни таклиф этади: Этник-миллий давр (1960 йиллар ва 1970 йилларнинг боши); феминистик давр, Максин Хонг Кингстоннинг “Жангчи аёл” (*The Woman Warrior*, 1976) бадиий таржимаи ҳолининг нашр қилинишидан бошланиб 1980 йилларни ўз ичига олади. Учинчи давр гетергlossия (турли талқин деган маънони англатиб Бахтиннинг атамасидан фойдаланилган) даври ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Лининг нуқтаи назарига кўра этник-миллий босқич фуқаролик ҳуқуқлари учун кураш ва Осиё-Америка ўрта ҳол синфининг шаклланиши билан хусусиятланади. Мазкур хусусият “Аййийиийи” гуруҳи вакилларининг ижодида намоён бўлиб, бир томондан “америка маданиятида инглиз-саксон маданияти устунлигини инкор қилсалар, иккинчи томондан мавжуд етакчи универсал маданий қадриятларни такрорладилар” [6.185-186]. Лининг эътирофига кўра “Максин Хонг Кингстоннинг “Жангчи аёл” (*The Woman Warrior*, 1976) асари 1976 йилда нашр қилингунига қадар жамият онгида Осиё-Америка муштараклиги деган тушунча мутлақо мавжуд бўлмаган. Шунга кўра, мазкур асар Осиё-Америка адабиётининг юзини ва мавқесини бир умрга ўзгартира олган” [6. 44]. Мазкур адабиётда унғача ҳеч қайси асар бундай натижага эга бўла олмаган.

Максин Хонг Кингстоннинг “Жангчи аёл” (*The Woman Warrior*, 1976) асари танқидчиларнинг назарига тушиб, китобхонлар орасида машхур бўлиб кетган. Натижада Осиё-Америка адабиёти ХХ аср мейнстрим америка адабиётининг таркибига кириб ўзининг қатъий ўрнини эгаллайди. Айнан 1976 йилдан феминистик давр бошланиши бежиз эмас. Мазкур даврда осие-америкаликнинг хусусий тарихга эга бўлиш ҳуқуқи тан олинган. Кейинчалик гетергlossия даврида “шахсий таржимаи ҳоллар жамоавий тарихлардан устунлик” хусусиятлари шаклланди. Шунингдек, осие-америкалик атамасининг маъносига янада аниқлик киритилган. “Осиёлик”-ирқий тавсиф бўлиб,

“америкалик”-миллий кўрсаткич сифатида эътироф этилган.

Сўнгги йилларда Хитой-америка адаблари: Эдит Мод Итон, Дайана Чанг, Эми Тан и Гиц Жен ва бошқаларнинг ижоди кенг кўламда ўрганилмоқда. Уларнинг орасида Максин Хонг Кингстоннинг ижоди энг кўп тадқиқот доирасига тортилган. Америка Замонавий Тил Ассоциацияси (Modern Language Association, MLA) маълумотларига кўра Максин Хонг Кингстон асарлари мультимаданиятшунослик бўйича курслар дастурларига тез-тез киритилади. Шерли Жек-Лин Лим раҳбарлигида нашрдан чиққан Максин Хонг Кингстоннинг “Жангчи аёл”ни ўқитишда ёндашувлар” (*Approaches to Teaching Kingston's The Woman Warrior*, 1991) китоби адиба ижодини юқори баҳолаган ва юксакликка кўтарган. “Хитой эркаклари” (*China Men*, 1980), “Маймун -саёхатлар устаси” (*Tripmaster Monkey*, 1989) каби асарлари адабиётдан ташқари жамиятшунослик, маданиятшунослик, этнология фанлари дастурларига ҳам киритилиб кенг кўламда ўрганилишига йўналтирилган. Максин Хонг Кингстон ижоди нафақат этник ёзувчиларнинг ижодлари билан қиёсий тадқиқ қилиниб, мавзуларнинг, тимсолларнинг муштараклигини аниқлашга қаратилган, балки китоблари европалик ва америкалик ижодкорларнинг асарлари билан таққосланиб ўрганилмоқда: Жойс ва Фицджеральд, Эзра Паунд ва Перл Бак, Жонатан Свифт, Жон Барт, Виржиния Вульф, Генри Жеймс, Гертруда Стайн, Хемингуэй ва Фолкнер, Владимир Набоков<sup>4</sup> ҳамда хитой адабиёти бўйича тадқиқотларга ҳам киритилган.

<sup>4</sup> Қаранг: Chuang, Kun-Liang. Nation, Migrancy, and Identity: The Negotiation of a Third Space in Joyce's Ulysses, Rushdie's The Satanic Verses and Kingston's Tripmaster Monkey: PhD diss. The George Washington University, 1995. 257 p. Huang, Yunte. The Poetics of Displacement: Ethnography, Translation, and Intertextual Travel in Twentieth-Century American Literature (Ezra Pound, Amy Lowell, John Yau, Maxine Hong Kingston, Pearl S. Buck): PhD diss. State University of New York at Buffalo, 1999. 219 p. Ch'ien, Evelyn Nien-Ming. Worlds of Exile: Nabokov, Rushdie, Kingston, Roy,





Максин Хонг Кингстоннинг ёш замондошлари Эми Тан (1952-) ва Гиш Жен (1956-) адабиётга муваффақият билан кириб келишган. Эми Таннинг илк романи “Ошхона маъбудининг рафиқаси” (*The Kitchen God's Wife*, 1991), “Юзта яширин сезги” (*The Hundred Secret Senses*, 1995) ва бошқалар катта шухрат қозонишган. Тадқиқотчиларнинг эътирофига кўра “Кувонч ва омад клуби”нинг нашр қилиниши АҚШ Осиё - Америка аёллар адабиётининг гуллаб-яшнашини таъминлаган. Шунингдек, улар адибанинг асарларида Толстой асарларидаги каби воқеалар оқими ва тафсилотлар мавжудлигини таъкидлашадилар. Эми Тан ижодида аёллар мавзуси марказий муаммолардан бўлиб ёш ва кекса авлод вакилларига бирдай ўрин ажратилган. Унда муаммонинг турли жиҳатлари, жумладан авлодлар ўртасидаги зиддият мавзусига кенг ўрин берилган.

Гиш Женнинг ижодида ҳам аёллар мавзуси кенг ёритилган. Муайян диссертациялар адиба асарларини ўрганишга бағишланган. Масалан, “XX аср хитой адабиётида оналар ва қизлар муносабатлари” тадқиқот мавзуси ҳисобланган. Ваҳоланки, унинг асарларида оталар ва қизлар мавзуси ҳам етарлича ёритилган.

XXI аср ёзувчилари ҳам Осиё-Америка адабиётининг саҳифаларини ёрқин асарлар билан бойитмоқдалар. Фируза Дюманинг 2003 йилда яратилган “Форс тилида кулгули” (*Firoozeh Dumas, “Funny in Farsi”*) деб номланган романлаштирилган таржимаи ҳолининг нашрдан чиқиши шундай асарлар жумласиндадир. Асарнинг “Эронлик қизнинг Америкада улғайиши ҳақида

хотиралари” (“*A Memoir of Growing Up Iranian in America*”) деган сарлавҳаси ҳам ифодали чиққан. Роман бир қанча адабий мукофотларга лойиқ топилган. Роман энг яхши юмористик асар сифатида бир қанча ўрта мактаб дастурларига киритилган. Келиб чиқиши Мароккодан бўлган Фатима Мернисси (*Fatima Mernissi*) “Чегараларнинг бузилиши ҳақида орзулар: ҳарамда болалик ҳақида ҳикоялар, 2005”, Озода Муверни (*Azadeh Mooverni*)нинг “Лаб бўёғига жиҳод: Америкада эронлик ва Эронда америкалик бўлиб улғайиш ҳақида хотиралар, 2005”, Эрондан келиб чиққан америкалик Жасмин Дарзник (*Jasmin Darznik*)нинг “Яхши қиз – онамнинг сирли ҳаёти ҳақида хотиралар” (2011) кенг муваффақият қозониб келаётган асарлар сирасига қиради.

Осиё-Америка адабиётини ўрганиш бўйича тадқиқотлар АҚШ ҳудудлари доирасидан чиқиб, дунё бўйлаб тарқалмоқда. 1987 йилда Германияда Карин Мейсенбургнинг хитой-америка адабиётига бағишланган “Девордаги ёзувлар” номли тадқиқоти нашр қилинган. Мазкур маълумотларни келтирган Кин-кок Ченнинг таъкидлашича, Италия, Польша, Франция, Испания ва бошқа мамлакатлардан жуда кўп тадқиқотчилар АҚШ га фақат Осиё-америка адабиётини ўрганиш учун ташриф буюрадилар [5.29].

Ўзбекистонда ҳам мазкур соҳа ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Мамлакатимизда америка адабиётига бўлган жуда катта қизиқишни ҳамда адабиётшунослигимизда Осиё-америка адабиётини ўрганиш янги соҳа эканлигини эътироф этамиз. Мазкур йўналиш қуйидаги хусусиятларни қамраб олса мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

1. Осиё-Америка адабиётини манба-шунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан илмий ўрганиш.

2. Осиё-Америка адабиёти вакилларининг асарларини таржима қилиш ҳамда таржималарини илмий-назарий ўрганиш.

3. Осиё-Америка адабиёти вакилларининг ижодини қиёсий ўрганиш,

and Diaz (Vladimir Nabokov, Salman Rushdie, Maxine Hong Kingston, Arundhati Roy, Junot Diaz): PhD diss. University of Virginia, 2000. - 212 p. Rusk, Lauren. Three-Way Mirrors: The Life Writing of Otherness (Autobiography, Virginia Woolf, James Baldwin, Maxine Hong Kingston): PhD diss. Stanford University, 1995. - 165 p. Scala, Virginia M.D. Writing in Borges's Garden: The Lively Performances of John Barth and Maxine Hong Kingston: MA diss. Florida Atlantic University, 1996, 80 p. ва бошқалар.



### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бутенина. Гибридная идентичность как литературная проблема. Дис.канд. филол.наук. -М. 2006.- 281 с.
2. Коровина С.Г. Творчество Эми Тань 1980-х-90-х гг. в контексте азиатско-американской литературной традиции: Дис. канд. филол. наук. -Чита, 2002.
3. Chu, Patricia Assimilating Asians. Gendered Strategies of Authorship in Asian America Durham & London, Duke University Press, 2000. - 242 p.
4. Kingston and Joyce Carol Oates: Ph.D. diss. Indiana University of Pennsylvania, 2002. - 254 p.
5. Lee, Rachel C. The Americas of Asian American Literature: Gendered Fictions of Nation and Transnation. Princeton, N.J.: Princeton University Press, 1999. - 205 p.
6. Li, David Leiwei. Imagining the Nation: Asian American Literature and Cultural Consent. Stanford, CA.: Stanford University Press, 1998. - 261 p.
7. Li, Huihui. Representations of Code Switching in Asian American » Women's Writing: PhD diss. Texas A & M University, 2001. - 241 p.
8. Meier, Laura Elizabeth. Fault Lines: Multicultural American Women Writers' Subversive Responses to Division (Julia Alvarez, Louise Erdrich, Maxine Hong Kingston): PhD diss. State University of New York at Binghamton, 2001. - 207 p.
9. Raffuse, Gabrielle. Feminine Mythologies of Cultural Import: Women Writers and Narratives of Deviation (Louisa May Alcott, Kate Horsley, Maxine Hong Kingston): MA Diss. University of Alaska, Anchorage, 2000. - 108 p.
10. Wong, Sau-ling Cynthia. Reading Asian American Literature. From Necessity to Extravagance. Princeton, New Jersey: Princeton University Press, 1993.-258 p.
11. Weldon Johnson, F. Scott Fitzgerald, Maxine Hong Kingston, Toni Morrison): PhD diss. New York University, 2000. - 303 p.

*Маматкулова Х. Сравнительный анализ творчества представителей азиатско-американской литературы. В статье рассматриваются формирование, периодизация и тематика произведений писателей нового направления азиатско-американской литературы в современной американской литературе. Также проводится тематико - литературоведческий анализ произведений азиатско-американской литературы с применением культурно - исторического, компаративного, герменевтического методов.*

*Mamatkulova X. Comparative analysis of the works of Asian-American literature. The article discusses formation, periodization and themes of works of a new direction in Asian-American literature in modern American literature. A thematic - literary analysis of the works of Asian-American literature is also carried out using cultural - historical, comparative, hermeneutic methods.*



## СТРУКТУРАЛ СИНТАКСИСДА ВАЛЕНТЛИ КОМПОНЕНТЛАР ТАҲЛИЛИ

*Асадов Рустам Муминович,  
СамДЧТИ PhD,*

**Калит сўзлар:** валентлик, компонент таҳлил, юнкцион модель, синтаксем таҳлил, трансформацион метод, ядро предикатив, ноядровий предикатив, субординатив алоқалар.

Жаҳон лингвистика фанидаги тадқиқотларда анъанавий синтаксиснинг баҳсли масалаларини тизимли ўрганиш, валентлик назариясининг моҳиятини ёритишдаги семантик, лексик ва стилистик ёндашувларни бир-биридан фарқлаш, шунингдек, инглиз тили содда гап курилмасида моновалентли ва поливалентли синтактик бирликларни аниқлаш тамойиллари каби муаммоларни ҳал этиш масаласида кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, валентлик назариясининг турли масалаларига бағишланган кўпчилик тадқиқотларда муаммо феълнинг лексик-семантик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этилган. Тилнинг фонологик, лексик ва семантик қатламлари билан бир қаторда синтактик валентлик ва синтактик бирликларнинг семантикасини аниқлаш борасида ҳам илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лингвистикада муҳим аҳамиятга эга бўлган синтактик сатҳда валентлик назариясига турли хил ёндашувлар мавжуд. Ушбу масалани тилдаги синтактик ва семантик сатҳ нуқтаи назаридан атрофлича ёритиш эҳтиёжи бу хусусда янгича ёндашувлар асосида тадқиқотлар олиб бориш заруратини ҳамда мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбек тилшунослигида ҳам валентлик назарияси бўйича тил сатҳлари доирасида тадқиқотлар асосан феълнинг лексик хусусиятларига таянган ҳолда олиб борилган. Тил бирликларининг лексик ва семантик валентлигининг ўрни ва аҳамиятини ўрганишда жиддий ютуқларга эришилган бўлса-да, синтактик сатҳда валентлик борасидаги монографик ишлар нисбатан камчиликни ташкил қилади.

Шунингдек, гапни бўлақларга ажратиб таҳлил қилиш анъанавий усули ўзини тўлиқ оқламаётганлиги сабабли синтактик таҳлилнинг янгича усулларида фойдаланиш эҳтиёжи мавжуд. Мазкур тадқиқий мақолада синтактик сатҳда ҳар қандай мустақил сўз туркуми валентликка эга бўлиши мумкинлиги ҳақидаги қарашнинг моҳиятини гап таркибини замонавий тадқиқ методлари, яъни компонентларга ва синтаксемаларга ажратиш (моделлаштириш), трансформациянинг турли хил усулларида фойдаланиш орқали очиқ бериш долзарб муаммолар сирасига қиради.

Ўзбек тилшунос-олимларидан А.А.Абдуазизов, Ш.С.Сафаров, Н.К.Турниёзов, И.К.Кўчқортоев, Р.Расулов, А.Нурмонов, С.Мухамедова, М.Миртожиев, У.И. Юлдашева, Ш.А.Ганиеваларнинг валентлик борасидаги ишлари ҳам диққатга сазовор. Мазкур олимлар валентликни тилнинг турли сатҳларида ўрганишга ҳаракат қилишган.

Гапни компонентлар ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш жараёнининг синтактик сатҳ миқёсидаги таҳлилин тилшунос-олимлар А.М.Мухин, Ў.У.Усмонов, Ш.С.Ашуров, Д.Т.Кубейсинова, М.Р.Жоллы-бекова, М.Облакуловаларнинг [8; 14; 2; 6; 4; 9] илмий тадқиқотларига таянган ҳолда амалга ошириб, синтактик валентликни қуйидагича аниқладик: содда гап таркибида феълнинг қандай шакли бўлишидан қатъи назар бир синтактик алоқа асосида иштирок этган синтактик бирлик (бунда сўз туркумининг аҳамияти йўқ) – бир валентли, икки синтактик алоқа



асосида иштирок этган синтактик бирлик – икки валентли, уч синтактик алоқа асосида иштирок этган синтактик бирлик – уч валентли компонент ҳисобланади. Тилшуносликда синтактик таҳлил бўйича кўплаб ишлар амалга оширилган бўлса-да, масалага ёндашувлар нуқтаи назаридан бизнинг ишимиз мавжуд тадқиқотлардан фарқ қилади.

Мавзунинг амалий аҳамияти лингвистик методлар асосида таҳлил қилишда бакалаврият талабаларига «Назарий ва амалий грамматика», магистрантларга «Назарий грамматиканинг долзарб муаммолари», «Лингвистик методлар», «Таржима назарияси», «Қиёсий типология», «Синтактик семантика» каби фанлардан махсус курс ва семинар машғулотида ҳамда мазкур соҳалар бўйича ўқув, услубий қўлланмалар, дарсликлар яратиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тилшуносликда валентлик тушунчаси биринчи марта рус тилшунос олими С.Д.Кацнельсон томонидан ишлатилиб, қуйидагича изоҳланади: «Сўзнинг гап қурилмасида иштирок этиш жараёнида бошқа сўзлар билан маълум комбинация асосида бирикиши валентлик деб аталади» [5, 132]. Шундан буён рус тилшунослари С.Д.Кацнельсонга, Европа тилшунослари эса Л.Теньерга эргашган ҳолда валентликни аниқлашга ҳаракат қилиб келмоқда. Л.Теньер валентликни аниқлашда «вербоцентризм» концепциясидан келиб чиқиб феълларни асосан тўрт гуруҳга бўлган:

1) нолга тенг валентли феъллар: бу гуруҳга *to drizzle, to rain, to snow, to freeze* каби феълларни киритган.

2) бир валентли феъллар – ўтимсиз: *to doze, to travel, to bark, to blink, to cough, to faint* каби феълларни киритган.

3) икки валентли феъллар – ўтимли: *to answer, to attack, to begin, to grow, to keep, to love* каби феълларни киритади.

4) уч валентли феъллар: *to say, to tell, to give, to present* кабилар ҳисобга олинади [13, 156].

Бу таснифда асосан иштирокчилар иерархиясига таянилган: эга – биринчи, воситасиз тўлдирувчи – иккинчи, воситали тўлдирувчи – учинчи иштирокчилар ҳисобидан валентлик сони аниқланган, ҳол эса назардан четда қолган. Л.Теньер томонидан берилган таъриф бўйича феъл асосида 20 тагача валентликка эга бўлиши мумкин деган ғоя илгари сурилган.

И.Эрбен эса гап қурилмасида нафақат эга ва тўлдирувчи, балки ҳол, предикативли аниқловчи ва предикативлар ҳам феъл валентлигини аниқлашга ёрдам беради, деб содда гапни тўрт моделга бўлади:

1) бир валентли феълли: *the woman is napping.*

2) икки валентли феълли: *the cat caught a mouse.*

3) уч валентли феълли: *the mother teaches her daughter to sew.*

4) тўрт валентли феълли: *the father is writing a letter to his son with the pen* [15, 89].

Келтирилган мисолларда ҳам асосан феълга боғланиб келган субъект ва объектлар сонидан валентлик аниқланган.

Х.Л.Сомерснинг фикрича, «...валентликка фақат феъл доирасида ёндашиш, у бошқарадиган тўлдирувчилар сони билан чекланади, бу эса валентлик назариясини тўлиқ асослай олмайди» [16, 113]. Бундан ташқари, профессор А.М.Мухин: «Феълни ҳар доим гапнинг структур маркази деб қараш айрим ноаниқликларга олиб келади: биринчидан, феълнинг шахсиз шакллари синтактик бирлик ҳисобланавермайди, улар гап қурилмасида ички синтактик алоқалар ёрдамида иштирок этсагина синтактик бирлик бўла олади. Бу гап от ва сифатга ҳам тааллуқли; иккинчидан, инглиз ёки рус тиллари мисолида феълсиз гаплар ҳам мавжудки, феъл гапнинг маркази деган ёндашув нуқтаи назаридан бундай гапларда валентликнинг ечимини топиш асло мумкин эмас; учинчидан, гап қурилмасида валентлик тавсифидан ташқари, феълларнинг лексик бирикиш хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг луғатларда берилган маъносини ҳисобга



олмасдан валентлик ҳақида гапириш қийин» [7, 69], деб таъкидлайди.

Юқорида мисол тариқасида келтирилган гапларни валентлик нуқтаи назаридан бу йўсинда таҳлил қилишнинг сабаби, гап қурилмасида иштирок этган синтактик бирликларни синтактик сатҳда ўзаро боғлайдиган синтактик алоқаларнинг атрофлича тадқиқ қилинмаганлигидадир. Валентлик ҳодисасини функционал-синтаксис сатҳида, гап қурилмасида феълга ёки кесим вазифасида келган синтактик бирликка таяниб бир ёки икки валентли, кўп валентли, облигатор ёки факультатив валентли, кучли ва кучсиз валентли компонентларга ажратиш аниқ лингвистик методлар асосида пухта ёритилмаса, ҳар қандай тадқиқотчи валентликни синтактик сатҳда атрофлича ифодалашга ожизлик қилади. Бу хусусда Ў.У.Усмонов: «Гап қурилмасида иштирок этган синтактик бирликларни гап бўлақларига ажратиб таҳлил қилиш эмас, балки компонентларга ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш синтактик таҳлилнинг асосий моҳиятини очиб беради» [14, 105], деган мулоҳазани билдиради. Ҳақиқатан ҳам, гап қурилмасини компонентларга ажратиб таҳлил қилганда гап таркибини синтагматик йўналишда ҳамда синтактик бирликларнинг ўзаро алоқаларини юнкцион моделларда ва уларнинг дифференциал-синтактик белгилари ҳамда морфологик хусусиятларини компонент моделларда кўргазмали равишда ифода этиш зарур.

Синтактик алоқалар муаммоси бўлган бошқарув, битишув, мослашувларни тилшунослар синтактик алоқа деб таъкидлаб келишади, лекин мазкур алоқаларни тил сатҳларида қарайдиган бўлсак, мослашув морфологик, битишув ва бошқарув лексик алоқа эканлиги аён бўлади. Чунки мослашув асосан тилнинг морфологик сатҳида намоён бўлади. Шу боис мослашув морфологик алоқадир. Битишувга берилган таърифларда сўз бирикмалари сатҳида эргаш ёки тобе сўзнинг бош ёки ҳоким сўз билан грамматик воситаларсиз,

фақат ўрнига, оҳангига ва маъносига кўра бирикишига айтилади. Битишув алоқада тобе компонент ҳоким сўз билан маъно жихатдан боғланадиган бўлса, у синтактик алоқа эмас, балки лексик алоқадир. Бошқарувга сўз бирикмалари ёки гап қурилишида қаралганда, унинг феълга хос ҳодиса эканига эътибор қилмоқ лозим бўлади. Сўз бирикмалари таркибида ўтимли феъл келса, у албатта, ўзига объект талаб қилади ва ўша объект ўтимли феъл томонидан бошқарилади, агар ўтимсиз феъл бўлса, у ўзига объект талаб қилмайди. Бу таърифдан маълум бўладики, бошқарув лексемаларнинг ўтимлилиги билан боғлиқ экан. Демак, у синтактик алоқа эмас, балки лексик алоқадир. Биз танлаган мавзуда, А.М.Мухин томонидан ишлаб чиқилган 7 та – ядро предикатив, субординатив, координатив, ноядровий предикатив, нолга тенг предикатив, интродуктив ва аппозитив – синтактик алоқалардан 5 та (ядро предикатив, субординатив, координатив, ноядровий предикатив ва аппозитив) синтактик алоқаларга таянган ҳолда, синтактик алоқалар базасида валентлик назариясига аниқлик киритишни мақсад қилдик. Синтактик валентлик синтактик алоқалар сонидан келиб чиқиб аниқланади, яъни гап таркибида ҳар бир синтактик бирлик валентликка эга бўлиши мумкинлиги юнкцион моделлар орқали исботланади. Агар улар бир синтактик алоқа асосида боғланган бўлса, бир валентли ёки моновалентли компонент; икки ёки уч синтактик алоқалар асосида иштирок этса, икки ёки уч валентли ёхуд поливалентли компонентлар деб аталади.

Бадиий адабиётлардан йиғилган мисоллар асосида бир валентли компонентлар гап қурилмасида ядро компонентлар ( $NP_1 \cdot NP_2$  – эга ва кесим) ва ноядровий тобе ( $ND$  – иккинчи даражали бўлак) компонент ўрнида келиши мумкинлиги аниқланган.

Қуйидаги мисол орқали ҳар учала синтактик ўринда келган бир валентли синтактик бирликларни юнкцион ва компонент моделлар асосида таҳлил қиламиз:



	Ю.М.1
<i>Walter's death had been a shock to her</i> (SM, 202).	$\overline{ND} \cdot \overline{NP}_1 \cdot \overline{NP}_2 \cdot \overline{ND}$ K.M.1 Sps S cS prPnob

Мазкур гап курилмасида ҳар бир синтактик бирлик бир валентли компонент ҳисобланади, чунки улар биттадан синтактик алоқага киришган. Ядро компонентлар – ядро предикатив 1 (NP<sub>1</sub> - эга) ўрнида келган *death*, ядро предикатив 2 (NP<sub>2</sub>) ўрнида келган *had been a shock* синтактик бирликлар ўзаро ядро предикатив алоқа асосида боғланади. Ноядровий тобе (ND) компонент ўрнида келган синтактик бирликлар *Walter's* ва *to her* ҳам бир валентли компонентлар бўлиб, ядро предикатив 1 (NP<sub>1</sub>) - *death* ва ядро предикатив 2 (NP<sub>2</sub>)- *had been a shock* синтактик бирликлар билан субординатив алоқа асосида боғланган. Ядро предикатив 1 (NP<sub>1</sub>) ва ядро предикатив 2 (NP<sub>2</sub>) ўрнида келган синтактик бирликлар тобе компонентларга нисбатан ҳоким ёки таянч компонентлар ҳисобланади. Таҳлил қилинган гапнинг компонент модели қуйидагича ифодаланади: ND ўрнида келган синтактик бирлик *Walter's*– (Sps) қаратқич келишидаги от билан, NP<sub>1</sub> ўрнидаги *death* – (S) бош келишидаги от, NP<sub>2</sub> ўрнидаги *had been a shock*– (cS) боғлама феъл ва от, ND ўрнидаги *to her*– (prPnob) предлог ва объект келишидаги кишилиқ олмоши билан ифодаланган.

Қуйида келтирилган мисолдаги ноядровий тобе компонентларни тушириб қолдириш трансформация ёрдамида аниқлаш мумкин:

*Walter's death had been a shock to her*  
 → ...*death had been a shock*...

Ноядровий тобе компонентларни тушириб қолдирсак ҳам, гапнинг асосий мазмуни сақланади. Бирок, ядро компонентларни тушириб бўлмайди:

*Walter's death had been a shock to her*  
 ≠ *Walter's ... had been a shock to her* ≠  
*Walter's death ... to her.*

Трансформация ҳосиласидан кўриниб турибдики, ядро компонентлар тушириб қолдирилса, гап мазмуни

тушунарсиз бўлиб қолади. Шунингдек, компонентларнинг нафақат ҳоким бўлақларга, балки иккинчи бир тобе бўлақка нисбатан ҳам субординатив алоқа асосида боғланишини таҳлил қилдик.

Инглиз тили содда гап курилмасида синтактик бирликлар уч синтактик алоқа асосида иштирок этса, уч валентли компонентлар ҳисобланади. Мавзу юзасидан йиғилган материалларни таҳлил қилиб, уч валентли компонентлар, анъанавий атама билан айтганда, изоҳловчи ўрнида келиши ва уч синтактик алоқа асосида бошқа компонентлар билан боғланиши мумкинлигининг гувоҳи бўлди. В.О.Павловнинг фикрича, улардан бири эксплицит тарзда (бевосита) аппозитив синтактик алоқа ёрдамида боғланса, қолган икки хил синтактик алоқалар имплицит тарзда (билвосита) намоён бўлади [10, 19]. Имплицит тарзда боғланган синтактик алоқалар ва уларнинг дифференциал синтактик белгиларини трансформация методининг турли хил усулларида фойдаланиб исботлаш мумкин.

Уч валентли компонентлар қуйидаги синтактик ўринларда келиши мумкин:

1. Гап курилмасида *ноядровий тобе аппозитив предикатив 1 (NAP<sub>1</sub>)* ўрнида келган уч валентли элементлар таҳлил қилинганда, улар гапнинг ядро предикатив 1 компоненти (NP<sub>1</sub> – эгага) бевосита аппозитив алоқа асосида боғланса, билвосита ядро предикатив 2 (NP<sub>2</sub> – кесим) ва ядро предикатив 1 (NP<sub>1</sub>) компонентлари билан ядро предикатив алоқага кириши маълум бўлди. Демак, ноядровий аппозитив предикатив 1 (NAP<sub>1</sub>) компоненти битта аппозитив ва иккита ядро предикатив алоқа асосида боғланиш хусусиятига эга эканлиги туфайли уч валентли ҳисобланади. Буни қуйидаги мисол таҳлили асосида кўргазмалли ифодалаймиз: *Wouldn't you agree, Miss*



*Ladram?* гапда *Miss Ladram* ноядровий аппозитив предикатив 1 ( $NP_1$ ) компоненти ўрнида келган. Ушбу гапнинг

юнкцион ва компонент моделларини қуйидагича изохлаш лозим бўлади:

	Ю.М.2	$\frac{NP_1 \cdot NP_2 \cdot \overline{NP}_1}{Pnp \quad Vf \quad S}$ К.М.2
--	-------	--

Мазкур гапда *Miss Ladram* синтактик бирликнинг уч валентли компонент эканини трансформация методи асосида қуйидагича изохлаймиз:

(4) *Wouldn't you agree, Miss Ladram?* → (4a) *you are Miss Ladram.*

	Ю.М.2a	$\frac{NP_1 \cdot NP_2}{Pnp \quad cS}$ К.М.2a
--	--------	---

Демак, ушбу гап таркибида  $NP_1$  компоненти ўрнида келган *Miss Ladram* ядро предикатив 1 компоненти ўрнида келган *you* синтактик бирлик билан эксплицит тарзда аппозитив алоқа ёрдамида боғланса, имплицит тарзда ядро предикатив алоқага киришади. Шунингдек, имплицит тарздаги учинчи ядро предикатив алоқани аниқлаш мақсадида трансформация методининг ўрин алмаштириш усулидан

фойдаланилганда ядро предикатив 1 ( $NP_1$ ) ўрнида келган *you* компоненти билан ноядровий аппозитив предикатив 1 ( $NP_1$ ) компоненти ўрнида келган *Miss Ladram* ни алмаштириш имконияти юзага келади:

(2) *Wouldn't you agree, Miss Ladram?*  
→ (2б) *Wouldn't Miss Ladram agree?*

трансформация натижасида қуйидагича қўриниш касб этади:

(2б) *Wouldn't Miss Ladram agree?*

	Ю.М.2б	$\frac{NP_1 \cdot NP_2}{auxngSVf}$ К.М.2б
--	--------	---

2. *Ноядровий аппозитив тобе (NAD) компонент ўрнида келган уч валентли элементлар.* Гап таркиби компонентларга ажратиб таҳлил қилинганда маълум бўлдики, уч валентли ноядровий аппозитив тобе компонентлар асосан атоқли отлар билан ифодаланган. Ундан ташқари, ноядровий аппозитив тобе компонент ўрнида келган синтактик бирликларнинг уч валентли бўлиши эксплицит тарзда аппозитив алоқа ёрдамида содир бўлса, субординатив ва ядро предикатив алоқалари эса имплицит тарзда боғланиши трансформация методининг айрим усуллари ёрдамида кузатилди.

3. *Уюшиқ ноядровий тобе предикатив 2 (HNDP<sub>2</sub>) компоненти ўрнида келган уч валентли элементлар.* Бадиий адабиётлардан йиғилган мисолларнинг

таҳлилий натижасига кўра, уч валентли компонентлар гап қурилмасида уюшиқ ноядровий тобе предикатив 2 ( $HNDP_2$ ) компоненти ўрнида келганда, ўзаро координатив алоқада бўлиб, бошқа компонентлар билан яна иккита (субординатив ҳамда ноядровий предикатив) синтактик алоқа асосида боғланиши ва бу алоқаларнинг учаласи ҳам эксплицит тарзда намоён бўлиши исботланди. Натижада ядро икки қарра предикатив 1 ( $NP_1P_1$ ), ядро предикатив 2 ( $NP_2$ ), уюшиқ ноядровий тобе предикатив 2 ( $HNDP_2$ ) компонентлар аниқланди. Уларнинг морфологик ифодаланиш усуллари турли-тумандир, улар тенг ва айирувчи боғловчилари ёрдамида боғланиши мумкин. Бундай гап қурилмаларида ядро предикатив 1 ўрнида келган синтактик бирликлар ҳар доим икки



валентли бўлади. Чунки ядро предикатив 1 ( $NP_1$ ) компоненти ядро предикатив 2 ( $NP_2$ ) компоненти билан ядро предикатив, уюшиқ ноядровий тобе предикатив 2 ( $HNDP_2$ ) компонентлари билан ноядровий предикатив алоқага киришади.

Компонентларга ажратиб таҳлил қилиш гапларнинг ташқи, синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш эса ички қурилмасини қамраб олади. Аммо гапнинг ташқи ва ички (*surface and deep structure*) қурилмасини айрим тилшунослар трансформациянинг турли усуллари ёрдамида таҳлил қилишга ҳаракат қилади: «*The surface structure*» деганда *the boy is sleeping* гап варианты тушунилса, «*The deep structure*» деганда *Is the boy sleeping?* сўроқ шакли тушунилади [17]. Бундай таҳлилда гапнинг формал томонлари эътиборга олиниб, уларни бевосита иштирокчиларга ажратиб таҳлил қилиш билан чекланади. Моновалентли ва поливалентли синтактик бирликлар иштирок этган гапларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилишда, асосан, категориал дифференциал синтактик-семантик белгилардан субстанциаллик (шахс ёки предметни ифодаловчи синтактик бирлик), процессуаллик (иш ҳаракатни ёки ҳолатни ифодаловчи синтактик бирлик) ҳамда квалификативлик (сифат, ҳажм, миқдор, даража, ҳолат кабиларни ифодаловчи синтактик бирлик), нокатегориал синтактик-семантик белгилардан агентивлик, объект, акционаллик, локативлик, аллативлик, директивлик каби атамалардан фойдаланилди. Мазкур таҳлил асосида ҳар бир синтактик бирликнинг синтактик ўрнига кўра ифодалаган синтаксемалари, уларнинг категориал ва нокатегориал белгилари ва бошқа синтаксемалар билан боғланиш имкониятлари очиқ берилган.

Таҳлил натижасига кўра юқорида таъкидланган ўринларда келган бир валентли компонентлар, асосан, *субстанциал агентив, субстанциал объект, процессуал акционал, квалификатив квалитатив, статив, локатив* каби синтаксемаларни ифодалаши тавсифланди. Бир валентли компонентлар

ядро предикатив 1 ўрнида 11 та синтаксемани, ядро предикатив 2 ўрнида 9та синтаксемани, ноядровий тобе компонент ўрнида 14 та синтаксемаларни ифодалаши мумкинлиги далилланди.

Мазкур мисолларнинг таҳлилидан аён бўлишича, икки валентли компонентлар битта категориал ва иккита нокатегориал — белгини англатади. Жумладан,  $NDP_1$  ўрнида келган икки валентли компонентлар ифодалаган синтаксемалар ноядровий предикатив алоқа ёрдамида  $NP_2$  ўрнида берилган элементлар ифодалаган синтаксемалар билан боғланиш имкониятлари мавжуд. Ҳар бир ўринда келган синтактик бирликларнинг бошқа синтаксемалар билан боғланиш имкониятлари жадвалларда акс эттирилган. Уч валентли компонентларнинг синтаксем таҳлили аппозитив алоқага киришувчи уч валентли синтактик бирликларнинг категориал ва нокатегориал дифференциал синтактик семантик белгилари аниқланган. Мазкур соҳада тилшунослар фикрига эътибор берилса, изоҳловчили бирикмаларнинг ўзаро синтактик алоқаси хусусидаги турли хил қарашларга дуч келамиз. Айримлари улар орасидаги алоқани тобе боғланиш деб қараса, бошқалари эса изоҳловчини от-атрибут ҳисоблаб, атрибут предикатив алоқа, деб номлайди. Яна бир гуруҳ тилшунослар эса аппозитив бирикмаларнинг компонентлари ўзаро тенг боғланишга эга, деб ҳисоблашади. Юқорида қайд этилган фикрларнинг барчасида изоҳловчи гап қурилмасида бошқа компонентлар билан бевосита боғлангани ҳақида гап боради. Е.Б.Аристова, А.Вальмис, А.Г.Руднев ва И.Г.Сапрыкиналарнинг илмий ишларида изоҳловчи бирикмалар ўзининг аниқловчисидан ташқари гапнинг бошқа компонентлари билан ҳам грамматик алоқага киришади [1, 10; 3, 12; 11, 52; 12, 22], деб қайд этилади.

Бироқ юқорида қайд этилган тадқиқотларнинг баъзиларида изоҳловчининг эксплицит тарзда бевосита боғланиши ҳақида гапирилса-да, имплицит тарзда — билвосита боғланиши хусусида





хеч қандай фикр билдирилмайди. Бу ҳол изоҳловчининг гап қурилмасидаги роли фақат бир томонлама талқин қилинганидан далолат беради. Изоҳловчининг гап таркибида туган синтактик ўрни, унинг синтактик бирликлар билан бевосита ва билвосита алоқалари, уларнинг синтагматик ҳамда парадигматик муносабатлари етарлича ўрганилмаса, унинг гапдаги ўрни атрофлича тадқиқ қилинмасдан қолаверади.

Қуйидаги гап қурилмасида ноядровий аппозитив предикатив 1 (NAP<sub>1</sub>) ўрнида келган изоҳловчи вазифасидаги уч валентли синтактик бирликни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш назарда тутилган. Содда қилиб айтганда, NAP<sub>1</sub> ўрнида келган уч валентли элемент гапнинг эгасига нисбатан изоҳловчи вазифасини бажаради:

*The woman was Beatrix Abberley's niece, Charlotte Ladram* (RGH, 46).

Берилган мисолда ядро предикатив 1 компоненти ўрнида келган *the woman* синтактик бирликка *Charlotte Ladram* синтактик бирлик бевосита аппозитив алоқа асосида боғланган. Лекин гапда изоҳловчи ўрнида келган синтактик бирлик ядро предикатив 2 ўрнида келган *was ... niece* компоненти билан ядро предикатив алоқа асосида билвосита боғланишини ўрин алмаштириш трансформацияси орқали кўрсатиш мумкин. Бу гап синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилинганда *Charlotte Ladram* компоненти аппозитив алоқа асосида


субстанциал идентификацияловчи (Id<sub>2</sub>) синтаксемани ифодалаши аён бўлади. Бунинг исботи қуйидаги тушириб қолдириш ва ўрин алмаштириш усули орқали тасдиқланади:

*The woman was Beatrix Abberley's niece, Charlotte Ladram* → *The woman was Charlotte Ladram*: Id<sub>1</sub> . Id<sub>2</sub>.

Берилган гапдаги *Charlotte Ladram* аппозитив алоқа асосида субстанциал идентификацияловчи синтаксемани (SbId<sub>2</sub>), билвосита ядро предикатив алоқа воситасида идентификацияловчи ва идентификацияланувчи синтаксемаларни ифодалайди (SbId<sub>2</sub>Id<sub>1</sub>). Чунки *Charlotte Ladram* субстанциал идентификацияланувчи (SbId<sub>1</sub>) синтаксема *the woman* билан аппозитив алоқа асосида, идентификацияловчи *niece* ифодалаган синтаксема билан ядро предикатив алоқа асосида боғланади. Бундай боғланишларни таснифлашда ўрин алмаштириш усулидан фойдаланиш мумкин:

*The woman was Beatrix Abberley's niece, Charlotte Ladram* → *The woman was Charlotte Ladram* - SbId<sub>1</sub>,SbId<sub>2</sub>ёки *The woman was Beatrix Abberley's niece, Charlotte Ladram* → *Charlotte Ladram was Beatrix Abberley's niece* – SbId<sub>1</sub>, SbPs . SbId<sub>2</sub>.

Қуйидаги модель орқали содда гап таркибидаги синтактик бирликларнинг бир йўла уч хусусияти: компонент таркиби, морфологик хусусияти ва синтаксем таҳлилини кўришимиз мумкин.



NAP<sub>1</sub>компоненти ўрнида келган синтаксемалар ядро предикатив алоқа асосида тўрт хил синтаксемалар билан боғланиши мумкин:

1) субстанциал идентификацияловчи агентив синтаксема – субстанциал идентификацияланувчи акционал модал неготив синтаксема ҳамда акционал неготив синтаксемалар билан алоқага киришади;

2) субстанциал идентификацияловчи экзистенциал синтаксема – идентификацияланувчи процессуалэкзистенциал синтаксема билан алоқага киришади;

3) стативлик юклатилган субстанциал идентификацияловчи синтаксема – субстанциал идентификацияланувчи квалификатив статив синтаксема билан боғланади.



Валентли компонентларни ўрганиб чиқиб қуйидаги хулосаларга эришдик:

1. Жаҳон тилшунослигида валентлик назарияси вербоцентризм концепти асосида, лексикографик жиҳатдан феълнинг лексик маъноси билан боғлаб ўрганилади, аксарият ҳолларда семантик валентликка ишора қилиниб, феъллар тилнинг лексик сатҳидан келиб чиққан ҳолда валентликларга ажратилади. Аммо бундай қарашлар синтактик сатҳда тадқиқотчига равон йўлланма беролмайди. Бизнинг фикримизча, гап қурилмасида валентлик фақат феълга хос ҳодиса бўлмасдан, балки ҳар қандай синтактик бирлик гапда бир синтактик алоқа асосида иштирок этса – бир валентли, икки синтактик алоқа асосида – икки валентли, уч синтактик алоқа асосида – уч валентли компонент ҳисобланади.

2. Структурал синтаксисдаги синтактик алоқалар масаласига эътибор қаратилиб, синтактик алоқалар сифатида эътироф этиб келинган мослашув, битишув, бошқарувлар муҳокама қилинди ва мослашувнинг морфологик, битишув ва бошқарувнинг лексик алоқа эканлиги ҳақида фикр билдирилди. Шунингдек, А.М.Мухин ва унинг шогирдлари

томонидан ишлаб чиқилган ядро предикатив, субординатив, координатив, ноядровий предикатив ва аппозитив синтактик алоқага таянган ҳолда, синтактик алоқалар базасида валентлик назариясига аниқлик киритилди.

3. Моновалентли ва поливалентли компонентлар иштирок этган гапларнинг ташқи қурилмаси компонент ва юнкцион моделлар ёрдамида кўргазмалари равишда таҳлил қилинди, ички қурилмаси эса синтаксем таҳлилда очиқ берилди. Уларнинг синтактик алоқалар асосида бошқа синтаксемалар билан боғланиш имкониятлари трансформация методининг турли хил усулларида кенг фойдаланиб исботланди.

4. Аниқланган синтаксемаларнинг ҳар бири қиёсий типологик жиҳатдан қардош ва қардош бўлмаган тиллар мисолида тадқиқ қилинишига кенг йўл очилади. Юнкцион, компонент ва синтаксем таҳлил методлари орқали аниқланган синтаксемалар алоҳида тил материали сифатида ўрганилиши давом эттирилса, компьютер лингвистикасида автомат таржима учун лингвистик таъмин яратишда асос бўлиши мумкин

#### Адабиётлар

1. Аристова Е.Б. Субстантивные варианты агентивной синтаксемы // В Лингвистические исследования. Синтаксический анализ разносистемных языков.– Москва: АН России, 1979.– С.8-13.
2. Ашуров Ш.С. Инглиз ва ўзбек тилларида кесим типологияси // Филол. фан. номзод. диссертация.– Самарқанд, 2007.–153 б.
3. Вальмис А. Приложение в Эстонском литературном языке. Автореф. дисс. канд. филол. наук.– Таллин, 1973.–25 с.
4. Жоллыбекова М.Р. Типология неполных предложений диалогической речи в разносистемных языках (на материале английского и каракалпакского языков). Дисс. канд. филол. наук.– Нукус, 2008.–156 с.
5. Кацнельсон С.Д. О грамматической категории. Вестник ЛГУ, 1948.– №2. – С.130-138.
6. Кубейсинова Д.Т. Синтаксико-семантические особенности личных местоимений в структуре предложений современного английского языка. Дисс. канд. филол. наук.– Нукус, 2008.–151с.
7. Мухин А.М. Модели внутринных синтаксических связей предложений // Вопросы языкознания.– Москва: 1970.– №4.– С.68-80.
8. Мухин А.М. Структура предложений и их модели. – Ленинград, Ленинград отд.: Наука, 1968.–230с.



9. Облокулова М.М. Инглиз тили гап структурасида феълнинг шахсиз шаклларининг функционал таҳлили. Филол. фан. фал. док. дисс. автореферати.– Тошкент, 2017.-20 б.
10. Павлов В.О. Об имплицативности валентности прилагательных // Герценовские чтения. Иностранные языки. Материалы конференции. С. – Петербург: Образование, 1994.– С.18-24.
11. Руднев А.Г. Синтаксис современного русского языка, 2-ое изд.– Москва: Высшая школа, 1968.-320 с.
12. Сапрыкина И.Г. Типы аппозиционных структур в современном английском языке. Автореф. дисс. канд. филол. наук.– Горький, 1965.-26с.
13. Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. Перевод с фран. – Москва: Наука, 2007.-670 с.
14. Усмонов Ў.У. Гап таҳлилига янгича ёндашув // Ҳалқаро илмий-назарий анжуман. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2004.– Б.105-108.
15. Erben J. Abriss der Deutschen Grammatik. 9. Unverändert. Auf 1. –Berlin, 1966.-316 s.
16. Somers H.L. On the Validity of the Complement – adjunct distinction in Valency Grammar // Linguistics, 1984.– V.22. №4.– P. 113-126.
17. [en.m.wikipedia.org/wiki/Deep\\_structure\\_and\\_surface\\_structure](https://en.m.wikipedia.org/wiki/Deep_structure_and_surface_structure) (December, 2017).

*Асадов Р. Анализ валентных компонентов в структуральном синтаксисе. В данной статье рассматривается теория синтаксической валентности, принципы их определения и выявление синтаксисом выраженные валентными компонентами в английских простых предложениях с точки зрения структурального синтаксиса.*

*Asadov R. Analysis of valency components in structural syntax. The present article deals on theory of syntactic valency, principles of defining syntactic valency, and revealing syntaxemes expressed by valency components in English simple sentences from the structural syntax point of view.*



## ИСПАН МУЛОҚОТ МАТНИДА СЎРОҚ ШАКЛИ БИЛАН ИФОДАЛАНГАН БИЛВОСИТА НУТҚИЙ ТУЗИЛМАЛАР ТАСНИФИ

*Шамахмудова Азиза,  
СамДЧТИ 3-босқич докторанти*

**Калит сўзлар:** билвосита нутқий акт, бевосита нутқий акт, иллокуция, пропозиция, мулоқот матни, мулоқот мақсади, сўроқ нутқий тузилма.

Коммуникатив мақсад – интенцияни ботиний, яширин ҳолда ёки билвосита ифода этиш барча миллатларга хос. Лекин билвосита нутқий актларнинг таснифий гуруҳлари ва уларни ифодаловчи лисоний шакллар қатори турли тилларда бир хил кўринишга эга бўлмайди. Инглизлар мазмунни билвосита ифодалашда кўпинча сўроқ шаклларига мувожаат қиладилар. Ўзбеклар нутқида илтимосни ифодалашда савол шаклларида кам фойдаланилади (Сафаров 2008: 241). Испан тилида эса ҳаракатга ундаш фаолияти, яъни тингловчини бирон бир ишни бажаришга чорлаш вазиятга қараб қайсидир даражада буйруқ майли шаклида (¡Habla! ¡Levantate!), инфинитив (¡No entrar mojado! ¡Hacer los ejercicios solo!), ҳамда перформативлар (¡Ordeno que hagas todas las tareas!) зиммасига юкланган бўлади. Нутқий тузилманинг билвосита ифодаланиши эса кўп ҳолларда сўроқ тузилмалар орқали амалга оширилади. Бу ҳолларда сўроқ ўзининг асл вазифаси, яъни ахборот олиш эҳтиёжи функциясидан чекинган ҳолда, тингловчини ҳаракатга ундаш вазифасини намоён этади. Шу тариқа, билвосита нутқий акт мураккаб, кўп босқичли табиатга эга: тингловчининг нутқий тузилмада сўзловчи нимани назарда тутганлиги ҳақида тўғри хулосага келиши учун, у муқобил бевосита нутқий актга нисбаттан бир поғона қийинлаштирилган бўлади. Билвосита нутқий актларни тўғри интерпретация қилишининг босқичларини Серль ўзининг “Билвосита нутқий актлар” деб аталган тадқиқот ишида ўн иккита бирин-кетинликда кечадиган “қадам”лар орқали тасвирлаб

берган (Searle 1976: 46). Албатта, кундалик мулоқотда бу жараён бу даражада мураккаблаштирилган тарзда эмас, балки табиий равишда кечади. Билвосита нутқий актлар аксарият ҳолларда сўроқ тузилмалар орқали ифодаланар экан, сўроқ нутқий тузилмаларини уларнинг иллокутив вазифасидан келиб чиққан ҳолда таснифлашни лозим топдик.

Аслида, сўроқнинг мантиқий асосини барча тилларда бир хил деб тан олиш мумкин (Солнцев 1995: 330). Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, охириги пайтларда саволлар ва жавоблар назариясини яратишга ҳаракатлар бошланиб кетиб, бу сўроқнинг аҳамиятли критерияларини коммуникатив, гносеологик, иллокутив ва ижтимоий тавсифини назарда тутган ҳолда олиб борилган тадқиқотлардан олинган натижаларга асосланган ҳолда амалга оширилмоқда. Сўроқ лисоний бирликларига, авваламбор, семантик структур ёндашувлар нуктаи назаридан қараш мақсадга мувофиқдир. Сўзловчи билим доирасини кенгайтириш сўроқ сўзларнинг асосий мақсади бўлиб, ушбу мақсадни амалга ошириш, тингловчини ахборот беришга ундаш ҳаракатида намоён бўлади. Сўроқ нутқий бирликларининг мақсади ҳар доим ҳам бирор бир маълумотни сўраш ёки ахборот олиш бўлиб қолмасдан, мулоқот вазиятидан келиб чиққан ҳолда тингловчининг ҳис туйғуларига таъсир этиш, уларни фаолиятга ундаш каби бўлиши мумкинлигини билвосита нутқий актлар бўйича олиб борган тадқиқотимиз доирасида кузатиш имкониятига эга бўлдик.



Сўзловчининг билим доирасини кенгайтириш - сўроқ лисоний бирликларнинг асосий мақсади бўлиб, ушбу мақсадни амалга ошириш, тингловчини ахборот беришга ундаш харакатида намоён бўлади. Аммо бу унинг ягона мақсади эмаслигини кўрсатиб берувчи янги нуқтаи назарлар нутқий актлар назариясининг ривожини заминидан вужудга келди.

Сўроқ нутқий бирликлари, уларнинг семантик жиҳатлари, нутқда ифода топишининг ўзига хос хусусиятлари кадимдан тадқиқотчи олимларнинг эътиборини тортиб келган. Ҳаттоки Арасту ҳам баҳс мунозараларда саволнинг ўрни аҳамиятли эканлигини таъкидлаган. Э.Лосано "Materiales para la historia de la interrogacion en la gramatica castellana" тарихий лингвистик очеркида Гонсало Корреасни (Gonzalo Correas) саволларга бутун бир бобни бағишлаб уларни биринчилардан бўлиб ёритиб берган муаллиф деб эътироф этди. Висенте Сальва (Vicente Salva) "Gramatica de la lengua castellana segun ahora se habla" (Paris, 1830) рисолида эса сўроқларни турли туманлигига эътибор бериб, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратади:

- Ахборот талаб қилувчи саволлар;
- Инкор сўроқлар;
- Ижобий жавоб талаб этувчи имплицит инкорлар;
- Эмфатик сўроқлар;
- Ҳайратланишни ифодаловчи саволлар (Lozano 1978: 65).

Испан тили соҳиблари харакатга ундовчи воситаларни воқелантиришда ўзбекларга нисбатан кўпроқ бевосита эмас, балки билвосита лисоний воситаларга мурожаат этишади. Бирон бир харакатни бажаришни илтимос қилиш кўп ҳолларда оммалашган сўроқ иборалар орқали *favor* сўзи ёрдамида амалга оширилади. Испан тилида гаплашувчи халқлар орасида қуйидаги савол нутқий тузилмаларидан фойдаланиш одат тусига кириб қолган: : *¿Le (te) puedo pedir que + subj; ¿Puedo + infinitivo?; ¿Me podría(s) + infinitivo?; ¿Me deja(s) ...?; ¿Me hace/haría (haces/harías) un (gran) favor?; ¿Puede/podría, pudiera*

*(puedes, podrías, pudieras) hacerme un favor?; ¿Me quiere (s) hacer un favor?*

Сўроқ гапларнинг гносеологик жараёнларда ўзига хос когнитивлик ва долзарбликни касб этиши кўплаб тадқиқотчи олимлар диққати марказига тушишига сабаб бўлди. Ҳатто Аристотель ҳам сўроқни "билиш ва мантикий тушунишнинг муҳим воситаси" деб атаган эди (Аристотель 1978:529). Сўроқ лисоний бирликлар, хусусан риторик саволлар ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи муҳим восита ҳисобланади. Испан нутқий этикетини сўроқ нутқий тузилмаларисиз тасаввур қилиш қийин, деб таъкидлаган Фирсова (Фирсова, 2000: 153) ва биз ҳам бу фикрга шубҳасиз қўшилаемиз. Шу сабабдан бу муааммога тўхталмасдан ўта олмадик ва сўроқ нутқий бирликларининг мулоқот матнида бирламчи интенциясидан келиб чиққан ҳолда уларни тавсифлашга аҳд қилдик. Албатта, ҳозирги кунда сўроқ гаплар бўйича бир қатор ишлар олиб борилган: испан сўроқ гапларининг дескриптив таҳлили (Fernandez Ramirez, 1959; Ру, 1971), испан тили сўроқ нутқий тузилмаларининг фонетик жиҳатлари ва талаффузи борасида (Navarro, 1966), испан ва француз тили сўроқ тузилмаларининг қиёсий ва чоғиштирма тадқиқотлари (Dabrowska, 1973; Засыпкин 1999), аммо испан тилидаги сўроқ нутқий актларининг мулоқот матнида воқеланган бирламчи интенциясига таяниб таснифланишини учратмадик.

Тилшуносларнинг аксарият қисми билан биргаликда Серл ҳам сўроқ нутқий тузилмаларни директив нутқий актлар қаторига киритади. Унинг таъкидлашича, "сўроқ нутқий тузилмалари директивлар синфига мансуб, чунки улар сўзловчини фаолиятга, яъни жавоб нутқий актини талаффуз қилиш харакатига ундайди" (Searle 1976: 53). Бошқа файласуфнинг изоҳича "Бир қатор фаразларга таянган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, саволларнинг мантикий шакли қуйидагича бўлиши лозим: *Менга ... ни айтишингни сўрайман*, аммо *Мен сендан ... ни бажаришингни сўраяман* тарзида эмас.



Ушбу назарияга биноан, мулоқотнинг асоси алоҳида сўзлар ёки лисоний бирликлар эмас, балки маълум натижага эришиш мақсадида бир қатор мулоқот вазифаларини амалга оширадиган нутқий ҳаракатларнинг мужассамлигидадир. Ж. Остиннинг тарафдорлари нутқий актларнинг янги кирраларини очиб бердилар. П. Грайснинг нутқий тузилмада талаффуз этилган ва назарда тутилган мантикий мазмунни ажратиш тўғрисидаги фикрлари муҳим аҳамият касб этади. Натижада нутқий актларни бевосита ва билвосита гуруҳларга ажратиш имконияти пайдо бўлди. Пол Грайснинг ғоялари билвосита нутқий актлар бобида жуда ҳам аҳамиятли деб топилди. Масалан, *¿Puedes alcanzarme la sal?* нутқий тузилмасининг туб маъноси савол тарзида, *Sí* ёки *No* жавобини талаб этади. Лекин кундалик мулоқотимизда биз ушбу нутқий актни илтимос сифатида қўллаганимиз, унинг билвосита ифодаланганидан дарак беради.

Нутқий актнинг билвосита ифодаланганлигини билиш учун нутқий мулоқотнинг умумий тамойилларидан хабардор бўлиш, умумий “фон” билимларга эга бўлиш ва оқилона хулоса чиқариш қобилиятига эга бўлиш лозим.

Директив нутқий актларнинг сўроқ гаплар билан ифодаланиши фаолиятга ундашнинг хушмуомала тарзда шакллантирилиш усулларидан бири ҳисобланади. Аммо таҳлил қилинган мисолларда шуни кузатдикки, баъзан улар аксинча нутқий тузилмага қўпол тус беришга ҳам хизмат қилади. Ушбу ҳолатни асосан сўроқ шакли воситасида ифодаланган буйруқ иллокутив актларида кузатиш мумкин. Директив нутқий актларни мулоқот матнида билвосита вокеланишига хизмат қилувчи энг оммалашган усуллардан бири сўроқ гаплар ҳисобланади. Баъзи тадқиқотларга биноан, бу ҳолат 30% ни ва директивларнинг маълум турларида ҳаттоки 80% ни ташкил этади (Беляева 1992). Уларнинг бу қадар кенг миқёсда систем семантикасига мос равишда ишлатилмаслигини инобатга олган ҳолда,

сўроқ гапларни фаолиятга ундовчи нутқий конвенциялар сифатида қараб чиқиш таклиф қилинган (Цурикова, 2001:57).

*Perdona, Montse, ¿Por qué no me cuentas que te pasa?*

*Por favor, no bromees, estoy muy harta. (Marsé 103)*

*Otra cosa que quería decirte: ¿por qué no haces amistad con esa, la de la pensión, ahora al salir...? (Marsé 64)*

*Oye, ¿no nos hemos visto antes?*

*No.*

*Juraría que... A ver, ¿te importa sonreír otra vez? (Marsé 42)*

*¿Me servís un whisky? (Rovner 62)*

*¿Me ayudas a cerrar la maleta? (Marsé 284)*

*Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, испан тилида фаолиятга ундаш мақсадида, сўроқ гаплар ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, кўпинча ижобий шаклда ифодаланади. (Масалан ¿Me ayudas a cerrar la maleta? – Чемоданни ёпишга ёрдам бермайсизми?) Ушбу мақсадда, шунингдек, феълсиз ифодаланган гаплар ҳам ишлатилади;*

*¿Algo de tapas? (Marsé 96).*

Шундай бўлса-да, тингловчини фаолиятга ундаш мақсадида инкор сўроқ тузилмалардан фойдаланиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб туради:

*No sería mejor que te levantarás? No sabemos a que hora llegará(Marsé 233)*

Таклиф қилинган гуруҳлар ва классификацияларни инобатга олган ҳолда, биз билвосита ифодаланган сўроқ нутқий тузилмаларнинг сўзловчининг мулоқот мақсадига асосланган янги таснифини таклиф этамиз. Ушбу ёндашув “мен сенинг шуни бажаришингни хоҳлайман” прагматик маъносининг испан билвосита мулоқотида ифодаланишининг ўзига хос жиҳатларини ойдинлаштиришга хизмат қилади.

Испан бадий адабиёти матнларининг таҳлили натижасида, биз шундай хулосага келдикки, билвосита нутқий акт вазифасида келган сўроқ нутқий тузилмаларни еттига гуруҳга ажратиш мумкин: сўроқ – таъкид; сўроқ – буйруқ; сўроқ-танбех; сўроқ-маслаҳат;



сўроқ-илтимос; сўроқ-таклиф ва риторик саволлар.

**1. Сўроқ - таъкид (8,5 %).** Таъкидлашни ифодаловчи саволларда шакл ва мазмун бир бирига номутаносиб бўлади: шакл жиҳатдан савол, аммо мазмун жиҳатдан ахборотни ифодалайди.

Таъкид сўроқларни қараб чиқиш жараёнида биз шунга амин бўлдики, уларнинг кўп қисмини махсус олмошли сўроқлар (65%) ташкил этади.

*¿Cuántas veces había visto aquel manto y cuántas se había preguntado por el significado de ese misterioso y recurrente personaje?* (Ulloa 2001: 32)

Шунингдек, махсус сўроқлар ичида инкор мазмунидаги мисоллар етарлича кўп учрайди. Эга вазифасида кўп ҳолларда 1-шахс бирликдаги олмошларга дуч келамиз. Кесим кўпинча ҳозирги оддий замонда келади:

*¿Y ahora qué hacía? ¿Quién podía ayudarla?* (Ulloa 2001: 47)

*¿No sería mejor que te levantarás? No sabemos a que hora llegará...* (Marsé 233)

Ушбу турдаги саволларни қараб чиқиш жараёнида уларнинг баъзилари “ўта билвосита” ифодаланганини кўришимиз мумкин. Масалан:

***¿Qué puede ser mejor que tener mucho dinero?*** (Ulloa 2001: 65)

Ушбу нутқий тузилманинг туб маъноси *Nada es mejor que tener mucho dinero* ни иллокув акт сифатида талқин қилиш нотўғри ҳисобланади. Чунки у мулоқот вазиятидан келиб чиққан ҳолда киноя тусини олган бўлиши мумкин. Жинойтчи Хосенинг барча пулларини ўғирлаб, унга тўппончани тутаётиб айтилган ушбу нутқий тузилманинг асл маъносини – “жуда ҳам бадавлат бўлишнинг қувонарли жойи йўқ, бир пасда пулларингдан ҳам, жонингдан ҳам айрилсан” – тарзида интерпретация қилиш ўринлидир. Кўриб турганимиздек, ушбу мисолда сўроқ ва киноя бирлашиб, юқорида таъкидлаганимиздек, “ўта билвосита” нутқий актни шакллантирган.

**2. Сўроқ-танбех (15 %).** Танбех – норозилик билдириш, гина қилиш, айблаш маъноларини назарда тутиб айтилган

нутқий тузилма ҳисобланади. Танбех маъносидаги сўроқ нутқий бирликларни қараб чиқиш жараёнида уларнинг ифодаланиши билан боғлиқ баъзи бир қонуниятларни ажратиш мумкин – саволларнинг кўп қисми умумий ва махсус сўроқлар шаклида ифодаланган. Дизъюнктив сўроқ гаплар ҳам анча кам учрайди. Танбех маъносидаги алтернатив сўроқлар тадқиқот доирасидаги матнларда учрамади, аммо бу уларнинг умуман мавжуд эмаслигидан далолат бермайди.

*Fanny. (Sentándose en la cama.) Pero... ¿No podés ser un poco más considerado con tu madre?... ¡A esta hora estoy como una zombi!* (Rovner 44).

Ушбу нутқий тузилмада ўғли уни ҳоли жонига қўймай эрталабдан уйғотганидан норози бўлган онанинг танбехи ифодаланган. Бу сўроқ тузилма орқали она ўғлини унга раҳми кemasлигидан шикоят қилмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, танбех сўроқ тузилмаларда кўпинча инкор воситаларининг иштироки ҳам кузатилади:

*Pero tía ¿no se pone usted el sombrero?* (Casta 2006: 26)

*Pero ¿por qué no da usted parte a la policía?* (Licenciado, 2006-II: 38)

Шунингдек, ҳис-туйғуларнинг жўшқин ифодасини билдириш мақсадида бир нечта сўроқ тузилмаларнинг кетма-кет шакллантирилган ҳолларини ҳам кузатдик. Ушбу ҳолда ҳар бир сўроқ гапни алоҳида эмас, балки барча саволларни бир бутун тузилма сифатида қараб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

*Tío Rufo... quiere usted estarse quieto? – ¿Quieres tú dejarme el pie?* (Vera 2006: 12)

Ушбу мисолда холасининг тинмай нолишидан норози бўлган қиз, унга танбех бермоқда.

Умуман олганда, танбехнинг бу қадар кўп ҳолларда билвосита сўроқ тарзида шакллантирилиши шундан далолат берадики, испан тили соҳибларининг кўпчилиги танбехни бевосита воқелантиришни афзал кўришмайди. Ҳаттоки баъзи пайтларда мулоқот



субъектига ҳам имплицит ишора қилинган ҳолда танбеҳ берилади. Ушбу ҳолда беихтиёр ўзбек тилидаги “Қизим сенга айтаман, келиним эшит!” деган ибора ёдимизга тушади. Демак, бундан келиб чиқадики, испанларда ҳам худди ўзбеклардаги каби андиша, бировнинг хатосини юзига солмаслик хусусиятлари мавжуд экан.

**3. Маслаҳат маъносини ифодаловчи саволлар (22,5%).** Ҳаракатни бажариш сабаблари тинговчининг фойдаси билан боғлиқ бўлган нутқий тузилмалар ушбу гуруҳга киради. Маслаҳат нутқий актлари сўроқ орқали ифодаланганда, умумий ёки махсус савол шаклида намоён бўлиб, эга иккинчи ёки учинчи шахс, бирликдаги олмош билан, айрим ҳолларда от билан ифодаланади:

*¿Para qué quieres cambiar? – le dijeron.* (Rosetti 2001: 68)

Ушбу мисолда ҳаётини ўзгартиришни истаган маликага эртак қаҳрамонлари бу фикрни бошидан чиқариб ташлашни маслаҳат беришган. Нутқий тузилманинг бирламчи мазмунини фақат контекст асосида савол эмас, балки маслаҳат деб тушуниш мумкин.

Испан тилида маслаҳат кўпинча *¿por qué no + verbo?* конструкцияси орқали берилади ва бу маслаҳатнинг буйруқ тусини олмаслигига хизмат қилади:

*Otra cosa que quería decirte: ¿por qué no haces amistad con ésa, la de la pensión, ahora al salir?* (Marsé 64)

- *Cantas muy bien, hija mía, muy bien. ¿Por qué no piensas en ir a un teatro?* (Castelar, 2006: 71)

*¿Y por qué usted, que ya tiene gran fama en la medicina, no se compra una berlina, que es lo que más le conviene?* (Larra, 2006: 24)

*Hombre, ¿por qué no te vas hacia el correo a ver si encuentras al cartero en el camino?* (Escamilla, 2006: 10)

Таҳлил давомида биз шунга амин бўлдикки, қараб чиқилган маслаҳат нутқий актларининг анча қисми ўз таркибида инкор тузилмасига эга бўлиб, бу ҳурмат тамойилига таяниш асосида,

тингловчининг “образига таҳдид”га йўл қўймаслик мақсадида амалга оширилган:

*¿No te reñirá tu amo si te entretienes? Creo que debes retirarte.* (Galdós, 2006-II: 110)

Келтирилган нутқий тузилмада маслаҳат нутқий акти аввал билвосита, яъни сўроқ гап орқали, кейин эса бевосита шаклда берилган.

**4. Сўроқ шаклидаги илтимос нутқий актлари (24,25%).** Ушбу сўроқ нутқий тузилмаларнинг бирламчи иллокуцияси тингловчини адресантнинг хоши-истагини бажаришга ундаш ҳаракати ҳисобланади. Илтимос ифода топган сўроқ нутқий бирликларнинг бошқалардан ажратиб турувчи хусусиятларидан бири шундан иборатки, уларда оддий, тушуниш осон бўлган лисоний тузилмалардан фойдаланилади. Бундан мақсад тингловчи ҳеч қандай “машаққатсиз”, илокутив мақсадни тушуниб, нутқий ҳаракатнинг кутилган перлокутив натижага эришишидир. Эга кўп ҳолларда олмош билан ифодаланган бўлади. Қўшимча **компонент** сифатида ундалмалардан фойдаланилади:

*¿Podrá usted decirme, amigo mío, usted que há tanto tiempo conoce al Sr. D. Simplicio, de que le ha provenido ese ataque de locura?* (Licenciado, 2006: 34)

Испан тилида илтимос нутқий бирлигининг мулоқот матнида воқелантирувчи оммалашган тузилмаси *¿poder+pronombre+infinitivo?* шаклида гавдаланган бўлиб, унда тингловчининг фаолият юритиш имконияти билан боғлиқ бўлган савол мавжуд бўлади:

*¿Puedes pasarme la sal?*

*¿Podrías estar un poco más callado?*

*¿Tú podrías estar un poco mas callado?* (Searle 1975: 41)

Шунингдек, *¿estar capaz de + infinitivo?* шаклидаги конструкциялар ҳам учрайди:

*¿Eres capaz de alcanzar el libro que está encima del estante?* (Searle 1975: 45)

Ушбу нутқий тузилмада бирламчи интенция сифатида тингловчининг имконияти ҳақида хабардор бўлиш эмас,





балки унинг китобни жавондан олиб беришга ундаш илтимоси воқеланган.

Билвосита ифодаланган илтимос нутқий актларининг инкор шакли кенг тарқалган бўлиб, бу тингловчига илтимосни қабул қилиш ёки қилмаслик имкониятини беради.

*¿No podrías procurarme los que me faltan?* (Laverde, 2006: 59)

*¿No podría usted hacerme el favor de un cigarrito de papel?* (Pardo Bazán 2006: 198)

*¿No hay propina para el camarero? - dijo Raúl sonriendo.* (Nieves 2006: 43)

Илтимос нутқий актларининг сўроқ шаклида ифодаланишининг яна бир жиҳатига эътибор берсак. XX асрдан олдинги ёзилган бадиий асарларда *¿hacer usted el favor de +infinitivo?* ёки *¿tener usted la bondad de+infinitivo?* конструкцияларига тез-тез дуч келамиз, аммо ҳозирги мулоқот жараёнида ушбу тузилмалардан жуда кам ҳолларда фойдаланилади, фақатгина ҳазил ва киноя тариқасида айтилган нутқий тузилмаларда уларни учратишга муяссар бўлди:

*Don Máximo, ¿me hará usted el favor de contestar francamente a varias preguntas que tengo que hacerle?* (Pardo Bazán 1998: 110)

*¿Hace usted el favor de venir á tenerme la escalera? – En seguida, en seguida voy.* (Escamilla, 1881: 14)

*¿Tiene usted la bondad de decirme si es falso este billete?* (Luceño, 1897: 13)

*Señora, ¿hará usted el favor de mandar que coloquen mi equipaje en la habitación que me destine usted?* (Barrera, 1878: 14-15)

**4. Таклиф саволлар (10,75 %).** Сўроқ тузилмалари испан тилида таклиф нутқий актларни ҳам воқелантирувчи воситалар ҳисобланади. Таклиф сифатида келиш илтимосини, бирон иш ёки кўрсатмани бирга бажариш таклифини тушунамиз. Таклифнинг энг оммалашган шакли умумий савол тарзида бўлиб, эга кўпинча *tu, usted, nosotros, vosotros, ustedes* олмошлари билан ифодаланади. Таклиф этиш асосан ҳозирги замон феъли билан

ифодаланади ва ундالمали бирликлар кўрсатилади:

*Ana, ¿No desea conocer a mi familia?* (Ulloa 2001: )

Антонионинг кутилмаганда оиласи билан таништириш учун Аннани уйига таклиф этиши уни довдиратиб кўйди. Қиз таклифни рад этиш хуматсизлик бўлади деб, рози бўлди. Шунинг учун кўп ҳолларда таклиф этишдан олдин *¿Qué haces esta noche (el fin de semana, despues del trabajo...)?* каби тузилмаларининг ишлатилиши тингловчига таклифни рад этган тақдирда ҳам, адресантни хафа қилмаслик мақсадида бирон баҳона ўйлаб топиш имкониятини беради. Жавоб тарзида - *Es que, voy a prepararme a mis pruebas* – таклифни билвосита инкор этиш сифатида; - *Escucho la música* – эса, “вақтим бор”, яъни таклифнинг қабул қилинишини бидиради.

Юқоридаги нутқий тузилмада кечкурун бирон жойга бирга бориш таклифи ифодаланаётганини тингловчи тушунмаслиги ҳам мумкин. Аммо испанларда суҳбатдошларнинг бир бирини жуда яхши тушунганига мисол бўла олувчи бир ҳазил бор:

*-¿Qué haces esta noche?*

*-¡Sí!*

*-¿Y su amiga Lola?*

*-¡Eres imbecil!*

Куйидаги матн парчасида аёл терговчига уни жиноят бўйича қизиқтирган саволларини уйга кириб муҳокама қилишни таклиф этаяпти:

*Si en algo lo puedo servir, estoy a su disposición. ¿Por qué no pasa a la casa y se toma una tacita de café?*

*- De todas formas, si sabes algo de él, me hace falta que me lo comuniques.*

*- Descuide, teniente, vayase tranquilo.* (Vázquez Pérez 47).

6. Риторик саволлар (12%) орқали нутқий тузилмага бўлган муносабат билдирилади, сўзловчининг айни бир муаммога бўлган фикри тасдиқланади, мулоқот матнида қараб чиқилаётган муаммога тингловчининг эътибори қаратилади. Риторик саволлар муаммоси бўйича тадқиқотчиларнинг фикри бир



бирига мутаносиб эмас. И.В. Арнольд риторик саволларни услубий транспозициянинг бир шакли, (Арнольд, 1973, 200) деб таъкидласа, В. Бейнхуар испан тилидаги риторик саволларни сўроқ шаклини олган инкорни билдирувчи ундов гапга тенглаштиради (Veinhauer, 1968, 177-178). Эскандел риторик саволлар кетма-кетлигини “онг оқими” йўналишидаги асарлар қаҳрамонларининг нутқида ҳис туйғуларнинг жўш уришини кўрсатиб беришга, тингловчини фикрлашга ундаш ниятида ишлатилади, деб таъкидлайди (Escandel 2000: 274). Қиёсланг:

*El Cuarenton. Pero... como cuarenton comoyo, empezar ahora, otra vez, con los libros? Eso es una exageracion. Ademas, para que necesita el pais a tanta gente estudiando?* (Teatro, 272). Муаллифнинг қўйилган муаммога нисбатан фикри риторик савол орқали шакллантирилади ва кейин чиқарилган хулоса баён этилади:

*¿Qué puede impedirmelo? ¿Acaso a costa de esfuerzos sobrehumanos y muchas reincidencias no se logra lo que se quiere? Mala cosa seria creer lo contrario...* (Noche, 86).

Бундан ташқари, риторик саволлардан муаллиф ўзи ва уни тинглаётган аудитория учун қизиқ бўлган мавзуга эътибор қаратиш ниятида фойдаланади. Ушбу вазиятда тингловчидан жавоб эшитиш мақсади кўзланмаган, чунки жавоб муаллифга маълум ва у буни тингловчиларга ҳам ёритиб беришга интилади. Масалан:

*¿Qué decisiones? ¿Qué leyes? ¿Qué estrategias y acciones podemos y debemos impulsar para superar esta coyuntura delicada que afecta la solidez, la permanencia y la estabilidad del sistema democratico en la Region?* (Humberto Cell 1995: 81).

Шуни таъкидлаш ўринлики, риторик саволлар доим ҳис-туйғуларга тўла бўлади ва тингловчига таъсири бир хил даражада кучли ҳисобланади:

*¿Que se hace con la sinceridad, la honestidad, la virtud? Muchas cosas, pero no arte* (Ab., 317).

7. Буйруқ сўроқ тузилмалар (7%). Сўроқ нутқий тузилманинг талаффуз этилишининг мулоқот мақсади илтимос қилиш, маслаҳат бериш, танбех билдириш кабиларни акс этганидек, айрим вазиятларда айнан буйруқ иллокуциясига эга бўлади. Ушбу ҳолатни асосан суҳбатдошларнинг ижтимоий мақоми, мансаби, ёши, мулоқот доирасидаги мавқеи тенг бўлмаган вазиятларда, яъни вертикал мулоқотда кузатишимиз мумкин. Масалан, директорнинг ёш журналистга йўналтирилган қуйидаги нутқий актини олсак:

Director (empujando al Joven Aspirante hacia la calle.) *¿Usted qué hace aquí?* (Olmo 352).

Ушбу мисолда директор журналистнинг бу ерда нима иш билан машғуллигига қизикмаяпти, балки унга бу ердан “туёғини шиқиллатиш”га буйруқ бераёпти. Шунга ўхшаш яна бир вазиятни қараб чиқсак:

*Lo que quiero saber, hijo – alzó la voz -, es ¿qué hace esta señorita en mi casa? – el viejo quedó mirando al suelo.* (Ulloa 2001: 17)

Юқоридаги нутқий тузилмада ҳам Антонионинг дадаси археолог хонимни уйдан ҳайдамоқчи бўлаяпти. Айнан ушбу нутқий тузилманинг дўстона муҳитда талаффуз этилиши, унинг иллокутив маъносини туб маънода, яъни адресантнинг нима қилиб юришини билишга қизиқишини билдиради. Демак, нутқий актнинг иллокутив мақсади ҳақида матндан ташқарида хулоса чиқариш ноўрин эканлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Яна бир мисол:

*¿Y yo qué, no tengo boca? (Manuel duda.) No vas a dejarme sin comer.* (Camps 34).

Ушбу мисолда ҳам билвосита буйруқ прагматик маъноси (“менга овқат бер!” имплицатураси) ифодаланганини фақат мулоқот матнига таянган ҳолда тушуниш мумкин.

Қизга тегажўғлик қилаётган эркакка куч ишлатиб, қизни қўйиб юбориш буйруғини мулойим билдираётган йигитча:



Un muchacho... cogió al baboso aquel por el brazo, muy suavemente, y le dijo: ¿Por qué no deja en paz a la señorita? (Marsé 118)

Йигитча буйруқ қаратилган эркакка нисбатан анча ёш бўлишига қарамасдан, унга буйруқ бермоқда. Айни пайтда у ахлоқ-одоб доирасидан чиқмасликка ҳаракат қиляпти.

El sargento se le acercó:

- ¿Eres sordo? ¿No has oído al señor juez? (Sender 108).

- Сержантнинг айбланувчига қаратиб айтилган ушбу нутқий тузилмасида буйруқ имплицит ифодаланган бўлиб, уни жавоб беришга кўпол тарзда ундаяпти. Демак, билвосита сўроқ нутқий тузилмалари хушмуомалаликни таъминлаши билан биргаликда,

тигловчининг шахсиятига тегувчи кўпол тус олиши ҳам мумкин экан.

Умуман, ажратилган етгита гуруҳни таҳлил этиш жараёнида билвосита нутқий актларнинг қуйидаги ифодаланиш қонуниятлари мавжудлигига амин бўлдик. Тадқиқ этилган испан бадий матнларида эга кўп ҳолларда биринчи шахсдаги олмош билан, кесим эса кўпинча Presente Simple шаклида ифодаланади. Кесим вазифасида келган перформатив феълларнинг ҳам семантик жиҳатлари турличадир. Биз учратган барча феъллар орасида нутқ ва тафаккурга оид феълларни алоҳида белгилаш лозим, чунки билвосита нутқий актларда уларнинг зоҳирий шакли нутқий тузилманинг ботиний мазмунидан фарқ қилишига гувоҳ бўлдик.

#### Адабиётлар

1. Аристотель. О софистических опровержениях /Аристотель // Сочинения в 4 томах. М.: Мысль, 1978. Т.2. – С. 533-594.
2. Беляева, Е.И. Грамматика и прагматика побуждения: Английский язык / Е.И. Беляева. - Воронеж. - Изд-во ВГУ, 1992. – 168 с.
3. Гордон, Д. Постулаты речевого общения /Д. Гордон // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16. М.: Прогресс, 1985. С. 276–302.
4. Грайс, П. Логика и речевое общение / П. Грайс // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16. М.: Прогресс. 1985. С. 217–237.
5. Кобозева, И.М. Теория речевых актов как один из вариантов теории речевой деятельности / И.М. Кобозева // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVII. М.: Прогресс, 1986. С. 7–21.
6. Линдстрём, Е.Н. Классификация русских вопросительных по форме высказываний на базе прагматически обоснованной универсальной модели: дис. ... канд. филол. наук /Е.Н. Линдстрём - Петрозаводск, 2003. - 189 с.
7. Сафаров, Ш.С. Прагмалингвистика / Ш.С.Сафаров – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
8. Серль, Дж.Р. Косвенные речевые акты /Дж. Р. Серль // Новое в зарубежной лингвистике: Вып. 17. Теория речевых актов. М.: Прогресс, 1986. - С. 204-208.
9. Солнцев, В.М. Введение в теорию изолирующих языков / В.М Солнцев. - М.: Изд. Фирма «Восточная литература» РАН, 1995. -352 с.
10. Фирсова, Н.М. Испанский речевой этикет. / Н.М. Фирсова. - М.: Инфра - М., 2000. - 183 с.
11. Цурикова, Т.В. Коммуникативный диапазон вопросительных предложений в дискурсе (на материале английского и русского языков) / Т.В. Цурикова. - Воронеж: Изд-во ВГУ, 2001.- 144 с.
12. Casta, P.P. El tutor y su pupila /P.P. Casta - Coruña: Tipografía Galaica, 2006. – 79 p.
13. Humberto, C. Mas alia del discurso / C. Humberto - Caracas: Publicacion del Parlamento Latinoamericano, 1995. - P. 81.



14. Licenciado, V. El tutor y la pupila: juguetecómico-lírico en un acto y en prosa / V. Licenciado -Sevilla: F. Alvarez, 2006. -38 p.
15. Marsé, J. La oscura historia de la prima Montse / Juan Marsé. - Plaza & Janés Editores, S.A. - Barcelona, 1970. - 288 p.
16. Nieves, A.B. El Crimen de la Ñ / Amelia Blas Nieves. – Madrid: Universidad de Alcalá, 2001. – P. 43.
17. Noche, V.S. La noche llama a la noche / Victoria de Stefano Noche. – Caracas: Monte Avila Editores C. A., 1985. – P. 86.
18. Olmo, L. La Camisa. El Cuarto Poder / Lauro Olmo. - Cátedra Letras Hispánicas. - 3<sup>ra</sup> ed., 1991. - 353 p.
19. Pardo, B. La madre naturaleza / Bazán Pardo. - Madrid: Pueyo. 1999. – 45 p.
20. Rosetti, A. Érase una vez./ Ana Rosetti. – Grupo Anaya, S.A. - Madrid- 2001. -133 p.
21. Róvner, E. Volvió una noche. / Eduardo Rovner. - La Habana.- Ediciones Casa de las Américas. - 1991. - 99 p.
22. Searle, J.R. The foundations of illocutionary logic / J.R. Searle. - Cambridge, 1985. XI. - 227 p.
23. SENDER, R. Requiem por un campesino español. / Ramón SENDER. - Barcelona. - Ediciones Destino, 1987. - 105 p.
24. Sperber, D. Relevance. Communication and Cognition / D. Sperber, D. Wilson. - Oxford: Blackwell, 1986. - 388 p.
25. Ulloa, E.E. El viaje sacrilego/ E.E. Ulloa -Spain: Universidad de Alcalá, 2001. – P. 79.
26. Vera, S.A. *En todas partes hay detodo* / S.A. Vera. -Madrid: Imprenta de don Cipriano López, 1969. - 95 p.

**Шамахмудова А. Классификация косвенных речевых актов, выраженных вопросительными предложениями в испаноязычном дискурсе.** В статье рассматриваются особенности косвенных речевых актов выраженные в вопросительной форме и их иллокутивное содержание на материале испанского языка. Автор предлагает классификацию косвенных речевых актов опираясь на их первичную интенцию и в результате анализа материала разделяет их на семь групп: вопросы выражающие утверждение, порицание, совет, просьба, приглашение, приказ и риторические вопросы.

**Shamakhmudova A. Classification of indirect speech acts expressed in interrogative form in Spanish discourse.** This article deals with features of indirect speech acts expressed in an interrogative form and their illocutionary contents on Spanish discourse. The author offers classification of indirect speech acts relying on their primary intension and as the result of analysis of material divides them into seven groups: questions expressing statement, censure, council, request, invitation, order and rhetorical questions.



## СПЕЦИФИКА АРУЗА: НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ИССЛЕДОВАНИЯ

*Туйчиева Гулхумор,  
Доктор филологических наук*

**Ключевые слова:** аруз, квантитативная система, квантитативность, рифмованная проза, поэзия, ритм.

Вопросы персидского (таджикского) аруза привлекали внимание современных ученых, начиная с пятидесятих годов прошлого века. Но интерес к изучению аруза, как стихотворной системы и теории стихосложения, остается неизменным. Публикуются исследования, которые изучают те или иные особенности данной стихотворной системы (1). Арузоведение сегодня оформилось в качестве независимой составной науки стиховедения, и его сегодняшнее развитие идет по пути переосмысления эволюции аруза в классической персоязычной литературе, значимости системы аруза в современной поэзии, осмысления внутренних изменений основ системы в практике становления стиха. Идет бурный процесс влияния современных методологий стиховедения на исследование аруза, что знаменует собой новый взгляд и новые подходы в изучении персоязычного стиха. Одним из важных составных направлений в исследовании аруза является изучение аруза, т.е. стихотворной системы конкретных авторов. Перенос исследования стихотворной системы из общих научно-теоретических аспектов в пласт ее преломления в практике поэзии, жизнестойкости аруза в творчестве конкретных авторов, решает немаловажные вопросы в установке принципов возникновения аруза и его трансформации. Так как такие проблемы как, эволюция аруза, его генетическая предрасположенность, особенности фонетики, морфологии и синтаксиса аруза, архитектура стиха, воссоздание исторической карты становления и формирования аруза являются на современном этапе злободневными проблемами исследования стиха.

В связи с вышеизложенным, актуальность приобретает исследование аруза отдельно взятых поэтических дарований, так как аруз, в качестве системы стиха, может жить и функционировать именно в процессе творчества тех или иных авторов. Вне творчества поэтов аруза – нет. Но, к сожалению, именно таких исследований, которые скрупулезно выявили бы те или иные особенности функциональности аруза в практике поэтики сегодня и не хватает.

Признавая тот факт, что воссоздание исторической карты функционирования аруза в классической персоязычной поэзии, в каждом конкретном поэтическом даровании, практически невыполнимое, все же необходимо очертить круг новых задач. Указанная проблема – объемная, требующая большого усердия, трудоемкая (необходимость траты большого времени вне сомнения), все же необходимо признать, что без реального знания состояния аруза каждого из поэтов, сегодня невозможно воссоздать общую картину действительности аруза в целом. Так как аруз является одним из главных элементов художественности слова, а без художественности слова - не бывает и самой поэзии. Не поняв принципы функционирования аруза, в качестве квантитативной организации речи, невозможно понять и сущность стиха. Поэтому так необходимо определение исторической и теоретической характеристики аруза в творчестве конкретных авторов.

Аруз, как явление стихосложения, требует проведения частотно-статистического анализа всей литературы, определения ритмообразующих его элементов,



выявления функциональности и многофункциональности звуковой организации, комбинаторику звуковых единиц, связи жанровых особенностей и аруза, архитектонику стиха в арузе, аруз и его взаимосвязь с строфическими моделями, исследование принципов музыкальности в арузийном стихе, особенностей паузы и интонации в арузе, явление изосиллабизма в арузе и его функции, ударение и его влияние на музыкальность арузийного стиха, связь аруза и художественности, исследование проблем творческого мастерства в контексте аруза и многое другое.

Представляется естественным называть классический стих - арузным стихом. Аруз, это не только необходимый элемент системы стиха, он воплощает в себя всю сложную гамму взаимоотношений внутри структуры стиха, и поэтику стиха, методы и методологию создания стиха, особенности художественности языка и речи, особенности воссоздания идеи и содержания через особую систему воспроизводства, и все это немислимо в классическом стихе без аруза.

Воссоздать газель вне аруза просто невозможно. Чтобы была газель - должен быть и аруз. Без аруза от газели ничего не остается, все рушится, и его содержание, и его звучание, и его влияние, его внутренняя структура, ритм и строфика, архитектоника, т.е. все. Так как аруз это - система, которая объединяет все необходимые элементы стиха. С этих точек зрения, исследование аруза, как системы стиха в его взаимосвязи с ритмикой, с закономерностями звуковой организации стиха, рифмой и строфикой является закономерным. Определение особенностей этой взаимосвязи означает осмысление принципов внутренней структуры аруза.

С другой стороны, развитие современной науки о стихе требует осознанной изолированности в исследовании аруза от ограниченных средневековых обобщений и умозаключений, в угоду понимания техники стиха и

стихосложения, что даст его осознание в качестве особой организации стихотворной речи.

Аруз есть - организация стихотворной речи по особым, свойственным только ему закономерностям. Язык - это средство общения. Речь это - средство, через которое происходит данное общение. То есть речь - явление функционирования языка. Стихотворная же речь - особая функциональность языка и особое проявление речи. Следовательно, аруз - это стихотворная речь, и оно служит художественному общению.

Аруз является элементом, как стихотворной формы, так и стихотворной речи. Стихотворная речь совершенно отличается от прозаической речи. В то же время существует целый цикл особенностей, которые объединяют как стихотворную речь, так и прозаическую. Они оба используют лексику, они оба используются для передачи определенного содержания, они оба являются средствами общения, в этом плане все закономерности, которые касаются простой речи, функциональны и в стихотворной речи. Но стихотворная речь имеет и свои собственные закономерности языка, которые отсутствуют в прозаической речи. Таким образом, стихотворная речь заключает в себя общие закономерности речи, так и своеобразные закономерности стихотворной речи, которые характеризуются через художественность, особую образность и поэтику.

Таким образом, все вышесказанное может стать основой для современного исследования аруза, как явления стихосложения. И только так можно ответить на волнующий столетиями умы и сердца исследователей существенный вопрос, что же такое аруз и в чем его суть?!

Аруз, как система стиха, привлекает интерес многих ученых со всех стран Востока, так как она является традиционной, самой распространенной, самобытной, сложной и противоречивой, способной к реорганизациям и ремиссиям.



Необходимо признать, что аруз - явление сложное, многогранное, импульсивное, живое, способное к эволюции и развитию, жизнестойкое, преобразующее самого себя в процессе творчества, вследствие всего вышесказанного он - явление вечно молодое.

Аруз – как стихотворное явление, исторически менялось, совершенствовалось в процессе своего развития. Аруз каждой эпохи, в качестве особой ритмической организации стихотворной речи, отличается от предыдущих и последующих эпох. Теория Халиля ибн Ахмада на сегодняшний день не может дать объяснения всех вопросов и проблем, которые ставит перед ней практика поэзии. С начала XX столетия и до сегодняшних дней происходят бурные изменения в стихе и стихосложении, обусловленные новыми тенденциями и влиянием социально-экономического развития общества на литературный процесс.

Аруз, в качестве количественной системы организации стихотворной речи, представляет собой живой эволюционирующий организм, способный в своем развитии в зависимости от культурно-литературных, и даже общественно-политических событий замораживать свое действие, уходить на задний план, затухать, но при этом никогда не исчезающий. Эволюция его развития напрямую зависит от творчества поэтов, использующих его. И каждый из них вносит в общую эволюцию свое принятие и понимание стихотворной системы.

Современная ситуация изменилась. Аруз, в качестве стихотворной системы проявляет себя в нескольких ипостасях. Можно отметить некоторые особенности в развитии аруза.

*Во-первых*, происходят изменения в самой канонической структуре количественности. Арузный стих приобретает новую содержательность, а также и новую форму. Количественный стих развивается в двух направлениях:

а/ получает развитие, или вернее,

получает современное звучание арузный стих классической формы (арабская, персидская, узбекская, азербайджанская, турецкая и др.);

б/ разрабатываются совершенно новые формы арузного, т.е. количественного стиха, которые в корне отличаются от классического стиха (арабская, персидская, турецкая).

*Во-вторых*, в национальных литературах появляются совершенно новые системы стиха, организованные на основе количественности. Это:

а/ «аш-ши’у-л-хурр» и «аш-ши’у-л-хадис» в арабской литературе;

б/ «шэ’р-и ноу» (аруз-и озод, шэ’р-и сефид) в персидской литературе.

Таким же основательным трансформациям подвергается содержательность стиха-появляются своеобразные особенности модернизма, символизма, абстракционизма, экзистенциализма, мистицизма и неосуфизма в современной поэзии (арабская, персидская, узбекская, турецкая, азербайджанская и др.).

*В-третьих*, происходит переосмысление самого канона. Делаются попытки реформы канонов аруза и создания современных теорий, отвечающих насущным требованиям поэзии (персидская, турецкая, узбекская и азербайджанская литература).

Что же касается, вопроса возникновения аруза в истории персидской литературы, то аруз, т.е. принципы количественности имеют свои древние и самобытные истоки в ней и первоначально, т.е. до влияния теории арабского аруза, его развитие шло самостоятельно.

Механизм его возникновения количественности в персидской поэзии включает в себя два способа:

а/ *первый*, образование метрических звеньев, основанных на вертикальном повторе метрически однородных отрезков. Этот способ связан с появлением признаков количественности в простейших строфических моделях.

б/ *второй* способ – это горизонтальное сближение и дальнейший отрыв на базе рифмованной прозы. И он основан на



структурных особенностях рифмованной прозы с целью самостоятельного существования метрически однородных групп.

Проникновение теории арабского аруза на персидскую, а затем и на узбекскую языковую почву, кроме общих принятых причин, основывалось на следующих моментах:

а) в практике поэзии довольно часто можно встретить нарушения незыблемости канона;

б) расширение поля действия фонетических единиц, создание универсальных по своему действию фонетических единиц, их широкое использование и универсализм слогов служили основой для трансформации основ теории арабского аруза на персидской языковой почве;

в) создавались новые, никому не известные метрические схемы, которые не были зафиксированы в теоретических трудах по арузу;

г) принцип свободы творчества, предполагающий с одной стороны полное освоение действующих законов, и с другой, их критически переосмысленное применение, было одной из основных причин эволюции стихотворной системы, его структуры и техники.

Довольно сложным в решении остается вопрос о взаимодействии саджа и аруза. Здесь возникают вопросы – в действительности ли саж является отправной точкой для аруза или их взаимодействие носит другой характер.

Саж – это особая форма художественной организации поэтической речи, которая по сумме используемых приемов больше тяготеет к поэзии, чем к прозе. Он развивался не изолированно от других форм, от того же аруза, а возможно, и параллельно с другими формами, в число которых мы включаем и систему стихосложения.

Отношения аруза и саджа нельзя приравнивать к простому влиянию первого на второй, этот процесс сложен, влияние происходило обоюдное, и основные признаки их поэтической

укомплектованности рождались одновременно параллельно и взаимовлияя. Разумнее будет оценка саджа в качестве этапа в развитии аруза, но не только его исходной точки. В структуре саджа и аруза много сложных, обобщающих их моментов, как использование рифм, ритмики, метричность некоторых звеньев, тяготение к изосиллабизму, краткости и емкости изложения, использование синтаксических параллелизмов, повторов и аллитерации. Это приводит к мысли об общности их развития и зарождения.

Саж и аруз имели единый исток, из которого, отделившись и взаимовлияя друг на друга, они становятся двумя своеобразными самостоятельными формами поэтической речи. Возможно поэтому саж, хотя и называется прозой, но больше оперирует понятиями поэзии, т.е. и саж, и аруз восходят к единой синкретической основе, в которой синтезировано, существовали основные особенности поэзии и прозы. Если саж берет для себя некоторые приемы из этой основы, то аруз перенял из этого ключа только поэтические законы организации речи.

В рифмованной прозе вазн проявляется как признак жанра, но в поэзии вазн становится основным, ключевым ее качеством. Вазн в прозе явление случайное, он не выполняет такую функцию как в поэзии. Рифму в прозе также следует относить к признаку жанра. Она в прозе не имеет организующей роли, как в поэзии. Вазн и рифма прозы лишены особенности организовывать и рождать стихотворный ритм. По этим причинам, хотя саж и тяготеет к поэзии, но все же он остается прозой.

Рассмотрение разных точек зрения на возникновение аруза, на проявление особенностей количественности привело нас к следующим выводам:

1. Персидская количественная система стиха – аруз, также как тюркский и арабский арузы, имеет свои древние и самобытные истоки возникновения и первоначально его развитие шло самостоятельно.





2. Несмотря на самостоятельный характер возникновения персидский аруз претерпел очень большое влияние теории Халиля ибн Ахмада, в результате которого ускорился сам ход формирования стихотворной системы, а затем была создана и теория персидского аруза.

3. Механизм возникновения аруза у персоязычных народов включает в себя два возможных пути – первый, образование метрических звеньев, основанных на вертикальном повторе метрически однородных отрезков, и второй, горизонтальное сближение и дальнейший отрыв от рифмованной прозы метрических групп. Первый путь возникновения связан с появлением признаков квантитативности в простейших строфических моделях, второй путь –

основан на структурных особенностях рифмованной прозы.

4. Взаимовлияние рифмованной прозы и аруза мы рассматриваем как действие двух самостоятельных видов искусства поэтической речи, которые в своем возникновении прошли этап синкретизма. Садж представляет собой определенный период в эволюции принципов квантитативности, который связывает начало возникновения аруза с тем периодом, когда он стал сформировавшейся системой стихосложения.

5. Более глубокое и пристальное изучение метрики отдельных представителей персидской классической литературы должен выявить пути трансформации теории аруза и определить обратное влияние.

#### Источники:

1. Акрем Джафар. Теоретические основы аруза и азербайджанский аруз. АДД, Баку, 1968.
2. Акрам Джафар. Арузнинг назарий асослари ва озарбайжон арузи (озарбайжон тилида), Баку, 1977.
3. Алиев Р. О новаторстве в современной персидской поэзии. М., 1963;
4. Азер А.А. Персидское стихосложение и рифма. Автореферат диссертации доктора филологических наук. –М., 1967.
5. Адмони В.Г., Свободный стих и традиционные формы организации стиха //Адмони В.Г. Поэтика и действительность. –М. 1975.-С. 256-282.
6. Абу Тавоб Розоний. Шеър муסיкуи созу овоз дар адабиёти форсий. Техрон. 1342;
7. Атои Абулқосим Жаннатий. “Нимо Юшиж ва кесмати аз ашъоре у”. (“Нимо Юшиж ва унинг шеърятти тақдири”), - Техрон, 1955.
8. Бертельс А.Е. Трактат по поэтике Вахида Табризи // Вахид Табризи. Джем-и мухтасар. Трактат о поэтике. Критич. текст, перев. и прим. А.Е.Бертельса. Отв. Ред. А.А.Стариков, М: Наука, 1959.
9. Бобоев Ю. Асосҳои шеъри тоҷики // Назарияи адабиёт. Душанбе: Маориф, 1987. – С. 171-191; Баҳор Малик уш шуаро. Сабкшуноси. Техрон, 1334.
10. Баҳор Малик аш шуаро. Шеър дар Ирон, Техрон- Машҳад, 1334.
11. Гусейнов Б.М. Традиции и новаторство в поэзии Ирана XX века., АДД, Баку, 1973.
12. Давронов С. Вазни ашъори Абулқосим Лохути. –Душанбе: Дониш, 1965.
13. Давронов С. Сохти шеъри тоҷики. –Душанбе: Ирфон, 1976; Elwell-Sutton L.R. The foundations in Persian Prosody and metrics. –Iran. 1975.
14. Elwell-Sutton L.R. Persian Metrics. Cambridge. 1976.
15. Зайнолобедин Мутаман. Тахавволи шеъри форси. Техрон. 1339.
16. Зайнолобедин Мутаман. Шеър ул адаби форси. Техрон. 1332.
17. Забиҳолло Сафо. Ториhi адабиёт дар Ирон. Жилди аввалу доввом. Техрон. 1339; Кляшторина В.Б. Новая поэзия в Иране. М., 1975.
18. Мухаммад Ҳуқуқий. Шеъри ноу: аз оғоз то эмуруз. Техрон, 1370.



19. Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика. –М.: Наука, 1989.
20. Саъдиев С. Поэтикаи шоирони Мавороуннахри асри XII. –Душанбе: Дониш, 1980.
21. Стеблева И.В. Ритм и смысл в классической тюркоязычной поэзии. М.: Наука, 1993.
22. Сирус Б. Арузи тоҷики. –Душанбе: Нашрдавтоҷик. 1963.
23. Сирус Б. Назарияи нави кофиябанди дар назми тоҷик. –Душанбе: Ирфон. 1972.
24. Сирус Шамисо. Сабкшеносийэ шеър. –Техрон: Митро, Иккинчи нашр, 1353.
25. Сирус Шамисо. Ошноий бо аруз – о кофийэ. Тўртинчи нашр. –Техрон, Митро, 1353.
26. Талабов. Араб шеърятисида аруз системаси, ДД, Тошкент, 2004.
27. Тиливалди А. Древнетюркский книжный стих. Алматы, 2002.
28. Тилавов Б. Поэтика таджикский народных пословиц и поговорок. –Душанбе: Дониш, 1967; Тоир У., Саидали С. Комуси кофия ва арузи шеъри ачам. Ч. 1 –Душанбе: Ирфон, 1994, Ч. 2. –Душанбе: Ирфон, 1996.
29. Туйчиева Г.У. Аруз в контексте газелей Амир Хосрова Дехлеви. –Т.: ТашГИВ, 2005.
30. Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. –Т.: Фан, 1985.
31. Усманов Х. У. Древние истоки тюркского стиха. Казань. 1987.
32. Усманов Х.У. Тюркский стих в средние века. Казань, 1987.
33. Хонлари Парвиз Нотел. Таҳқиқи интиқоди дар арузи форси ва чеғунагии тахаввули увзони ғазал. Техрон. 1327.
34. Хонлари Парвиз Нотел. Вазни шеъри форси. Техрон. 1345.
35. Фролов Д.В. Классический арабский стих: история и теория аруда. М., 1994.
36. Шомухамедов Ш.М. Форс-тоҷик арузи. Т.: ТошДУ, 1979.
37. Ҳоҷиахмедов А. Аруз назарияси асослари. Т., 1982; Қовус Ҳасанлий. Гунэхойи ноуоварийи дар шеърэ муосэри Ирон.-Техрон: 2004.

*Туйчиева Г. Арузнинг хусусиятлари: тадқиқотнинг айрим қисмлари. Мақолада арузнинг квантитатив тизимининг шаклланиши масалалари бўйича олимларнинг қарашлари тадқиқ қилиниб, арузнинг хусусиятлари, араб, форс ва ўзбек тиллар арузининг фарқли томонлари аниқланган. Шу билан бирга, арузни тадқиқ қилиш учун янги услублар ва шарқ мамлакатларининг замонавий квантитатив шеърӣ тизимини ривожланиши йўналиши тақдим этилган.*

*Tuychiyeva G. Specificity of aruz: some points of research. This article explores views of scholars on the questions of arood quantitative verse system, it's characteristics, questions of distinction of Arab, Persian and Uzbek arood systems, offers the new methods in the study and exploration, the coast trends of formation the modern East countries quantitative verse systems.*



## ҲИНД-ОРИЙ ТИЛЛАРИДАГИ СОНЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ДОИР БАЪЗИ ФОНЕТИК ЖАРАЁНЛАР ХУСУСИДА

*Нурматов Сирожиддин Султанмурашович,  
ТошДШИ докторанти, филология фанлари номзоди*

**Калит сўзлар:** элизия, ургу, церебрал товуш, эвфоник товуш, фонетик таҳлил, фонетик хусусият, сўз туркуми, ўнликлар, лигатура, санок сон, санскрит, палий, пракрит, апабахаранша, шаурасений, татсама, тадбҳава.

Мазкур мақолада Жанубий Осиё минтақасида кенг тарқалган ҳинд-орий тилларидаги сонларнинг шаклланишига доир фонетик жараёнларни ўрганиш мақсад қилиб олинган. Таъкидлаш жоизки, мустақил сўз туркумлари орасида сон сўз туркумининг ўзига хос шаклланиш хусусиятларини олимлар узок вақтдан бери ўрганиб келмоқдалар. Лекин, у барча тилларда бир хил ишланган эмас. Ҳатто баъзи тилларда умуман тадқиқ этилмаган.

Ушбу мавзуда махсус тадқиқот олиб борган А.Е.Супруннинг таъкидлашича, соннинг тузилиши ҳамма тилларда бир хил эмас [4: 582]. Сон бошқа сўз туркумларига нисбатан турғун, ўзига хос хусусиятга эга. Буни у шундай таъкидлайди: «Сон сўз туркумининг вокеланиши ҳар бир тилнинг табиатидан келиб чиқади» [4: 584]. Шунга кўра, мазкур мақолада ҳинд-орий тилларидаги сонларга хос лексемаларнинг шаклланишида содир бўладиган фонетик жараёнлар ўрганилади.

Маълумки, Ҳинд-Оврўпа тиллари оиласига хос бўлган ҳинд-орий тиллари гуруҳи ўзига хос ривожланиш босқичлари билан бошқа гуруҳдаги тиллардан ажралиб туради. Манбаларда қайд этилишича, ҳинд-орий тилларининг пайдо бўлиши жуда қадимги даврларга бориб тақалади. Тахминларга кўра эрамиздан аввал 1500 йил аввал ҳинд-орий тиллари шакллана бошлаган. Демак, қарийб 3500 йил даврдан бери ушбу тиллар ривожланиб келмоқда [5: 38].

Ҳинд тилшунос олимлари ҳинд-орий тилларининг ривожланиш босқичини 3 даврга тақсимлаганлар. Булар: 1) қадимги ҳинд-орий тиллари даври (эр.ав. 1500 йилдан - эр.ав. 500-йилигача); 2) ўрта

ҳинд-орий тиллари даври (эр.ав.500 йилдан - эрамизнинг 1000-йилигача); 3) янги ҳинд-орий тиллари даври (1000-йилдан то ҳозирги давргача).

Мазкур мақолада асосан қадимги ҳинд-орий тиллари даврига хос бўлган ведик санскрит ва санскрит, ўрта ҳинд-орий тиллари даврида ривожланган палий, пракрит ва апабахаранша ҳамда янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳозирги адабий ҳиндий тилидаги сонларга хос лексик бирликларнинг ривожланишида содир бўлган баъзи фонетик жараёнлар таҳлил қилинади.

Ҳинд тилшунос олими Б.Тиварийнинг фикрича, ҳинд-орий тилларининг ривожланишида сонларнинг шаклланиши алоҳида хусусиятларга эга. Уларнинг фонетик жиҳатлари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради [8: 585].

Ушбу мақолада Д.Варма [7], С.Агравал [10], Б.Тиварий [5], Х.Баҳрий [11] каби ҳинд тилшунос олимлари томонидан ёзилган кўплаб илмий асарлар ўрганилди. Олдинги мақолалар бирликларга оид сонларнинг шаклланиш масалаларига бағишланганлиги туфайли, ушбу мақолада асосан ўнликларга доир сонларнинг шаклланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўнликларга хос бўлган दस (das) – “ўн” санок сони қадимги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ведик санскрит тилида दश (dash), санскрит тилида ҳам दश (dash) шаклида ифодаланган. Ўрта ҳинд-орий тиллари даврида ривожланган палий тилида दस (das), пракритда эса даставвал दस (das), кейинчалик दह (dah), डह (Dah), रह



(rah), लह (lah) шаклларига эга бўлган [8: 594]. Апабхаранша тилида ҳам दस (das) шаклида қўлланилган. Ҳиндий тилида эса दस (das) ва шунингдек унинг маъносини англатувчи бир неча шакллари ҳам мавжуд. Ушбу соннинг кўринишлари куйидаги лексемаларда ўз аксини топган: दसवां (dasvaan) – “ўнинчи”, दसों (dasoon) – “ўнлаб”, दह (dah), चौदह (chaudah) – “ўн тўрт”, दहला (dahlaa) – ўн (турли хил ўйинларда), दहाई dahaaii – “ўн рақами”, दहाना dahaanaa – “диаметр”, रह (rah) – ग्यारह (gyarah) – “ўн бир”, बारह (baarah) – “ўн икки”, तेरह terah – “ўн уч”, सत्रह satrah – “ўн тўрт”, अट्ठारह aTThaarah – “ўн саккиз”), लह lah (सोलह solah – ўн олти), द्रह drah (पन्द्रह pandrah – “ўн беш”) ва хоказо [12: 193]. Бу шаклларнинг барчаси пракритлар давридан бери қўлланилиб келинмоқда. Тилшунос олим Дҳирендра Варма пракрит тилларига хос бўлган d товушининг r товушига айланганлик сабаблари аниқ эмас, дейди. Фикримизча, пракритдаги र (r) ва бошқа шунга ўхшаш товушларнинг таъсири натижасида द (d) нинг ड (D) шакли юзага келган. Бироқ анъанавий шаклдаги церебраллашув натижасида ҳам द (d) товуши ड (D) га ўзгарган. द (d) ड (D) ङ (R) र (r) товушларида ҳам шундай ҳолат юзага келган.

Ҳиндий тилидаги ўнликларга хос бўлган बीस (biis) – “йигирма” сони (द्विंशति dvinshati) ведик санскрит тилида विंशति (vinshati), санскрит тилида ҳам विंशति (vinshati), палий тилида वीसति (viisati), пракритда эса वीसइ (viisai), шаураасений пракритда ва апабхараншада वीस (viis) ва

ҳозирги адабий Ҳиндий тилига келиб बीस (biis) шаклига эга бўлган [7: 98]. Ушбу ўнликларга хос бўлган соннинг бир неча кўриниши мавжуд бўлиб улардан बीस (biis) बिस (bis) (चौबीस chaubiis – “йигирма тўрт”), ब्विस (bbis) ёки बीस (bbiis) шакллари (छब्बीस chaubbiis – “йигирма олти”), ईस (iis) ёки इस (is) шакллари (उन्नीस unnis – “йигирма тўққиз”, इक्कीस ikkiis – “йигирма бир”, बाईस baaiis – “йигирма икки”, तेईस teiis – “йигирма уч”, पच्चीस pachchiis – “йигирма беш”, सत्ताईस sattaaiis – “йигирма олти”, अट्ठाईस aTThaaiis – “йигирма саккиз”) ҳам мавжуд. Ушбу сонларга хос лексемалар таркибида учраётган ब्व “bb” лигатура хос бўлган шакл урғунинг натижасидандир. Улар таркибидаги б “b” товуши элизияга учраши сабабли इस (is), ईस (iis) шакллари ҳосил бўлган. Ведик санскрит тилида विंशति (vinshati) шакли даставвал त्रिंशत् (trinshat) шаклида бўлган. चत्वारिंशत् (chatvarinshat) шакли асосига द्वि (dvi) кўшилиши натижасида द्विंशति (dvinshati) шакли юзага келган. Бунда द “d” товушининг элизияга учраши натижасида विंशति vinshati шакли ҳосил бўлган.

Ўнликлар қаторига оид तीस (tiis) – “ўттиз” маъносини англатувчи лексема эса, ведик санскрит ҳамда санскрит тилларида त्रिंशत् (trinshat), палий тилида, तिसति (tinsati), пракрит тилида तीस (tiis), апахараншада तीस (tiis) ва бу шакл ҳозирги адабий Ҳиндий тилига келиб ҳам तीस (tiis) шаклига эга бўлган. Бу шакл तीसवां (tiisvaan) – “ўттизинчи” ёки इक्तीस (iktiis) – “ўттиз бир”, तैतीस (teentiis) – “ўттиз уч”, चौतीस (chaontiis) – “ўттиз тўрт”, सैतीस



(saintiis) – “ўттиз етти”, अड़तीस (aRtiis) – “ўттиз саккиз” каби мисолларда ўз аксини топган [11: 247]. Баъзилари талаффуз жиҳатидан ўзгача шаклга ҳам эга бўлиши мумкин). Шунингдек, तीस (ttiis) ёки तिस (ttis) шакллари эса ўттизликларга хос бўлган лексемаларнинг иккинчи вариантыда қўлланилишини таъкидлаб ўтиш лозим (इकतीस (ikattiis) – “ўттиз бир”, बत्तीस (battiis), बत्तिस (battis) – “ўттиз икки”, छत्तीस (chattiis), छत्तिस (chattis) – “ўттиз олти”). Ушбу сонларда лигатура шакллари ҳамда қисқа унли товушларнинг чўзиқ унли товушларга ўзгариш ҳодисаси юз берган.

चालीस (chaaliis), चालिस (chaalis) ведик санскрит тилида चत्वारिंशत् (chatvaarinshat) ва санскрит тилида ҳам айнан шундай шалда бўлган. Палий тилида चत्ताळीसति (chattaLiisati) ва चत्ताळीस (chattaLiis), пракрит тилларида эса चत्तालीस (chattaaliis), апабхарашада चालीस (chaaliis), चालिस (chaalis) ва ҳиндий тилида चालीस (chaaliis), चालिस (chaalis) шаклларига эга бўлган. Бунинг бир неча кўринишлари бўлмиш चालीस (chaaliis), चालिस (chaalis), तालीस (taaliis), तालिस (taalis) каби шакллари ҳам мавжуд бўлиб, улар इकतालीс (iktaaliis), इकतालिस (iktaaliis) – “қирқ бир”, तैतालीस (taintaaliis), तैतालिस (taintaalis) – “қирқ икки”, पैतालीस (paintaaliis), पैतालिस (paintaalis) – “қирқ беш”, सैतालीस (saintaaliis), सैतालिस (saintaalis) – “қирқ етти” каби сонларга хос лексемалар таркибида учрайди. आलिस (aalis) ва आलीस (aaliis) шакллари эса बयालीс (bayaaliis), बयालिस (bayaalis) – “қирқ икки”, चवालीस (chavaaliis) - चवालिस (chavaalis) – “қирқ тўрт”, छियालीस (chiyaaliis) - छियालिस (chiyaalis) – “қирқ олти” каби сонлар таркибида ўз ифодасини топган [8: 594]. Ушбу сонларга хос лексемалар таркибида

учраётган य (ya) व (v) товушлари эвфоник товушлар ҳисобланади. त (t) товуши иштирок этган ва шунингдек пракрит тилидаги चत्तालीस (chattaaliis) шаклидаги त्त (tta)га урғу тушушиши ҳамда च (ch) товушининг элизияга учраши сабабли ҳосил бўлган. Охирги шакллар эса च (ch) त (t) товушларининг элизияси натижасида ясалган.

Ўнликлар қаторига оид элликликлар маъносига ўз ифодасини топган पचास қадимги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ведик санскрит тилида पंचाशत् (panchashat) ва санскрит тилида ҳам पंचाशत् (panchashat) шаклида бўлган. Ўрта ҳинд-орий тилларига хос бўлган палий тилида पंचासा (panchasa) (баъзи манбаларда पञ्चासा (paNNaasaa) шакли ҳам қўлланилганлиги ҳам таъкидланади. Пракрит ва апахаранша тилларида पंचास (panchas) ва янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳозирги адабий ҳиндий тилида पचास (pachas) варианты шакланган. Саноқ сонга оид ушбу лексеманинг पचास (pachaas), चास (chaas) (उनचास unchaas – (қирқ тўққиз)), वन (van) – (इक्यावन (ikyaaavan) – “эллик бир”, बावन (baavan) – “эллик икки”, चौवन (chauvan) – “эллик тўрт”, अठावन (aThaavan) – “эллик саккиз”), पन (pan) (तिरपन (tirpan) – “эллик уч”, पचपन (pachpan) – “эллик беш”), प्पन (ppan) (छप्पन (chappan) – “эллик олти”) каби шакллари ҳам мавжуд. चास (chaas) шаклида प (p) товуши элизияга учраган. पंचाशत् (panchashat) шакли палий тилида पञ्चासा (паннаса), пракритда पणासा (panaasaa), апабхараншада पण (paN) ва ҳиндийда पन (pan) кўринишида ҳосил бўлган [10: 173]. Қадимги ҳинд-орий тилларидаги ट्प (tp) лигатура шакли, янги



хинд-орий тилларига келиб **प्प** (pp) лигатура кўринишига эга бўлган.

Олтмиш маъносини англатувчи **साठ** (saTh) лексемаси эса, ведик санскрит ва санскрит тилларида **षष्टि** (shashTi), палий тилида **सट्ठि** (saTThi), пракритда **सट्ठि** (saThThi), апабхараншада (saTThi), **सट्ठ** (saTTha) ҳолатида шаклланган ва янги хинд-орий тиллари давридаги хиндий тилига келиб **साठ** шакли содир бўлган.

Ушбу лексеманинг 2 та, яъни **साठ** (saath) ва **सठ** (sath) каби шакллари ҳам мавжуд. Олтмишликлар қаторига оид сонлар билан бирикканда, қисқа унли шакли **सठ** (sath) билан ясалади (**इक्सठ** (iksaTh) – “олтмиш бир”, **तिरसठ** (tirsath) – “олтмиш уч”, **छियासठ** (олтмиш олти), **सडसठ** (saRsaTh) – “олтмиш етти”) [10: 86].

Ўнликларга хос **सत्तर** (sattar) – “етмиш” даставвал қадимги хинд-орий тилларига хос бўлган ведик санскрит ҳамда санскрит тилларида **सप्तति** (saptati), ўрта хинд-орий тилларига хос бўлган палий тилида **सत्तति** (sattati), **सत्तरि** (sattari), пракрит тилида **सत्तरि** (sattari), апабхараншада эса **सत्तरि** (sattari) ва **सत्तर** (sattar), янги хинд-орий тилларига келиб эса **सत्तर** (sattar) кўринишига эга бўлган. Ушбу лексиканинг **सत्तर** (sattar), **हत्तर** (hattar) каби кўринишлари бошқа сонларнинг бирикишида ҳам қўлланилади. Масалан, **सतहत्तर** (sathattar) – “етмиш етти”, **अठहत्तर** (aThhattar) – “етмиш саккиз” каби сонларга хос лексемаларда **अत्तर** (attar) **त्तर** (ttar) каби шакллар учрайди. **स** (s) товушининг **ह** (h) товушига ўзгариши натижасида **हत्तर** (hattar) шакли ҳосил бўлган. Етмишликлар қаторида келган бошқа сонларга оид бирликларда ундош ва унли товушларнинг элизия ҳодисасига учраганлигини кузатишимиз мумкин. Санскрит тилидаги **त** (t) ундош товушининг палий тилида **र** (r) – **त** (t) – **ट**

(T) – **ड** (D) – **ड़** (R) – **र** (r) товушларига ўзгариши натижасида шаклланган [8: 595]. Йирик хинд тилшунос олими Сунитий Кумар Чатержийнинг таъкидлашича, буларни церебрал товушларга айланганлигини аниқ айтмайди. Лекин, фикримизча буларнинг таркибида ўзгараётган товушларни анъанавий равишдаги церебрализация дейиш ўринлидир. Яна бир тилшунос олим Дхирендра Варма эса, **त** (t) товушининг **र** (r) ўзгаришининг сабабини, ноаниқ деб ҳисоблайди.

**अस्सी** (assii) – “саксон” маъносини англатувчи лексема, ведик санскрит даврида **अशीति** (ashiiti), санскрит тилида ҳам **अशीति** (ashiiti), ўрта хинд-орий тиллари даврига хос бўлган палий тилида **असीति** (asiiti), пракрит тилида **असीइ** (asiii), апабхаранша тилида **असी** (asii), **अस्सी** (assii), янги хинд-орий тилларига хос бўлган хиндий тилида **अस्सी** (assii) шаклига эга бўлган [7: 99]. Дхирендра Варма **स** (s) товушининг икки марта қайтариланиш ҳодисасини, панжоб тилининг таъсирининг натижасида, деб таъкидлайди. Юқорида келтирилган мисоллардан ҳам кўришиб турибдики, **अस्सी** (assii) шакли апабхаранша тилида ҳам ўз аксини топган. Ҳақиқатан ҳам бундай ҳолатда сақланишига панжобчанинг таъсири кучли бўлган. Эътиборли жиҳати шундаки бошқа сонлар билан бирикканда ҳам **आसी** (aasii) шакли қўшилади. Жумладан **बयासी** (bayaasii) – “саксон икки”, **तिरासी** (tiraasii) – “саксон уч”, **पचासी** (pachaasii) – “саксон беш”, **छियासी** (chiyaasii) – “саксон олти” ва ҳоказо. Бу сонларга хос лексемаларнинг барчасида **आसी** (aasii) саксон маъносини англатиб келмоқда.

“Тўқсон” маъносини англатувчи хиндий тилидаги **नव्वे** (navve), **नब्बे** (nabbe) лексемалари эса, даставвал қадимги хинд-орий тиллари давридаги ведик санскрит ва санскрит тилларида **नवति** (navati), ўрта хинд-орий тиллари даврида ривожланган палий тилида **नवति** (navati), **नवुति** (navuti),



пракритда णवइ (navai), апабахараншада णवइ (navai), णवदि (navadi) ва ниҳоят янги хинд-орий тилларидаги ҳиндий тилига келиб नव्वे (navve), नब्बे (nabbe) шаклларида қўлланила бошлаган [8: 595]. Ушбу лексемаларда учраётган व्व (vv) ёки ब्ब (bb) лигатурага хос қўшимчалар панжобчанинг таъсири натижасидандир. Пракритча ҳиндийча шакли नावे (naave) ёки नाबे (naabe) бўлган. Бошқа сонлар билан бирикканда ए (e) товушига урғу кам тушганлиги сабабли नव्वे (navve), नब्बे (nabbe) шаклларининг ўрнига नवे (nave) ёки नबे (nabe) каби шакллар бирикади. Масалан, बानवे (baanve) ёки बानबे (baanbe) – “тўқсон икки”, तिरानवे (tiraanve) ёки तिरानबे (tiraanbe) – “тўқсон уч”, चौरानवे (chauraanve) ёки चौरानबे (chauraanbe) – “тўқсон тўрт” ва ҳоказо.

सौ (sao) – “юз” сонига хос бўлган лексема, ведик санскрит тилида शत (shat), санскрит тилида ҳам शत (shat), палийда эса सत् (sat), пракрит тилларида सअ (sa), सय (say) ва सै (see) шакллари ҳосил бўлган [11: 248]. Апабахаранша тилида эса सउ (sau) ва ҳозирги адабий ҳиндий тилига келиб सौ (sao) шакли юзага келган. Таъкидлаш жоизки, ҳиндий тилининг баъзи шеваларида सै (see) ҳам қўлланилади. Ҳиндий тилида кенг тарқалган सैकडा (seekRaa) шаклида ҳам бу шакл ўз аксини топган. सैकडा (seekRaa) шакли санскрит тилидаги शतकृत (shatkrit) дан келиб чиққан. Ушбу лексемада ўрта хинд-орий тилларига хос бўлган सै (see) шакли сақланган ва ऐ (ee) дифтонгидан सृнг कडा (kRaa) қўшилиши натижасида ҳосил бўлган.

Юқоридаги таҳлил натижаларига кўра қуйидаги умумий хулосаларни келтириб ўтишимиз мумкин:

1. Қадимги хинд-орий тиллари давридан то ҳозирги янги хинд-орий тиллари давригача ривожланган сонларга хос лексемаларнинг шаклланишида ўзига хос фонетик жараёнлар содир бўлган.

Ҳинд-орий тилларидаги сонларнинг шаклланиши жараёнида асосан уларда унли ва ундош товушлар элизия ҳодисасига учраган. Натижада сонларга хос лексик бирликлар таркибида ўзгаришлар рўй берган.

2. Сонларга хос баъзи лексемалардаги ундош товушлар церебрал товушларга ўзгариши натижасида қадимги тил қолдиқлари нисбатан кам сақланган. Қадимги хинд-орий тилларига хос бўлган санскрит тилидаги шакллар ўзгариши натижасида баъзи товушлар янги хинд-орий тиллари даврига келиб ўз хусусиятини йўқотган.

3. Таҳлилга тортилган мисолларнинг аксариятида лигатура шакллари ҳамда қисқа унли товушларнинг чўзиқ унли товушларга ўзгариш ҳодисаси юз берган. Натижада қадимги хинд-орий тилларидан ўрта хинд-орий тиллари даврига ўтиш жараёнида қисқа унлилар чўзиқ унлиларга ўзгарган ва бундай шакллар янги хинд-орий тиллари даврига келиб ҳам сақланиб қолган.

4. Сонларга хос баъзи лексемалар қадимги хинд-орий тиллари даврида битта шаклга эга бўлган бўлса, янги хинд-орий тиллари даврига келиб уларнинг иккитадан шакли ҳам ҳосил бўлган. Қисқа унлилар чўзиқ унлиларга ўзгарганлиги ёки бўлмасам чўзиқ унли товушларнинг қисқа унли товушларга ўзгариши, шунингдек иккита ундош товушларнинг бирикиши натижасида лигатура ҳосил бўлганлиги сабабли ҳам баъзи сонлар 2 тадан шаклга эга бўлган.

5. Эътиборли жиҳати шундаки, қадимги хинд-орий тиллари даврида шаклланган сонларга оид лексемалардан фарқли равишда, ўрта хинд-орий тиллари даврига хос бўлган апабахаранша тилидаги сонларга оид лексик бирликларнинг аксарияти, янги хинд-орий тиллари даврига келиб ҳеч қандай фонетик ўзгаришларсиз ривожланиб шаклланган.



Адабиётлар:

1. Дымщиц З.М. Грамматика языка хинди. Т I. -М.: Наука, 1986.
2. Зограф Г.А. Языки Южной Азии. -М.:Наука, 1990.
3. Низомиддинова С. Ҳозирги замон ўзбек тилида сон. -Т.: Фан, 1974.
4. Супрун А.Е. Числительное // Лингвистический энциклопедический словарь. -М.: Научное издательство Большая Российская энциклопедия, 1992.
5. Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. I қисм. -Т.: ТошДШИ нашриёти, 2003.
6. Шоматов О.Н. Ҳиндий тилининг меъёрий грамматикаси. -Т.: ТошДШИ, 2010.
7. धीरेन्द्र वर्मा -हिन्दी भाषा का विकास। -दिल्ली, 1962.
8. भोलानाथ तिवारी -हिन्दी भाषा। इलाहाबाद, 1972.
9. भोलानाथ तिवारी -भाषाविज्ञान संसार की भाषाएँ और उनका वर्गीकरण। -इलाहाबाद, 1996.
10. सरयुप्रसद अग्रवाल। भाषाविज्ञान और हिन्दी। -इलाहाबाद, 1997.
11. हरदेव बहरी। भाषा का विकास। -दिल्ली, 1992.
12. पंडित रामचंद्र। आदर्श हिन्दी शब्दकोश। -वाराणसी, 1971.

**Нурматов С. О некоторых фонетических процессах при образовании числительных в индо-арийских языках.** В этой статье изучены фонетические процессы, происходившие при образовании лексем числительных в индоарийских языках и проведен анализ фонетических особенностей. Исследованы фонетические процессы, имевшие место в индоарийских языках древнего периода, включая новоиндоарийские языки, на примере лексических единиц числительных.

**Nurmatov S. On some phonetic processes in the formation of numerals in the Indo-Aryan Languages.** This article studies the phonetic processes that occurred during the formation of lexemes of numerals in the Indo-Aryan languages and analyzes their phonetic features. Phonetic processes that took place in the Indo-Aryan languages of the ancient period, including the new Indo-Aryan languages on the example of lexical units of numerals, are investigated.





## НОМУТАНОСИБ СЕМАНТИК БИРИКУВЛАРНИНГ КОНТЕКСТДА МОСЛАШУВИ ВА ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ ҚИЁФАСИНИ ТАСВИРЛАШДА ЭСТЕТИК- ЭМОЦИОНАЛ ТАЪСИРИ

*Даниева М.Дж.*

*Қарши давлат университети PhD*

*Калит сўзлар:* концепт, мантиқий муносабат, когнитив, лисоний, асар, прагматик, компонент, контекст, концептуал фаолият, оксюморон.

Бадий асар тили илмий адабиётлар тилидан тубдан фарқ қилади. Илмий тил бирор бир соҳага оид тушунча, концептларнинг мантиқий муносабатлари, уларнинг воқеликдаги предмет-ҳодисалар билан боғлиқлигини таҳлил қилиш йўли билан оламнинг лисоний қиёфасини тасвирлайди ҳамда шу йўсинда илмий билим ҳосил қилишга кўмаклашади. Бу жанрдаги матнларда маънолар бирикиши қатъий назоратда, когнитив андозалар ва лисоний ифода воситалари камдан-кам ўзгаради.

Бадий асарда муаллиф тил тизимида мавжуд бўлган воситалар захирасига мурожаат қилади, лекин баъзан бу захира унинг эҳтиёжини тўлиқ қондирмай қолади. Тизимда муаллиф интенциясига жавоб берадиган бирлик мавжуд бўлмаслиги ёки бори ҳам мўлжалдаги прагматик самарага етишишга қодир бўлмаслиги мумкин. Бундай ноқулайликни бартараф этиш йўлини қидираётган муаллиф тил бирликларини иккиламчи, кўчма маъноларда қўллашга мажбур. Когнитив ва субъектив баҳо – ахборотни ягона лисоний шакл доирасига бирлаштириш усулида юзага келтириляётган бундай номинатив бирикма муаллиф идиолектининг, унинг индивидуал лисоний тафаккур фаолияти ҳосиласидир. Аммо бундай бирликлар ўз-ўзича, тартибсиз пайдо бўлмайди, уларда ифода шакли меъёрлари бузилиши мумкин, концептларнинг мантиқий мослашуви қоидаси эса ўз кучини йўқотмайди. Сўз бирикмаси компонентлари ўртасидаги мазмуний номутаносиблик маълум контекстда ўз кучини йўқотади ва аксинча, у

коммуникатив-прагматик мазмун ифодасининг фаол воситасига айланади.

Тавсифланган усулда сўз бирикмаларини шакллантириш бадий ижоднинг маҳсулдор омилларидан бирига айланиб улгурган. Номутаносиб десигнатларнинг контекстдаги мослашуви бадий ифода учун заруратга айланиб бормоқда ва бу ҳодиса тил табиатига ҳос қонуниятларнинг бузилиши эмас, аксинча, уларнинг фаоллиги, ҳаракатланувчанлиги намунаси сифатида қаралгани маъқул. Олам идроки жараёнида инсоннинг тажриба, билим сарҳадлари кенгайиб боргани сари унинг лисоний фаолиятида ҳам инновацион характердаги ўзгаришлар юзага келиши муқаррар. Шунингдек, Ш.Сафаров таъкидлаганидек, “инсонлар концептуал фаолияти қандайдир муҳимлиги ва бир бутунлиги таъминланган тизимдан иборат эмас. Бизга воқелик ҳақидаги билимимиз ва тажрибамизни турлича идрок этиш, умумлаштириш ва англаш қобилиятини Яратганнинг ўзи ато этган” [4:28]. Номутаносиб маънолар мослашуви йўли билан ҳосил бўладиган бирикмалар, табиий тил қонуниятлари зид эмаслигининг исботини ушбу бирикмаларнинг бадий матнларда кенг қўламда қўлланиб келинаётгани ва бадий мазмун ифодасининг эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилаётганида кузатамиз.

Номутаносиб семантик бирикувларнинг экспрессив самараси, айниқса, поэтик асарларда юқори бўлишини таърифлаган М.В.Никитиннинг қайдича, “поэзияда мазмун танлови – поэтик матнда маънолар бирикуви



(муносабати) мантикий нормаларнинг бузилишидир” [3: 81]. Агар биз олим таклиф қилган таҳлил методидан фойдаланиб, инглиз адиби Д. Томаснинг “On No Work of Words” шеъридаги охириги мисрадан олинган “*Ancient woods of my blood...*” сўз бирикмасининг мазмун бўлакларини мантикий норма асосида жойлаштирсак, унда бу бирикма *woods of my ancient blood* кўринишини олган бўлар эди. Нарсалар ва уларнинг хусусиятларини аташ учун М.В.Никитин N символидан фойдаланишни тавсия қилган, унда биз қайта танлаган бирикма N<sub>1</sub> (*woods*) – N<sub>2</sub> (*ancient*) – N<sub>3</sub> (*blood*) кўринишига эга ва бу сўз бирикмасининг мантикий давомийлиги кўйидагича бўлиши керак: N<sub>1</sub> (N<sub>2</sub> N<sub>3</sub>). Аммо матндаги *ancient woods of my blood* бирикмаси қисмларининг семантик мослашуви бошқача: N<sub>2</sub> (N<sub>1</sub> N<sub>3</sub>), чунки N<sub>3</sub> бўлаги (*blood*) синтактик жиҳатдан N<sub>1</sub> (*woods*) га тобедир, N<sub>2</sub> (*ancient*) эса N<sub>1</sub> ва N<sub>3</sub> ўртасидаги муносабатларни изоҳловчи элемент вазифасини ўтайди.

Юқорида келтирилган мантикий-семантик андозада тузилган сўз бирикмасининг поэтик услубдаги нутқда кенг қўлланиши ушбу услуб семантик нормаларнинг эркинлашувига кенг йўл очиб бераётганлигидан воқиф этишини таъкидлаётган М.В.Никитин бундай сўз бирикмалар узвал хусусиятга ҳам эга бўлишини ва улар нутқий фаолият тизимининг бошқа соҳаларида ҳам учрашини уқтиради [3: 82]. Масалан, *mad house, dead list, retired list, stone age* каби сўз бирикмалар мазмуни барчага таниш ҳамда қўлланиш кўлами кенг.

Бу турдаги сўз бирикмаларининг турли матнларда қўлланиш хусусиятлари семантик-прагматик таҳлили асосида уларнинг у ёки бу матн экспрессив, прагматик таъсир доирасининг кенгайиш даражасини аниқлаш имконияти туғилади. Ишонамизки, шу мундарижадаги экспрессив функция барча турдаги сўз бирикмаларига маълум даражада хосдир. Семантик жиҳатдан номувофик лексемаларнинг сўз бирикмаларини ҳосил қилиши турли стилистик мақсадларни кўзлайди. Бу турдаги сўз бирикмаларнинг

стилистик мақсадда қўлланишини—*It was not the depression of failure, but the depression of success*[6: 76] гапи мисолида кузатган И.С.Азнаурова бундай бириқишнинг эстетик-эмоционал таъсири кучли эканлигини қайд этади [1: 65].

Ҳақиқатдан ҳам семантик номувофикликдан стилистик мувофиқликка кўчиш ҳолатларининг ўрганилиши сўз бирикмалари эстетик вазифалари кўламини аниқлаш имкониятини кенгайтиради. Сўз бирикмалари деривацияси жараёнида мавжуд грамматик, лексик қоидаларнинг бузилиши, қабул қилинган нормадан узоклашиши, одатда, оксюморон ҳодисасини юзага келтирувчи манба ҳисобланади. Сўз бирикмаларининг оксюморон кўринишида матнда қўлланиши сўзловчи ёки ёзувчининг рухий кечинмаларини, воқеликдаги қарама-қаршилиқлар, мураккаблиқларни батафсил ҳамда ҳиссиётли баён қилиш шароитини туғдиради. Жумладан, севгининг яширин ҳиссиётли қарама-қаршилиқларга бой эканлигидан зорланаётган Ромеонинг нутқини эслайлик:

*O brawling love! O loving hate!  
O anything! Of nothing first create.  
O heavy lightness! Serious vanity!  
Misshapen chaos of well-seeming  
terms! [8:507]*

Кўринадики, Ромео нутқининг таъсир кучини ошириш учун В.Шекспир семантик-мантикий бириқиш нормасининг бузилиш намуналари бўлган сўз бирикмаларни биргина тўртликда қаторлаштириб териб чиққан. Оксюморон услуби сифатида қараладиган бу услуб персонаж руҳияти, севги можароларидан қанчалик даражада тўйганлигини (ёки руҳланаётганлигини) тасвирлаш билан боғлиқ прагматик мақсадни амалга оширишнинг йўлидир. Аммо *grief ago, best enemy, first friend, hot snow, sour rose, laughing grass, lined table* каби сўз бирикмалари оксюморонини шакллантириш доимий талаб эмас. Тил бирлиқларининг валентлик хусусиятларини ўзгартириш йўли билан метонимик бирикмалар ҳамда голофраза



қурилмаларини ҳосил қилиш мумкин. Қиёсланг: *I will make a palace fit for you and me Of green days in forest and blue days at sea [7: 193]*

Ушбу матн парчасида қўлланилаётган *green days* ва *blue days* сўз бирикмаларининг экспрессивликни ифодалаш қобилияти кучайиши сабаби дастлаб уларнинг шаклланишида семантик валентлик қоидаларига амал қилинмаганлигида бўлса, кейинги ўринда, синтактик муносабатларнинг билвосита кўринишида бўлиши билан изоҳланади, мантиқан *green* ва *blue* адъюнкларининг тайёрлиги *forest* ёки *sea* компонентлари сари йўлланган бўлиши керак эди. Шу боис М.В.Арнольд ушбу голофраза усулидаги сўз бирикмаларни ўқувчи мантикий нормага риоя қилган ҳолда, *days in green forest* ва *days in blue at sea* тузилишида идрок этади, деган хулосага келади [2: 91].

Ушбу турдаги бирикмалар нутқ вазиятидан юлиб олинганда мантиқсиздек туюлади, лекин биз уларни қуйидаги сабабларга кўра мазмунли бирикмалар қаторига киритамиз:

1. Маълум нутқий вазиятлар, мулоқот контекстида семантик белгилар номуносивлиги йўқолади, чунки бирикма компонентларидан бирида маъно кўчиши юзага келади ва бунинг натижасида янгидан пайдо бўлган семантик белги идрок қилинаётган предмет-ходиса номига мослашади.

2. Бундай бирикувда номуносивлик таассуроти изсиз йўқолмайди, у сўз бирикмалари компонентларининг “ботиний шакли” кўринишида сақланади. Чунки бирламчи маъно сўз семантик структурасидаги ўрнини бўшатиши қийин.

Бундан, таҳлил қилинаётган сўз бирикмалари семантик структурасини меъёрдаги ва номеъёрий мослашувлар яхлитлигида қараш лозимлиги англашилади. Бу турдаги семантик деривация жараёнлари сўзларнинг бирламчи ва иккиламчи маъноларини қамраб олади. Иккиламчи маъно, ўз

навбатида, турли кўринишга эга бўлиши мумкин:

а) луғатларда қайд этиладиган ва узус доирасига кирган маъно. Масалан, *key* сўзининг бирламчи маъноси *a metal instrument for moving the bolt of the lock* бўлса, унинг кўчма маъноси “*something that explains answers, or helps you to understand*” [5:604] кўринишида таърифланади;

б) сўзнинг кенг қўлланиши натижасида анъанага кирган, лекин луғатларда қайд этилмаган маъноси. Мисол тариқасида “*баҳор*” лексемасининг инсон ҳаётида маънавий ўзгаришларни ёритишда ишлатиладиган маъносини келтириш мумкин;

с) окказионал хусусиятга эга ва фақат алоҳида бир контекстда тушуниш мумкин бўлган кўчма маъно (*оқ олтин*).

Барча турдаги иккиламчи маъноларнинг биз таҳлил қилаётган бирикмаларда фаоллашув ҳолатлари кузатилишини инкор этиб бўлмайди, албатта. Бироқ улардан баъзилари фақат маълум контекстларда фаоллашувини, бошқалари эса сўз бирикмасининг умумий мазмунида узул кўринишида мавжудлигини фарқлаш талаб қилинади. Қиёсланг:

*Midwinter spring is its own season  
Simpiternal though sodden towards  
Suspended in time, between pole and  
tropic... (Eliot)*

Ушбу матндаги *midwinter spring* бирикмасининг таркиб топишини кузатадиган бўлсак, иккала компонентнинг ҳам бирламчи маънолари мослашуви мантиққа зид. Матн *spring* сўзининг одатдаги луғавий маъносида кўчим юзага келаётганидан дарак беради. Биринчи компонент *midwinter* сўзининг бирламчи маънода, иккиламчи маънодаги *spring* билан бирикиши ўзига яраша коммуникатив-прагматик мазмунли янги сўз бирикмасининг ҳосил бўлишига туртки бермоқда.

Шундай қилиб, *sad, joy* туридаги сўз бирикмалари катта гуруҳининг таҳлили номуносивлик самараси бўлган бирламчи маънолар қарама-қаршилигида



юзага келади. Мантикий мослашувни тиклаш учун эса компонентлардан бирининг бирламчи маъноси фаоллашуви даркор ва бунинг натижасида сўз бирикмаси нормага мос равишда қабул қилинади. Сўз бирикмасининг семантик структурасида бир пайтнинг ўзида бирламчи ва иккиламчи маъноларнинг пайдо бўлиши бирикманинг матн коммуникатив мазмунидаги улушини бир хисса оширади.

Таҳлил қилинган сўз бирикмаларининг норма доирасида идрок этилиши иккиламчи маъноларнинг контекстда фаоллашув шарт билан боғлиқ. Контекст сўз бирикмаси компонентининг қайси матн бўлаги зоҳирлашаётганлигини ҳамда қайсиниси тағмаъно кўринишида қолишини аниқлаб беради. Ушбу бирикмалар бўлақларининг мантикий ва семантик номувофиклиги “алдамчи” кўринишга эга, маълум контекстда бунда номувофиклик семантик мослашув мақомини олади. Энг асосийси, зид маъноли ва мантиқан мослашмайдиган сўзларнинг ягона бир номинатив бирлик – сўз бирикмаси таркибига бирикиши фақат поэтик асарлар матни билан чегараланмайди. Маълумки, бадий асарларнинг асосий мақсади ўқувчига таъсир ўтказишдир. Бу мақсадга эришиш эса муаллифдан матннинг прагматик “юки”ни оширувчи ифода воситаларини тўғри танлашни ва жўяли қўллашни талаб қилади. Шу мақсадни кўзлаган ижодкор сўз бирикмалари тузилишидаги семантик валентлик қоидаларининг бузилишидан ҳам ижодкорона фойдаланади. Худди шу сабабга кўра “нормадан ташқари” бирикувларга бадий адабиётнинг бошқа жанрларида ҳам мурожаат қилинади. У ёки бу ижодкор томонидан яратилган бу турдаги сўз бирикмаси бошқа матнларда ҳам такрорланиб туриши сабабли секин-аста нормага айлана бошлайди ва уларнинг маъносини англаш осонлашади. Бундан ташқари, *terribly smart*, *awfully beautiful*, *best enemy* каби баъзи сўз бирикмалари

аста-секин оммавийлашиб, ҳозирги кунда оғзаки нутқда кенг миқёсда қўлланила бошлади. Аммо улар ҳатто бу қўлланишда ҳам ўз функционал хусусиятини йўқотмасдан, нутқнинг эмоционаллик бўёғини кучайтирадилар.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, тугал коммуникатив ҳодиса – матн таркибида сўз бирикмаси турли хил вазибалар бажаради ва у матн категориал белгилари ифодаланишида иштирок этади ҳамда унинг бу иштироки матн шакллантирувчи қийматга эга бўлади, бундай қиймат сифат ва сон кўрсаткичларига эга.

Матн ва сўз бирикмалари структур ҳамкорлигини кўрсатувчи меъёрлардан бири уларнинг иккаласига ҳам тугаллик ва яхлитлик хусусиятларининг хослиги. Сўз бирикмаси структурвий яхлитлиги унинг матнда қўлланишида намоён бўлади, унинг структур яхлитлигини исботловчи меъёр–нутқий тузилма таркибида унинг етакчи бўлаги мустақил компонент сифатида қўлланила олмаслигидир.

Сўз бирикмаси мураккаб объектив ҳодисаларни атовчи, уларга баҳо берувчи “тайёр материал” сифатида мулоқот матнларидан ўрин олади. Мазмун доираси сигнификатив-денотатив ва турли коннотатив семалар тизимини ташкил қиладиган ушбу бирикмалар матн шаклланишида муҳим восита ҳисобланади ва матн асосий категориялари шаклланишида иштирок этади.

Тил бирликлари тизимида муқим ўрин эгаллайдиган сўз бирикмалари ҳам муайян даражада эстетик қийматга эга. Эстетик маъно сўз бирикмалари семантик структурасини бойитадиган ҳамда матн таркибида фаоллашадиган мазмуний ҳодисалар қаторига киради. Демак, сўз бирикмаси маъносини маълум контекстларда вариантлашув қобилиятига эга бўлган, денотатив ҳамда коннотатив семали бўлақлар уйғунлигида шаклланидиган ҳодиса кўриниши сифатида қараш муҳимдир.



### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Азнаурова Э.С. Прагматика художественного слова. – Ташкент: Фан, 1988. – 121 с.
2. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. Стилистика декодирования. 3 изд. – Москва: Просвещение, 1990. – 301 с.
3. Никитин М.В. Лексическое значение слова (структура и комбинаторика). – Москва: Высшая школа, 1983. – 127 с.
4. Сафаров Ш. Когнитивтилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б.
5. Longman Dictionary of English Language and Culture (LDEL). – Barcelona: Longman, 1992. – 1555 p.

### Матнлар

6. Fleming I. For Your Eyes Only. Five Secret Occasions in the Life of James Bond. – London: Pan Books, 1992.–191p.
7. Smith G. A morning to remember. – London: Pan Books, 1994. – 348p.
8. The Complete Works of William Shakespeare. – New York, 1989. – 3004p.

*Даниева М. Контекстуальное согласование семантических образований и их эстетико-эмоциональное воздействие на описание языковой картины мира. В статье обсуждаются текстообразующие возможности словосочетаний в английском языке. Выражение экспрессивного содержания текста в виде оксюморон словосочетаний было проанализировано на основе примеров, взятых из произведений английских писателей. Он также основан на теоретических знаниях известных ученых-лингвистов.*

*Daniyeva M. Contextual concordance of semantic expressions and their esthetic-emotional influence on description of lingual world picture. The article deals with the possibilities of English phrases in the process of formation texts. Expression of the expressive meaning of the content of the text in the form of oxymoron of phrases was analyzed on the basis of samples taken from the works of English writers. It is also based on the theoretical knowledge of famous linguist scientists.*



## ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИ ТАСВИРИДА КОНЦЕПТ ВА КОНЦЕПТОСФЕРА

*Бахронова Дилрабо,*

*Ўзб. Рес. Қуролли Кучлари Академияси доценти, фил.ф.д. (PhD)*

*Калит сўзлар: билим, концепт, тушунча, концептосфера, тафаккур, концентрат.*

Когнитив тилшунослик ва лингвокультурологияда концептга ҳар бир миллатнинг дунёқараш ва менталитети орқали оламнинг лисоний манзарасини тасаввур қилиш сифатида қаралмоқда.

Концепт ўзи нима? «Концепт» термини фалсафада У.Т.Гоббс, П.Абеляр, У.Оккам каби файласуфлар асос солган ўрта асрлар концептуализми даврига тегишли бўлиб, уларнинг фикрича, концептлар нарсалар белгиларини умумлаштирувчи ва онг томонидан унинг ички фойдаланиши учун гавдалантирилган, ўзида муҳим ва долзарб ахборотни жамлаган универсал омиллардир. «Концепт» термини илк марта С.Н.Аскольдовнинг 1928 йилда ёзилган «Концепт ва сўз» мақоласида ишлатилган. Концептларга берилган таъриф ва уларнинг типологияси, уларни ўрганишга оид ёндашувлар ҳар хил бўлиб, ҳозирги замон тилшунослигида «концепт» термини дунё ҳақидаги билимларни намоён этиш шаклларида бири сифатида ишлатилади. Бироқ З.Д.Попова ва И.А.Стернин тўғри таъкидлашганидек, тилшуносликда концепт терминининг олам ҳақидаги билимларни намоён этувчи турли талқинлари мавжуд. Ш.Сафаровнинг фикрича, «концепт» тушунчасининг ўта мавҳум ҳодиса эканлиги, унинг замиридаги «ментал структура» аниқ моддий кўринишга эга бўлмасдан, балки аклий идрок жараёнида ҳосил бўладиган, тасаввурдаги тузилма эканлиги унга (концептга) тўлиқ жавоб беришни кийинлаштиради. Н.Маҳмудов ҳам терминология масаласида тўхталиб, «улар ҳақида тилшуносликда жуда кўп ёзилган бўлишига қарамадан, ҳали-ҳамон уларнинг айримлари, масалан: «лисоний шахс», «концепт» терминлари талқинида

бир хилликка эришилган эмас», деб ёзади. Бундан ташқари, «концепт» билан «тушунча»ни бир-биридан ажратиш муаммоси ҳам ўз ечимини тўлиқ топган, деб бўлмайди. Қадим ва замонавий тадқиқотларда турли нуқтаи назарларнинг мавжудлиги ҳам буни кўрсатиб турибди. Жумладан, ўрта асрлардаёқ П.Абеляр: Тушунча онгли (intellectus) ва рационал билим (тушуниш) билан боғлиқ, концепт (conceptus) – маъноларни ижодий талқин қилишга қодир юксак маънавият, онг ҳосиласи, деб ёзган [НФЭ Т 1, 2010: 10-11] бўлса, В.Н. Ярцева «тушунча» ва «концепт» терминларини синоним сифатида келтиради [ЛЭС 1990: 559]. Бугунги кунда «тушунча» ва «концепт» синоним сифатида тилшуносларни қониқтирмай қўйди. Ю.С.Степанов фикрича, «тушунча предметлар ва ҳодисалар ҳақидаги фикр бўлиб, уларнинг умумий ва аҳамиятли белгиларини акс эттиради, концепт эса – бу шундай бир ғояки, у нафақат мавҳум, балки аниқ-ассоциатив ва эмоционал-баҳолавчи белгиларни ҳам камраб олади. Концептлар нафақат фикрланади, балки улар бошдан кечирилади». Олим шунингдек, концепт маданий дунё ва индивидуал маънолар дунёси ўртасидаги кесишиш нуқтасидир, бу инсон шуурида тўпланган маданият концентратига (сгусток) ўхшайди, у орқали маданият инсоннинг онгига киради, деб ёзади.

«Тушунча» ва «концепт» терминлари В.Н.Телия, В.В.Колесов, Е.С.Кубрякова, В.И.Карасик, С.Г.Воркачев каби рус олимлари ишларида ҳам таърифланган. «Тушунча» ва «концепт»ни аниқ фарқлаш борасида В.Н.Телия «... «тушунча» терминини «концепт» терминига алмаштириш – оддийгина терминологик



алмаштириш эмас: концепт – бу доимо тартибга солинган билим, демак, у шунчаки объектнинг белгиларини акс эттирибгина қолмасдан, балки ушбу лисоний жамоада моҳият ҳақидаги билимларга оид барча белгиларни кўрсатади», дейди. В.З.Демьянковнинг фикрича, «тушунчалар – одамлар келишиб олган нарсалардир, одамлар уларни муаммоларни муҳокама қилганда «тил топишиш» учун ишлаб чиқадилар; концептлар эса ўз-ўзидан мавжуд, уларни одамлар у ёки бу даражадаги ишонч ёки ишончсизлик билан қайта тиклайдилар». Демак, одамзот келишилган ҳамда индивидуал ҳолда жамиятда умумий ва хусусий ахлоқий-миллий-маданий қонун-қоидалар, стереотиплар, эталонлар яратади. Уларнинг ҳаммаси инсоннинг онгу-шуурида асрлар давомида йиғилган ментал билим концептлар сифатида шаклланади.

Концептлар инсон онгида шаклланадиган туб негизлар бўлса, улар қай тариха воқеланади? деган саволга З.Д.Попова ва И.А.Стерниннинг фикрича, тил концептларни инсон онгида шакллантиради, бироқ бунинг ўзи кам, яна сезгирлик, кўргазмалилик, у ёки бу нарсалар предмет ёки ҳодиса билан боғлиқ фаолият зарур. А.П.Бабушкин концептни «коллектив онгининг исталган дискрет мазмунли бирлиги бўлиб, у тил соҳиблари миллий хотирасида субстрат кўринишида сақланиб, реал ёки идеал дунё нарсалар предметини акс эттиради. Концепт вербаллашади, сўз билан белгиланади, акс ҳолда у мавжуд бўла олмайди», тарзида таърифлайди. Е.С.Кубрякованинг фикрича, концепт – онгимизнинг ментал ва руҳий имкониятларини ҳамда инсоннинг билим ва тажрибасини акс эттирувчи ахборот тизимини тушунтиришга хизмат қилувчи термин; хотира, ментал сўз бойлиги, миянинг концептуал тизими ва фикр юритиш (*lingua mentalis*) ҳамда инсон руҳиятида бутун дунё воқелигини акс эттирувчи тузилмадир [КСКТ 1996: 79-83].

Бизнингча, концепт инсон онгу-шуурида дунё, воқелик ҳамда шахснинг ўзи ҳақидаги ахборот, билимлар ва

баҳоаларни тасаввур қилишнинг муайян тузилмалари кўринишида қоришиқ сақланади ва тизимланади. Муайян нарсалар предметнинг концепти макон ва замонда ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, у қотиб қолган «жисм» эмас, балки, кулол кўлидаги лойдек турли хил кўринишни эгаллаши мумкин.

В.А.Маслованинг фикрича, концепт лингвокультурологик ўзига хослик билан белгиланган ва муайян этномаданият соҳибларини у ёки бу тарзда тавсифловчи семантик тузилма. Концепт сўз маъносидан бевосита келиб чиқмайди, балки сўз луғавий маъносининг инсон шахсий тажрибаси ва халқ тажрибаси билан тўқнашуви натижаси ҳисобланади. У эмоционал, экспрессив, баҳолаш кошени билан ўралган. Масалан: ўзбек информантлар орасида «**бўталоғим**», деганда нимани тушунади? саволига: 1) фарзанд (73%); 2) ҳайвон боласи (27%), деб жавоб олинган бўлса, айтилган информантлар томонидан бир неча муддатдан кейин «**бўталоқ**»қа – 1) ҳайвон боласи (81%); 2) бола (14%); 3) семиз киши (5%) жавоблари кўрсатилди. Бу ерда «**бўталоқ**»қа «-им» кўшимчасининг қўшиб ишлатилиши зооморфизмнинг тағмаъносида луғавий маънонинг тажриба билан тўқнашуви натижасида ҳосил бўлган миллий семантик-прагматик ифоданинг кучайишида кўринади. Образли қилиб айтганда, «**бўталоқ**» - «бегона» сўз, «**бўталоғим**» эса «сўз» сўзга айланган.

Испан тилида **бўталоқ** **guelfo/a** зооними билан ифодаланади, аммо у деярли истемолда эмас, туя боласи луғатларда «*cría de camello*» (туя боласи) дейилган, одам (фарзанд)га нисбатан метафора ёки ФБлар таркибида учрамайди. Информантлар инсонга нисбатан бу сўзни бирорта кўчма маънода қўлламадилар. Канар ороллари испан тилига мансуб ҳисобланган **guelfo/a** зоолексемаси луғатларда ўз ўрнини топмаган, бу сўзни Испан қироллик академияси ҳузурида доимий ишлайдиган луғатшунослик академияси томонидан испан изоҳли луғатини бойитиб борувчи тилшунос олимларга асосий луғат таркибига



киритишни таклиф қилганимизда, улар томонидан изоҳли луғатнинг 25-қайта нашр жараёнида бу лексемани луғатга киритиш масаласи муҳокамага қўйилиши билдирилди.

Қисқача айтганда, концепт объектлар ва уларнинг хусусиятлари ҳақидаги ахборотни қуриш жараёнида пайдо бўлади, бунда ушбу ахборот инсонни ўраб турган дунёдаги воқеликларнинг ҳолатини ҳамда инсон тасавуридаги дунё ва ундаги ишларнинг эҳтимолий аҳволи ҳақидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Бу маълумотлар шахснинг дунёнинг объектлари ҳақида билган, тахмин қилган, ўйлаган, тасаввур этганларини ифодалайди.

Концепт терминини ўзбек тилшунослари, жумладан, Ў.Юсупов, А.Нурмонов, Ш.Сафаров, Н.Махмудов, Д.У.Ашурова, А.Э.Маматов, Б.Р.Менглиев, З.Т.Холмонова, Д.Худайберганова каби қатор олимлар таърифлашган. Ў.Юсуповнинг фикрича: концепт билан тушунчани айсбергга ўхшатиш мумкин. Агар концепт айсберг бўлса, унинг сувдан чиқиб турган қисми тушунчадир. Ш.Сафаров: «концепт кўпжиҳатли ва кўпўлчовли ҳодисадир. Унинг шаклланиши воқеликни бевосита идрок этиш жараёнида ўзлаштирилаётган билимнинг инсон хотирасидан билим олиши ва ушбу билимнинг маълум маънода мавжуд бўлган маданий, ахлоқий қадриятлар билан мослашувини тақозо этади», деб ёзади. Д.У.Ашурованинг фикрича, концепт деб барча тушунчаларни аташ нотўғри, балки дунё ва миллий маданият муҳиtida муҳим роль ўйнайдиган тушунчаларгина концепт бўла олади. Д.Худайберганова ҳам концептнинг кўп қиррали ва кўп қатламли ментал тузилма эканлигини таърифлар экан, концепт «бир вақтнинг ўзида психологик, когнитив-семантик ва лингвокультурологик жиҳатларни намоён этишини, чунки, концептнинг когнитив ва лингвокультурологик тадқиқотлар объекти сифатида тавсифланаётгани ҳам шундан далолат бериб» турганлигини таъкидлайди.

Б.Р.Менглиев ва З.Т.Холмоновалар фикрича: «Билимлар система характериға эға бўлмас экан, у тасаввурлиғича қолади. Барқарор (система)лашган билимлар концепт табиатиға эға бўлади. Концепт моҳиятини тушунча ва сўз категориялари билан яхлит парадигмада, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини текширмасдан тушунтириб бўлмайди».

Воқеликнинг инсон онғида акс этиш жараёни – жуда мураккаб ҳодиса. Бунга ҳиссий (бундан тасаввурлар ҳосил бўлади) ҳамда мантиқий билиш (бундан концепт ва тушунча ҳосил бўлади) орқали эришилади. Улар шундай изчил ва босқичма-босқич ҳодисаларки, воқеаларни сезиш, туйиш, идрок этиш, улар ҳақида тасаввур, билим ва, ниҳоят, тушунча ҳосил қилиш жараёни кетма-кет содир бўлади. Б.Р.Менглиев ва З.Т.Холмонова тушунчани концептнинг «мағзи» ҳисоблаб, ўзбек миллий бадиий кинофильми мисолида фикрларини қуйидагича давом эттирганлар: маълум бир фильм (айтайлик, «Келинлар кўзғолони»)ни кўраётганда воқеаларни сезги аъзолари – кўз ва кулоқ фаолиятиға таяниб қабул қиламиз, онг ва хотирамизда мавжуд бўлган ахборот билан қиёслаб идрок этамиз – уқамиз, тушунамиз. Шунинг маҳсули ўлароқ, тафаккуримизда мазкур фильм ҳақида анча абстракт, умумий бир ахборот (маълумот) ҳосил бўлади, бу – шу фильм ҳақида онгимиздаги тасаввурдир. Лекин бу манзаравий тасаввур ҳали билим ёки тушунча эмас. Тушунча даражасиға кўтарилиш учун тасаввур муносабатлар тизимиға киришиб, концепт даражасиға, яъни системалашган билим даражасиға, сўнгра бу концепт жузъийликлардан, манзаравийликдан холи бўлиши, юксак умумийлик даражасиға кўтарилиши лозим. Фильмнинг муаллифи, яратилиш даври, образлар системаси, сюжети, композицияси, ғояси, бадиий хусусиятлари, асар ҳақидаги фикрлар, аҳамияти (бу қаторни анча давом эттириш мумкин) кабилар ҳақидаги тўлиқ ва системали тасаввур ҳосил қилинган, концепт шаклланди дейиш мумкин. Тасаввурнинг юқори даражаси (яъни тўлиқ





ва системали тасаввур)да концепт туғилади [...]. Концептнинг барқарорлиги ва тўлиқлиги, мукамаллиги ва изчиллиги тушунчанинг сифатини белгилайди. Тушунча сезиш-идрок-тасаввур билан биргаликда ўқиш, эшитиш, тушунтириш орқали ҳам қабул қилиниши мумкин. Тушунча – материянинг олий маҳсули бўлмиш миянинг юксак даражадаги маҳсули. Тушунчанинг сезги, идрок, тасаввур ва концептдан фарқи шундаки, у муайян белги ва жиҳатларни эмас, балки у концептдаги энг умумий, энг муҳим умумлашмаларнигина сақлаб қолади (қаранг: Менглиев ва б., 2016: 1236.).

Таҳлил натижалари ва фикрлардан шундай хулосага келамизки, демак, «концепт»нинг концепт бўлиб шаклланишида тушунча “озуқа” вазифасини ўтайди. Тушунча – инсоннинг билим ва тажриба орттириши бўлса, концепт – инсон тафаккури, онгушууридаги яхлит ва йиғма ҳосила-концентратдир.

А.Абдуазизов «...сўзларни турли гуруҳларга ажратиб, маъноларини «семантик майдон»ларда таҳлил қилиш ва ўз навбатида уларни алоҳида концептлар сифатида қараш лозим»лигини уқтиради. Бугунги кунда тилшунослар концепт атрофида айланувчи билимларни концептосферада тадқиқ қилишни таклиф қилмоқдалар.

В.И.Вернадскийнинг «ноосфера» ва «биосфера» терминларидан илҳомланиб, концептосфера терминини фанга киритган Д.С.Лихачёвнинг фикрича, концептосфера бу – фикрлаш доираси бўлиб, ментал тасвирлардан иборат концептларнинг мажмуидир. Миллат тилининг концептосфераси қанчалик бой бўлса, миллий маданият ҳам шунчалик бой бўлади.

Оламнинг лисоний манзарасида концептосфера тил бирликлари ва маънолар мажмуи билан ифодаланади. Концептосфера тилдаги алоҳида сўзлар орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Бунда бирор концептга хос бўлган тушунча ва маъноларнинг майдони ёки уларнинг мажмуи концептосферани ташкил қилади.

Концепт ва концептосфера терминларининг ўхшаш томонлари уларнинг инсон онгида пайдо бўлиб, бирор бир образни тасвирлашида кўринади<sup>5</sup>. Бинобарин, концептосфера фикрлаш инъикоси сифатида ҳамда универсал бир предметга хос рамзий бирликларнинг мажмуи сифатида инсонларнинг ахборот доирасини ташкил қилиб, у тил бирликлари бўлган сўз, метафора, фразеологизмлар, синтактик структура кабилар орқали ифодаланади.

Метафора номинатив, образли ва экспрессив функциясидан ташқари, яна концептуал вазифани ҳам бажаради. Концептуал метафоранинг роли айниқса, мавҳум тушунчаларни белгилашда яққол кўринади. Метафоранинг мазмуни асосий ва кўмакчи компонентларнинг ўзаро таъсирида намоён бўлади. Метафора борлиқдаги турли соҳаларда мавжуд бўлган объектларни номлаб, шу билан тилнинг лексик ва фразеологик қатламларини бойитувчи воситадир. Бунда «концептуал метафора аввал лисоний акс эттирилмаган ходисаларни вербаллаштиради ва унга борлиқни янада чуқурроқ, концептуал сатҳда ифодаловчи восита сифатида қаралади<sup>6</sup>. Ушбу мақолада «зооморфизм» концепт бўлса, уни қуршаб олган семантик/прагматик майдон «концептосфера» (термини)да ёритилди.

Қуйида «одам+хайвон» концептосферасида архиметафора ва метафорик ходисанинг иборалар ясалишидаги иштироки жараёнини қисқа ифодалашга ҳаракат қилинди. Бунда инсон тафаккурида метафора ҳосил бўлишига қадар бирламчи ядро архиметафора мавжудлиги ифодалашга ҳаракат қилинди.

Бу концептосферада «тана + ҳаракат» майдонида жойлашган «ҳаракат пастдан» ва «ҳаракат тепадан» архиметафоралари воқелиқда кишининг муайян ҳолатини уларга хос концептуал метафоралар

<sup>5</sup>Прохоров Ю.Е. В поисках концепта. – М.: Флинта, 2009. – С.67.

<sup>6</sup>Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. – М.: Наука, 1986. – С.82-83.



(пайтавага курт тушмоқ) **курт** (ғимирлаш) ва (танада чумоли ўрмаламоқ) **чумоли** (жимирлаш) зооморфизмлари орқали яралишида у ёки бу жиҳатдан асос бўлди. Бинобарин, бу «одам+ҳайвон» концептосферасида инсон фикрлашига оид инъикослар, универсал рамзий бирликларнинг мажмуи архиметафора ва метафора; метафоралар ўз навбатида «пайтавасига курт тушмоқ» ва «(танасида) чумоли ўрмалагандек» ФБлар орқали ифодаланди: 1) Пайтава иссиқ тутиш ва терламаслик учун оёққа ўраладиган мато бўлиб, у оёққа ўралганда унинг ичига тушиб қолган курт ғимирласа, одам типирчилаб қолиши мумкин. Бу иборанинг тўғри маъноси. Аммо пайтава деярли қўлланилмайдиган бугунги кунда бирор одамга нисбатан бу ибора ишлатилса, демак, ишлар жойида эмас, нимадандир ўзини қўярга жой тополмаётганлиги тушунилади. Бу асрлар қаъридан тафаккуримизда яшаб келаётган архиметафора ҳисобланади. Масалан: (Шоира): *Ухлашиб бўпти. Ҳаммасининг ороми бузилди. Пайтавасига курт тушиди, назаримда. Иккала опам ҳам типирчилаб қолишиди* (Ж.Жабборов. Уйқусиз кеча, 19). ЎТИЛда ҳам бу иборанинг «безовта бўлмоқ, елиб-югуриб қолмоқ» маъносида ишлатилиши мисоллар билан ёритилган: *Худайчи жўнагач, қўргонбегининг пайтавасига курт тушиб, типирчилаб қолди ва у ёқдан бу ёққа югура бошлади* (А. Қодирий. Ўтган кунлар) [ЎТИЛ, 2007: Т III, 204]. Ушбу ибора давр жиҳатдан юз йиллик фарқ оралиғида ёзилган юқоридаги асарларда прагматик жиҳатдан бир хил жаранглаб турибди. Бундай ибораларнинг этимологияси узоқ ўтмишга бориб тақалади.

2) *Чумоли ўрмалагандек* турғун ўхшатмани чоғиштириб таҳлил қилганимизда, «чумоли» зооморфизми ўзбек миллий концепти эканлиги асосланди. Муқобил сифатида испан тилида *carne de gallina*<sup>7</sup>, рус тилида эса

*гусиная кожа*<sup>8</sup> ибораси ишлатилади. Ўзбек тилида **чумоли**, испан лисоний манзарасида *gallina* - **товук**, рус тилида *гусь* - **гоз** образи қўлланилганлиги турли халқлар тафаккурида «этнинг жимирлаб кетиши» ҳар хил ҳайвон концептининг муайян халқ томонидан қабул қилинган концептуал метафоралаштириш механизми асосида юз беришини кўрсатади. Масалан: *Recuerdo que se me puso la piel de gallina* (M.de Unamuno, Abel Sanchez, 47).; *Сайлонинг вужудида чумоли ўрмалагандек бўлди. Бир сесканиб, вужуди жимирлаб кетди* (Д.Мадрахимова. Гуноҳ, 7). Бу мисоллардан одам танасида жимирлаш оёқдан эмас, балки танадан, тепа қисмдан бошланиши ойдинлашади ва бу жиҳат мисоллар орқали тасвирланди.

Юқоридаги зооибораларнинг турли миллатга хос концептларда ифодаланиши, ўзбек, испан, рус миллатига хос бўлган миллий-маданий хусусиятларни билдиради. Бунда улар ҳақидаги тасаввурлар, яъни чумоли баданда юрганда жимирлаб кетиш, пати юлинган товук ва ғознинг тана кўриниши архиметафора (метафоранинг илк, бошланғич даври) сифатида тафаккурда олдиндан мавжуд бўлиши далилланмоқда. Ушбу миллий-маданий моделлаштиришни шундай изоҳлаш мумкин: испанлар билан мулоқотда «танамда чумоли ўрмалагандек бўлди» деб сўзма-сўз ўгириш нутқнинг экспрессивлигига путур етказди. Ўзбек тил соҳиби учун сўзма-сўз ўгирилган «товук терисидек» иборасида кўзда тутилган мақсад умуман тушунарсиз бўлади. «*Танимдан сон-саноксиз чумоли ўрмалагандек, галати сесканиши билан чамадончамни ўриндиққа қўйдиму яна хотинга қарадим*» (С.Аҳмад, Ялпиз ҳиди, 56). С.Аҳмад жумладаги иборанинг экспрессивлигини янада ошириш мақсадида «сон-саноксиз» сўзларини қўшган. Умуман, бундай эмоционал метафорик моделлаштиришлар бадий адабиётда кўп ва хўб қўлланилади, улар асар бўёқдорлигини, экспрессивлигини,

<sup>7</sup> DRAE –Madrid, Espasa, 1992. Т I. – р. 378.

<sup>8</sup> Михельсон М.И. Русская мысль и речь. Свое и чужое. Опыт русской фразеологии. – СПб., 1896-1912. – 2208 стр.



ўқувчига прагматик мазмуннинг  
тушунарли этиб боришини таъминлайди.  
Демак, оламнинг лисоний манзарасини  
англашда концепт ва концептосферада

турли образларни тадқиқ ва таҳлил қилиш  
тилшунослик фани соҳалари ҳамда  
таржимашунослик ривожига талай  
янгиликларни очиб бериши шубҳасиз.

### Адабиётлар:

1. Абдуазизов А. Тилшунослигимиз истиқболлари // Филология масалалари – Т., 2011. – №3 Б.22-25.
2. Ашурова Д.У. Связь вузовских курсов с современными направлениями лингвистики// Филологиянинг долзарб масалалари. Маъруза тезислари.–Т., 2008.
3. Аскольдов С.А. Концепт и слово. Русская словесность: От теории словесности к структуре текста: Антология / Под общ. ред. В.П. Нерознака. М.: Academia, 1997. С. 267-279.
4. Махмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб...// Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2012. -№ 5. –Б. 3-16.
5. Менглиев Б.Р., Холманова З.Т.Тилшунослик назарияси ва методологияси. –Т., 2016. – 145 б.
6. Михельсон М.И. Русская мысль и речь. Свое и чужое. Опыт русской фразеологии. – СПб., 1896-1912. – 2208 стр.
7. Новая философская энциклопедия. В четырех томах. / Ин-т философии РАН. Научно-ред. совет: В.С.Степин, А.А. Гусейнов, Г.Ю. Семигин. М.: Мысль, 2010, Т. I. С. 10-11.
8. Попова З.Д, Стернин И.А. Семантико-когнитивный анализ языка. Воронеж: «Истоки», 2006. 226 с.
9. Сафаров Ш. Семантика. Т., 2013. – 344 б.
10. Сафаров Ш. Семантика. Т.: ЎЗМЭ давлат илм. нашр., 2013 – 344 б.
11. Степанов Ю.С. Константы: словарь русской культуры: опыт исследования. – М., 1997. 824с.
12. Худайберганаева Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини. Докторлик дисс. автореферати. – Т., 2015. – 102б.
13. Юсупов Ў.Қ. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультура атамалари хусусида//Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. – Т., 2011. – Б. 49-55.
14. Ярцева В.Н. Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: 1990. – С.559-560.
15. Black M. Models and metaphors. Studies in language and philosophy. – Ithaca-London: Cornell University Press, 1962. – P.25-47. Опарина Е.О. Концептуальная метафора // Метафора в языке и тексте. – М.: Наука, 1988. – С.65-67.
16. Бабушкин, А.П.Типы концептов в лексико-фразеологической семантике языка. – ВГУ, 1996. –330 с.
17. Вернадский В. И. Несколько слов о ноосфере // Труды по философии естествознания. – М.: Наука, 2000. – С. 308-315.
18. Демьянков, В. З. Понятие и концепт в художественной литературе и научном языке // Вопросы филологии. – 2001. № 1. – С. 26 - 33.
19. Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., и др. Краткий словарь когнитивных терминов. – М., 1996.
20. Лихачев Д. С. Концептосфера русского языка // Изв. АН. Серия литературы и языка. Т. 52. № 1. – М., 1993. – С. 39.
21. Маслова В.А. Введение в когнитивную лингвистику: Уч. пособие. – М.: 2004. – 296 с.
22. Прохоров Ю.Е. В поисках концепта. – М.: Флинта, 2009. – С.67.



23. Степанов, Ю.С. Константы: Словарь русской культуры: Изд. 2-е, испр. и доп. [Текст] /Ю.С. Степанов. – М., 2001. – 590 с.
24. Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. – М.: Наука, 1986. – С.82-83.
25. Телия В.Н. Русская фразеология: Семантический, прагматический, культурологический аспекты. – М., 1996. – 284 с.

**Бахронова Д. Концепт и концептосфера в описании языковой картины мира.** Важной задачей лингвистов настоящего времени заключается в выявлении общих свойств и особенностей концептов и концептосферы в языковой картине мира. На основе узбекского и испанского языков сопоставлены концепты и выявлена национально-культурная специфика анализируемых языков, а также доказано, что концепты раскрывают образ жизни, менталитет определённого этноса. Концептуализация мира формируется в сознании человека и этот процесс происходит у разных народов по-разному.

**Baxronova D. Concept and conceptshpere in lingual world picture.** The main aim of linguists of present time is to reveal general and peculiar features of concepts and conceptsphere in lingual world picture. On the material of Uzbek and Spanish languages concepts have been compared and national-cultural specifics has been revealed. Moreover, the author proves that concepts depict a definite ethnos's way of living and mentality. Conceptualization of the world is formed in a human's cognition, so different nations have various forms of this process.



## ИНГЛИЗ ЛЕКСИК ДУБЛЕТЛАРИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

*Юсунов Отабек Якубович,  
СамДЧТИ катта ўқитувчиси*

**Калим сўзлар:** *этимологик дублетлар, лексик дублетлар, лексика, тилишунослик, тил тарихи, скандинав тиллари, синонимлар, лингвокультурология, параллель лексикализация, дублет, триплет, вариантлик, семантик ўхшашлик, сўз ўзлаштириши, қиёсий таҳлил.*

Ҳозирги замон инглиз тили луғат таркибининг этимологиясини тадқиқ қилган тилшуносларнинг фикрича инглиз тили луғат бойлигининг шаклланишида скандинав тилларининг инглиз тили луғат таркибининг шаклланишига қўшилган хиссаси тилшунослар томонидан доим ҳам эътиборга олинмаган.

Тарихий фактлар шу нарсани кўрсатиб турибдики, лотин тили биринчи асрдан XI асргача, аниқроғи Британияда Римликлар истилосидан бошлаб, французлар бостириб келгунга қадар бўлган давр оралиғида етакчи манба бўлиб хизмат қилган. Шу даврда Норман истилоси деб аталган давр бошланди ва унда Англия француз тилида сўзлашувчи нормандлар томонидан босиб олинади. Бу давр ўрта давр инглиз тили деб аталса ҳам аслида янги инглиз тили шаклланишининг дастлабки кўринишлари айнан шу даврда номоён бўла бошлаганди. Мустақил сўз яшаш моделлари ва қисман редукцияга учраган қўшимчалар, бирламчи морфологик асослар дериватларида парчаланиш ҳодисасининг кузатилиши ўз навбатида тилда аналитик тизимнинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келди.

Мана шу турли таъсирлар натижасида кўплаб эндемик (фақат кельт ва қадимги инглиз тилига мансуб бўлган) сўз ва иборалар ўз семантикасини

ўзгартиради ёки аста-секин тилда истеъмолдан чиқади.

Масалан, скандинав тилларидан кириб келган *they* ва *them* кишилиқ олмошлари жуда қисқа вақт ичида мос келувчи қадимги инглиз олмошларини сиқиб чиқарди. Скандинав тилларидан кириб келган *sky* ва *anger* сўзларининг кўплаб қўлланилиши уларнинг синонимлари бўлмиш қадимги асл инглиз сўзлари – *heaven* ва *wrath* ларнинг маъно кўламини кескин торайтиради ва уларни луғат таркибидан сиқиб чиқаришига бир баҳа қолган.

Тилга сўзлар қабул қилиш жараёни қанчалик кенг қамровли бўлса, унинг натижасида шунча кўп этимологик дублетлар пайдо бўлади. Тарихда шундай ҳолатлар кузатиладигани, айнан лотин-француз ва скандинав сўзлари ҳозирги инглиз тили луғат таркиби асосий қисмининг шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Скандинав тилларидан кириб келган сўзлар кундалиқ ҳаётда кўп ишлатиладиган, маиший ҳаётда кўп учрайдиган предметлар, воқеа-ҳодисаларни билдирадиган сўзлар бўлганлиги учун улар жуда кўп ишлатилар эди. Янги кириб келганлари эса эскиларига синоним бўлар, талаффузи ёки семантикасида ўзгаришлар юз берар ёки бўлмаса уларда стилистик фарқлар кузатиларди. Масалан:

Сўз	Инглиз	Швед
Casque	каска	Кавалерия
Cavalry	кавалерия	Кавалерия
Chivalry	рицарлик	Чавандоз
Campaign	компания	Компания
Sergeant	сержант	Сержант



Дания тили	Инглиз тили	Таржима
Harbar	Harbor	Гавань
Root	Root-crop	Ўсимлик томири
Skillfulness	Skillfulness	Эпчиллик, ўч
Сўзнинг турли маъноларига эга бўлишига эътибор беринг.		
Инглиз тили	Таржима	Скандинав тилларида
Low	Паст	Куйи
Loose	эркин	(los) эркин
Lost	Йўқотилган	Ток
Odd	Ток	Хато
Scare	Қўрқитмоқ	Қўрқитмоқ
Scream	Қичқирмоқ	Қичқирмоқ
Scratch	Ишқаламоқ	Ишқаламоқ
Guess	Тахмин қилмоқ	Фараз қилмоқ
Will	Истак, васият	Хошиш

“Сарой” сўзи швед тилида – “Barn”, инглиз тилида бу сўз сарой, омбор маъносидан ташқари кўримсиз, хунук, бино, катта, аммо қаровсиз иморат маъносини ҳам беради. Бу сўзнинг ҳосилаларидан яна barnyard сўзини учратамиз, отхона, молхона.

“Аралаштирмоқ” маъносини билдириш учун швед тилида “blend” сўзи ишлатилади. Инглиз тилида ҳам “blend” сўзи “аралаштирмоқ” маъносида ишлатилишидан ташқари “бириқмоқ”, “мос келмоқ” маъноларини ҳам билдиради.

Edge сўзи учи, қирраси маъносида қадимги скандинавия тилларида сақланган бўлса, инглиз тилида “чекка”, “поён” маъносида ишлатилади. Масалан: пичоқнинг тиғи, тиғини ўткирламоқ каби.

Egg сўзи тухум маъносини билдирса, to egg феъли гижгижламоқ маъносини билдиради.

Swain швед тилида “чўпон йигит” маъносини билдирса, инглиз тилида “қишлоқ йигити” маъносини билдиради. Инглиз оғзаки сўзлашув тилида эса “қишлоқи” маъносини билдиради.

Birth сўзи – дания тилида “туғилиш” маъносини беради. Инглиз тилида ҳам “туғилиш” маъносидан ташқари “бошланиш” маъносида ҳам ишлатилади. Бундан ташқари “birth” – манба, “булоқ”.

Dream сўзи эса норвег тилида “орзу” маъносини беради. Инглиз тилида

ҳам, dreaming сўзи эса инглиз тилида туш кўриш маъносини беради.

Dreamday – хомхаёл, хаёлпараст деган маънони билдиради. To dream up – хаёл дарёсига ғарқ бўлмоқ. To dream – орзу қилмоқ, to dream – тушда кўрмоқ.

Bread – нон, bread – нон бўлаги, бурда нон.

Bloom (гул) – blossom (гуллаган) – инг. Blossoming (гуллаш. инг.).

Dwell – ушланиб қолмоқ, dwell on – кўпроқ муддатга ушланиб қолмоқ.

Plough – омоқ (норвег тилида)

Plow – инглиз тилида, plough - plougher (плуг - омоқ).

Лексик дублетлар жуфтлиги ёки айрим ҳолларда гуруҳи параллел лексикамуация модели сифатида шаклланади. Лексик дублет гуруҳининг фаолланиш модели эса дублетлар жуфтлигини ташкил этувчи элементлар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни шакллантириш йўли ҳам ҳар бир жуфтлик, триплет ёки гуруҳда ўзига хосдир. Шуларни инобатга олган ҳолда лексик дублетларни таҳлил қилишнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

- Параллель лексикализация модели, бу бир сўз асосида бутун бошли дублет гуруҳини шакллантириш механизмини акс эттирувчи жараён дир.

- Бу моделлар таркибига қуйидаги асосий параметрларни киритиш мумкин.



1. Бирламчи манба сўзнинг бошқа дублетига тўла ўхшаш бўлими яъни манба сўзнинг турли деривативлари ўртасида муносабатларнинг тури.

2. Лексик дублетлар ўртасидаги ўхшашликни тан олиш учун биринчи навбатда тиллар ўртасидаги тегишли қатламда ўхшашлик мавжуд бўлиши керак. Лексик дублетларда бу ўхшашлик куйидаги 3 қатлам-ярусда бўлиши лозим:

- фонетик қатлам;
- грамматик қатлам;
- лексик қатлам.

Иккинчи навбатда ҳар бир қатлам учун қиёслашнинг структуравий типини аниқлаб олиш керак. Бу ҳолатда биз бирламчи-манба сўзининг бошқа дублетларга муносабати қайси жиҳатлари билан намоён бўлаётганлигини топишимиз керак.

*Структуравий ўхшашлик*, масалан дублетларда кузатилиши лозим бўлган фонетик ўхшашлик, яъни бир хил товушларнинг ҳар икки дублетда бўлиши.

Масалан: investment - инвестиция.

*Дублетлик*, янги сўзларни фарқловчи вазифасини бажармайдиган шаклий фарқларнинг мавжудлиги. Масалан, лотин тилидаги ficus ва ficum дублетидан фикус-фига ривожланди.

*Вариантлик*. Лексик дублетлар ўртасидаги вариантлик муносабати лексика-семантик вариантлик муносабати бўлиб, бир-бирини тўлдирувчи дистрибуция шаклида бўлади. Масалан: service сўзи француз тилидан кирган бўлиб, иккита маъноси бор:

- 1) Ошхона асбоблари тўплами маъноси;
- 2) Хизмат маъноси.

Маънолардаги ўзгариш рус тилида ва шу орқали ўзбек тилида ҳам сўз фонетик шаклининг ўзгаришига олиб келди.

Ошхона асбоблари тўплами-сервис шаклини олган бўлса, хизмат маъноси эса сервис шаклини олди.

Худди шу каби ҳолат “пенсия” ва “пансионат” сўзлари маъносида ҳам кузатилади. “Кексалик ёки меҳнатга яроқлилигини йўқотган шахсларга

бериладиган моддий-пул таъминоти - “пенсия” (ўзбек тилида “нафақа” дублети ҳам мавжуд) бўлса, бу сўздаги, яъни “pension”даги биринчи бўғиндаги бурун унлисининг талаффуз варианты [e] фонемасини эмас, [a] фонемасини беради. Қиёс учун entre сўзининг талаффузига эътиборни қаратишимиз мумкин. Бу сўз [энтге] эмас, балки [антге] шаклида талаффуз қилинади. Худди шу ҳолатга кўра, pension сўзи [пенсион] ва [пансион] шаклида талаффуз қилинади. Пансион талаффузи иккиламчи талаффуз, яъни e > a, [e]нинг [a]га ўтганидан кейин ҳосил бўлган талаффуз шаклидир. Бу ерда аввал фонетик фарқланиш ҳосил бўлиб маъносидаги ўзгариш кейин содир бўлганлиги ёки аввал маънода ўзгариш пайдо бўлиб кейин талаффуз ўзгарганми, буни ўрганиш алоҳида тадқиқотни талаб қилади.

Вариантликни қандай пайдо бўлишини умумий қонуниятларини куйидагиларда кузатишимиз мумкин.

*Семантик ўхшашлик* лексик дублетлар ўртасидаги маъно яқинлиги асосий шарт эканлигини унутмаган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, “пенсия” ва “пансионат” сўзлари ўртасида, семантик яқинлик бор. Пенсия (дублети нафақа)-нинг маъносини юқорида эслатган бўлсак, пансионат сўзи ҳақида куйидагиларни айтишимиз мумкин:

1. Пансионат (фр. pensionnat) – тўлиқ хизматга эга бўлган, дам олиш уйи бўлган меҳмонхона тури.

2. Пансионат (фр. pensionnat) - бу ёпиқ турдаги хусусий билим юрти бўлиб, унда ўқувчилар тўлов асосида тўлиқ таъминотда яшайдилар. Кўриниб турибдики, “таъминот” сўзи ҳар икки сўзда умумий сема бўлиб хизмат қилади. Бу ерда пенсия ва пансионатнинг фарқи шундаки, пансионатда ўқувчилар (ёки яшовчилар) бу тизим учун етарли даражада белгиланган суммадаги маблағ тўлайдилар. Бу икки сўзнинг бирламчи асоси лотин тилидаги “pensionem” бўлиб, бу сўзнинг таржимаси “тўлов”дир.

*Фонетик вариантлик* ўзакдаги унлининг ўзгариши билан изоҳланади.



Иккинчи томондан “пенсия” сўзи “pensio” (фёлининг грамматик шакли)дан “пансион” сўзи эса “pensionem” сўзидан келиб чиққан.

Грамматик вариативлик шунда кўриладики “пенсия” сўзи лотин тилидаги номинатив шаклидан, “пансион” эса тушум келишиги шаклидан чиққан.

Параллель лексикализация моделлари лексикализация жараёнида тиллар ўртасидаги муносабатларнинг турини ҳам инобатга олиши керак бўлади.

Бир томондан бу эволюцион алоқа бўлса, бунда дублетларнинг бирламчи шакли ва ҳосила элементи тегишли бўлган тиллар бир-биридан ривожланган бўлиши керак. Масалан, лотин ва француз тили, қадимги инглиз ва янги инглиз тили ва ҳ.к. каби. Булар донор тил ва реципиент тил статусида бўлади.

Бунда тиллар ўртасида дублет яратилиши учун бири оригинал тил ва бошқаси ҳосила тил ролини ўйнайди. Бунда бир сўз оригинал сўзнинг ривожланган шакли бўлса, бошқаси эса ўзлаштирилган сўз бўлиши мумкин. Масалан, лотин тилидаги “studium” сўзининг итальян тилида “studio” шаклида

пайдо бўлиши бу-эволюцион жараёндир. Аммо итальян тилидаги “studio”нинг инглиз тилидаги “studio” шаклида пайдо бўлиши бу сўз ўзлаштиришидир (студия). Аммо “study” (кабинет) сўзи эса “studium”нинг инглиз тилидаги мослаштирилган, содалаштирилган шаклидир. Бу ҳам сўз ўзлаштириш. Чунки лотин ва инглиз тиллари бир қариндош гуруҳ тиллари эмас. Улар орасида “оригинал тил – ҳосила тил” муносабати мавжуд эмас.

Юқоридаги барча мисолларни таҳлил қилиб, хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, айрим пайтларда скандинав тилларидан кириб келган сўз (лексима) инглиз тилида у ёки бу сабабларга кўра инглиз тилида ўрнашиб қола олмади, аммо у сўзнинг эндигина шаклланиб келаётган инглиз тилининг луғат бойлигига кўрсатган таъсири изсиз кетмади, чунки ўша сўз таъсирида аввалдан мавжуд бўлган сўз ўз функционал юкламасини ёки маъно кўламини мос равишда ўзгаришига олиб келган ҳолатларини кўришимиз мумкин бўлади.

#### Адабиётлар:

1. Абдузярова А.Х. Лингвоструктурная и функциональная специфика идеологизированных терминов в английском языке, АҚД. -М.: 2011.
2. Алиференко Н.Ф. Когнитивно – семиологические аспекты лингвокультурологии. Вопросы когнитивной лингвистики, 2006, N 1, -С.36 – 44.
3. Амосова Н.Н. Этимологические основы словарного состава современного английского языка. -М.:Издательство литературы на иностранных языках. 1956.- 218 с.
4. Бегматов Э. Ўзбек тили луғат бойлигининг қатламлари. - Т.: 1974
5. Воробьев В.В. Лингвокультурология.- М.: изд. УДН, 2008, 340с.
6. Гвоздецкая Н. Ю. К вопросу о термине “Этимологические дублеты”- Омск.- 1980.- С. 83-91.
7. Головуова М.А. Лингвокультурные предпосимон развития этимологических дублетов в английском языке – сб. Научных трудов КАГТУ, 3, 2014 сс. 140-144.
8. Горощук А.В.Эволюция этимологической характеристики в словарях английского языка различных типов. АҚД. -М.: 2009.
9. Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2017.
10. Мўминов О.М. Инглиз тили лексикологияси.- Т.:2006.
11. Попова З.Д. Стернии И.А Когнитивная лингвистика. – М.: АСТ, Восток – Запад, 2007, - 314с.
12. Gumperz. J. (1996) The linguistic and cultural relativity of conversational inference – Cambridge UP, 1966, 374 – 406.





**Юсупов О. Лингвокультурный анализ лексических дублетов английского языка.**

*Данная статья рассматривает обогащение лексического словаря английского языка, а также представляется их лингвокультурный и сопоставительный анализ.*

**Yusupov O. Lingual-cultural analysis of the English lexical doublets.** *This article deals with the enlargement of the English vocabulary, formation of lexical doublets and ways of linguocultural and comparative analysis.*



## РАННЕЕ ТВОРЧЕСТВО АЛЬБЕРА КАМЮ

*Турсунова Наргиза,  
преподаватель СамГИИЯ*

Дерзновение искания истины,  
вера в могущество разума есть  
первое условие философских занятий.

*Гегель*

**Ключевые слова:** *писатель-философ, экзистенциализм, биполярность экзистенциализма, абсурдное творчество, трансцендентальность, концепция «вседозволенности и безнаказанности».*

Французский писатель и философ XX века (1950-60 годы) Альбер Камю наряду с выдающимся Жаном-Полем Сартром на протяжении десятилетий был и остаётся неизменным «властителем дум» прогрессивной интеллигенции. Его перу принадлежат: «Изнанка и лицо», «Миф о Сизифе», «Письма к немецкому другу», «Бунтующий человек», «Изгнание и царство», «Посторонний», «Чума», «Падение», пьесы «Калигула», «Недоразумение». Жанровое разнообразие и удивительное сочетание философской глубины и литературного дара позволили Камю создать оригинальный литературно-философский стиль с целью осмыслить современную эпоху, сознание современного человека, человеческих ценностей и смысла жизни.

Поступив в лицей, Камю увлекается философией, в будущем, уже будучи студентом университета, он продолжает изучать идеи выдающихся мыслителей своей эпохи и приходит к выводу, что поиски смысла бытия и истины, по сути, кроются в отрицании и неприятии существующих норм и устоев социальной жизни. Самого Камю никакая доктрина не увлекает, так как для автора важна идея единства произведения и жизни: «Я ... жду от абсурдного творчества того же самого, чего я требовал от мысли, - бунта, свободы и многообразия. Затем оно обнаружит свою полнейшую бесполезность... творить – значит придавать форму своей судьбе» [5,13]. Читаем в «Литературной энциклопедии терминов и понятий» [8,10]:

«Абсурдизм не представляет собой сколько-нибудь продуманной и выстроенной системы философско-художественных постулатов и отличается подвижностью границ, эклектикой концепций, антидогматичностью, неизменно остающейся для него отправной точкой. Для школ абсурда характерна недолговечность, они часто находятся в непримиримом конфликте друг с другом, поскольку каждая притязает на уникальность предложенного ею нового пути в искусстве. Однако сама доминанта нетрадиционности и новизны художественного языка остается главным отличительным свойством искусства. Абсурдизм в целом, позволяя говорить о нем как о единой тенденции, в тех или иных формах прослеживаемой на всем протяжении художественной истории XX века».

Каковы же были на самом деле идеи, на основе которых Камю удалось создать, отличную от всех других, философию жизни и свой неповторимый стиль в прозе? Чтобы ответить на этот важный вопрос, проделаем небольшое исследование, обратившись к основоположникам экзистенциального восприятия мира.

Идея экзистенциализма «мир – это абсурд» основана на отсутствие связи между человеком и обществом. Философы-экзистенциалисты рассматривали человека вне социальных, расовых и религиозных догм, где каждый из перечисленных элементов независим и



не взаимосвязан. Человек абсолютно свободен в совершенно непредсказуемом мире, но в то же время беспомощен и одинок. Окружающий его непонятный мир – это постоянная угроза для него. Философы обращали особое внимание теме неизбежной смерти каждого живого существа. Смерть в их миропонимании – это ничто: человек приходит из ниоткуда и уходит в никуда. Экзистенциалисты не ставили перед собой цель создать представление о мире как некую целостную систему, так как считали это невозможным в принципе. Поэтому у каждого из представителей этого философского мировоззрения свой собственный взгляд на мир и своя система ценностей. Известные представители экзистенциального направления: в России – Лев Шестов, Николай Бердяев, в Германии – Карл Ясперс, Мартин Хайдеггер, в Дании – Сёрен Кьеркегор, во Франции – Жан-Поль Сартр и Альбер Камю.

Экзистенциализм по своей сути биполярен (несмотря на то, что человека он принимает вне всяких условностей): религиозный (С. Кьеркегор) и атеистический (К. Ясперс, Ж.-П. Сартр, А. Камю, Л. Шестов).

Основателем философского направления считается Сёрен Кьеркегор (1813–1855) – религиозный экзистенциалист, родом из Дании. По Кьеркегору, к Богу можно прийти только через абсолютный парадокс, совершив «качественный прыжок» [8,129]. То есть это невозможно сделать с помощью разума. Философская позиция Кьеркегора – это абсолютная свобода личности. Он считает, что на пути к Богу человек проходит три стадии: эстетическую, когда человек живёт лишь переживаниями отдельных моментов; этическую, когда он живёт заботой о будущем; и религиозную, когда человек живёт ощущением вечности. Тему Бога Камю затрагивает в повести, написанной им в 1942 году: «В рассказчике «Постороннего» поочередно открывали злодея и великомученика, тупое животное и мудреца, ублюдка и робота,

скрытого расиста и сына народа, недочеловека и сверхчеловека. Камю сперва изумлялся, потом сердился, а под конец и сам усугубил путаницу, сообщив полушутя-полувсерьез, что в его глазах это «единственный Христос, которого мы заслуживаем» [1,48]. Христос, посягнувший на самое святое: человеческую жизнь? Камю в предисловии к американскому изданию повести (1958) оправдывает Мерсо – главного персонажа повести: «Герой книги осужден потому, что не играет в игру тех, кто его окружает. В этом смысле он чужд обществу, в котором живет, он бродит в стороне от других по окраинам жизни частной, уединенной, чувственной. Он отказывается лгать... Он говорит то, что есть на самом деле, он избегает маскировки, и вот уже общество ощущает себя под угрозой» [6,12]. Сартр, анализирующего «Постороннего», одолевают сомнения: «...вопреки ... бескорыстию роман все же оставался весьма двусмысленным: как следовало понимать персонаж, который на другой день после смерти матери «отправляется купаться, завязывает случайную связь и смеется в кино на комедийном фильме», убивает араба «из-за солнца», а накануне своей казни уверяет, что «был счастлив и счастлив до сих пор», и желает, чтобы вокруг эшафота собралось побольше зрителей, которые «встретят его криками ненависти»? Одни говорили: «это дурачок, какой-то убогий», другие, более умудренные, — «он безгрешен». Однако нужно еще понять смысл этой безгрешности» [10]. Далее в своей статье Сартр утверждает: «Он всматривается в лицо смерти со страстным вниманием, и эта замороженность его освобождает: он познает то чувство «высшей вседозволенности», которое дано пережить приговоренному к смерти. Если бога нет, а человек обречен смерти — то, значит, все дозволено... Он безгрешен. Безгрешен, как те дикари у С. Моэма, какими они были до прибытия священника, научившего их отличать Добро от Зла, дозволенное от недозволенного: для него все дозволено. Он безгрешен, как князь Мышкин,



живущий «в вечном настоящем, отненном улыбками и безразличием». Безгрешен во всех смыслах слова, ибо, если хотите, он тоже «Идиот». И вот тут-то мы начинаем вполне понимать смысл названия романа г-на Камю. Посторонний, которого он стремится изобразить, — это как раз один из тех простодушных, которые вызывают ужас и возмущают общество, потому что не принимают правил его игры» [10].

Мысли Камю о природе и истории удивительным образом созвучны идеям русского философа Николая Бердяева, книги которого входят в круг чтения французского писателя с конца 30-х годов. Р. Кийо. Исследователь творчества Камю отмечает, что среди философских и литературных работ, послуживших Камю для построения общей концепции произведений, были и книги Бердяева, в частности, «Смысл истории» (1948), вторую главу которой Камю особенно тщательно «штудировал» [7,7]. Для Бердяева христианство, выдвинув идею конечной цели человечества, отлучило человека от природы: «Именно конец античного мира и начало христианства знаменуют собой какое-то удаление человека в какую-то чуждую глубину внутренней жизни природы... Между человеком, вступившим на путь искупления, и природой образуется бездна. Христианство... как бы умерщвляет природу» [3,28].

Карл Ясперс (1883 – 1969) – немецкий философ, к которому в поисках истины также обращается Камю в 1919 году (после окончания Первой мировой войны) издаёт трактат «Психология мировоззрений», в котором обращается к экзистенциальному восприятию бытия. По его мнению, личность в общей массе проживает жизнь без смысла и без цели, «как все» [11, 221]. При этом человек даже не догадывается о скрытых в нём талантах, не осознаёт, кто он на самом деле. И лишь при исключительных обстоятельствах проявляется всё скрытое в человеке: «такое случается в пограничных состояниях – например, при приближении

смерти или при принятии особо важных в судьбе человека решений, радикально меняющих его привычную повседневность. В этот момент личность внезапно осознаёт себя, прикасается к своему истинному «Я», соединяется с трансцендентальностью (трансцендентальное – (от лат. *transcendens* выходящий за пределы) — связывающее части содержания, находящиеся по разные стороны некоторого предела) – высшим планом вселенной» [11,224].

Момент осознания человека экзистенциального состояния Камю представлял иначе: «Чувство абсурда может поразить в лицо любого человека на повороте любой улицы» [4,43]. Камю не считал, что для этого осознания непременно требуется некая «пограничная ситуация». Для Камю – это постоянное состояние, образ жизни, более того – суть самого бытия.

Для Ж.-П. Сартра (1905–1980) в центре экзистенциального мироощущения стоит ситуация выбора. «Личность обретает свободу и возможность проявить её лишь в жизненно-важном, судьбоносном выборе, когда решения избежать нельзя (перед лицом близкой смерти, в ситуациях утраты, когда решение даётся особенно тяжело)» [11,230]. Жизнь человека напоминает цепь, где каждое звено – это судьбоносное решение, очередное начало экзистенциального выбора. Судьбоносными решениями могут стать: выбор места учёбы и будущей профессии, выбор спутника жизни, решение о смене работы, решение принять участие в политических событиях. Согласно мнению Сартра, личность свободна абсолютно и безотносительно. Альбер Камю отнюдь не воспринимал свободу человека, как абсолютную, что отразилось в его дневниках и, в особенности, в эссе «Миф о Сизифе», написанном им в 1942 году. По мнению Великовского Камю в эссе пытается «установить абсурдность жизни — это вовсе не конец, а только начало... Нас интересует не само по себе это открытие, а его следствия и правила



поведения, из него извлекаемые» [1,77]. «Миф о Сизифе» написан в период с мая 1940 и февралём 1941 – время разгрома Франции и её разделения на две зоны. Этим объясняется обречённость и горечь: «Есть лишь одна поистине серьёзная философская проблема — проблема самоубийства» [1,99]. Произведение напитано трагизмом и отчаянием: автор задаётся вопросом о том, есть ли необходимость в преодолении и борьбе с трудностями, с которыми каждый человек сталкивается в жизни или завершить всё, положив конец всему. Но сомнения продолжают терзать: «ничто не ясно, все — хаос, человек... довольствуется лишь точным знанием стен, которые его окружают» [2,117]. Гносеология (возможности познания мира человеком, формы знания в его отношении к действительности) эссе сводится к безысходному «я знаю, что ничего не знаю», что отражает ситуацию Франции в годы оккупации. Возникает резонный вопрос: почему автор в качестве героя выбирает Сизифа? Сын Эола – вечный мученик, приговорённый жестокими богами «поднимать огромный камень на вершину горы, откуда эта глыба неизменно скатывалась вниз», ибо «нет кары ужасней, чем бесполезный и безнадёжный труд». Но вопреки наказанию жизнь Сизифа заполнена смыслом: сознание побеждает судьбу, обращая муки и страдания в радость. Муки, которые испытывает Сизиф, под тяжестью поднимаемого им в гору камня, – это и есть бунт против абсурдного мира: «Сизиф учит высшей верности, которая отвергает богов и поднимает скалы... Этот мир, где отныне нет повелителя, не кажется ему ни бесплодным, ни ничемным... Восхождения к вершине уже достаточно, чтобы заполнить человеческое сердце. Следует представлять себе Сизифа счастливым». [1,79] Так, у Камю «Сизиф – это человек, который поднялся, возвысился над бессмысленностью своего существования, который в этой бессмысленности обрёл свой смысл и свою гордость». [9,Т.2.С.439] Далее Камю

признается, что «ад настоящего — вот царствие» [1,80] Сизифа, потерявшего надежду во веки веков избавиться от своего камня, он гораздо более точен: преисподняя с ее пытками и безысходностью еще никогда не была краем вкушающих блаженство.

Для Мартина Хайдеггера (1889–1976) экзистенция – особое состояние бытия. Жизнь личности в обществе проходит на грани двух параллельных плоскостей: «бытия с другими» и «бытия самого себя» [11,344]. «Бытие с другими» лишает человека свободы выбора, предполагает его полное растворение в массе, делает всех «равными», «одинаковыми». «Бытие самого себя» непосредственно с осознанием собственного уникального «Я». Если личность хочет обрести свободу и быть самой собой, должна бороться за это право, противопоставлять себя «другим» [11,336]. Лишь в борьбе человек может обрести возможность проявить себя. Главной жизненной целью человека, по Хайдеггеру, является отстаивание своей уникальности в безликом обществе, где все – «как все». Мысли Хайдеггера находят своё отражение на первом этапе творчества Камю. Итак, в эссе «Миф о Сизифе», повести «Посторонний» Камю явно развивается мысль о необходимости не следовать общественным догмам и постулатам, оставаться собой. Такое поведение Камю считает верным, но опасным: «Самый опасный соблазн: не походить ни на кого» [4,26].

На протяжении многих лет творческой жизни, Ф.М. Достоевский вдохновлял Камю, давая источник для размышлений. Именно его портрет висел над рабочим столом французского писателя. Неоднократно упоминается имя Достоевского в дневниках Камю и философских эссе. Весной 1955-го года Камю даже выступил во французском радиовещании с обращением «За Достоевского». Писатель признавал: «Моя первая встреча с творчеством Достоевского произошла в двадцать лет. При этой встрече я испытал потрясение,



которое осталось во мне до сих пор. Меня поражало то, что Достоевский был способен открыть для меня сущность человеческой природы. Он пишет лишь о том, что мы не раз замечали в себе, но отказывались признавать» [7,108].

Камю впервые обращается к творчеству Достоевского ещё в лицее. По словам Е. Кушкина: «Знавшие его в ту пору вспоминают о юноше, который жил в мире героев Достоевского, подражал им, хотел «обрусеть» [7,109]. Когда в студенческом театре даже ставили театральную постановку по «Братьям Карамазовым» Достоевского, Камю сыграл довольно неоднозначную роль Ивана. «Я играл его, быть может, плохо, — отмечал сам Камю, — но мне казалось, что понимаю я его всовершенство. На сцене я прямо выражал себя» [5,207]. Общность творчества Камю и Достоевского проявляется в размышлениях о границах свободы. ««Всё дозволено» Ивана Карамазова — единственное последовательное выражение свободы. Но надо постичь суть этой формулы», — пишет

Камю в 1938 году [4,57]. Вспоминая сказанное писателем в «Мифе о Сизифе», можно заключить, что Камю не считает свободу поведения человека абсолютной. Камю лишает своего героя чувства вины и отсюда — угрызений совести, но личность не может быть полностью свободна от ответственности априори.

Обращаясь к философии экзистенциализма, Камю обращает чаще всего свой взор к Кьеркегору, наметившему основные линии и категории экзистенциальной философии: человек, вера, грех, отчаяние, выбор, абсурд, кризис, возможность, одиночество, любовь, ненависть, гуманность. Именно Кьеркегор возродил интерес к мифологии и положил начало переоценке уже существующих ценностей. Кьеркегору Камю обязан существенными принципами своей философии и, как следствие, своего литературного творчества. В этом смысле Кьеркегор был духовным предтечей Камю, которого можно с полным основанием назвать Кьеркегором XX века.

### Библиографический список:

1. Великовский С.И. Грани «несчастливого сознания». Театр, проза, философская эссеистика, эстетика Альбера Камю. Москва «Искусство», 1973 –240 с.
2. Долгов К.М. От Кьеркегора до Камю. Философия. Эстетика Культура/М.: «Искусство», 1990-400с.
3. Бердяев Н.А. Смысл истории, / Н.А. Бердяев. – М.: Просвещение, 1999. – 401 с.
4. Камю А. Миф о Сизифе. Бунтарь. М.: Поппури, 2000. 544 с.
5. Камю А. Творчество и свобода. Сборник. Пер. с франц. / Составление и предисловие К. Долгова. Комментарий С. Зенкина. М.: Радуга, 1990. 608 с.
6. Камю А. Сочинения: В 5 т. Т.5. – Харьков, 1998. С. 285.
7. Кийо, Р. Введение // Камю А. Миф о Сизифе. Бунтарь. – М.: Поппури, 2000. – С. 5-24.
8. Кушкин Е.П. Альбер Камю. Ранние годы. Л.: Прогресс, 1982. 201 с.
9. Кьеркегор С. Повторение / Сёрен Кьеркегор. – М.: Лабиринт, 1997. – 329 с.
10. Литературная энциклопедия терминов и понятий / Под ред. А.Н. Николюкина. Институт научн. информации по общественным наукам РАН. — М.: НПК «Интелвак», 2001. 1600 стр.
11. Sartre, Jean-Paul. *Interprétation de l'Étranger. Situations I*, P., 1947. Сартр, Ж.-П. Статья «Объяснение «Постороннего». Источник: online библиотека Reliquarium.
12. Якушев А. В. Философия (конспект лекций) / А.В. Якушев. – М.: Приор-издат, 2004. – 410 с.



**Турсунова Н. Альбер Камюнинг илк ижоди.** Альбер Камюнинг ижоди ва дунё қарашининг шаклланишига XX аср файласуфларининг таъсири шак-шубҳасиздир. Ижод йўли таҳлили асосида айтиши мумкинки, А.Камю дунёни индивидуалистик тарзда қабул қилишдан воз кечиб, кенг маънода қамраб олган инсонпарварликни, ер юзидаги мавжуд бўлган ҳаёт барча инсонлар учун эканликни, шу билан бирга бирдамлик, раҳм-шафқат каби тушунчаларни эълон қилади ва дунё уйғунлигини яратишига интилади.

**Tursunova N. The earlier creation of Albert Camus.** The influence of the outstanding philosophers of the 20th century on the evolution of Albert Camus's worldview and creativity is quite obvious. Based on the analysis of his creative path, it can be traced that from individualistic perception of the world, detachment from the history and life of society, Albert Camus gradually comes to a comprehensive humanism, to the proclamation of life on earth for all mankind, to the concept of solidarity and sympathy and the desire to create world harmony.



## НУТҚ ТОВУШЛАРИ ТАЛАФФУЗИДАГИ КОННОТАТИВ МАЪНОЛАР

*Норова Мавлуда,  
БухТИ ўқитувчиси*

**Калит сўзлар:** денотатив, коннотатив, сонор, жарангсиз, экспрессивлик, шартли сигналлар, вариантдошлик, артикуляцион, акустик, прагматик.

Ўзбек тилида унли ва ундош фонемаларнинг талаффузида вариантдошлик ҳодисаси мавжуд. Ана шу вариантдошлик уларда турли хил коннотатив маъноларни ҳосил қилади. Қаерда вариантдошлик мавжуд бўлса, у ерда танланиш, тилда эса кўшимча маъно ҳосил бўлади [1, 36]. Кўшимча маъно нафақат сўзларга, балки уни ташкил этувчи нутқ товушларига ҳам тааллуқлидир. Бошқача айтганда, ҳар бир унли ёки ундош товуш ўзига хос турли хил кўшимча маъноларга эга.

Унли товушлар турли хил интонация билан айтилиши, бўғин ҳосил қилиши, урғу қабул қилиши каби просодик хусусиятларга эга. Шунинг учун уларда коннотатив маънолар серқирра ва даражаланган бўлади. Бу ўринда инглиз ва ўзбек тилларидаги баъзи унли товушлар талаффузи билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўладиган айрим коннотатив маънолар ҳақида фикр юритамиз.

**И** товуши артикуляцион томондан тил олди ва юқори тор ҳолатда талаффуз қилинганлиги учун жуда ҳам чўзиқ айтилмайди. Шу сабабли, ундан англашилган коннотатив маъноларда ўта таъсирчанлик юқори бўлмайди. **И** унли фонемаси қаттиқ ва юмшоқ вариантларда талаффуз қилиниши ўзбек тили қипчоқ ва ўғид шевалари вакиллари нутқини характерловчи кўшимча бўёқдир. Ундан ҳосил бўладиган коннотатив маънолар кўп ва даражаланган бўлади. Шунингдек, **и** фонемаси ҳам қаттиқ ва юмшоқ вариантларга эга эканлиги коннотатив маъно микдорини оширади. Булар куйидагилар: нутқ артикуляциясига кўра: кучли ёки кучсиз ҳаяжон, эсанкираш, тўлқинланиш, безовталиқ, ажабланиш, ҳайрат, ишончсизлик, қутилмаганлик,

ғазаб, ўйлаб қолиш, хурсандлик, ҳафалиқ, ҳадиксираш, эслаш ва ҳоказо.

Юқоридагилардан кўринадики, биргина **и** унлисининг талаффузида ҳосил бўладиган кўшимча маъно бўёқлари ниҳоятда кенг ва серқиррадир.

Ўзбек тилидаги **и** фонемасига хос бўлган коннотатив маънолар инглиз тилидаги **и** фонемаси талаффузидаги коннотатив маънолар билан қиёсланганда, уларда баъзи ўхшашлик ва фарқли томонлар кўзга ташланади. Бунини куйидаги ҳолларда кўриш мумкин. Инглиз тилидаги унли товушлар бўғин типларига кўра ажратилади. Масалан, **i** [aɪ] фонемаси ёпиқ бўғинда қиска [ɪ] товушини, очик бўғинда эса [aɪ] товушини ифодалайди. Нутқда **i** унлисини атайлаб чўзиб талаффуз қилинганда, унда ҳайратланиш, ишончсизлик, таажжубланиш каби қатор коннотатив маънолар пайдо бўлади.

Масалан: - *Are you very **ri:ch**?*

- *No, living from hand to mouth!*

(B. Show).

Шунингдек, бадиий нутқда **i** [aɪ] унлисининг сўз бошида такрор келиш ҳолатини ҳам кузатиш мумкин.

**I-I** am terribly sorry my dear, sir.

I mean madam, **-I-I**-oh, God! (R. Gordon).

Мисолдаги **i** фонемасининг такрор ишлатилиши нутқий парчада ялиниш, илтимос, илтижо, соғиниш, ёлвориш каби қатор коннотатив маъноларни ифодалайди.

**У** фонемаси юқори тор, лабланган унли бўлиб, ўзбек тили шеваларида турли хил вариантларга эга эмас. Мазкур товушни нутқда чўзиб айтиш ниҳоятда чегараланган. Шунга қарамай, унда оҳангдорлик мавжуд бўлганлиги учун турли хил коннотатив маънолар ифодаланади. Жумладан, ажабланиш,





сўрок, писанд қилмаслик, иккиланиш каби қатор кўшимча маънолар англашилади. Бу ҳол кишилар орасида нутқий жараёни сермазмун ва жозибатор қилади.

Инглиз тилидаги **u** фонемаси маъно фарқлаш хусусиятидан ташқари яна турли хил кўшимча маъноларни беради. Инглиз тилида нутқ жараёнида **u** фонемасини чўзиш орқали бир қанча кўшимча маънолар пайдо бўлади. Жумладан, таажжуб, иккиланиш, ҳайратланиш, ишончсизлик каби.

- Tush! Where are the others?
- At the front.
- Quite right. Why aren't you... at the front?
- Over age. Fifty seven. (B. Show)

Кўринадики, киёсланаётган тилларда **u** фонемаси талаффузидаги коннотатив маънолар айнан бир хил ёки бир-бирига яқин ифодаланган.

**o** унлиси тил орқа қуйи кенг бўлиб, баъзи сўзларда морфонологик ўзгаришларга учрайди. **o > a** га ўтади: *онг* – *англа*, *сон-сана* ва шундай ёзилади. Аммо кекса авлод нутқида *онгла*, *сона* шаклида талаффуз қилинганда, кўшимча коннотатив маъно ҳосил қилади. Худди шунингдек, **o** унлиси рус тилидан ўзлашган сўзларда бошқачароқ талаффуз қилинади. **o > ъ** га ўтади: *том-тўм*, *ток-тўк*, *сок-сўк*, *ноль-нўл*. Бундай ҳолат бадиий адабиётда персонажлар нутқида учрайди. Бундай қўллаш уларнинг билим даражаси, савияси каби кўшимча маъно, маълумотларни акс эттиради.

**o** фонемасининг турли хил талаффузи натижасида қуйидаги коннотатив маънолар англашилади: **o** деганда қувонч, роҳатланиш, ҳайрат, қониқиш, маза қилиш, лаззатланиш, ишончсизлик, эслаш ва бошқалар.

**o** фонемасининг юқорида қайд қилинган коннотатив маънолари асосан бадиий ҳамда сўзлашув нутқ услубларида ёрқин акс этади.

Юқорида таҳлил қилинган барча унли фонемалар сўзнинг турли ўринларида: сўз бошида, ўртасида ва охирида чўзиб ёки қисқа айтилиш хусусиятига эга. Бу хусусиятига кўра унли

фонемалар ўз навбатида турли хил коннотатив маъноларни юзага келтиради. Чоғиштиринг: *O...o...одамлар* - *ода-а-амлар* - *одамла-а-ар*. Сўзнинг охириги бўғинида чўзиқ айтилган унлида ҳис-ҳаяжон ниҳоятда кучли ифодаланган. Яна чоғиштиринг: *Бухоро-о-о-о!* *Она-а-а!* *Бола-ам!*

**o** [ou] фонемасининг талаффузи ҳам инглиз тилида бўғин типлари билан боғлиқ. Очиқ бўғинда **o** унлиси талаффуз қилинади [əʊ] шаклида: *go*, *no*, *so* каби. Ёпиқ бўғинда эса [ɔ] товуши орқали (*not*, *pot*, *dog*) талаффуз қилинади. Аммо сўзда **o** унли товушини чўзиб талаффуз қилиш орқали кўркиш, доводиращ, кучли ғазаб каби коннотатив маънолар пайдо бўлади.

Масалан: *Suddenly he cried: Santyago-o-o!* (I. Voynich).

Инглиз тилидаги **o** унли товушини чўзиш орқали дўк, пўписа, қаҳр-ғазаб каби коннотатив маънолар ифодаланади.

Масалан: *Don't tell him - Do-o-o-n't tell him please!*

Юқоридаги мисолда **o** товушини чўзиш илтимос, ялиниш каби коннотатив маънони ифодалайди.

Худди шундай ҳолатни ўзбек ва инглиз тиллари ундош товушларини нутқда такрор қўллаш орқали ҳам кузатиш мумкин. *Одамларppp!* *эшитмадим демангларppp!* Бундаги кучли ҳаяжоннинг ифодаланишида сонор товушининг ўрни ҳам катта.

1) He surprised and said: **G-g-good** morning! **C-c-come** in!

2) Whatever have you get there?

- Chocolate creams and English toffee.

- Who this is **I-luxury** for a king?

- **R-r-really?** Well you must get him.

- **S-s-some** more tomorrow and give me these to take with me.

- No, let me **p-p-put** the toffee in my pocket.

3) Marvelous - **m-m-marvelous** - (жуда ажойиб). I **r-r-r-ruin** my chocolates by remaining with a ladyship so in flame.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, бадиий тасвирнинг таъсирчанлиги, асар жозибаторлигини



таъминлашда ундош товушларни иккилантириб талаффуз қилиш муҳим фоностилистик восита бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотларимиз унли фонемаларни якка ҳолда чўзиб ёки қисқа талаффуз қилинишидаги қўшимча маънолари билан сўз таркибида қисқа ёки чўзиқ айтилишидаги маънолар фарқланишини кўрсатди. Якка ҳолда чўзиб талаффуз қилинган унлида чексизлик ва мусиқийлик кучли бўлади. Бу ҳолат кўпинча халқ қўшиқлари, айниқса, “Катта ашула”лар ижросида учрайди. Маълум бир сўз таркибидаги унли фонемаларни белгиланган даражадан ортиқ, ўринсиз чўзиш эса маънони кучайтириш ўрнига, унинг оҳанги ва мазмунини бузади. Бошқача айтганда, киши онгига салбий таъсир қилади.

Коннотатив маънолар ундош товушларнинг кўпчилигига ҳам алоқадордир. Буни жаранглилик хусусиятига эга бўлган ундош фонемаларнинг талаффузида яққол кўриш мумкин.

Ўзбек алфавитида **ж** ва **ж** (**дж**) жарангли ундошлари бир белги (харф) билан ёзилади, аммо, талаффузда икки хил айтилади. **Ж** – қоришиқ (**дж**) ва **ж** – сирғалувчи ундошлари икки хил: *жууда, жума, жун, жўра* каби сўзларда қоришиқ; *Ғиждувон, аждар, жюри, журнал, жирафа* сўзлари таркибида сирғалувчи ундош сифатида талаффуз қилинади. Бундай талаффузнинг ўзгариши сўзнинг денотатив маъносини ўзгартирмай, унинг коннотатив маъносига кучли таъсир қилади. Яъни сўзловчининг бошқа тил вакили ёки нутқий савиясини кўрсатади. Шу сабабли уларнинг қўшимча маънолари ҳам онгимизда турлича акс этади. Буни ўзбек сўзлашув нутқида яққол кўриш мумкин. **Ж** жарангли ундоши сўзлашув нутқида бир хилда ишлатилмайди. Сўз бошида **й** товуши келадиган сўзларда **й** товуши қўлланмай унинг ўрнига **ж** товуши ишлатилади. Шу сабабли шеваларимизни олимлар иккига: **й**-ловчи ва **ж**-ловчи гуруҳларга ажратадилар. **Ж**-ловчи шевага кипчоқ вакиллари нутқи киради.

Шунингдек, бадий нутқда, айниқса дostonлар тилида сўз бошида **ж** ундоши ишлатилган сўзлар кўп учрайди: *Равшанхон журиб-журиб, бир жерга жетканида ҳолдан тойиб қолди* (Равшанхон).

Дostonлар тилида сўз бошида **й** ундошининг **ж** товушига алмаштириб қўлланиши нафақат дoston қахрамонлари нутқида, балки бахшилар нутқида ҳам учрайди. Бу ҳол мазкур бахшининг қайси шева вакили эканлигини кўрсатувчи қўшимча белги, маъно деб ҳисоблаймиз.

Инглиз тилидаги **f**, **b** фонемалари ҳам шеърий мисраларда кетма-кет келиши натижасида оҳангдорликни юзага келтиради. Қуйидаги шеърий парчада сўзлардаги **f**, **b** товушларининг кетма-кет келиши, Африка бўйлаб солдат (аскар) ларининг марш қилиши оқибатида пайдо бўладиган товушларда китобхоннинг эшитиш қобилиятига таъсир этиш ва бой товуш пейзажини яратиш мақсадида фойдаланилади.

Масалан: We are foot – slog - slog - slog – slogging,

Foot, - foot - foot - foot – slogging over Africa.

Boots – boots - boots – boots.

Moving up and again (R. Kipling).

Демак, бир товушнинг нутқда такрор келиши таъсир этиш, диққатни жалб қилиш, мусиқийлик каби қатор коннотатив маъноларни ифодалайди. Худди шунингдек, товушга тақлид сўзлар орқали ҳам коннотатив маънолар ифодаланади. Жумладан, [s] товушининг такрори дераза пардасининг шарпасини эслатади ва тингловчининг диққатини ўзига жалб қилади.

Масалан: And the silken, sad uncertain rustling of each purple curtain.

Ушбу ҳолат диққатни тортиш, ҳис-ҳаяжон, роҳатланиш, завқланиш каби коннотатив маъноларни ифодалайди. Шунингдек, жарангсиз **f** ундошини иккилантириш орқали қатор коннотатив маънолар ифодаланади.

It's filthy – f-f-filthy.

Қўшимча маъно бўёқлари сўз таркибида иккита бир хил жарангли ёки



сонор ундош товушлар жуфт ҳолда талаффуз этилган сўзларда очик кўринади: *лаббай, муҳаббат, муқаддас, мусаллас, мукаррам*, яъни ундош товушларда кўшимча маъно ҳосил бўлади. Бундай кўшимча маъно худди сўзлар кўшилмасида намоён бўлганидек ундошнинг маъзида бўлмай, балки бир хил ундош товушни бир сўзда иккилантириб айтиш ва ёзиш орқали юзага келтирилади. Масалан, *нима?* сўроқ олмошидаги **м** ундошини бир ўринда иккилантириб *нимма* тарзида айтиш ва ёзиш қуйидаги коннотатив маъноларни юзага келтиради: тасодифийлик, кўркинч, ҳадиксираш, ажабланиш, ғазаб, ёмон кўриш, уялиш, ўнғайсизлик, тўлқинланиш, ҳайрон қолиш, жазава, кучли ҳис-ҳаяжон каби.

Кўринадики, ундошларни иккилантириб айтиш орқали сўзда денотатив маъносидан ташқари, қатор коннотатив маънолар ҳам ифодаланади. Буни яна қуйидаги матн мисолида яққол кўриш мумкин: Автобус ўриндиғида ёнма-ён ўтирган қизга бир нотаниш йигит тўсатдан: “*Мен сени севаман*”, - дейди. Унга ҳайрон қолган қиз: - *Нимма?* - дейди.

*Нимма* сўзида **м** ундошини ёнма-ён икки марта қўллади.

Юқоридаги нутқ парчасида *нима?* сўроқ олмошининг денотатив маъноси гапда сўроқ мазмунини англатади. Бу сўроқ олмоши таркибидаги **м** товушини иккилантириб айтилиши орқали эса унда юқорида қайд этилган коннотатив маънолардан бир нечасини кўриш мумкин.

Маълумки, сонор ундошларда шовқинга нисбатан овоз устун бўлганлиги учун уларда оҳангдорлик ҳам ифодаланади. Шу сабабли **м, н, нг, л, р** товушлари иштирок этган сўзларда кўшимча эмоционал таъсирчанлик сезилиб туради. Масалан, *тонг, онг, бонг, лола, бола, момо* сўзлари талаффузида нутқий майинлик, ёқимлилик, оҳангдорлик кучли акс этганлигини кўриш мумкин. Худди шунингдек, сўзлар соф унли, жарангли ва сонор товушлар йиғиндисидан ташкил топган бўлса, уларда коннотатив маъно янада юксак даражада ифодаланади.

Инглиз тилидаги матнларда ҳам персонажнинг бирор ҳолатдан норозилигини ифодалашда **м** ундошини иккилантириб айтилиши ва ёзилиши орқали қатор коннотатив маънолар ифодаланганлигини кўриш мумкин. Жумладан, норозилик, ишончсизлик, иккиланиш ва ҳоказо. Масалан, *There was a gastrectomy scar, about six months old. “Umm, I said I scratched my head. (“Doctor at Large” by R. Gordon).*

Инглиз тилидаги тақлидий сўзларда унлини чўзиш ва ундошни иккилантириш орқали қатор коннотатив маънолар ҳосил бўлади ва оҳангдорликни пайдо қилади. Масалан, *ding-dong – ding-dooooong; moo-mooo; mew-mewwww; purr-purrrrr;*

Нутқий мулоқотда, жарангсиз **к, қ, ф, х** фонемалари алоҳида хусусиятга эга. Мазкур ундошларда овоз кучли эмас, жарангсиз, уларда қаттиқ ва юмшоқлик мавжуд. Ана шу бўёқ, яъни қаттиқ ва юмшоқ талаффуз ёқимли ёки ёқимсизлик кўшимча маъносини ҳосил қилади. Чоғиштиринг: *тилак, биллак; қарга, бақа, тақа*. Инглиз тилида ҳам *dog, garden, hand, fence* сўзларидаги **d, g, h, f** каби товушлар ҳам қаттиқ, ҳам юмшоқ вариантларга эга бўлиб, кўшимча маъно бўёғи ҳосил қилади.

Антропонимия илми бўйича йирик мутахассис профессор Э. Бегматов таркибида жарангли ва сонор ундошлар бўлган киши исмлари ўзининг жарангдор оҳангга эгаллиги ва кўшимча ҳиссий таъсирчан бўлишини қайд қилган эди [3; 50].

Дарҳақиқат, қуйидаги исмлар таъсирчан ва ёқимлилиги билан ажралиб туради. *Анора, Лола, Гулнора, Байрам, Нодира, Гулноза, Озода* каби. Инглиз тилидаги қуйидаги исмларда ҳам таъсирчанлик ва ёқимлиликини кўриш мумкин: *Will, Lily, Mary, Carry*.

Юқорида қайд қилинган атоқли отлар аслида турдош отларнинг кўчма маъно ифодалаш асосида яратилган. Назаримизда, бунда, энг аввало, шу турдош отларнинг вужудга келишида, улар таркибидаги унли ва жарангли ва сонор



ундошлардаги оҳангдорлик, жаранглилик мавжудлиги сабаблидир.

Кейинги давр тилшунослигида фоностилистиканинг бир бўлими фонопрагматика ҳақида ҳам фикр юритилмоқда. Нутқда товуш ҳамда оҳангларни маълум яшириш мақсад билан қўлланиши натижасида муаллиф муносабатнинг ифодаланиши фонопрагматик таҳлил объекти ҳисобланади. Лексема семасида прагматик семанинг ҳосил бўлишида фонетик ўзгаришлар алоҳида аҳамиятга эга. Бу товуш ўзгариши, товуш орттирилиши, товуш тушиши, товуш иккиланиши ҳодисалари билан юзага чиқади. Лингвистик бирликлар таркибидаги товушларнинг ўзгариши натижасида ҳосил бўлувчи маъноларни фонопрагматика йўналиши тадқиқ этади [4; 32]. Инглиз ва

ўзбек тилларидаги нутқий мулоқотда фонопрагматик муносабатлар натижасида ҳосил бўладиган коннотатив маънолар ҳақида навбатдаги ишларимизда фикр юритамиз.

Шундай қилиб, коннотатив маъно фонема семантик структурасининг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳар иккала тиллардаги коннотатив маъно унли ва ундош фонемаларнинг вариантларида ёрқин намоён бўлади.

Унли фонемаларнинг просодик хусусиятларга эгаллиги уларда коннотатив маънонинг янада кучли ифодаланишига сабаб бўлади.

Таржимашуносликда юқорида қайд қилинган ҳолатлар инобатга олинса, бадиий асарлар таржимаси ширали, бадиий таъсирчан ва ўқимишли бўлади.

#### Адабиётлар:

1. Сапарова Қ. Фоностилистика, фоностилема ва талаффуз услублари // Тил ва адабиёт таълими. 2000. – Б. 36.
2. Қиличев Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Бухоро. 1999. – Б. 45.
3. Бегматов Э. Исм чиройи. – Т.: “Фан”, 1994. – Б. 50.
4. Ҳакимов М., Ҳакимова М. Фонопрагматикани юзага чиқарувчи воситалар. Стилистика ва прагматика. Илмий-назарий конференция материаллари (II қисм). Самарқанд-2010. – Б. 32.

*Норова М. Коннотативные значения в произношении звуков речи. В статье проводится сравнительный анализ выражения коннотативного значения в произношении звуков речи в английском и узбекском языках.*

*Norova M. Connotative meanings in the pronunciation of speech sounds. The article provides comparative analysis of the connotative meaning in the pronunciation of speech sounds in the English and Uzbek languages.*



## ТИЛШУНОСЛИКДА ШАРТ МУНОСАБАТЛАРИ ИФОДАЛАНИШИНИ ЎРГАНИШГА ПРАГМАТИК ЁНДАШУВ

*Минниқулов Ислом,  
ЎзДЖТУ ўқитувчиси,*

**Калит сўзлар:** шарт маъно, прагматик маъно, прагматик функция, нутқ акти, шартли фикрлаш, имплицит ва эксплицит маъно.

Маълумки, жаҳон тилшунослигида шарт муносабатлари ифодаланиши турли нуқтаи назардан ўрганилган: синтактик, семантик, стилистик, прагматик ва бошқа ёндашувлар. Хусусан, мазкур мақолада муаммонинг прагматик нуқтаи назардан ўрганилиш асосларининг таҳлилига эътиборни қаратамиз.

Шарт муносабатлари ифодаланишининг прагматик хусусиятлари билан А. Athanasiadou ва R. Dirven каби хориж олимлари шуғулланган. Уларнинг қайд этишича, шарт муносабат билдирувчи гапларни прагматик нуқтаи назардан тўртта турга ажратиш мумкин: аниқловчи (*identifying*), хулосаловчи (*inferencing*), ижро этувчи (*performative*), метакоммуникатив (*metacomcommunicative*) [Athanasiadou ва бошқ., 1996, б. 99]. Хусусан, юқоридаги олимлар ижро этувчи (*performative*) ва метакоммуникатив (*metacomcommunicative*) турларини ўз ишларида тадқиқ этган бўлиб, *ижро этувчи прагматик шарт гап (performative conditionals)* эргаш гап қисми тушиб қолиш мумкин бўлган (*бош гапнинг маъносига таъсир қилмайди*) қўшма гапнинг бир қисмидир дея эътироф этади [Athanasiadou ва бошқ., 1996, б. 99]. Олимлар таъкидлашича, *ижро этувчи прагматик шарт муносабат (performative conditionals) савол-жавоб конструкция (question-response pair), тахминий жавоб (supposition-response pair) ва тахминий илтимос (supposition-request pair)* конструкциялари орқали ҳам ўз ифодасини топиши мумкин. Ижро этувчи прагматик шарт гап ва метакоммуникатив шарт гап функционал характерга эга бўлиб, биринчи шарт гап нутқ акти аҳамиятли бўлган вазиятларга алоҳида урғу берса, иккинчи

шарт гап интерактив вазиятларда коммуникатив фаолиятнинг баъзи аспекти учун аҳамиятли ҳисобланади [Athanasiadou ва бошқ., 1996, б. 103]. Уларнинг эътирофича, шарт муносабат ифодаловчи гапларнинг метакоммуникатив функциялари метапрагматик (*тўлақонли нутқ актига боғлиқ*), металингвистик (*нутқ актининг маълум аспекти (нутқ актини ифодалаш)га боғлиқ*) ва рестриктив (чекловчи) (*нутқ актида ифодаланган имплицит маънони ифодалаш*) турларига эга [Athanasiadou ва бошқ., 1996, б. 103]. Шарт муносабат ҳеч қанақа маркерларсиз бош гап кўринишида ҳам ифодаланиши мумкин.

Яна бошқа хориж олимлари D. J. Hilton, J.F. Bonnefon шарт гапларни прагматик нуқтаи назардан таҳлил қилар экан, уларнинг қуйидаги прагматик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратади: *хулоса чиқариш, бирор иш қилишга ундаш ва кўрсатма бериш ёки йўл-йўриқ кўрсатиш* [Hilton ва бошқ., 2011, б. 1]. Шарт муносабат ифодаловчи гапларнинг прагматик аспекти таҳлил қилишда контекстнинг роли ва аҳамияти олимлар томонидан алоҳида эътироф этилади ва таъкидланадики, контекст сўзловчининг шарт муносабат билдиришдан кўзланган асл мақсадини аниқлаб беради [Hilton ва бошқ., 2011, б. 1]. Уларнинг тадқиқот натижаларига кўра, шарт муносабат ифодаловчи гапларнинг прагматик функцияси тингловчини сўзловчи ўйлагандек (хоҳлагандек) қарор қабул қилишга йўналтиришдан иборат [Hilton ва бошқ., 2011, б. 6]. Шарт маъно билдирувчи конструкциялар фақатгина шарт муносабат эмас, балки яширин прагматик маъно ҳам



билдириши мумкин бўлиб, бундай прагматик маъно турлари фақатгина контекстда юзага чиқади.

Хориж олимлари M. D. Valina, G Seoane ва бошқ. ларнинг эътироф этишича, шарт муносабатли ҳукм чиқаришда прагматик омилларнинг роли ва аҳамияти катта [Valina ва бошқ., 1997, б. 1]. Уларнинг таъкидлашича, бош ва эргаш гап ўртасидаги муносабатларда ифодаланадиган эҳтимоллик реал ҳаётда ҳар кунги ҳаёт манзараларида ифодаланиши (*ҳар доим, баъзида ва камдан-кам*) мумкин [Valina ва бошқ., 1997, б. 2]. Шарт муносабатлари реал ҳаётда тез-тез учровчи, кунлик ҳаётимиз билан боғлиқ ҳодисадир.

Хитой тилшунос-олимлари Hsun-Ming Hsu, Yu-Fang Wang ва бошқ. мандарин тилининг шарт маъно билдирувчи *yaoshi* ва *yaobushi* каби маркерларнинг семантик-прагматик хусусиятларини тадқиқ қилади. Уларнинг фикрича, мазкур шарт муносабат билдирувчи маркерларнинг грамматик фарқлари нафақат шарт маъно ифодалашига, балки прагматик функцияларига ҳам таъсир этади [Hsun-Ming Hsu ва бошқ., 2015, б. 31]. Турли хил маркерлар шарт маъно билан бирга уларнинг прагматик хусусиятини ҳам акс эттириши потенциалига эга.

Шунингдек, А.А. Акопян (2011) шарт муносабатининг лингвистик ифодаланиш муаммолари билан шуғулланади ва асосан муаммони прагматик аспектда таҳлил қилади. Бунда, у шарт маъно ифодаловчи маркерларни имплицит ва эксплицит турларга ажратиб ўрганади. Олим эътироф этишича, эксплицит маркерлар шарт маънодан ташқари қуйидаги кўшимча маъноларни ҳам ифодалайди: аниқлик, чеклов, имконият, шанс, тахмин, ноаниқлик, интенсификация, таққослаш, танлов, инкор этиш, таъқиқ, хоҳиш-истак, пушаймон, стилистик бўёқдорлик. Бундан маълумки, шарт маъноли конструкциялар шарт муносабатдан ташқари, яширин прагматик маънолардан иборат бўлган ўз семантик майдонига эга.

Бундан ташқари, рус олими Н. Ю. Киселёва (2005) шарт муносабат ифодаловчи конструкциялар функцияларининг семантик-прагматик аспектини таҳлил қилади. Унинг таъкидлашича, бундай конструкцияларнинг нутқда ишлатилишини таҳлил қилиш уларнинг семантик, прагматик ва коммуникатив хусусиятлари ва функцияларини таҳлил қилиш имконини беради. Олим эътироф этишича, шарт маъно ифодаловчи конструкцияларнинг прагматик аспекти муайян дискурс (нутқ акти ва шарт маъно ўртасидаги муносабатлар акс этадиган нутқий жараёнлар)да ўз аксини топади. Н. Ю. Киселёва қайд этишича, шарт маъно ифодаловчи конструкцияларда нутқ актининг ҳар хил турлари ифодаланиши мумкин: савол, рағбатнинг турли кўринишлари (маслаҳат, илтимос, таклиф, тавсия, кўрсатма, буйруқ, таъқиқ, руҳсат) ваъда, кўрkitиш. Дискурс шарт маънонинг турли аспекти (прагматик, семантик, коммуникатив, функционал)ни очиб беришда аҳамиятлидир.

Шу ўринда, қайд этиш жоизки, шарт маъно ифодаловчи гаплар маълум нутқ акти вазифасини ҳам бажаради ва уларнинг бундай хусусияти прагматик аспектда ўрганилади.

Хориж тилшунос-олимлари M. Mohammadi ва J. Fischerлар ўз тадқиқотида асосий эътиборни нутқ акти шарт гаплар тижорат соҳасида содир бўлувчи умумий (ҳа/йўқ) саволларга қай ҳолда билвосита жавоб бериш жараёнига қаратади [Mohammadi ва бошқ., 2018, б. 80]. Уларнинг таъкидлашича, агар сўзловчи қатъий талаблар қўймаса, бундай шарт гаплар тижорат контекстидаги умумий саволларга муносиб жавоб бўла олади [Mohammadi ва бошқ., 2018, б. 80]. Бунда нутқ акти шарт муносабат гаплари берилган умумий саволга *ҳа* ёки *йўқ* деб тўғридан-тўғри жавоб бермасдан, *ўша ҳа* ёки *йўқ* жавобни имплицит тарзда ифодалайди, яъни, *ҳа* ёки *йўқ* жавобни берувчи имплицатурани ифодалайди [Mohammadi ва бошқ., 2018, б. 80]. M. Mohammadi, J. Fischerнинг қайд этишича,



нутқ акти шарт муносабат гапларини Austin (1970)нинг “*there are biscuits on the sideboard if you want some (агар хоҳласангиз, ён панелда бисквит бор)*” номли мисолига нисбатан бисквит шарт муносабат гаплари деб ҳам аташ мумкин. Шарт маъно билдирувчи конструкциялар *ҳа* ёки *йўқ* жавобни берувчи импликатурани ифодалайди ва бунда муваффақиятли мулоқотнинг мулойимлик тамойилига эришилади, яъни саволга бевосита эмас, билвосита жавоб берилади.

Шунингдек, яна бир хориж олими А. Ҳ. Richard шарт муносабат билдирувчи гапларни нутқ акт назарияси асосида таснифлаб чиққан. Шарт маъно ифодаловчи фикрларни билдиришдан сўзловчининг кўзлаган мақсади фақатгина замон, майл ва бошқа бўлақлар каби ташқи формал элементлар орқали эмас, балки сўзловчининг нияти, ситуацион ва ижтимоий контекст ва шунингдек, лингвистик шакл орқали ўз ифодасини топиши олим томонидан алоҳида эътироф этилади [Richard, 1989, б. 29]. Олим эътироф этишича, нутқ акти назарияси шарт маъно билдирувчи гапларни шаклига кўра эмас, балки функциясига кўра таснифлаш имконини беради, чунки у тингловчига сўзловчининг кўзлаган мақсадини англашга ёрдам беради. Нутқ акти назариясига кўра, шарт муносабатли гапларнинг барчаси имплицит перформативлар бўлиб, улар фақат шарт маъно ифодалабгина қолмасдан, имплицит тарзда куйидаги функцияларни ҳам бажаради: тингловчини ишонтириш; бирор нарсага кучли ишонч билдириш; тингловчини манипуляция қилиш; насихат қилиш; танбех бериш; мулойимлик билан бирор нарса сўраш; ўзини оқлаш/ҳимоя қилиш; кимнидир масхара қилиш; нола (ҳасрат, шикоят) қилиш [Richard, 1989, б. 39]. Сўзловчининг шарт муносабат билдирувчи гаплардан юқоридаги

имплицит вазифаларни бажариш учун фойдаланишининг асосида прагматик сабаблар ётишига олим томонидан алоҳида урғу берилади [Richard, 1989, б. 39]. Шарт маъно ифодалашдан кўзланган мақсад лингвистик ва экстралингвистик омиллар орқали тўла намоён бўлади.

Немис тилшунос-олими М. Krifka бисквит шарт гапларни нутқ акти шарт муносабат гапларга тенглаштиради ва бисквит шарт гапларнинг икки турини фарқлайди: мувофиклик шарт гаплари (relevance conditionals) ва нутқ акти шарт гаплари (speech act conditionals) [Krifka, 2017, б. 3]. Шунингдек, нутқ акти шарт гапларида ҳам бош гапдаги иш-ҳаракат, эргаш гапдаги шартга боғлиқ бўлмайди ва бундай гаплар дискурс ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлади [Krifka, 2017, б. 3]. Бисквит шарт гапларда бош гапдаги иш-ҳаракат эргаш гапдаги шартга боғлиқ бўлмайди.

Тадқиқотимиз натижасида куйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

а) шарт гапларининг нутқ акти вазифасини имплицит бажариш функцияси, шарт гапларни улар бажарадиган функциясига кўра таснифлаш, нутқ акти шарт гапларда бош гапдаги иш-ҳаракатнинг эргаш гапдаги шартга боғлиқ бўлмаслиги, муваффақиятли мулоқотнинг мулойимлик тамойилига асосланиши шарт муносабатларини ўрганишда нутқ акти ёндашувининг асосларини белгилайди;

б) коммуникатив актнинг муваффақиятли бўлишига ҳисса қўшиши, сўзловчининг коммуникатив мақсадини контекст ёрдамида аниқлаш, шарт маъно ифодаловчи маркерларнинг прагматик функциясини аниқлаш, шарт гапларнинг прагматик табиатини дискурс таҳлил методи орқали ифодалаш каби масалалар шарт муносабатларини ўрганишда прагматик ёндашув тамойилларини аниқлаб беради.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Angeliki A., Rene D. Pragmatic conditionals. Thessaloniki: Aristotle University, 1996.- P. 99-108.



2. Denis J. Hilton., Jean-François Bonnefon. Pragmatics at Work: Formulation and Interpretation of Conditional Instructions. Toulouse: Universite Toulouse, 2011.
3. Dolores V.M., Gloria S., M. J. Ferraces, Montserrat M. Pragmatic factors in conditional reasoning with narrative texts//Nineteenth Annual Conference of the Cognitive Science Society. California: Stanford University, 1997.-9 p.
4. Hsun-Ming Hsu, Yu-Fang Wang, Kai-Ming Hu. Direct and indirect conditionals: A corpus-based study of Chinese yaoshi and yaobushi in spoken and written discourse// Taiwan Journal of Linguistics, Vol. 13. 2, 2015.- P. 31-77.
5. Manfred Krifka. Biscuit Conditionals as Anticipatory Speech Acts// Workshop “Biscuit Conditionals”. Universität Hamburg, 2017.-34 p.
6. Maryam M, Judith F, Maurice L and Ralf K. Conveying the user’s intention by generating speech act conditionals as indirect answers// Proceedings of the 14th Conference on Natural Language Processing, Vienna: 2018.- P. 80-88.
7. Richard A. Young. A classification of conditional sentences based on Speech Act Theory// Grace Theological Journal, Vol 10, Issue 1, 1989.-P. 29-49.

*Минникулов И. Прагматический подход к изучению выражения условностей в лингвистике. В статье рассматриваются основы прагматического подхода к изучению выражения условных выражений в мировой лингвистике. В частности, в статье особо подчеркивается, что прагматический аспект условных предложений (прагматическая функция, значение и функция речевого акта) раскрывается в определенном контексте. Кроме того, особое внимание уделяется значению подхода дискурс-анализа для выявления прагматической функции условных маркеров и представления прагматических особенностей условных конструкций.*

*Minnikulov I. Pragmatic approach to the study of the expression of conditionals in linguistics. The article discusses the bases of the pragmatic approach to the study of the expression of conditionals in the world linguistics. In particular, in the article it is especially highlighted that the pragmatic aspect of conditional sentences (pragmatic function, meaning and speech act function) is revealed in a certain context. In addition, the significance of discourse analysis approach in identifying the pragmatic function of the conditional markers and representing the pragmatic features of conditional constructions is specifically emphasized.*





## САДРИДДИН АЙНИЙ АСАРЛАРИДА ФРАЗЕОЛОГИК БИРИКМАЛАР БАДИИЙ ТАСВИРНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

*Давронова Мавлуда Зиядуллаевна,  
СамДУ катта ўқитувчиси*

*Таянч сўз ва иборалар: тилшунослик, фразеологик бирикма, умумистеъмолий фразеологик бирликлар, услуб, нутқ жараёни, таҳлил, лексик қатлам, бадиий асар тили.*

Фразеологик бирликлар алоҳида сўзларнинг бир маънодаги воситаси сифатида аниқ мавҳумни ифодалаб, тўлиқ тарзда синтактик вазифани адо этадилар. Тожик адабий тили минг йиллик шарафли ўтмишга эга бўлиб, саноксиз фразеологик бирликлардан иборатдир. Ижод аҳли ўз дунёқараши ва теран фикрлашига мувофиқ бу тугалланмас хазинадан фойдаланиб, бир томондан уларнинг ўрни ва нуфузини адабий тилда мустаҳкамлаган бўлсалар, иккинчи томондан шева ва лаҳжалардан адабий тилга олиб кириш йўли билан уларнинг сонини бадиий тилда кун сайин кўпайтирдилар. Шу жиҳатдан ҳар бир адиб ижодиётидаги фразеологик бирликларнинг тадқиқ этилиши ҳам ёзувчи маҳоратини аниқлашда, ҳам давр адабий тили хусусиятларини ўрганишда илмий аҳамиятга молик ҳисобланади.

Агар сўз бадиий асар тилининг халқона хусусият касб этишига оид бўлса, лексик қатламлар қаторида фразеологик бирликларнинг мавридли фойдаланганлиги ҳам илмий аҳамият касб этади. Зеро, бу “халқ оғзаки ижодиёти гули” ёзувчи тилининг ҳақиқатдан ҳам халқона сиймоси ва манзарасини ифодалаб беради.

Тилшунослик нутқ жараёнида ҳосил бўладиган (вужудга келган, ташкил топган) иборалар қаторида бошқа турдаги иборалар ҳам мавжуд бўлиб, улар нутқ жараёнида вужудга келмай, балки тайёр воситалар сифатида мавжуд бўлиб, ўзининг тарихий барқарор шакл ва аниқ қолипига эга ҳисобланади. Масалан, “қориннинг танбур чалиши” меъеридан ортиқ оч қолиш маъносига, “терисига сифмаслик” ҳаддан ортиқ хурсандлик ва шодликдан киноя, “киприк қоқмаслик”

ухламаслик ва шунга ўхшаш бошқа мисолларни келтириш мумкин.

Бадиий асар фразеологик бирликлари таҳлили қуйидаги омилларни қамраб олади: ёзувчи фойдаланган фразеологик бирликларнинг таркибий қисмларини аниқлаш; ёзувчи фойдаланган манбаларни аниқлаш; адибнинг бу воситалардан фойдаланиш маҳоратини кўрсатиш; айнан фойдаланганми ёхуд шакл ва маъно жиҳатдан ўзгартирилган шаклда ишлатилганлик даражасини аниқлаш; асарда ишлатилган фразеологик бирикмаларнинг услубий вазифалари ва шунга ўхшаш бошқа омиллар.

Бу таҳлил тарзи илмий воқеликдан ҳосил бўлади, зероки бадиий асар ва газеталарда ишлатилган фразеологик бирликлар турли йўллар билан юзага келади. Моҳир ва хунарманд ёзувчилар фразеологик бирикмаларни нафақат тайёр ва мавжуд шаклларда, балки маъно ва қолип жиҳатдан ўзгартирилган шаклларда, услуб ва таъсирчанлик жиҳатдан ҳам ўзгача қолипда фойдаланадилар, зероки улар вужудга келиши жиҳатидан халқнинг яшаши, урф-одати, дунёқараши ва ақлу заковати билан чамбарчас боғлиқдир.

Профессор Б. Камолиддиновнинг фикрича, “Фразеологик бирликларда маъно жуда нозик, ёпиқ, лекин ранг-баранг ва жозибали ифода этилади. Уларнинг услубий вазифаси ўша нозик ва ранг-баранглик табиатидан келиб чиқади.

Фразеологик бирликлар аломат, хусусият, ҳолат ва мавзу маъносини ошкорлик билан, тўғри ифода этмаган ҳолда рамзу киноя билан, бадиийлик ҳамда бадиий тасвир воситалари ёрдамида: мажоз, муболаға, истиора, ташбеҳ ва шунга ўхшаш образли



ифодаланади. Шу хусусияти билан бошқа маънодош бирликлардан фарқ қилиб туради” (4.с.90).

Тожик бадиий адабиёти фразеологик бирликлари тожик услубшунослари, жумладан Н.Маъсумий (С.Айний ижодиёти мисолида), Р.Ғаффоров (Р.Жалил ижодиёти мисолида), Б.Камолиддинов (Ҳ.Карим ижодиёти мисолида) тадқиқотларида ўз ечимини топган.

Тожик тилида фразеологик бирликлар бадиий адабиётда С.Айний асарларида бошқаларга нисбатан кўпроқ ва етарли даражада фойдаланилган. Диққатга сазоворлиги шундаки, фойдаланилган фразеологик бирликлар захираси ниҳоят бой бўлиб, манбалари турличадир. Устоз С.Айний фразеологик бирликларнинг турли хилларини ўринли ва мавридли фойдаланганлиги билан бирга тожик адабий тилининг миллийлик даражасини оширган. С.Айнийнинг ўзи иқроор бўлишича у адабий фаолиятининг бошланишида фразеологик бирликлардан камроқ фойдаланган, аммо ўттизинчи йиллардан сўнг, хусусан машҳур рус ёзувчиси М.Горький асарлари билан танишганидан кейин тилнинг бу воситасидан керакли даражада фойдаланган.

С.Айний фразеологик бирликларни турли манбалардан, яъни классик адабиёт тилидан, шева ва лаҳжалардан, бошқа тиллардан – араб, ўзбек ва ҳатто рус тилидан олиб ишлатган экан. Агар биз С.Айний ижодиётини фразеологик бирликлардан фойдаланиш даражасини ҳам миқдор жиҳатдан, ҳам сифат жиҳатдан бошқа тожик адиблари ижодиётидан сезиларли даражада устун кўйсак, умуман муболаға бўлмайди. Айнан шу сабабдан ҳам эрон донишмандларидан бири С.Айнийнинг “Эсдалиқлар” (Ёддоштҳо) асарини араб алифбосига асосланган фореча алифбода нашр этиш вақтида, эрон ўқувчиларига номаълум ва тушунарсиз бўлган фразеологик бирликларни алоҳида рисола сифатида нашр этган.

Тадқиқот мазмунига мувофиқ С.Айний асарлари фразеологик бирликларини услубий таносуб жиҳатдан қуйидаги қисмларга ажратиш мумкин.

**1. Умумистеъмолий фразеологик бирликлар**, яъни услуб жиҳатдан ўртача (мўътадил), жумладан, *қўлга киритиш*-ўзиники қилиб олиш, ўзининг ихтиёрига (тасарруфига) киритиш; *пайҳаслаш*- хис этиш, тушуниш; *қўлдан кетиш*-ўз молини бой бериш, ўзгалар ихтиёридаги молни ўзиники қилиб олиши; *шининг изидан тушиш*- бирор ишни бошлашга азм қилиш; *кўз юмиш*- эътиборга олмаслик; *кўзга тушиш* – ҳисобга олиш; ҳисобга кетиш, ҳисобга кириш. Мазкур мисоллардан маълум бўладики, фразеологик бирликлар ўзининг атрофидаги умумистеъмолий адабий сўзлар билан услуб жиҳатдан мувофиқлаши меъёрий адабий тилда ёзилган матннинг таркибий қисмини ташкил этади. Шунинг учун ҳам уларни умумхалқ лексик синонимлари билан алмаштириш мумкин. Масалан, *қўлга киритиш* ёхуд *қўлга олиш*, *ўзиники қилиб олиш*, *пайҳаслаш*, *тушуниш*, *хис этиш* ва бошқалар.

Бу каби фразеологик бирликлар луғавий синонимлардан нафақат ўзининг завқлилиги, ҳис-ҳаяжони, таъсирчанлиги билан, балки нозик маъноси жиҳатидан ҳам фарқ қилади.

**2. Оғзаки фразеологик бирликлар (халқона)**. Бу турдаги иборалар биринчи гуруҳдаги ибораларга маъно жиҳатдан зид бўлиб, услуб жиҳатдан холис ва мўътадил ҳисобланмайдилар. Улар оддий ва халқона нутқга мисол бўлиб, ёзув ва сўзлашувда киноявий оҳанглар ва сомантик маъноларнинг ҳосил бўлишига асос бўладилар. Шу жиҳатдан уларда завқилик, ранг-баранглик ва ҳис-ҳаяжонга таъсирчанлик даражаси юқори бўлади.

Бу турдаги бирикмалар тасвирда ижобий ва салбий ҳолатларни тасвирлаш учун катта бадиий аҳамиятга эгадир. Масалан: *Оғиз сувининг оқиши*- ҳавас қилмоқ, ҳавасманд бўлиш; *териға сизмаслик*- ҳаддан ортиқ хурсанд бўлиш;



*қориннинг танбур чалиши*- хаддан ортиқ оч қолиш; *бирон киши томогини мойлаш*-пора бериш; *сув қилиб ичиш*- ўрганиш, бутунлай ўрганиш; *юракка совуқ сув уриши* - ноумид бўлиш, қўл тортиш; *оёқни осмондан келтириши*-бировга қаттиқ зарба бериш ва шунга ўхшаш юзлаб мисоллар келтириш мумкин.

“*Оёқни осмондан келтириши*”. Бу фразеологик бирлик омма сўзлашувида дағал ва хурматсизлик маъносини англатиб, бирон шахс ва нарсага нисбатан салбий ва душманлик муносабатни (баъзан ҳазил ва шўхлик учун) ифодалайди. Сўзловчи фикри асосини, яъни кимга ёхуд нимага қаратилганини мазкур фразеологик бирликнинг асосий сўзи – “линг” (оёқ) сўздан англаш мумкиндир. Устоз Айний “Судхўрнинг ўлими”(Марги судхўр) повестида мазкур сўзни “Князлар” га нисбатан ишлатган бўлиб, у ёрдамида сиёсий мазмун кашф этган. Бу билан асар қахрамонининг амирлик ва подшолик тузилишига нисбатан салбий муносабатдалигини аниқ тарзда очиб берган: Большевиклар князлар оёқларини осмондан келтиради.

“*Сув қилиб ичиш*”. Бу ибора бирон касб ва ўрганиш предметининг хусусият ва моҳиятини бутунлай ўрганиш маъносини англатади. С.Айний мазкур иборани Раҳими Қанд номли персонаж нутқида фойдаланган бўлиб, унинг ўз-ўзини ўзи таърифлаш хусусиятини аниқ ва ёрқин тарзда тасвирлаган: Мен у билан ўн йил хизмат қилганим сабабли “шашмаком”ни сув қилиб ичдим, меҳмондорчиликка мени ўзи билан олиб борадиган бўлди.

Бу каби иборалар бадиий ранг-баранглик ва эмоционал хусусиятлари билан бирон шахс ёхуд бирон амалиётни тасвирлаш учун бадиий хусусият касб этиб, мақсадни завқли ва таъсирли тарзда ифодалайди.

**3. Китобий фразеологик бирликлар.** Бу турга қуйидагиларни келтириш мақсадга мувофиқдир: *оёқдан отиши*- ўртадан олиш, барҳам бериш; *панжа уриши* - зарба бериш, ҳужум қилмоқ, *қиём қилиши*-ҳужумга тайёрланиш; *юрак эшигини очиши*- фикрни изҳор этиш;

ўзининг мақсадини баён этиш; *қуллик юкни тортиши*- ўзгалар зулми ва тазйиқидан умргузаронлик қилиш; *ўз номусини поймол тарзда кўриши*- ўз шаъну шарафини поймол тарзда кўриш.

Бу ва буларга ўхшаш иборалар одатда дабдабали сўзлашувда ишлатилиб, матннинг бошқа сўзларига боғланиб, матннинг таъсир қуввасини сезиларли даражада орттиради. Устоз С.Айний бу турдаги фразеологик бирликлардан ниҳоятда кўп маротиба фойдаланиб, ижодда ўз мақсадига етган. Жумладан: “бирон нарсани тупроққа уриш” одатда таъсирчанлик ва ҳаяжонли сўзлашувда ишлатилиб, бирон нарсани фанога юз тутиши маъносини англатади. Бу ҳолатда бу изланувчининг манфий муносабатини бирон нарсага нисбатан билдиради. Шахс ё худ шахслар гуруҳи бунга егадирлар. С.Айний буни “тожу тахт”отларига нисбатан ишлатиб, Россия меҳнаткашлар томонидан рус империалистларини барбод қилиниши нозик дид билан тасвирлаган:

*Бу замонда Россия меҳнаткашлари майдонга чиқиб азамат империалистлар ва мансабдорларнинг тожу тахтларини тупроққа урдилар, агар тожик фақирлари ҳам улар раҳбарлигида иш олиб борсалар, муллолар, арбобкамоллар, ҳоким ва амирлар зулм этолмайдилар.*

Устоз С.Айний услубининг ўзига хослиги шундаки, мавзунинг мазмунига мувофиқ машҳур китобий фразеологик бирликларга янгидан янги сўзлар қўшиб, бу йўл билан уларнинг ҳам таркиби ва ҳам таъсирчанлик даражасини оширишга муяссар бўлган. Мисол: ...шу билан ҳам арбоб ғазабининг олови ўчмади (Одина, саҳ.191). Яъни, тожик тилида “ғазабнинг пасайиши” ибораси маълум бўлиб, С.Айний бу феъл объектини аниқлаб, буни “ғазаб оловининг сўниши” шаклида ишлатган. Натижада иборанинг адабий китобий мавқеи ошиб унинг бадиий ранг-баранглиги ва таъсирчанлик хусусияти ошган.

**4. Шева фразеологик бирликлари.** Халқ тили билан тенг даражада шеванинг турли кўринишларида кўплаб фразеологик бирликлар кўзга ташланади. Улар адабий



тилга кўшилиб муддаонинг мўъжаз, самимий ва тасвирбоб бўлишига имконият яратиш беради. С.Айний асарларидаги кўплаб фразеологик бирликлар унинг туғилган ўлкаси – Бухоро шеvasидан олингандир. Уларнинг баъзиларини келтириш мақсадга мувофиқдир: кишт емоқ (кишт хўрдан) – ҳукумат ёхуд бирон шахс томонидан бирон кишининг таъқиб этилиши: Агар мен туманда бирон кишт есам, Бухорога қолиб бориб шу Махдуми араб ҳужрасида яшириниб ётар едим; мурч емоқ – алданганлик маъносидан. Мен мурч емасдан “мурч еган эдим” ; “накав юки” С.Айнийнинг ўзи бу иборани шундай шарҳлаган: халқ истилосини бирон кишига гапирсангиз худди зарар кўрадигандай озгина гапга жаҳли чиқиб ғазабланади, шу накав юки дейлади. Мисол: “накав юки”, “ҳарина” сўзи билан маънодош сифатида келтирилиши Қори ишқамба (қоринли) нинг ҳажвий хусусиятларини фoш этишда муҳим роль ўйнаган.”Накав юки” одами билан танишиш фикрини кўнглимдан чиқариб ташлаб ўз йўлимдан кетдим.

Бу ва шунга ўхшаш ибораларни Айний ўз мақсади йўлида манфий персонажларнинг кирдикорларини фoш этиш ёхуд бирон нохуш ҳодиса моҳиятини ечиб бериш учун уларнинг маънодош вариантларига имтиёз берган.

**5. Зарбулмасал, мақол ва шoҳбайтлар классик ашъоридан.** Зарбулмасал ва мақоллар халқ оғзаки ижодиёти маҳсули бўлиб, адаб аҳли бу халқ бойлигини ўз асарларида имкон қадар услубий талабга мувофиқ ишлатиб келган.Бунга ҳаммадан олдин С.Айний азм қилиб, уларнинг кўп миқдорини ўз асарларида ишлатган. Жумладан: “Гумон иймондан ажратади”. Бизнинг халқимиз китобий сўзларни поймол қилиб, гумон юзасидан ўзининг катталарини бадном

этадилар: “гумон иймондан ажратади” деганлар, шунинг учун уларнинг ҳаммаси кофирга айланганлар (Дохунда, саҳ 305).

“Бузоқ миҳ устидан учиб ўтади”. Сенинг амиринг унинг олдида қандай куч ва манзалатга эга, унинг бир губернаторидан ҳам эмас, “бузоқ миҳ устидан учади” деганларидай Николай устидан учарди, энди у ишсиз қолганда, унинг гапига ким ҳам кулоқ соларди (Дохунда, 223 бет).

“Туруч давлатидан курмак сув ичади”. Яхши, сиз емайдиган бўлсангиз мен ей, - деб катта хотин набботли пиёлани олдида олиб илова қилди, - амалда келин учун юборган бўлсалар ҳам “Туруч давлатидан курмак сув ичади” деган гаплар бор (Ятим, 12 бет).

– с другой, показывает уязвимость подобного подхода. Как справедливо указал В.Л. Архангельский, между составным термином и переносным крылатым выражением, образовавшимся из того же термина, существует глубокое структурное различие. Например, существует большая семантическая разница между физическим термином «торричеллиева пустота» в значении «безвоздушное пространство» и выражением «торричеллиева пустота» в значении «отсутствие чего-либо», где явно чувствуется экспрессивность и ироническая оценка.

Составные термины этимологически образной структуры требует не филологического толкования значений, а логических дефиниций [Е.Н. Толикина, 1972, с. 64]. Природа устойчивости терминированных словосочетаний (составных терминов), природа связанности их элементов иная по сравнению с природой устойчивости и связанности общеупотребительных фразеологизмов. Во фразеологизмах эта природа – семантическая, в составных терминах – понятийная [Б.Н. Головин, 1973, с. 55].

Включение составных военных терминов во фразеологию является следствием переоценки номинативной функции ФЕ одностороннего применения такого метода исследования, как анализ семантической зависимости компонентов ФЕ [Н.Н.Амосова, 1963].

Действительно, если рассматривать ФЕ как функциональное единство двух или нескольких взаимно



детерминированных лексем, то выявить разницу значения ФЕ и составного военного термина будет вызывать особые трудности. То же самое происходит в случае, когда фразеологическая единица и составной военный термин объединяется в один класс на основе их номинативной функции.

Следует отметить, что для фразеологизмов с живой внутренней формой важными являются отношения семантической структуры ФЕ к семантической структуре прототипа. Именно в таком сопоставлении видится возможность выявления сходств и различий между значениями обеих единиц. Попытка формализовать сущность этой взаимосвязи на семантическом уровне позволит обозначить отправные точки исследуемых семантических полей. Лучше всего провести подобное исследование, применив метод приближённого моделирования [В.А. Солдатенков, 1968, с. 31]. Приближённая лингвистическая модель – это экспериментальное подобие конкретного объекта языка, в котором условно формализованы основные процессы и явления, сходные с основными процессами и явлениями, происходящими в реальном объекте. Необходимо внести уточнение в то, что будет в дальнейшем называться семой. Известно, что многие учёным понимают под семой мельчающую единицу смысла в составе информации, которую несёт та или иная единица языка [М.Д. Степанова, 1974, с. 43]. Поскольку сам метод выделения сем не может носить абсолютно объективного характера, нужно пользоваться словарными дефинициями. Более того, необходимо установить семантический инвентарь составных военных терминов и фразеологических единиц из примеров речевого употребления. Так, основными процессами и явлениями, подлежащими выделению и отображению в семантической структуре составных военных терминов, явились:

а) специальные семы, относящиеся составные военные термины к военному дискурсу: *arms, guard, soldier, lieutenant, etc.*;

б) вторичные или потенциальные семы, входящие в основу внутренней формы нового фразеологического значения: *run the guard* – пройти незамеченным часовыми, *relieve the guard* – сменять караул;

в) обязательное отражение синтагматических связей в семантической структуре составного военного термина на семном уровне: *to put somebody on his guard* – предостеречь кого-либо.

В семантической структуре фразеологических единиц, являющихся генотипами составных военных терминов были выявлены:

а) отношения между семами и соответствующими семами в структуре ФЕ как отношения внутренней формы к её генотипу: *Jack Johnson* – (воен. жарг.) тяжёлое орудие, крупнокалиберный снаряд (по имени известного негритянского боксёра;

б) показатели экспрессивно-эмоциональной функции ФЕ: *gravel crusher* – (амер. воен. жарг.) пехотинец;

в) обязательное отражение синтагматических связей в семантической структуре ФЕ на семном уровне: *chain of command* – иерархическая лестница [А.В. Кунин, 1967, с. 154].

На основе предложенной со стороны В.В. Каплуненко модели анализа составных военных терминов рассмотрим особенности семантической структуры глагольного выражения военного дискурса *lay siege to smth* – осадить, подвергнуть блокаде. Его значение определено следующим образом: *surround a place with armed forces, attack from all sides*.

Расчленив дефиницию как синтагму на составляющие, можно выделить следующие компоненты (семы): S1 – *surround*, S2 – *place*, S3 – *with armed forces*, S4 – *persistence*, S5 – *attack*, S6 – *from all sides*. Сразу же бросается в глаза, во-первых, тавтологичность словарной дефиниции, во-вторых, различия отношений между семами. Думается, что такие семы, как S1, S5 и S6, можно объединить в одну – S1, т.к. они связаны многими общими признаками (S1 и S6 – по



признаку включения последнего в первое, S1 и S5 – по признаку неделимости действия в рамках семантической структуры составного военного термина – «осада»). Разумеется, выделение таких сем носит условный характер, синтагматическое деление можно было бы продолжить и до мельчайших единиц, но, как будет видно бы продолжить и до мельчайших единиц, но, как будет видно в дальнейшем, предложенная ступень деления полнее удовлетворяет требованиям исследовательской задачи.

Из четырёх полученных сем S3 – *with armed forces* назовём стилеобразующей, т.е. определяющей терминологическую сущность значения, его принадлежность к конкретному функциональному стилю языка. Видимо, можно составить конечный список стилеобразующих сем любой терминологической системы, носящий узкий и замкнутый характер. Сема S1 является дифференцирующей семой в рассматриваемой структуре. Она определяет отличие значения составного военного термина *lay siege to smth* от значений других военных терминов. Так, на основании присутствия семы S3 данный составной военный термин может быть отождествлён с такими словами и словосочетаниями, как *maneuver* – маневрировать, атаковать, *mariners* – морская пехота и др.

Сема S1 дифференцирует рассматриваемое значение, указывает на характер и способ действия, выраженного в составном военном термине. Она вовсе не детерминирована военной терминологической системой и не может служить показателем принадлежности к функциональному стилю языка. Другими словами, наличие этой семы никак не связано с пометой «воен.», в то время как сема S5 самым непосредственным образом обуславливает отнесённость составного военного термина *lay siege to smth* военной терминологии. Сема S2 (a place) также может быть названа дифференцирующей на том основании, что вместе с S1 она окончательно устанавливает характер и

направленность действия, выраженного в составном военном термине.

Четвёртая из выделенных сем – S4 (persistence) несёт факультативную характеристику действия, выраженного составным военным термином и не всегда эксплицитно выделяемого в речи. Такие семы называются потенциальными [Каплунов, 1981, с. 101].

Составные военные термины, включённые во фразеологию, могут обозначать совершенно разные понятия: должности, действия, события и т.п. Рассмотрим некоторые из них.

В англо-русском фразеологическом словаре А.В. Кунина зафиксировано выражение с пометой «воен.» *absence without leave* – самовольная отлучка [А.В. Кунин, 1967, с. 22], относящееся к обозначению события. Если расчленим данную фразеологическую единицу на отдельные семы, то получим S1 – *absence*, S2 – *without*, S3 – *leave*. Сема S1 является доминирующей с точки зрения семантики, поскольку означает “отсутствие”, т.е. отлучка и с позиции структурного подхода, поскольку выражена ключевым существительным данного выражения. Семы S2 и S3 являются проясняющими элементами и передают значение “без прощания”, т.е. “самовольный”. В данном составном военном термине сема S3 является ярким примером, когда глагол действия «to leave» превращается в существительное «leave».

Среди фразеологизмов военного дискурса встречаются парные и синонимичные единицы, обозначающие действия: *come out of action* – выйти из боя, выбыть из строя и *put out of action* – вывести из строя, подбить, испортить [А.В. Кунин, 1967, с. 26]. Как видно, у обоих выражений семы S2 (out of) и S3 (action) совпадают семантически и структурно. Однако семы S1 у них разные: глаголы «come» и «put». Эти семы играют решающую роль в определении значения выражений: в первом составном военном термине передаётся действие, совершённое объектом – человеком по отношению к самому себе – выйти из боя или выбыть из



строя. Во втором случае объект также совершает действие сам, но уже не по отношению к самому себе, а по отношению к другому объекту: вывести из строя, испортить что-либо. Несмотря на то, что ключевые семы S1 «come» и «put» так схожи по внешней структуре, они совершенно разные по актуализации семантического значения.

Встречаются фразеологизмы военной тематики, построенные вокруг одной ключевой лексики:

*appeal to arms* – прибегать к оружию;

*bear arms* – носить оружие;

*bear arms (against или for)* – взяться за оружие;

*beat to arms* – призывать к оружию;

*carry arms* – носить оружие (при себе);

*fly to arms* – спешно готовиться к войне, неожиданно взяться за оружие;

*ground arms* – складывать оружие, сдаваться;

*lie on one's arms* – спать с оружием под рукой, спать в полном боевом снаряжении;

*present arms* – брать на караул;

*rise in arms* – взяться за оружие, восставать с оружием в руках и др. [А.В. Кунин, 1967, с. 47].

Нетрудно заметить, что ключевой лексемой, образующей все вышеперечисленные примеры составных военных терминов, является лексема «arms» - оружие.

Таким образом, в разграничении составных военных терминов от фразеологических единиц военного дискурса существует разница, которая проявляется, в основном, в отражении стилистического значения и экспрессивно-эмоциональных свойств. Более того, фразеологизмам военного дискурса свойственна мотивированная образность, в то время как составные военные термины лишь называют определённые объекты или явления.

### Литература:

1. Архангельский В.Л. Устойчивые фразы в современном русском языке. – Ростовский университет, 1964.
2. Головин Б.Н. О некоторых доказательствах терминированности словосочетания. // Лексика, терминология, стили. – Горький: Горьковский университет, 1973.
3. Каплуненко В.В. Некоторые особенности значения ФЕ с живой внутренней формой. // Вопросы фразеологии романских и германских языков. – Самарканд: СамГУ, 1981. – С. 97-109.
4. Кунин А. В. Англо-русский фразеологический словарь. – Изд. 3-е, испр., в двух книгах. – Москва: СЭ, 1967. – Т.1. – 738 с.; Т.2. – 739-1264 с.
5. Сафаров Ш.С. Семантика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – 344 б.
6. Солдатенков В.А. Электронные модели. – Москва, 1968.
7. Степанова М.Д. Словообразование и вопросы стилистики. // Лингвистика и методика. – Москва: МГПИИЯ им. М. Горького. – Выпуск VI, 1974.
8. Толикина Е.Н. Об общем отличительном признаке фразеологических единиц, отграничивающих их от нефразеологизмов. // Проблемы устойчивости и вариантности фразеологических единиц. – Тула. 1972.

**Хакимова Д. Ҳарбий дискурсга оид фразеологизмлар билан сўз бирикмали ҳарбий терминларни фарқлашда сема таҳлилини қўлаш хусусиятлари.** Мазкур мақола сўз бирикмали ҳарбий терминларни ва ҳарбий дискурсга оид фразеологик бирликларни фарқловчи таҳлилга бағишланган. Муаллиф асосий фарқловчи хусусиятларни кўрсатиб берган.



*Hakimova D. The peculiarities of implementing semes analysis for differentiating compound military terms from phraseologisms of military discourse. The present article is devoted to differentiating analysis of compound military terms and phraseological units of military discourse. The author points at main features of their difference.*





## ИНГЛИЗ ТИЛИДА ШАХС НОМЛАРИ МОТИВАЦИЯСИ

*Иброҳимова Д.Т.*

*ҚВХТХҚТМО ҳудудий маркази*

**Калит сўзлар:** ономастика, исм, тизим, анъанавий, фамилия, зодагон, урф, сарлавҳа, расмий, рўйхат, черков, биологик, индивидуал, этимология.

Инглиз исмлари тизими жуда кизиқарли ва кўп ҳолларда ғайриоддийдир. Қоидага кўра, инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда тўлиқ исм уч қисмдан ташкил топади: инсонга ота-она ва ёки бошқа шахс томонидан танлаб олинган исм (first name, Christian name, given name), иккинчи исм – падар номи (middle name) ва фамилия (name, surname, last name). Шу билан бирга, биринчи ва иккинчи номлар сифатида нафақат анъанавий исмлар, балки фамилиялар ҳам берилиши мумкин. Бунинг учун одатда қариндошлар, машҳур кишилар ёки тарихий шахсларнинг фамилиялари танланади. Ўн тўққизинчи асрнинг бошларига қадар фамилияларни шахсий номлар сифатида танлаш анъанаси одатда зодагон оилаларда урф бўлган. Жейн Остиннинг "Ғурур ва хурофот" романини эслайлик: асосий қахрамоннинг тўлиқ исми Фитсуиллям Дарси эди. Дарси - норманд зодагонларига хос бўлган фамилия бўлиб, "келиб чиқиши Арсидан" (Арсидан – Нормандиядаги кичик шаҳарча) маъносини англатади. Фитсуиллям ҳам фамилиядир, бироқ у "Уилям ўғли" деган маънони англатади. Бироқ, Жейн Остин қахрамони ҳолатида у исм сифатида намоён бўлади. Бошқа томондан, Дарси фамилиясининг ўзи шахсий исм сифатида берилиши мумкин: Кардифф Сити (Cardiff City) жамоасида футболчи Дарси Блейк ўйнайди ва Канада хоккей лигасида Дарси Таккер исмли ўйинчи бор.

Инглиз номларининг яна бир ўзига хос хусусияти - қисқартирилган шакллардан кенг фойдаланиш ҳисобланади. Оммавий ахборот воситаларида "Дима Медведев Миша Саакашвили ва Витя Юшенко билан учрашди" деган ибора очик-ойдин бемаъниликка ўхшаб қолади. Бироқ

дунёнинг ҳар қандай газетаси ҳеч бир иккиланишсиз "Клинтоннинг тўлиқ исми Уилям Жефферсон ва Блернинг тўлиқ исм-шарифи – Энтони Чарльз Линтон бўлишига қарамай, "Билл Клинтон Тони Блер билан музокара олиб бормоқда" номли сарлавҳадан фойдаланаверади. Инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларда ҳатто болага расмий равишда қисқартирилган исмларни рўйхатдан ўтказишингиз мумкин - рўйхатга олиш қонунчилиги жуда либерал ва унга деярли ҳеч қандай чегара қўйилмайди. Шунинг учун, деярли ҳар қандай сўзни исм сифатида танлаб олиш мумкин: мисол учун, Девид ва Виктория Бекхамлар ўз ўғилларига Бруклин, деб исм бердилар, исм Нью-Йо штатида жойлашган ҳудуд бўлиб, бола шу ерда дунё юзини кўрди.

Кўпчилик икки ёки уч исм билан чекланган бўлишига қарамасдан, исмлар сонига ҳам чекловлар йўқ. Лекин истиснолар ҳам бўлиши мумкин: масалан, инглиз мусиқачиси Браян Энонинг тўлиқ номи - Браян Питер Жорж Сент – Жон ле Бептист де ля Салл Эно. Инглиз футболчиси Чарли Оатуеянинг ота-онаси уни "Қуин Парк Рейнджерс Ф.К. (Queen Park Rangers F. C.)"нинг ўн бир футболчиси шарафига номлади: Энтони Пхилип Давид Терри Френк Доналд Стенли Жерри Гордон Стивен Жеймс Оатуей.

Аслида, икки томонлама исм бериш анъанаси яқин тарихга бориб тақалади. XVIII асрга қадар одамлар фақат битта исм ва фамилия билан кифояланишган. Узок вақт давомида номларнинг манбаи аслида ягона – биргина черков авлиёлари эди. Ҳар қандай биологик жонзотда бўлгани каби инсонда ҳам ўз наслини асраш инстинкти



мавжуд бўлиб, бу инстинкт бошқа жонзотлардан фарқли равишда ўз наслини фақат турли жисмоний тахдидлардангина эмас, балки турли рухий тахдидлардан ҳам асрашга қаратилган бўлади. Бу эса исм кўйиш анъанасида ҳам ўз аксини топган. Бу эса тилдаги исмларнинг аксариятида дунёга келган гўдакни турли хавфлардан ҳимоя қилиш ғояси, нияти мужассамлашишига олиб келади. Шу сабабли бундай исмларнинг юзага келишида қадимий тотемистик, анимистик тасаввурлар, кўҳна диний акидалар, сиғинишларнинг бошқа хил кўринишлари, удумлар, кейинчалик эса дин таълимоти билан алоқадор бўлган диний, фалсафий қарашлар, эътиқод ва ишончлар асосий роль ўйнайди. Бундай исмларнинг юзага келиши, маъноси ўша номни танлаган ёки ижод қилган кишилар доираси учунгина маълум бўлади. Одатда бундай номлар ота-оналарнинг маълум индивидуал хоҳиш-истакларини ифодалайди, фавкулудда яратилади. Бу каби исмлар кейинчалик удум бўлиши, кенг тарқалиши туфайли умуммиллий ёки минтақавий маълум номлар қаторига ўтиши мумкин. Лекин черков номи мавзуида машҳур тафовутлар жуда кўп учрайди: лотинча шакл Мария (Maria) кейинчалик инглиз тилида Мери (Mary)га айланди ва кейинчалик ундан қисқартма шакллар Молли (Molly) ва унинг фонетик ўзгарган шакли Полли (Polly) пайдо бўлди. Жоанс (Joannes), қадимий Ёҳанан (Yahva – меҳрибон, шавқатли, ёқимли), ўрта аср Англиясига Жан, Иохан ва Жон каби шаклларни берди, кейинчалик қисқартма шакллар Жанкин, Жакин ва ниҳоят Жек пайдо бўлди. Иоанна аёллар исми бўлиб, французча исм Жанне (Jeanne) орқали туташиб, учта алоҳида номга айланди: Жейн, Жин ва Жоан.

XVI асрда Англия Протестант давлатига айланди. Протестантликка янги ўтганлар ҳар қандай усулда бўлмасин "лаънатланган католик ўтмиши"дан алоқадорликни узишга ҳаракат қилдилар. Католиклардан имкон борича кўпроқ фарқланиш учун болаларига авлиёлар исмини қўйишдан кескин бош тортишди

ва бошқа манбаларни излай бошлашди. Манбалар тез топилди: Таврот ва Инжилда келтирилган ривоятларга асосланган исмлар урфга кирди: Самюил (Samuel), Абрахам, Сара, Бенямин (Benjamin), Дебора (Deborah). Баъзан "дилбар" исмлар изловчи саводи етарли бўлмаган ота-оналар янглиш номлар танлай бошладилар: жуда кўплаб қизларга Далила (Dililah) исмини кўя бошладилар, зеро бир минг юз кумуш танга ҳисобига Самсонга хиёнат қилган Далила нафақат диний нуқтаи назардан, балки ахлоқий томондан ҳам ижобий персонаж ҳисобланмаган.

Муқаддас китоблар манбалари етарли эмасдек туюла бошлади, номларни ўзлари тўқий бошладилар: Черити (Cherity – маъноси хайрия), Частити (Chastity – маъноси мусаффо, зилол), Верити (Verity – маъноси ҳақиқат, адолат), Мерси (Mercy – маъноси шафқат). Хусусан, бой тасаввурга эга бўлган калвинизм издошлари – пуританлар Англия черкови ҳали – ҳануз католицизм таъсиридан чиқмаган ва ислоҳотларга муҳтож, деб ҳисоблардилар. Ҳар қандай радикаллар каби, пуританлар ҳаддидан ошиқ чораларни қўллар ва бу исм кўйишда ҳам ўз аксини топарди: болаларни Эверластинг-Мерри (Everlasting-Merry – Мангу қолувчи шафқат), Сорри-фо-Син (Sorry-for-Sin – Гуноҳлар учун тавба), Фейс-Май-Жой (Faith-Me-Joy – Имон-Менинг-Шодлигим) номлари билан атай бошладилар. Булар ҳали ҳолваси. Робинсон номли бир пуритан, Самюелнинг амаликит қироли Агагни ўз қиличи билан бурдалаб ташлаганлиги ҳақидаги библияда келтирилган ҳикоядан шу қадар таъсирланадими, ўз ўғлига Ҳью-Агаг-ин-пиесес-бефоре-з-Лорд (Hew-Agag-in-pieces-before-the-Lord – Парвардигор қаршисида Агагни бўлакларга бўл) исмини беради.

Бу каби номларни яратишнинг қўшимча намуналарини (фамилиялари билан бирга) келтириб ўтишимиз мумкин: Муқаддас Китобни - ўрган Мортон (*Search-the-Scriptures Moreton*); Парвардигор – иши Фармер (*The-work-of-God Farmer*);



Миннатдор- бўл Мейнард (*Be-Thankful-Maunard*);

Тезроқ – қад-тикла Стрингер (*Stand-Fast-on- High Stringer*);

Худога – шон-шараф Пенниман (*Glory-be-to-God Penniman*);

Парвардигор- Инояти Смарт (*God-Reward Smart*).

Албатта, бундай исмлар эгаси учун яшаш осон кечмаган. Гуноҳлардан-Чеклан (*Tamesine*) ва Ишда омад қозон (*Prosper-Thy-Work*) номларини олганларнинг омади чопган ҳар ҳолда: Томазина (*Thomasina, Thomasine*) исми илк қулоққа чалинганда аёл кишининг исми каби эшитилар, иккинчисини эса анъанавий исм Проспер кўринишида қисқартириш мумкин эди. Лекин, кўп синовлардан-сўнг-биз-жаннат-оламига-кираимиз, Креб (*Through-Much-Tribulations-We-Enter-into-the-Kingdom-of-Heaven-Crabb*) исмли қизчанинг номи шунчаки Трибулатион (*Tribulation - Синов*) даражасигача, ёки шунчаки эркалаб, Трибби (*Tribbi*) тарзида қисқартирилди.

Кромуел даврининг машҳур воизларидан бири оллоҳни шарафловчи “Оллоҳни- Шарафлагин Бербоун” (*Praise-God Barebone*) исмига эга бўлган. Унинг уч акаси бўлиб, уларнинг исмлари Оллоҳдан-Кўрк Бербоун (*Fear-God Barebone*), Исо – Масих-Қутқариш-Учун-Дунёга-Келди Бербоун (*Jesus-Christ-came-into-the-world-to-save Barebone*) ва Агар-Масих-Сен-Учун-Ўлмаганда-Сен-Қарғишга-Учраган-Бўлардинг Бербоун (*If-Christ-had-not-died-for-thee-thou-hadst-been-damned Barebone*) эди. Энг сўнггиси ҳатто шунчаки “доктор Қарғалган Бербоун (*Dr. Damned Barebone*)” тарзида дастхат кўяр эди.

Оллоҳни- Шарафлагин Бербоун тахминан айнан акасининг ҳурмати учун ўғлини “Масих-Сен-Учун-Ўлмагунча-Сен-Қарғишга-Учрагансан” (*Unless-Jesus-Christ-Had-Died-For-Thee-Thou-Hadst-Been-damned*) дея

номлаган, бироқ ўғилга отанинг қарашлари маъқул келмаган ва натижада у ўзининг ғайриоддий исмини ўзгартириб, оддий “инсонлар”га хос “Николас” (*Nikolas*) исмини қабул қилди.

Вақт ўтиши билан, такводорлик исмларини кўйиш ҳар қандай урф каби даврини йўқота бошлади. Инглизлар ва америкаликлар анъанавий эътиқодга қайтиб, вақти-вақти билан уни бошқа тиллар билан боғлаган ҳолда бойитиб, янгича номларни ярата бошладилар. Янги тенденциялар асосан аёллар номида ўз аксини топди: XIX асрдан бошлабқизлар Амбар (*Ambar - Қаҳрабо*), Апрель (*April-Апрель*), Берил (*Beril- Берил*), Руби (*Ruby - Ёқут*), Жасмин (*Jasmin- Ясмин*), Дейзи (*Daisy - Дасторгул*) деб номланган. Америка ва Буюк Британияда француз, испан ва итальянча исмлар Жакуелине (*Jacqueline- Жаклин*), Мичелла (*Michella- Мишель*), Анита, Анжела ва Анжелина (фаришта сўзига асосланган) исмлари кенг тарқалди. Хорижий исмларни устумонлик билан ўзгартирган ҳолатда қўллашди – Марие ўрнига Мару, Катрина ўрнига Catherine, Жулие ўрнига Julia. Баъзида ота-оналар исмларга ўзига хослик бағишлаш мақсадида уларнинг ёзилишига ўзгартишлар киритдилар: Olivia (Оливиа) ўрнига (Olive) Олив, Alicia (Алисиа) ўрнига (Alysha) Алиша, Абигаил (Abigail) ўрнига Абигайле (Abigayle).

Юқорида айтиб ўтганимиздек, инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда деярли ҳар қандай сўз бола учун исм сифатида танланиши мумкин. Ва баъзан ота-оналар беъманилик борасида ҳаддидан ошириб юбордилар: масалан, Майкрософт (*Microsoft*) вице - президентларидан бири Билл Симсер Windows Vista ва код номи Windows Presentation Foundationнинг код номи – Avalon шарафига ўз қизини Виста Авалон, деб номлади. Фотомодель Спонтаниеес Гтантнинг исми “spontaneous delivery (эркин турлар)” тиббиёт атамасидан келиб чиққан: ўз вақтида қизнинг онасини туғруқхонага олиб боришга улгурмайдилар ва туғруқ тўғридан-тўғри машинада бошланади. Режиссёр Кевин Смит эса янги туғилган қизчасига Бетмен ҳақидаги комикс қаҳрамонларидан бири шарафига - Харли Квинн исмини берди.

АҚШ Давлат котиби Кондолиза Райснинг исмини инсон билимсизлигига



қўйилган ёдгорлик деса ҳам бўлади: унинг ота-онасига қачонлардир қулоқларига чалинган “con dolcezza” (талаффузи “кон долчетса”) мусиқий атамаси ёкиб қолади. Унинг таржимаси италян тилидан “охиста, нафис чалмоқ” маъносини англатади. Шунинг учун, қизчани Condolcezza (Кондолсиза) деб аташга қарор қиладилар, лекин кимдир хужжат тўлдиришда хатоликка йўл қўйиб, иккинчи “с” ни “е” билан чалкаштириб юборади. Натижада ишониб бўлмас исм “Сондолоезза” (Kondoliza-Кондолиза) номи дунёга келади.

Кўпчилик ғайритабиий исм эгалари етуклик ёшига етганларида уларни ўзгартиради. Ота-онасининг динга бўлган телбаларча иштиёқидан чарчаган Жесус

Крайст Аллин (Jesus Christ Allin) исмли бир шахс умрининг ярмида Кевин Майкл (Kevin Maykl) исмини танлади. Литл Пикси Гелдоф (Little Piksi Geldof – таржимаси “Кичик Пикси”), мусиқачи Боб Гелдофнинг қизи, етуклик ёшига етганда шунчаки, Пикси Гелдоф дастхатини қўя бошлади. Афтидан, ота-онаси “Number 16 Bus” (16 рақамли автобус) номини берган Янги Зеландиядаги бебахт ўз исми борасида бирор чора қўлламаса бўлмайди.

Исмлар семантикаси ва этимологиясини ўрганган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, инглиз исмларининг асосий қисми яхудий, грек ва герман тилларидаги сўзлардан ташкил топган исмлардан иборатдир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Begmatov.E, Uluqov. N. O'zbek onomastikasi (bibliografik ko'rsatkich). 2008. 134-145-betlar.
2. Feldman Harold. "The Problem of Personal Names as a Universal Element in Culture." *American Imago*16 (1959): 237-250.
3. Hartman A. Arthur, Robert C. Nicolay and Jesse Hurley. "Unique Personal Names as a Social Adjustment Factor." *Journal of Social Psychology* 75 (1968): 107-110.
4. Kenjayeva S. Bag'ishlov ismlarining bir guruhi haqida. O'zbek tili va adabiyoti. 2011. 2-son. 91-bet.
5. Nurmonov A. Yo'ldoshev B. Tilshunoslik va tabiiy fanlar. – Toshkent: Sharq, 2001. – B. 72.
6. Гумбольдт В.Ф. Избранные труды по языкознанию. – Москва: 1984. – 214.

*Иброҳимова Д. Мотивация имён личностей в английском языке. В статье даётся структурно-семантический анализ этимологии имен лиц, принадлежащих к английской языковой культуре. Изучение феноменов вербализации имён в английской культуре позволит определять и интерпретировать их межкультурные особенности. В статье также описывается этимология английских имен в форме лингвистических структур с использованием примеров художественного выражения.*

*Ibrohimova D. Motivation of personalities' names in the English language. The etymology of the names of persons belonging to the English linguistic culture are analyzed structural-semantically in the article. Studying the phenomena of verbalization of persons' names in English culture will allow to identify and interpret their intercultural features. The article also describes the etymology of the English names in the form of linguistic structures, using examples of their expression in literature.*



## БЎЛҒУСИ ШИФОКОРЛАРНИНГ ЧЕТ ТИЛДА КАСБИЙ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЛИНГВОТЕХНОЛОГИЯСИ

*Ахмедова Матлуба Ибрагимдҷоновна,  
ФарДУ тадқиқотчиси*

*Таянч сўзлар: тиббиёт олий ўқув юрти талабалари, чет тилда касбий коммуникатив компетенция, лингводидактик ёндашув, компьютер технологияси, информатсион- процессуал, таълим жараёни.*

Жамиятимиз олий таълим муассасалари олдида бўлғуси касбий фаолияти учун пухта назарий билимларга эга, олган билимларини амалиётда самарали қўллай оладиган, амалий кўникмаларини иш фаолияти давомида ижодий татбиқ эта оладиган мутахассис тайёрлаш вазифасини қўймоқда. Халқаро муносабатлар авж олган замонамизда тилларни билиш, кўп тиллилик (полиглоссия) тиббиёт мутахассислари учун ҳам улкан аҳамият касб этмоқда.

Замонавий тиббиёт мутахассиси бунинглиз тилидаги касбий коммуникатив компетенцияси шаклланган, илғор хорижий тиббиёт технологияларини пухта эгаллаган, компьютер технологияларидан бемалол фойдаланган ҳолда халқаро муносабатларда фаол иштирок эта оладиган шахсдир.

Бўлғуси шифокорларда инглиз тилида касбий коммуникатив компетенцияни шакллантириш учун тиббиёт соҳасига оид маълумотларни хорижий манбалардан олиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Тошкент шаҳри, 2012 йил, 10 декабрь) бу соҳада изчил изланишлар олиб бориш имкониятларини янада кенгайтирди.

Айнан келажак касбий фаолият таълим мазмунини ва шаклини белгилаб бергани учун бугунги давр тиббиёт олий ўқув юртларида чет тил ўқитиш методикасини тубдан ўзгартиришни талаб этмоқда.

Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиалида ўтказилган тадқиқот, талабаларнинг инглиз тилини эгаллаш даражаси таҳлили, уларнинг фақат 20% фоизи кундалик мавзуларда гапира олишини кўрсатди. Аммо, улар ҳам ўз соҳалари бўйича эркин фикр билдира олмайдилар, чунки уларда нутқий малакалар талаб даражасида шакллантилмаган. Мавжуд ўқув дастурлар, дарсликлар, ўқув соатлари миқдорининг камлиги чет тилни тўлиқ ўзлаштириш имконини бермаётгани ҳам чет тил ўқитиш методикасининг долзарб муаммоларидандир. Шу сабабли, тиббиёт олий ўқув юртининг битирувчи талабалари ўз соҳалари бўйича инглиз тилида фикр баён қила олмайдилар.

Ҳозирда чет тилда касбий фаолияти доирасида бемалол сўзлаша оладиган, халқаро миқёсда ахборот ва тажриба алмаша оладиган юқори малакали тиббиёт мутахассисларига бўлган талаб юқориликча қолмоқда.

Бўлғуси шифокорнинг чет тилда касбий коммуникатив компетенцияси - бу шахснинг интегратив хусусияти бўлиб, чет тил бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малаканинг ҳажми, тиббиёт соҳасидаги мулоқот этикаси билан характерланади ҳамда олиб борилаётган илмий изланишлар натижасида шифокорнинг чет тилда касбий мулоқот фаолиятини моделлаштириш орқали шаклланади [5].


Нотилшунослик олий ўқув юртларининг мутахассис тайёрлаш тизими тез ўзгарадиган халқаро муносабатлар талабларига мос келиши, талабаларда янгиланаётган иқтисодий ва касб соҳалари бўйича ахборот алмашинувлари учун тез



мослаша оладиган, касбий мулоқотга доир масалаларни мустақил, ижодий ёндашган ҳолда ҳал этиш хусусиятларини шакллантиришни ўз ичига олиши зарур.

Тиббиёт олий ўқув юрти талабаларига касбга йўналтирилган чет тилни ўргатиш самарадорлигини ошириш, амалда янги лингводидактик технологияларни ишлаб чиқишни ва амалиётга татбиқ этишни талаб этмоқда.

Биз ишлаб чиққан лингвотехнология бўлғуси шифокорларнинг (гигиенист-эпидемиолог мутахассиси) чет тилда касбий мулоқот компетенциясини шакллантириш – уларнинг чет тилдаги касбий коммуникатив фаолиятини моделлаштириш орқали муаммони ҳал этишга ёрдам беради.



Бизнинг тадқиқотимизда дастурий-техник воситаларга асосланган, ахборот-коммуникацион технологиялар таълимнинг ажралмас қисми

ҳисобланадиган чет тил ўқитиш тизими ҳақида гап боради.

Чет тил ўқитишнинг дастурий-техник воситалари деганда чет тил ўқитишда фойдаланиладиган компьютер техникаси



ва дастурий таъминот тўплamlари тушунилади ва турли ахборот-коммуникация технологияларининг зарур элементини ташкил этади. Шу нуқтаи назардан, тадқиқот давомида махсус “ахборот коммуникацион технологиялар” ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Замонавий таълим парадигмасининг тиббиёт олий ўқув юртларида чет тил таълими тизимига кўрсатаётган таъсирини таҳлил қилиш, ушбу чет тил ўқитиш тизимини шахсий фаолиятга ёндашиш, коммуникатив, ривожлантирувчи, касбга йўналтирилган ёндашувларга таяниб ривожлантириш зарурлигини кўрсатди.

Ушбу лингвотехнология интерактив мулоқот, ўқув жараёни босқичларининг қандай бориши ҳақида талабаларни тўлиқ хабардор қилиш; замонавий коммуникация муҳитини ҳисобга олган ҳолда, таълим жараёнида касбий коммуникатив-когнитив фаолиятга доир вазиятларни моделлаштиришни таъминлайдиган самарали ўқитиш методлари; талабаларнинг бутун ҳаёти ва касбий фаолияти давомида билим олишга қизиқиши, мустақил равишда чет тил ўрганиш малакасини ривожлантиришни назарда тутадиган узлуксиз таълимни ўз ичига олади, ўз-ўзини тарбиялаш ғоясини илгари суради ва талабалар ўзларида мустақил барқарор шахсни рефлексив малакалари асосида ривожлантиришини тақозо этади [3]. Шу билан бирга, талабаларнинг чет тилда мулоқот қилиш қобилияти ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш малакасини коммуникатив компетенцияни шакллантириш билан бирга ривожлантиришни талаб қилади.

Ушбу малакаларни мутахассиснинг асосий касбий компетенцияси таркибига интеллектуал компетенция сифатида киритиш мумкин.

ТОЎЮда чет тил ўқитиш мазмунининг таркибий қисmlари сифатида матнлар жанрини ўрганиш қуйидагиларни кўрсатди. Маълумотларнинг тез суръатларда янгиланиб бориши ва унинг шу тарзда эскириши тиббий илмий

мақолалар улушини сезиларли даражада оширишга, иккинчи даражали матнлар жумласига киритишга ва тиббиёт соҳасидаги умумий илмий ва профессионал адабиётларда уларнинг аҳамиятининг ошишига сабаб бўлди.

Уларнинг асосий вазифаси - янги фактлар, назариялар, концепцияларни тақдим қилиш эмас, балки асосий илмий ва профессионал ахборотни умумлаштириш ва талқин қилиш ва шу асосда иккинчи даражали ахборотни яратишдир. Бундай ахборотлар талабалар томонидан осон ўзлаштирилади.

Тадқиқот давомида ажратиб олинган мақолаларнинг ўзига хос хусусиятлари, илмий адабиётнинг ушбу жанридан ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган рецептив ва репродуктив кўникма ва малакаларни ривожлантиришда ва илмий-профессионал мулоқотни моделлаштиришда асос сифатида қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги аниқланди. Чет тил ўқитишнинг мазмунига ахборот хатлари (*CV, medical job resume descriptions and objectives, medical job application forms*), янги санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари ҳақидаги маълумотларни, машҳур чет эл олимларининг лекциялари матнлари, уларнинг аудио ва видео ёзувларини киритиш чет тил ўрганишнинг ижобий самарадорлигини ошириши исботланди.

Халқаро тиббиёт ташкилотлари, университетлар, университетлар билан ҳамкорлик қилувчи компаниялар, шу йўналишдаги мутахассисларни тайёрлаш ва бошқа тиббий ташкилотларнинг веб-сайтлари тиббиёт олий ўқув юртларида чет тил ўқитиш мазмунининг зарурий элементи ҳисобланади.

Биз ишлаб чиққан ахборот-коммуникацион технологиянинг асосини коммуникатив вазиятларнинг ўқув муҳитида моделлаштириш ва кўп марта такрорлаш, халқаро тиббий ассоциацияларнинг материаллари асосида илмий-конференцияларни тайёрлаш ва ўтказиш, шунингдек, дастурий таъминот воситалари тизимини ривожлантириш асосида коммуникациянинг барча



турларини ўзаро боғлиқ ҳолда ўргатишни ташкил қилади.

Бунга мувофиқ ҳолда малакалар танлаб олинди, мос келувчи нутқ воситалари танланди, ушбу турдаги коммуникацияни ўзлаштиришга қаратилган машқлар ишлаб чиқилди ва зарурий ўқув воситалари учун талаблар шакллантирилди.

ТОЎЮда чет тил ўқитишнинг якуний мақсадига эришиш учун талабаларнинг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантиришга мос келадиган турли ахборот-коммуникацион воситалари (дастурий таъминот ва техникавий) талаб қилинади.

Тадқиқотда таълим жараёнида дастурий таъминот воситалари тизимидан мунтазам фойдаланиш билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни таъминлайдиган аралаш турдаги ўқув муҳитини яратиши, шунингдек, талабанинг мустақил ўрганиш фаолиятига босқичма-босқич ўтишини таъминлаши ҳам исботланди.

Интернетда тақдим этилаётган тайёр чет тил ўқув воситаларидан ўрганиш

жараёнида фойдаланиш, тиббиёт олий ўқув юртларида ўқитишнинг касбий йўналтирилганлик мақсадлари ва вазибаларига мос келмаслигини кўрсатди. Бу эса тиббий профилактика йўналиши учун мос келувчи дастурий-таъминот воситалари тизимини ишлаб чиқишнинг зарурлигини кўрсатди.

Шунингдек, ТОЎЮда чет тил ўқитишдаги замонавий тизимнинг зарурий элементи ва ахборот-коммуникацион технологияларига асосланган ўқитишнинг муҳим элементи сифатида, чет тил ўрганишнинг дастурий таъминот воситалари тизими ишлаб чиқилди, жумладан:

1) гапириш, ўқиш ва ёзишнинг айрим кўникма ва малакаларини шакллантиришни таъминлайдиган ўқув дастури;

2) гапириш, тинглаш малакаларини шакллантиришни таъминлайдиган аудио машқларни ўз ичига олган ўқув қўлланма;

4) чет тилда касбий мулоқотни ривожлантиришни таъминлайдиган электрон тиббий луғатлар.

#### Адабиётлар

1. И. А. Каримов «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарори (ПҚ-1875. Тошкент шаҳри, 2012 йил, 10декабрь).
2. Ж. Жалолов. Чет тил ўқитиш методикаси – Тошкент 2012 й.
3. И.А.Зимняя Ключевые компетенции– новая парадигма результата образования// Высшее образование сегодня. 2003. №5.
- 4.Higgins J., Johns T. Computers in Language Learning. Collins ELT, Addison-Wesley, 1984.
5. М.И. Ахмедова. Из опыта формирования иноязычной профессиональной коммуникативной компетенции студентов медиков с использованием компьютерных технологий. “Новый взгляд”. Международный научный Вестник. Город Новосибирск, № 9\МНВ 2015. Стр.161-169.

*Ахмедова М. Лингвотехнология формирования профессиональной коммуникативной компетенции на иностранном языке у будущих врачей. Наши исследования показывают необходимости введение дифференцированно- непрерывное и профессионально - ориентированное обучения английского языка в неязыковых ВУЗах. Реализация системы обучения, основанная на информационных технологиях, которая перемещает акцент на самостоятельную работу студента и специфику иноязычной речи является актуальным и практически значимым.*

*Axmedova M. Lingual technology of formation of future doctor's professional communicative competence in foreign language. In this article approaches to developing foreign language teaching system in non- linguistic high schools of Uzbekistan were offered, particularly in*





*medical higher educational institutions, by introduction differentiated - continuous and professionally oriented English language. And the research aimed at developing self-study skills in medical students' and their professional communicative competence. In this aspect, the realisation of the training system, based on information technologies and specification of foreign language learning is actual and practically significant.*



## ЖЕЙМС ЖОЙСНИНГ “МУСАВВИРНИНГ ЁШЛИҚДАГИ ШАМОЙИЛИ” РОМАНИ БАДИЙ ОЛАМИДА МАКОН ВА ЗАМОН МУНОСАБАТЛАРИ

*Мухитдинова Назира,  
Мустақил тадқиқотчи, ЖДПИ*

**Калит сўзлар:** бадий олам, замон, макон, образ, мусаввир, ёшлик даври, муносабатлар, уйғунлик, эпизод, ҳикоя, қаҳрамон.

“Мусаввир...”нинг биринчи, романга ўзига хос муқаддима бўлиб хизмат қилган, эпизоди учун эртақ вақти ва тарихий вақтнинг ўзаро муносабати, боғлиқлиги долзарб аҳамият касб этади.

Романнинг биринчи эпизоди олами — бу, афтидан, тўрт ёшдаги болакайнинг олами. Ва бу олам ҳали шаклланмаган бутунлик, хаос сифатида мавжуд, ундан энди-энди космос туғилмоқда. Бу туғилишни ташкил этадиган ибтидо — субъект, унинг онги, гўдак Стивеннинг онги, у оламнинг жисмоний ҳолатига тобе бўлган асосий унсурларни ажратиб олиб ва ўзича қайд этиб, тартибга солинган олам манзарасини яратади: (“Тўшагингни хўллаб қўйганигда олдин иссиқ бўлади, кейин муздай” (“Мусаввир...”, 5-бет) табиат дунёси манзарасини қарама-қаршилиқлар — совуқ /муздай, ёқимли хид/ ёқимсиз хид — орқали англайди, ижтимоий олам учун эса мўлжални атрофидаги одамларнинг ёшига қараб белгилайди (“Улар отаси ва онасидан катта, аммо Чарльз тоға Дэнтдан ҳам кексароқ” (“Мусаввир...”, 5-бет).

Музыка ва ритм, айниқса, муҳимроқ кўринади: бу эпизоднинг матни бутунисича ритмик структуралар билан тўла: фонетик даражадаги (Мў-мў, Бетти Берн, лимонли обаки ва ҳ.к.), синтаксик ва лексик (“Уларнинг ота-онаси бошқа. Улар Эйлиннинг ота-онаси”; “Онаси: — Кечирим сўра, Стивен, — деди. Дэнти: — Узр сўрамасанг-чи /.../, — деди”) даражадаги оддий такрорлар билан бошланиб, матнга киритилган шеър (қўшиқ) парчалари ва рақс ритми беришга интилиш билан яқунланади: “Лай-ла-ла, ла-ла. Лай-ла-ла, лай-ла-ла...” (“Мусаввир...”, 5-бетлар). Қадимги

космогоник мифлардагидек, уйғунлик олами, аввало, товушлар ёрдамида яратилади.

Ўқувчини роман оламига олиб кирадиган эртақ моҳиятдан афсонавий воқеа ҳақида: қаҳрамоннинг туғилиши ҳақида ҳикоя қилади. Романнинг биринчи хатбошисида пайдо бўладиган йўл образи характерли бўлиб, бу йўлда Мў-мў деган бир говмиш” Бў-бў исмли “жажжи-ёқимтой болакай”ни учратади. Йўл муайян тарзда макон тасаввурини беради: йўл маконга йўналиш ва у билан олдиндан белгиланган айрим мўлжалларга (йўл аллақачон ким томонидандир солинган ва қаёққадир элтади) боғланган. Йўл хронотопи учун тасодиф ва мувофиқлик, олдиндан белгиланганлик хос. “Мў-мў деган бир говмиш” билан “Бў-бў исмли” болакайнинг учрашуви, она ва бола учрашуви, моҳият эътибори билан бир вақтнинг ўзида тасодиф ва йўллар мотивининг ўзи, унинг чекланган макони билан олдиндан белгиланган.

Эпизоднинг (романнинг ҳам) аввали — “қадим-қадим замонда”, деб бошланадиган эртақ, воқеалар “қадим-қадим замонда” рўй беради; бу асл ибтидо, тарихдан бурунги вақт, сўз ва номлар энди-энди пайдо бўлаётган, тил ҳали бола нутқи ва фольклор учун характерли бўлган хусусиятларни: товушга тақлид (говмиш Мў-мў, бола Бў-бў), масофа, узунлик ғоясини ифодалаш учун келган такрорлар (“йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб”, “жажжи-ёқимтой” ва ҳ.к.), сиқик синтаксис ва тавтология (“Бу эртақни отаси унга айтиб берарди; отаси унга ойнак орқали боқарди”; “У шу қўшиқни куйларди. Бу унинг қўшиғи эди” (“Мусаввир...”, 5-бет).



Бола оламида бошқа одамлар ҳам пайдо бўлади. Болакай оила бағрида яшайди, унинг учун ижтимоий алоқаларнинг одатий образи — қариндошлик: у бошқа болалар ҳақида уларнинг ота-оналари бошқа, деб ўйлайди, уларни оилавий муносабатлар тизимига киритади (“Вэнслар еттинчи уйда яшайди. Уларнинг ота-онаси бошқа. Улар Эйлиннинг ота-онаси” (“Мусаввир...”, 6-бет). Кишилик жамияти олами қахрамон учун — оила олами.

Бироқ бу оламда хавф-хатар мавжуд ва бу хатар тимсоли — бургут, у учиб келади ва кулоқ солмагани учун кўзини чўкиб олади. Шу тариқа мазкур эпизод тугайди. Кўзга таҳдид бежиз таъкидланмаган: кейинги эпизоддаёқ қахрамон кўз ўнгимизда тенгқурларига нисбатан кўзлари хира кўриши боис ночор ҳолатда гавдаланади.

Кўзга таҳдид қуш образи билан боғлиқлиги ҳам тасодифий эмас, романнинг бошидан охиригача ўтадиган бу образ қахрамоннинг афсонавий адаши номи билан боғлиқ бўлиб, қуш — унинг ижодий қисмати тимсолидир. Қалб кўзига эга бўлишнинг шартин жисмоний кўздан ажралиш, маънавий-ижодий қисмат тана ҳузур-ҳаловатига хавф солади (Тиресия ва Ҳомер образларига аллюзиялар оқланган архитипик вазият). Биз маънисини илғай олмайдиган боланинг ўзбошимчалиги, қилган қилиғи учун узр сўрашни рад этиши, аён бўлишича, ижодий иқтидорнинг намоён бўлиши шартин экан.

Шу тариқа, романнинг биринчи эпизодидаёқ Стивеннинг олами бошқа одамлар олами, шунингдек, унинг оиласи оламига ҳам қарши кўйилган бўлиб чиқади. Эпизод унинг келгусидаги қочқинлиги ва ижодий қисмати ҳақидаги башоратона кўшиқ билан яқунланади. Кишилик жамияти олами романнинг бошидаёқ, қахрамон учун қулай оилавий олам бўлган пайтидаёқ, чекловлар олами сифатида гавдаланади.

Оилавий эмас, бошқа олам, ижтимоий, демак, вақт доирасидаги олам аломатлари, биринчи эпизодда Дэнти шкафидаги, тарихий аҳамиятига кўра

тимсолий рангларда ишланган чўткалар шаклида кўринади: “Дастаси жигарранг духоба қопланган чўтка Майкл Девитт шарафига, яшил духоба қопланган чўтка эса Парнелл шарафига” (“Мусаввир...”, 5-6-бетлар). Ушбу деталлар бола хотирасида: рангли ва духобали — ўзининг ғаройиблиги ва ёрқинлиги туфайли сақланиб қолади, шу боисдан ҳам эпизодда уларнинг эсланиши психологик асосга эга. Боз устига улар миллий тарих ва миллий мустақилликнинг киноявий тарзда кичрайтирилган (бор-йўғи улар кийим чўткалари, холос) тимсоллари ҳисобланадики, бу муаллифнинг ирланд тарихига ўзига хос шарҳи. Тарихий вақт беҳурмат қилинади. Турмуш икир-чикирлари вақти оилавий олам вақтига айланади. Айни пайтда у миллий вақт сифатида аҳамиятини сақлайди.

Макон, романнинг биринчи эпизодида, тўла шаклланмаган, чегаралари ҳали тўла-тўқис белгиланмаган макон сифатида намоён бўлади. (Гарчи биз юқорида кўрганимиздек, кишилик жамияти билан боғлиқ айрим чекланганликлар олдиндан мавжуд ва қахрамонда хавф-хатар ҳиссини туғдиради ва унга қочқинликка учраши аллақачон даракланган). Йўл образи фақат қахрамоннинг туғилиши ҳақидаги эртақда намоён бўлади ва боз устига, маконнинг кучли ёки кучсиз даражадаги кескин структуравий таъсири вақтнинг бошланишига тааллуқли бўлиб, дунёга келишнинг тасодифлиги ва олдиндан белгилангани, туғилишнинг сир-синаоти ҳамда тириклик қисмати билан боғланади. Нимаики олдиндан белгиланган, қисматда бор бўлса, рўёбга чиқиб бўлди ва роман маконида йўл образи асар бош қахрамони образи билан бевосита ўзаро боғланмайди. Стивен Дедал учун тартибга тушмаган, алғов-далғов оламда яшашга тўғри келади: фақат у туғилган дақиқа кучли ёки кучсиз даражадаги кескин структуравий макон билан боғлиқ ва унинг кўмагида қахрамоннинг ҳаётини қисмати ғояси берилади.

Романнинг биринчи эпизодида берилган қочқинлик мавзуси ва бош



қахрамоннинг ижодий қисматига ишоралар “Мусаввир...”нинг бадиий маконида ҳаркатчан, ижодий талабларга бўйсунадиган ва, шунингдек, муайян структура топшириқларини ўзига олган Стивен оламининг маҳдуд, қахрамон онгига кескин макон-вақт структуралари билан таъсир кўрсатган ва кўрсатаётган ташқи оламга изчил тарзда қарама-қарши кўйилиши орқали ривожлантирилади.

Иккинчи ва учинчи эпизодлар ўзаро нафақат воқеалар жойининг умумийлиги билан боғланади: уларни аввало образли такрорлар тизими бирлаштиради. Айниқса, иккинчи эпизоднинг бош қисми ва тўртинчи эпизоднинг хотимаси ўзаро мос келиши эътиборга молик. Иккинчи эпизоднинг бошланиши куйидагича деталларда белгиланган: “кун хира тортган, ҳаво салқин” кечки пайт, “бўзарган ҳаво”, унда “чарм тўп зил-замбил кушдай” кўтарилади: эпизод воқеалари жойи Клонгуос қасри спорт майдончаси. Тўртинчи эпизоднинг хотимасида биз яна бу майдонча устидаги “майин, бўзранг ва сокин” ҳавони кўрамиз, бироқ бу гал чарм тўп кўтарилмайди (фақат крикет таёқларининг товуши эшитилади) — ҳавода фуражклар учади, Стивеннинг дўстлари унинг маънавий ғалабасини шундай қутлашади. Характерли жиҳати шундаки, агар эпизоднинг бошида, триптихнинг “чапдаги табақа”сида Стивен тўп тепиб ўйнаётган болалар орасида тасвирланган ва ўзини “кичкина ва кучсиз” ҳис этган, “жамоасининг думида судралиб, тарбиячиларнинг кўзидан панарокда, кўпол оёқлардан четроқда ер тепиб” (“Мусаввир...”, 6-бет) юрса, охирида, “ўнгдаги табақа”да биз уни майдончанинг четида кўрамиз, у ўйинга кўшилмайди, у фақат ўйнаётган болаларнинг товушини эшитади ва “Елкасидан оғир юк тушгандай енгил ва вақти чоғ” (“Мусаввир...”, 54-бет). Биринчи фрагментда қахрамон кўпол ўйинда ўзини мажбурлаб қатнашади (“орасира ўзини югураётганга солади...” (“Мусаввир...”, 6-бет) ва бу билан унинг суствлиги ва жисмоний азобланаётгани таъкидланади.

Иккинчи фрагментда қахрамон ўйиндан ташқарида, ёлғиз, бироқ ўртоқларининг олқишини олган, маънавий ютуғидан масрур. Ўйин камроқ кўполлашган, кўпроқ индивидуаллашган, тартибли, бу энди кўпол жисмоний талотўп тусидаги (“чақчайган кўзлар”, “лойга беланган бошмоқлар”, “тўп талашиш, ур-сур”, “Болалар ёқалашар, пишқираш”, “уларнинг оёқлари типирчилар, бир-бирини тепкилар”) футбол эмас, энди бу жараён завқли ва четдан туриб хотиржам қабул қилинади (крикет таёғи зарбаларининг товуши “худди фавворадаги сув томчиси ҳовузга оҳиста тушаётгандай” (“Мусаввир...”, 54-бет) осойишталик билан қиёсланади. Триптихнинг “чапдаги табақаси”да жисмоний азоблар олами, “ўнгдаги табақаси”да — маънавий синов ва рухий жасорат олами тасвирланган.

Ўйин мотиви, азоб чекаётган тана мавзусининг биринчи фрагментга киритилгани ва иккинчи фрагментда озод бўлган руҳ мавзусининг яқунланиши тасодиф эмас. Ўйин — инсон руҳини юзага чиқарадиган омил, кенг маънода — инсон (айнан инсон) озодлиги омили. Дедалнинг тенгқурлари учун ўйин — аввало уларнинг жисмоний фаоллигини ташкиллаштириш омили, ўйин айниқса уларнинг юзага чиқадиган табиий хусусиятларига муайян шакл беради ва бу уларнинг ёшида жуда зарур. Жойс қахрамон учун унинг тенгқурларига лозим бўлган ва уларни қизиқтирадиган шаклдаги ўйин унинг учун бегона, унга ёт моддий хаос. Бошқа болалар тартиб ва мазмунни кўрадиган ўйинда Стивен Деал маънисизликдан изтироб чекади. Жисмоний ҳаракатлар оламини рад этиш, биринчи галда, болаларнинг ҳаракатчан жамоавий ўйини оламидан юз ўгиришга айланади. Стивен ўзининг ички дунёсига чўмади: унинг диққати ўйиндаги кутилмаган ҳолатларга қаратилмаган, балки унинг онг оқими уйи ва қариндошлари, коллежга ўқишга киргани, Клонгуос билан боғлиқ тарихий ривоятлар, яқинда уни хафа қилишгани каби воқеалардан таркиб топган ва шуларнинг



хаммаси хақидаги ўй-мушоҳадалардан иборат. Охирги фрагментда Стивен ўйинда иштирок этмайди ва у ўйинни четдан туриб кузатиш имкониятига эга бўлади, демак, уни ўзи яратган муносабатлар тизимига, ўзининг шахсий амалиёти тартибига қўшади, унга шахсий ижоди учун материал-манба сифатида қарайди.

Иккинчи эпизоднинг марказий воқеаси — Стивен Дедалнинг касаллиги.

Стивеннинг касаллиги мавзуси билан намгарчилик, иситма, совуқ мотивлари узвий боғланган. Касаллик уни сувга мажбурлаб — ҳақоратомуз тарзда (ҳожатхона чаноғига) ботириш оқибатида бошланади. Айтилишича матнда инсон шаънини ҳақоратлаш ва пастга уриш мотиви жарангламайди. Биринчи планда — жисмоний туйғулар айтилади: “...баданида аллақандай совуқ шилимшиқ сув оқиб тушаётгандай бўлди”, “Сув қанчалар совуқ, шилимшиқ эди-я!” (“Мусаввир...”, 8-бет), “Унинг баданида муздай балчиқ ўрмалади, \...\ кейин зинапояда кетаётиб кийимининг тагидан изиллаб совуқ шамол кираётганини ҳис қилди” (“Мусаввир...”, 12-бет).

“У манглайда назоратчининг қўлини сезди, назоратчининг қўли остида манглайи жуда иссиқ ва ҳўл эканини ҳис қилди” (“Мусаввир...”, 19-бет).

Бемор Стивен назарида теварагидаги олам рутубатли суюқлик оламига айланади: боланинг хотираси рўза оши — пост кунидаги пудингни “катта каламушнинг бўтқага ўзини отгани” билан қиёслагани сақлаб қолади, диққатини эса суюқлик, намликни юқтирган тўпнинг сирпанчиқ боғичи, шилимшиқ намиққан нон ва ҳўл дастурхон каби нарса ва манзаралар ўзига тортади; у “хушомад” сўзининг келиб чиқиши хақида ўйлайди ва эслайди: “Бир сафар у Уиклоу меҳмонхонасида ҳожатхонадаги чаноқда қўлини ювди, кейин отаси занжирга боғлаб қўйилган тиқинни очиб юборди ва шунда ювинди сув тешиқдан пастга оқиб туша бошлади, сув секинлаб оқиб кетгандан сўнг чаноқнинг тешигидан: “х-у-ш-ш” деган товуш чиқди. Фақат шовқини кўпроқ” (“Мусаввир...”, 9-бет). Стивен,

уни ҳожатхона чаноғига ботиришганда “Сув қанчалар совуқ ва шилимшиқ” (“Мусаввир...”, 8-бет) бўлганини эслайди, тагин бир неча бор “Бир бола катта каламушнинг бўтқага ўзини отганини кўриб қолган”ини эслайди (“Мусаввир...”, 8-бет).

Сув қахрамоннинг онгини (онг остини ҳам) эгаллайди, сув, бир томондан, энг кам шаклланган борлиқ ибтидоси, бошқа томондан, ўлим образи билан боғлиқ табиий унсур-стихия.

Руҳий таҳлил нуқтаи назаридан, сув — ўлим стихияси. “Сув — бу ўлимга чорлов; ўзига хос, алоҳида ўлимга чорлов бўлиб, ундан кейин биз яна моддий стихияларда паноҳ топамиз”, дейди Г.Башляр (129, 88). Ҳақиқатан ҳам, иккинчи эпизоддаги Стивен ўй-хаёллари чалғитувчи-эстетиклашган характердаги ўлим манзараси атрофида жам бўлади. “Кечки ибодатга қўнғироқ чалинди ва улар жуфт-жуфт бўлиб зинадан юриб даҳлиз орқали черковга боришди. Узун даҳлиздаги чироқлар ҳам хира. Ҳадемай ҳаммаси ўчади, тинчийди. Черков совуқ, оқшомги совуқ ҳаво уфуради, мрамар устунларнинг эса ранги тунги денгизникидай. Денгиз совуқ, кечаси ҳам, кундузи ҳам, бироқ кечаси совуқроқ. Қуйироқда, уларнинг уйларининг ёнида, тўлқинга қарши қурилган ғов атрофи ҳам совуқ ва қоронғи. Уйларида оловда қозонча қайнапти, унда пунш пишаяпти” (“Мусаввир...”, 15-бет). Бутун эпизод учун доктор Корнуэллнинг дарслигида келтирилган Лестер аббатлиги образи лейтмотивга айланади: “Уолси Лестер аббатлигида қазо қилди, Аббатлар уни шу ерга дафн этдилар. Гиёҳларни қурт-қумурсқа еб битиради, Жонзотларни қисқичбақа кемиради” (“Мусаввир...”, 8-бет).

Эпизоднинг охирги манзараси сув муҳитида содир бўлади: “У жигарранг бахмал қўйлақда, елкасидан ошириб яшил бахмал ридо ташлаб олган, қирғоқ лабида тиз чўккан оломон олдидан виқор билан бир сўз демай, ғоз юриб ўтиб бораётган Дэнтини кўрди” (“Мусаввир...”, 24-бет). Ўлим мавзуси бу ўринда Ирландия ва



миллий тарих мавзуси билан кесишади. “Қирғоқ лабида” тиз чўккан оломон Парнеллга аза тутаётган Ирландияни гавдалантиради: қахрамон Англияда қазо қилган миллат йўлбошчисининг жасади ватанга олиб келинишини тасаввур қилади. Шу билан бирга, қахрамонона-поэтик талқиндан ташқари, иккинчи, ҳикоя тарзининг киноявий талқини ҳам юзага чиқади: Ирландия образи билан Дэнтининг образи ҳам боғланади, Дэнти миллий ранглардаги либосларда “оломон олдидан викор билан бир сўз демай, ғоз юриб” ўтади. Унинг либослари матоси ва ранглари олдин эслатилган шкафтаги

чўткаларнинг матоси ва рангига ассоциатив боғлиқ: ассоциация ўз-ўзича ўй-орзуларда пайдо бўлган образнинг шохона улуғворлигини пасайтиради. Ғамга ботган оломон ўзининг бой берган йўлбошчисига аза тутаётган Ирландияни тимсоллайди, Дэнти эса — унинг хотирасини назарга илмаган, калондимоғ Ирландия тимсоли.

Шундай қилиб, ўз тақдирини ўзи белгилаши учун ташқи маҳдуд оламнинг маҳдуд ижтимоий тартибини ва табиий хаоснинг ички олами, мавҳум тана майилларини енгиб ўтиши керак бўлади.

### Адабиётлар руйхати

1. Ж.Жойс “Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили” Роман Рус тилидан А.Отабой таржимаси. – Тошкент: “Академнашр”, 2014.-256 бет.
2. Флоренский П.А. Анализ пространства и времени в художественно-изобразительных произведениях. – М.: Прогресс, 1993 – 324 с.
3. Тураева З.Я. Категория времени: время грамматическое и время художественное. – М.: Высшая школа, 1979. – 219 с.
4. Татару Л.В. Композиционный ритм художественного текста (на материале ранней прозы Дж.Джойса); Автореф.дисс...канд.фил.наук – М.; 1993.- 20с.
5. Рейенбах Г. Философия пространства и времени. – М.: Прогресс, 1985. – 344с.
6. Gifford D. Notes for Joyce “Dubliners” and “A Portrait...”. - N.Y.: Dutton, 1967. – 187 p.
7. O’Brieh Darcy. The conscience of James Joyce. – Princeton (N.Y.), Prin. University Press, 1968 – 258p.

*Мухитдинова В. Отношения времени и пространства в художественном мире романа Джеймса Джойса “Портрет художника в юности”. В данной статье определяется отношение времени и пространства в художественном мире романа «Портрет художника в юности» Джеймса Джойса.*

*Muxitdinova V. The interrelations of space and time in the literary world of James Joyce’s novel “A portrait of the Artist as a Young Man”. The present article defines the interrelations of time and space in literary world of James Joyce’s novel “A portrait of the Artist as a Young Man”.*



## ВИРЖИНИЯ ВУЛФ ИЖОДИНИНГ ИНГЛИЗ ВА АМЕРИКА АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИДАН

*Файзуллаева Умида,  
ЖДПИ докторанти*

*Калит сўзлар: ижод, адабиётшунослик, образ, романчилик жанри, услуб, бадший асар, матн, адиба.*

Давр талабига мувофиқ ўзбек адабиётшунослигини янги тадқиқот услублари билан бойитиш масаласи долзарб бўлиб бормоқда. Шу маънода инглиз адибаси Виржиния Вулфнинг модернистик прозаси бадиий тузилишини тадқиқ этиш масаласи замонавий ўзбек адабиётшунослигининг кўп қиррали имкониятларини очиб берувчи янги йўналиш сифатида қаралади.

XX аср мобайнида Виржиния Вулф ижодига қизиқиш адабий танқидчилар томонидан қандай ўсган бўлса, оддий ўқувчилар томонидан ҳам юксалиб борди. Унинг кўплаб замондошлари томонидан оммавий аудитория учун ҳаддан ташқари “нозиклаштирилган” деб қаралган асарлари кенг китобхонларга манзур бўлди.

Аммо, Ватанимизда унинг романларининг нашр этилиши ҳамда она тилимизга таржима қилиниши лозим даражада илмий-танқидий баҳосини хануз олганича йўқ. Замонавий китобхонлар томонидан Вулфни идрок этишни алоҳида хусусиятларидан бири бўлган унинг романларининг услуби ҳам катта қизиқиш уйғотади.

“Мен, фалсафа деб аташ мумкин бўлган шундай бир фикрга келдим; ҳар қандай ҳолатда ҳам менинг вужудимда яшаб келаётган бу ғоя, яъни шаклланмаган бу маълумот ичида қандайдир тартиб яширинган; биз – мен инсон қўли билан яратилган барча кашфиётларни назарда тутяпман, – у билан боғлиқмиз; бутун дунёнинг ўзи бир санъат асари; ва биз шу асарнинг бир қисмимиз холос. “Ҳамлет” ёки Бетховеннинг квартети – мана ўша биз дунё деб атаётган улкан борлиқ ҳақидаги ҳақиқат. Аммо ҳеч қанақа Шекспир ҳам,

ҳеч қанақа Бетховен ҳам мавжуд эмас; биз – ўша сўзлармиз; биз – ўша мусиқа; барча нарсалар – биз”. [1] Виржиния Вулфнинг бу сўзлари инглиз адибасининг нафақат борлиққа, балки романнавислик масаласига ҳам бўлган умумий муносабатини яхшигина ифодалайди. Инсон ўзини борлиқ билан бир бутун дея ҳис этган, ўзини ўраб турган атроф-муҳитга қўшилиб, сингиб бораётганини ҳис этиб қандайдир лаҳзаларни ифодалашни Вулф, романистнинг асосий вазифаси деб ҳисоблайди.

Аммо, айнан романчилик жанрида турли инновацияларсиз бу каби мақсадга эришишни тасаввур қилиб бўлмайди. Ёзиш техникаси ҳам, роман учун материалларни тайёрлашнинг асосий принциплари ҳам, асар тузилишида персонажларнинг роли ҳам қайта кўриб чиқилиши зарур. Шунинг учун Вулфнинг “экспериментал романлар” (бундай романларга анъанавий тарзда “Жейкоб хонаси”, “Дэллоуэй хоним”, “Маёк сари”, “Орландо” ва “Тўлқинлар” киритишади) деб аталган асарлари замондошларида ҳам, адабиётшуносларнинг кейинги авлодида ҳам катта қизиқиш уйғотгани тасодиф эмас. Вулф бу романларида ўзининг назарий ўй-фикрларини мужассамлаштирган. Эҳтимол, Жойс каби ўз асарларининг услубига нисбатан у қадар қатъий бўлмаса-да, Виржиния Вулф ўзининг романларида инсон ҳаётидаги энг нозик масалаларнинг табиий синтезини бера олди.

Танқидчиларнинг диққат-эътибори ҳар доимо Виржиниянинг асарларига қаратилган эди. 1932 йилнинг март ойларида Вулф ўзининг кундалигида шундай ёзади: “Виржиния Вулф тўғрисида



эндигина иккита китоб пайдо бўлди – Францияда ҳамда Германияда. Бу хавотирли хабар. Мен қандайдир бир шахсга айланиб қолмаслигим керак” [2]. Аммо, шу йили Лондонда инглиз адибасининг Уинфред Холтби томонидан ёзилган биографияси нашрдан чиқади [3]. Вулф вафотидан кейин унинг ижодини тадқиқ этиш жараёнида икки босқич якқол сезилиб туради. Биринчи босқичнинг шаклланишида Виржиния Вулфнинг яқин дўсти Э.М.Форстернинг таъсири ахамиятли эди. Вулф Форстернинг фикрларини ғоят даражада қадрларди (“Мен нима ёзаётганлигимни ва умуман нима қилаётганлигимни Морган Форстердан ташқари ҳеч ким тушуна олмаганлигини, англай олмаганлигини ҳар доимо ҳис этардим”)[4].

1925 йили Форстер ўзининг “Виржиния Вулфнинг илк романлари” номли мақоласида инглиз прозасини картиналар галереясида текис жойлашган Генри Филдингдан тортиб то Арнольд Беннетгача бўлган портретлар билан таққослайди. Ва Вулф ҳақида ўзининг ғоят ахамиятли бўлган қуйидаги фикрини билдиради: “У мана шу галереяни бузишни истайди... аммо унинг ўрнига нимани жойлаштириш мумкин? Қандайдир бир текис, бир маромда бўлган асарлар. “Жейкоб хонаси” бир нуқтага ўраладиган аллақандай спиралсимон манзарани ёдга солади, “Дэллоуэй хоним” эса – қандайдир бутхонани” [5].

“Жейкоб хонаси” ва “Дэллоуэй хоним” романларининг бадиий тузилишидан завқланган Форстер, шунга қарамай, бу асарларни моҳирона яратилганлиги Вулф персонажлари ҳаётийлигининг камчиликларини тўлдириб туришини тан олади, – ҳа айтганча, унинг услубига нисбатан “илҳомланган руҳсизлик” деган эпитетни қўллаши бежиз эмас. Ва 1941 йилда Кембрижда ўқиган маърузасида Э.М.Форстер адибанинг романларидаги персонажларнинг ҳаётийлигига бўлган шубҳани ифода этаркан унинг ажиб услубига асосий эътиборни қаратади” [6].

Шунинг учун, ўтган асрнинг 40-50 йилларида нашр қилинган Вулф ижодини тадқиқ қилишдаги Ж.Беннет, Р.Л.Чемберс, Д.Дэйчез, Б.Блэкстоун ҳамда Д.Хэфлиларнинг[7] муҳим ишлари, Уолтер Алленнинг “Анъана ва орзу” (Москва,1970) ва Арнольд Кеттлнинг “Инглиз романи тарихига кириш” (Москва, 1966) номли рус тилига таржима қилинган китобларидаги Вулфга бағишланган махсус боблари, асосан, И.Рантаварнинг таъбири билан айтганда, Виржиния Вулф романлари асосида ётган “наср ва шеърят орасидаги холис территория”[8] ни ўлчаш ва ифодалашга қаратилганлиги тасодиф эмас эди. Бундай илмий тадқиқотларнинг юксак вазифаси Виржиния Вулф ижодини модернистик адабиёт оқимида яратилганлигини қайд қилиш, XX аср адабий жараёнида инглиз адибасининг ўрнини белгилаш ёки, Харольд Блумнинг атамаси билан айтганда, унинг романларини Ғарб қонун қоидаларига хослигини таъкидлашга интилиш эди.

Сўнги йиллар давомида унинг романларининг конкрет жихатларини ўрганишга борган сари катта ахамият берилмоқда. Аммо бунда парадоксал вазият юзага келмоқда. Албатта, Вулф ижодининг, поэтикасининг “ноанъанавийлиги”га, “ўзига хослиги”га ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бироқ, бундай ўзига хосликнинг ҳамда унинг асарларидаги шаклан янгиликларнинг манбасини тадқиқотчилар кўпинча тўғридан тўғри адабий амалиёт билан алоқадор бўлмаган қандайдир “ташқи” ҳолатлардан топишга ҳаракат қиладилар. Бошқача айтганда, Вулф асарлари поэтикасининг ички қонуниятларини изоҳлаш учун ташқи омиллар жалб этилади: Виржиния Вулф руҳиятининг, ўзгалар билан мулоқот доирасининг ўзига хослиги, унинг турли хил фалсафий ҳамда эстетик назариялардан хабардорлиги, замонавий жамиятга бўлган муносабати, асарларида аёллар масаласи ва ҳоказо.

Виржиния Вулф асарларида мавжуд бўлган реалликка фалсафий нуқтаи назардан тўқис изоҳ беришга уринаётган танқидчилар орасидан Жозефин Обрайен





Шефер биринчилардан ҳисобланади. Тадқиқотчи бундай реалликни учта асосий элемент билан изоҳлайди: табиий феномен, ижтимоий ҳаёт ва персонажларнинг ички дунёси ҳамда адибанинг романларини мана шу уч элементнинг ўзаро алоқаси асосида талқин этишга ҳаракат қилади [9].

Яна бир тадқиқотчи, Н.Такур, адабиётшуносларнинг эътиборини Вулф романларидаги рамзлар ҳамда мавзуларга (символлар ва мотивлар) жалб этади ва уларни ҳинд адабиёти ҳамда афсоналари билан боғлайди [10]. Бошқа бир тадқиқотчилар Вулф романларини кўпроқ “Блумсбери гуруҳи” [11] (ҳа айтганча, бу номнинг кашф этилиши ҳам айнан Вулфга мансуб) иштирокчиларининг ижоди билан боғлайдилар.

1972 йил адибанинг жияни Квентин Белл томонидан ёзилган икки томлик В.Вулф биографияси нашрдан чиқади. Шу билан параллель равишда унинг эпистоляр, яъни нома тарзида битилган мероси “Адибанинг кундалиги”, эссе ва хикоялар тўплами ҳамда машҳур романлари қайта нашр этила бошланди. Виржиния Вулф ижодига бағишланган китоб ва мақолалар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Шу сабабли бизнинг назаримизда кўпроқ аҳамиятли бўлган баъзи асарлари хусусида фикр юритамиз.

Харвена Рихтернинг Вулф услубидаги “Ўзимга саёҳат” монографияси аввало унинг силлиқлик принципида ёзилганлигидир: “Инсонлар, предметлар, манзаралар ... персонажнинг кўплаб жиҳатларини акс эттирувчи кўзгулар орасида турадилар. Аммо, персонаж бу акс эттириш жараёнини англамайди. Ўқувчи икки баравар ортиқ кўриш имкониятига эга бўлади – персонаж каби кузатиб ўзининг дунёсини кўра олади, у бундай акс этишларнинг олачалпоқ шуълаларини ҳис этади”. Бизнинг назаримизда Виржиния Вулфнинг асарлари қарама-қарши бўлса-да, муаллиф учун энг асосийси акс эттириш эмас, балки борликни, реалликни англаш ва идрок этишдан иборат эди.

Вулф ижодини синчиклаб ўрганган ишлар орасида Элис ван Верен Келлининг

тадқиқоти алоҳида эътиборга лойиқ. У ўз тадқиқотида хикоя қилиб бериш маромини, яъни ритмни яратувчи усулга, моддий ва маънавий тафовутга асосий эътиборни қаратди. Унинг сўзларига кўра “Виржиния Вулф учун факт олами, далиллар дунёси бу табиийлик ҳамда чегараланганлик, чекланганлик оламидир; кўриш, ҳис этиш олами бу маънавий бирлашиш дунёсидир. Аммо бу оламларнинг бирортасини бир бирдан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди...” [12].

Жеймс Нэйрмор “Ўзидан ташқаридаги дунё” номли тадқиқотида Виржиния Вулфни ташқи томондан ўраб турган борликни тушуниши, англаши ва идрок этиш йўлини топишга ҳаракат қилади, шунингдек, адибанинг “техник янгиликларини” унинг романларининг “визионар характери” [13] билан боғлайди. Аммо, бундай қизиқарли тадқиқотларнинг кўплигига қарамай мазкур иш ҳам (“Виржиния Вулф романларида аёл ички дунёсининг тасвири” мавзусида ёзаётганимиз PhD диссертацияси – У.Ф.) ғарб вулфшунослиги учун етарли даражада намунали иш ҳисобланади. Виржиния Вулф экспериментал романларидаги шаклан янгиликларни таҳлил этаркан тадқиқотчилар бундай техник янгиликлар биринчи навбатда борликнинг акс эттирилишига эмас, балки уни англаш, идрок этишга асосланган “матн-реаллик” янги модель қурилмаси билан шартланганлигини гоҳо эътибордан четда қолдирадилар.

Вулф ижодини ўрганишнинг иккинчи босқичи XX асрнинг етмишинчи йиллари охири ва саксонинчи йилларнинг бошларига тўғри келади. Бу энг аввало америкалик тадқиқотчилар фаолияти билан боғлиқ. Бу даврда инглиз адибаси ижодини ўзига хос “актуаллаштириш” жараёни рўй берди. Адабиётшуносликда Вулф романларининг талқини ва умуман XX аср биринчи ярми адабий жараёнида унинг тугган ўрни тафтиш этилади. Мисол учун адибанинг ижодига ўша даврларда машҳур бўлган “йил мактаби”нинг йирик вакилларида бири америкалик тадқиқотчи Ж.Хиллис Миллер тўғридан



тўғри мурожаат қилди. 1970 йилда тадқиқотчи Вулф ижодини XIX аср романлари [14] билан изчиллигини таъкидлаган бўлса, 1982 йилда нашр этилган “Наср ва такрорлаш” китобига киритилган “Воқеалараро” романи ҳақидаги махсус бўлимида у Вулф романларини матннинг иккита маъноси аро “ланж ўйин”нинг намоиши сифатида баҳолайди [15].

1980 йил Калифорния университетининг нашриётида “Виржиния Вулф: қайта баҳолаш ва такрорлаш” деб номланган сарлавҳали мақолалар тўплами чоп этилади ва ўзининг кириш сўзида тўплам муҳаррири Ральф Фридман бирмунча ажабланиш билан шундай ёзади: “Виржиния Вулфнинг ренессанси – маданият тарихчиларининг шунчалик бошини қотириб гангитадиган қутилмаган воқеалардан биридир” [16].

Ҳозирги кунда ҳам устунлик касб этиб турган Вулф ижодини феминизм нуқтаи назаридан қараш йўналиши параллель равишда давом этиб келаяпти. Инглиз адибасининг шахсий ва ижодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган академик адабиётшунослик нуқтаи назаридан “маргинал” ҳисобланган воқеалар муҳим ўрин тутмоқда. Виржиния Вулф нафақат тарихий-адабий жиҳатдан, балки замонавий жамиятда аёлларнинг ўрнини белгилаш соҳасида ҳам эътиборли сиймо ҳуқуқини қозонди. У аёл-муаллифни тобелик позициясидан тенг ҳуқуқлик ҳолатига ўтишни англатувчи адиба сифатида гавдаланади. Бу борада Рейчел Боулбининг фикри эътиборга лойик: “Вулф – барча адабий оқимларнинг мунаққидлари томонидан жиддий ўрганиладиган XX асрнинг ягона Британиялик адибасидир” [17]. Шунини таъкидламоқ лозимки, бу йўналиш танқидчилари ўзларининг муҳокамасида асосан М.М.Бахтин ҳамда “децентрация” ва “полифонияга” алоҳида эътибор қаратган француз постструктуралиزمи ғояларига, ҳар қандай иерархиянинг бузилишига таяниб, асар тузилиши барча элементларининг тенг ҳуқуқлигини тан олиб ўзларининг қарашларини шундай

тарзда баён қилишга мойилдирлар, яъни “маргинал” тенг адолатли эмас, балки бундан ҳам муҳимроқ. Чунончи, Вулфни феминистча талқин этиш [18]га салмоқли ҳисса қўшган Жейн Маркус ўзининг мақолаларидан бирида, адибанинг синглизис Ванессе Беллга ёзган хатида ўчирилган бир сўз асосида Вулф томонидан “эркак ва аёл” категориясининг идрок этилишининг бутун бир назариясини ишлаб чиқди [19].

Бу борада Йорк университети профессори Гермiona Лининг ҳам қарашлари аҳамиятлидир. У 1977 йилда Вулфнинг романнавислик ижоди тўғрисидаги монографиясининг деярли биринчи саҳифасида шундай ёзган эди: “Бу китоб Блумсбери ҳақида эмас. Унда Виржиния Вулф мунаққид ва эссешунос ёки биограф сифатида қаралмайди. Бу унинг тўққизта романининг адабий тадқиқи” [20]. Бироқ, 1996 йилда Гермiona Ли Вулф биографиясини нашр эттиради. Унда, аксинча, инглиз адибасининг ижоди фақатгина унинг ҳаётини қарашлари, нуқтаи назарлари асосида қузатилади. “Индепендент” газетасида чоп этилган “Виржиния Вулф: аёл образига муносабат” номли маънодор сарлавҳали мақоласида Гермiona Ли Вулфнинг олдинги икки томлик биографиясининг асосий камчилиги унинг муаллифи Квентин Белл инглиз адибасининг ҳаёт тарзини асосиз равишда сиёсийлаштирилганини кўрсатади [21].

1992 йилдан бошлаб ҳар йили ўтказилиб келинаётган, Виржиния Вулф ижодий фаолиятининг турли жиҳатларига бағишланган халқаро анжуманларда қилинаётган маърузалар ҳам, интернетдаги Virginia Woolf Web сайтидаги материаллар ҳам Вулф ижодини феминистчасига талқин қилиш томонига асосли равишда ўтишни тасдиқлаб турибди.

Мунаққидлар билдираётган хулоса, фикрларни бир томонда қолдириб, уларнинг талқини баъзида ҳақиқат бўлиб чиқишини айтиб ўтиш жоиз. Масалан, Вулф романларининг ўзига хослиги унинг замонавий адабиётда ва бундан ҳам кенгроқ олиб қаралганда замонавий



жамиятда аёлнинг тобе ҳолатини англашидан эканлиги мунаққидлар учун омма томонидан қабул қилинган тушунча ҳисобланади. Айнан шундай “ижтимоий-сиёсий” мезон Виржиния Вулф романларининг услуб борасидаги барча изланишларининг таянч нуқтаси сифатида қаралапти. Вулф ҳатто ўзининг “Жаноб Беннет ҳамда Браун хоним” номли эссесида фараз қилинган асарининг қахрамони сифатида аёл образини танлаб, эдвардианц ёзувчилар – А.Беннет, Д.Голсуорси, Г.Уэллсларнинг романларида бу образни гавдалантира олмасликлари мутлақо жинсий фарқ ёки ижтимоий мансублиги учун эмас, балки уларнинг

адабий услуби билан боғлиқлигини яққол кўрсатиб берди. Бундан ташқари Вулф ўша эссесида тўғридан-тўғри бу ёзувчиларнинг асосий камчилиги ҳақида шундай ёзади: “эдвардианцлар ҳеч қачон персонажларнинг ўзи ёки китобнинг ўзи билан қизиқишмаган. Улар нимадир ундан ташқаридаги нарсалар билан қизиқишган” [22] – яъни, феминистлар мактаби Виржиния Вулф учун “асосий мавзу” сифатида қараган матндан ташқаридаги реалиялар билан қизиқишган. Вулфни ўзи ҳақиқатда қандай бўлганлигига қарамай ундан яхшигина “эдвардианц аёл” қилишмоқда, дейиш мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Woolf, Virginia. A Sketch of the past // Wolf Virginia Moments of being: Unpublished autobiographical writings of Virginia Wolf. London, 1976. P.72.
2. Woolf, Virginia. The Diary of Virginia Wolf. Vol. I. London, 1982. P. 85.
3. Holtby, Winifred. Virginia Wolf. London, 1932.
4. Wolf, Virginia. A Reflection of the Other Person. The letters of Virginia Wolf: 1929-1931. London, 1978. P.188. Письмо от 14 июня 1925 г.
5. Forster E.M. The Early Novels of Virginia Wolf // Forster E.M. Abinger Harvest. New York, 1953. P. 115.
6. Forster E.M. Virginia Wolf. Cambridge, 1942. P. 16.
7. Bennett J. Virginia Wolf: Her Art as Novelist. . Cambridge, 1945.
8. Rantavaara, Irma. Virginia Wolf and Blomsbury. Helsinki, 1953. P. 15.
9. Schaefer, Josephine O. the Three-Fold Nature of Reality in the Novels of Virginia Wolf. The Hague, 1965.
10. Thakur N.C. The Symbolim of Virginia Wolf. London, 1965.
11. Richter, Harvena. The Invard Voyage. Princeton, 1970. P. 99.
12. Kelley, Alise van Buren. The Novels of Virginia Woolf: fast and Vision. Chicago-London, 1973. P. 4-5.
13. Naremore, James. The World without a Self: Virginia Wolf and the Novel. New Haven & London, 1973.
14. Miller, J.Hillis. Fiction and Repition: Seven English Novels. . Cambridge, 1982. P. 17
15. Freedman, Ralph. Virginia Wolf, the Novel, and the Chorus of Voices // Virginia Wolf: Revaluation and Continuity. Berkeley, 1980, p. 3.
16. Bowlby, Rachel. Virginia Wolf: Feminist Destinations. Oxford, 1988. P.12.
17. В частности, Джейн Маркус явилась вдохновителем и редактором следующих сборников: New feminist essays on Virginia Wolf. Lincoln: University of Nebraska Press, 1981; Virginia Wolf and Blomsbury: a centenary celebration. Bloomington: Indiana University Press, 1987 .
18. Marcus, Jane. “Taking the Bull bu the Udders”: Sexual Difference in Virginia Wolf – A Conspiracy Theory // Virginia Wolf and Blomsbury: a centenary celebration. Bloomington: Indiana University Press, 1987 .
19. Lee, Hermione. Virginia Wolf: a woman’s view // Independent, 08-02-1996. P. 7



20. Woolf, Virginia. Mr. Bennett and Mrs. Brown // Woolf, Virginia. Mrs. Dalloway and Essays. Moscow, 1984. P. 277.

21. История английской литературы. Т.3.М., 1958. С. 361.

**Файзуллаева У. Из истории изучения творчества Виржинии Вульф в английском и американском литературоведении.** В статье речь идёт об истории изучения творчества английского писателя Виржинии Вулф в западноевропейской литературной критике.

**Fayzullayeva U. From the history of studying Virginia Woolf's creative works in English and American literature.** The article is devoted to history of studying the English writer Virginia Woolf's creative works in European literature critics.



## ТИББИЁТ СОҲАСИ ТИЛИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ АСПЕКТИ

*Ғайбуллаева Нафиса Иззатуллаевна,  
БухДУ таянч докторанти*

**Калит сўзлар:** мулоқот маданияти, тиббиёт деонтологияси, тиббий этика, психотерапия, тиббий таълим.

Бугунги кун ўзбек тилшунослигида тил маданиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда ва лингвистиканинг лингвокультурология сатҳи тараққий этмоқда. Зеро, мазкур йўналишнинг асосий объекти маданият ва тил алоқадорлигини, уларнинг ўзаро боғланиши, ўзаро таъсирини бир бутун тизимли яхлитлик сифатида турли касб эгалари доирасида ўрганишдан иборат. Ўзбек тилшунослигида тиббиёт ходимлари нутқи махсус тадқиқот мавзуси предмети бўлмаган. Рус, турк, инглиз тилидаги тиббий нутқни эвфемизация – нутқни юмшатишнинг лисоний воситаларини ҳар томонлама таҳлил қилишга бағишланган монографик тадқиқотларнинг мавжудлиги жаҳон тилшунослигида тиббий нутқ эвфемизацияси масаласининг аҳамиятлилик даражасини, ўзбек тилшунослигида ҳам шундай тадқиқот яратиш мавзунинг лозимлигини белгилайди.

Шифокорлик – лингвоактив касб. Тиббиёт соҳаси тилининг лингвомаданий аспекти тиббиёт деонтологияси, психотерапия, тиббий этика масалалари билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли қуйида шу омилларнинг тиббиёт амалиётдаги аҳамиятига тўхталамиз.

Тиббиёт деонтологияси – тиббиёт ходимларининг касбга алоқадор этикаси, дори-дармон, умуман, давонинг таъсирини оширишга қаратилган хулқ-атвор таомиллари. Деонтология, яъни кишининг хулқи, одоби ҳақидаги тушунча XIV асрнинг бошларида инглиз файласуфи ва иқтисодчиси И.Бентам томонидан муомалага киритилган. Тиббиёт деонтологиясига оид маълумотлар узоқ тарихга эга бўлиб, кенг фалсафий мазмун касб этади. Деонтология шифокор билан

бемор ўртасидаги муносабат (1); шифокор билан беморнинг яқинлари ўртасидаги муносабат (2); шифокорнинг ҳамкасблари билан муносабати (3) каби бир неча йўналишдан иборат. Тиббиёт деонтологиясига мувофиқ, тиббиёт ходими беморга алоҳида эътибор бериши, унинг соғлигини тиклаш, азобини енгиллатиш учун бутун билимини сарфлаши, беморга унинг соғлиғи ҳақидаги фақат фойда келтира оладиган маълумотларни айтиши, беморнинг шифокор билан сирдош бўлишига эришмоғи зарур. Беморнинг касаллиги ҳақида унинг иштирокида ҳамкасблари билан сўзлашиш ярамайди. Тиббиёт деонтологиясининг тиббий амалиётга тўғри жорий қилиниши, шифокорнинг онги, савияси, маданияти, дунёқараши, билими ва қайси жамиятда яшаётганлиги билан боғлиқ равишда амал қиладиган жараён. Кишилиқ жамиятининг турли даврларида деонтологик муносабатлар турлича кечган, у замон талабига мос равишда ўзгариб борган[1]. Кўриниб турибдики, даволаш амалиётида деонтологиянинг муҳим фактори – нутқий омил етакчи ўринни эгаллайди, шифокор нутқи бемор психологик ҳолатини бошқаришнинг асосий воситаси саналади.

Қадимда табиблардан, кейинчалик шифокорлардан маданиятли, хушмуомала, соддадил ва камтар бўлиш талаб қилинган. Алишер Навоий ҳазратлари табиб ҳақида фикр юритар экан, шундай дейдилар: “Табиб ўз фанининг моҳир билимдони бўлиши, беморларга меҳр-шафқат билан муомала қилиши, асл тиб илмига табиати келишмоғи, донишмандлар сўзига риоя қилиб, уларга эргашмоғи, мулойимсўз, бемор кўнглини кўтарувчи, андишали, хушфезъл бўлмоғи керак. Табиб агар ўз касбига моҳир бўлса-



ю, аммо ўзи бадфеъл, бепарво, кўполсўз бўлса, беморни ҳар қанча муолажа қилганда ҳам барибир унинг миждозиди ўзгариш пайдо қилолмайди”. Абу Али ибн Сино табибнинг касални даволашдаги уч таянч қуроли: сўз, гиёҳ, тиғ орасидан сўзни биринчи ўринга қўйган ҳолда, шифокорнинг кўзи бургутники каби ўткир, кўллари қизнинг кўллари каби нозик, юраги шерникидек довюрақ ва ақли илон каби бўлишини эътироф этганлиги диққатга сазовордир [2].

Тиббий этика (юнонча *одат, характер*) умумий этика меъёрининг бир қисми сифатида шифокорнинг ахлоқий мезонлари, унинг хатти-ҳаракатлари, ахлоқий меъёри мажмуини, профессионал бурч ва ҳурмат, виждон ва кадр-қиммат туйғусини ўз ичига олади. Тиббий этика тиббиёт ходимининг кундалик ҳаёти, фаолиятида, унинг маданияти, жисмоний ва ахлоқий поклик каби муайян ҳаракатлар стандартини қамраб олади. Умуман олганда, тиббий этика шифокор ички дунёсининг кўзгуси саналади [12]. Нутқий этикет масаласи билан шуғулланган таниқли мутахассис Н.И.Формановскаянинг фикрича, нутқий этикет – нутқий хулқ-атворни тартибга солувчи қоидалар, суҳбатдошнинг алоқани танланган тоналликда ўрнатиш, тутиб туриш ва узиш учун жамият томонидан қабул қилинган ва буюрилган мулоқотнинг миллий ўзига хос, стереотип, барқарор формулалари эканлигини ёш авлодга, умуман, сўзлашувчиларнинг барчасига етказиш зарур [5]. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадики, ҳар бир шахс, касбидан қатъи назар, нутқий этика – мулоқот маданиятини эгаллаб олмоғи зарур. Зеро, барча муносабатларда кишининг инсонлараро мулоқот жараёни жуда муҳим соcio-психологик аҳамият касб этади.

Психотерапия – беморни даволаш мақсадида қулай шарт-шароит яратиш, чиройли сўз, хушмуомалалик билан уларнинг онгига руҳий таъсир этиш. Психотерапиянинг рационал, тушунтириш, ишонтириш (сергаклик ва гипноз ҳолатларида), ўз-ўзини ишонтириш

(аутоген машқ) ва бошқа хиллари бор[7]. Психотерапияда шифокор нутки, сўзлаш маданияти, беморга сўз воситасида ижобий таъсир этиш кўникмасининг шаклланганлиги шифокор муваффақияти гаровидир.

Шифокор касаллик ва жароҳатнинг олдини олиш (профилактика), уни аниқлаш, ташхис қўйиш (диагностика) ва даволаш (терапия) билан шуғулланади. Бунга тиббий билими, шифокорлик маҳоратини доимий такомиллаштириш йўли билангина эришиб бориши мумкин. Бу эса бир қатор фундаментал, умумий врачлик ва махсус фанларни ўрганиш, бемор билан бевосита мулоқотда бўлиш тажрибасини эгаллаш, унинг ички эҳтиёжлари ва дарддан азият чекишини билишдек муҳим жараёнлар билан боғлиқ [9]. Шундай экан, беморнинг умиди шифокордан, бетоб ётган киши шифокорга даволаниш жараёнида тез-тез муружаат қилади, шифокор касаллик сабабларини суриштиради, чунки ҳеч қандай касаллик ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Шундай пайтда шифокор бемор билан шундай муносабатда бўлмоғи зарурки, унинг муолажасини қабул қилаётган киши у ҳақда фақат яхши фикрда бўлсин. Буюк табиб Абу Али ибн Сино таъбири билан айтганда, шифокор беморнинг дўсти, устози ва ёрдамчиси бўлиши лозим. Шифокорнинг инсонпарварлик фазилати бемор билан муносабатда асосий ўрин эгаллайди. А.Чехов: “Шифокорлик касби – жасорат. У фидокорлик, қалб тозаллиги ва эзгу ниятлар улуғлигини талаб қилади. Ҳар ким ҳам бунга қодир эмас”, таниқли профессор Н.Эльштейн: “Тингламоқ ва эшита билмоқ ҳам даволаш”, – деб ёзганда шуни назарда тутган. Врач анамнез (касалликнинг келиб чиқиш тарихи) йиғиш маданиятини ўзлаштирган бўлиши жуда муҳим. Бемор касаллиги бўйича сўраб-суриштириш, ўрганиш – ижодий жараён, чунки диагностика усуллари орасида анамнез ўзининг қулай ҳамда самарали эканлигини исботлаган [11]. Бундай вазият шифокордан бемор билан мулоқот нутқ юмшоқлиги, вазиятни бошқара олиш, салбий жараённи беморга етказишда



эҳтиёткорлик, воқеликни яшириш лозим бўлганда касалликни ўз номи билан эмас, беморга оғир ботмайдиган ифода билан билан аташни – эвфемизацияни тақозо этади.

Беморнинг кўлига тиббий атамалар кўлланилган, тасвирлар акс этган рентген суратлари, тегишли бланкадаги меъерий кўрсаткичлар, умуман, хаста кишини кўрkitадиган лаборатория текшируви натижаларини бериб бўлмайди. Шифокорлик этика ва деонтологияси принципларини унутмаган ҳолда касаллик диагностикасида касаллик турига қараб беморга унинг касаллиги ташхиси тўғрисида хабар беришнинг ўзига хос меъерий томонлари бор. Бу жуда ҳам нозик ва мураккаб психиологик масала. Одатда, бу беморнинг руҳиятини инobatга олиб, индивидуал тарзда ҳал қилинади. Буюк юнон табиби Гиппократ: “Беморни меҳр-муҳаббат ва ақлли таскин бериш йўли билан ўраб ол, бироқ, асосийси, унга нима хавф туғдираётган бўлса, ўшандан уни хабарсиз қолдир”, – деган.

Оғир кечувчи, тузатиб бўлмайдиган касалликларда беморнинг яқинларини соғайиб кетиши мумкинлигига тўлиқ ишонтириш керак эмас, лекин уларни касалликнинг ремиссияси(касаллик аломатларининг вақтинча заифлашуви)га эришишда беморга ёрдам учун шифокор тиббиётда барчага баравар имкониятлардан фойдаланаётганлигини билдириши зарур. Шундай пайтда ҳам, Н.С.Арапова айтганидек, моҳиятнинг аслини яшириш мақсадида кўлланувчи эвфемизмдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Буюк файласуф Гомер бежизга: “Битта шифокорнинг моҳирлиги кўпчилик жангчи (аскар)ларга арзийди”, – деб ёзмаган. Беморнинг маънавий дунёсига кириш учун хушмуомалалик, инсонийлик, хайрихоҳлик, кўтаринкилик мижозга ижобий таъсир кўрсатади, унда ўз касаллигига тўғри қарашни шакллантиришга, йўқотилган руҳий мувозанатни тиклашга ёрдам беради.

Ўзбек тилшунослигида тиббиёт ходимлари нутқи махсус тадқиқот мавзуси предмети бўлмаган. Рус, турк, инглиз

тилидаги тиббий нутқни эвфемизация – нутқни юмшатишнинг лисоний воситаларини ҳар томонлама таҳлил қилишга бағишланган монографик тадқиқотларнинг мавжудлиги жаҳон тилшунослигида тиббий нутқ эвфемизацияси масаласининг аҳамиятлилик даражасини, ўзбек тилшунослигида ҳам шундай тадқиқот яратиш долзарблигини белгилайди. Бундай тадқиқотлар тиббий таълим мазмунини бойитиш, тиббиёт таълимида ўқув материали сифатида ишлатилиши билан аҳамиятли.

Шифокорлик жуда инсонпарвар касб, унинг меҳнати – инсон саломатлиги, оила бахти, тинчлик-хотиржамликни таъминловчи омил. Аммо унинг муваффақияти фақат профессионал маҳоратига эмас, балки бемор, унинг яқинлари, ҳамкасblари билан мулоқот маданияти, этик-эстетик хислатлари, зоҳирий, ботиний маданиятига ҳам боғлиқ бўлади. Шифокорнинг ташқи кўриниши (дазмолланмаган халат, кир кўйлак, қалпоқча, шимлар, ифлос кўл ёки парваришланмаган тирноқлар, ўта ёрқин косметика, ўстирилган соч-соқол, кариоз тиш, ўткир духи ва одеколон, хунук мимика), ички маданияти (маданиятсиз мулоқот, пала-партиш, бетартиб, ёқимсиз нутқ) беморда салбий, итарувчи туйғу пайдо қилмаслиги лозим. Зоҳирий ва ботиний маданий савия яхлит бир бутунликни ташкил этиб, шахсий фазилатни кўрсатиб туради. Терапия фани асосчиси М.Я.Мудров шифокор маданияти ҳақида ўзининг қатор маърузаларида батафсил тўхталади, тиббиёт олий ва ўрта махсус ўқув юртларида шифокор маданияти ҳақида алоҳида фан – деонтология фани ўқитилади. Мулоқот маданияти масаласи янги муаммо эмас. Испан ёзувчиси, файласуф Грасиан Балтасар: “Ақл ва дид учун маданият жуда муҳим. Ким нозик ҳис этса, ўша гўзалликка кўпроқ интилади” – деб ёзган. Бугунги кунда ҳам инсоннинг ички маданияти унинг хатти-ҳаракати, иш фаолияти билан ўлчанади.



Шифокор – бемор, шифокор – талаба муносабатида бир қатор ечилмаган саволлар бор. Умумназарий муаммолардан ташқари нозик хусусий ҳолат масалалар ҳам пайдо бўладики, улар бўйича амалий таклиф, маслаҳатлар бериш орқали муаммога йўл топиш мумкин бўлади. Буюк француз ёзувчиси, математик Б.Паскал ва замондошимиз академик А.Ф.Билибиннинг бу борадаги фикрларини қиёслаймиз. Блез Паскал “Ўйлар”да: “Ҳамма нарсага ўргатиш мумкин, фақат одоблиликка эмас; одамлар ўқимишлилик эмас, кўпроқ одоблилик билан – яъни уларга махсус таълим берилмаган фазилат билан назарга тушишга интилишади[3]” – деб ёзган. А.Ф.Билибин эса: “Талабалар таҳсилида барча ҳаракат билимга, касбий методика маҳоратга қаратилади, аммо инсонлараро муносабатлар, хусусан, мижоз (пациент) билан мулоқот маданияти эътибордан четда қолади. Шифокор ҳаёт йўлида инсонлар билан муомала-мулоқот масаласи – энг муҳим фан. Бизнинг олий таълим муассасаларимизда шундай фанлар ўқитиладими? Ҳа, тиббий адабиётларда ҳам бу соҳада бўшлиқ мавжуд. Клиник фаолиятнинг муҳим ва ҳал қилувчи фактори тадқиқ методикаси (касаллик келиб чиқиши, кечиши ва тарихи) эмас, балки шифокорнинг шахсий инсоний маданиятидир. Фақат шахсий-маданий фазилатларнинг юксалиши шифокор продукцияси хусусиятининг ўсишига олиб келади” [3], –деб таъкидлайди. Иккала олим ҳам мулоқот маданияти таълимининг шифокор касбий маҳорати шаклланишида

ўта муҳим омил эканлигини уқтирган. Мулоқот маданиятини эгаллаш бир жойда муқим турадиган жараён эмас, бу прогрессив жараён. Агар бу фазилат тарбияланиб борилса, шифокор шундай иқтидорнинг юксак чўққисига – донишмандликка эриша олади.

Сўз – шифокор билан бемор алоқасини ўрнатишда муҳим аҳамият касб этадиган, муваффақиятли даволашга ёрдам берадиган восита. Нутқ маданияти эса – шифокор умумкасбий маҳоратининг зарурий шартларидан бири. Шифокорлик – лингвоактив касб бўлганлиги сабабли тиббиёт соҳаси тилининг лингвомаданий аспекти тиббиёт деонтологияси, психотерапия, тиббий этика билан чамбарчас боғлиқ. Даволаш амалиётида деонтологиянинг муҳим фактори – нутқий омил етакчи ўринни эгаллайди, шифокор нутқи бемор психологик ҳолатини бошқаришнинг асосий воситаси саналади.

Тиббий этика умумий этика меъёрининг бир қисми сифатида шифокорнинг ахлоқий мезонлари, унинг хатти-ҳаракатлари, ахлоқий меъёри мажмуини, профессионал бурч ва ҳурмат, виждон ва кадр-қиммат туйғусини ўз ичига олади. Психотерапия – беморни даволаш мақсадида қулай шарт-шароит яратиш, чиройли сўз, хушмуомалалик билан уларнинг онгига руҳий таъсир этиш. Психотерапияда шифокор нутқи, сўзлаш маданияти, беморга сўз воситасида ижобий таъсир этиш кўникмасининг шаклланганлиги шифокор муваффақияти гаровидир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Vikipediya” ochiq ensiklopediyasi. (Электрон ресурс): [https://uz.wikipedia.org/wiki/Tibbiyot\\_deontologiyasi](https://uz.wikipedia.org/wiki/Tibbiyot_deontologiyasi)
2. Жумаев И. Тиббий одоб ва маданият – шифокор ва беморга мадад. (Электрон ресурс): <https://buxvssb.uz/tibbiy-odob-va-madaniyat-shifokor-va-bemorga-madad/>
3. Культура общения врача и студента. (Электрон ресурс): <https://studfiles.net/preview/548345/>
4. Малыгина Е.Н. Средства смягчения высказывания в медицинской речи: Автореф. .... дис. канд. филол. наук. Самара, 2007. – (Диссертациянинг электрон адреси): <http://www.dissercat.com/content/sredstva-smyagcheniya-vyskazyvaniya-v-meditsinskoi-rechi#ixzz5N1TQbI1z>





5. Миразизов А. Ўзбек нутқий этикетига доир айрим кузатишлар // Тошкент давлат педагогика университети илмий ахборотлари, 2016. – № 4 (9). – Б.61-64.
6. Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол. фан. докт. ...дисс. – Тошкент, 2009. – 253 б.
7. Тиббиёт қомусий луғати. –Тошкент: “Қомуслар бош тахририяти”, 1994. – 288 б.
8. Шарқ ҳикоят ва ривоятлари. Биринчи китоб. (Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов). – Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти, 2015. – 525 б.
9. Эрназаров Т. Шифокор деонтологияси ва тиббий ахлоқ. (Электрон ресурс): <http://uzssgzt.uz/cgi-bin/main.cgi?lan=u&raz=2&god=2010&mes=11&id=3335>
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 671 б.
11. Қосимов А. Тиббий терминлар изоҳли луғати. Икки жилдлик. 2-жилд. (Тахрир хайъати: Ф.Назаров, Ш.Шоабдурахмонов, А.Ҳожиев ва б.) – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. – 568 б.
12. [https://www.ereading.club/chapter.php/1025286/9/Hramova\\_Polnyy\\_spravochnik\\_po\\_uh\\_odu\\_zabolnymi.html](https://www.ereading.club/chapter.php/1025286/9/Hramova_Polnyy_spravochnik_po_uh_odu_zabolnymi.html)

*Гайбуллаева Н. Лингвокультурный аспект языка сферы медицины. Данная статья посвящена изучению культуры общения врача, медицинской деонтологии, взаимоотношений врача с пациентом, взаимоотношений врача с родственниками пациентом, медицинской этики, роли психотерапии в работе врача, лингвокультурологического аспекта медицинского языка, эвфемизма.*

*Gaybullayeva N. Lingual-cultural aspect of the language of medical sphere. This article is devoted to the study of physician's communication manner, medical deontology, doctor-patient relationship, the relationship of doctor with the relatives of patient, medical ethics, the role of psychotherapy in physician's work, linguocultural aspect of medical language, the linguocultural speech result of euphemism.*



## МУМТОЗ ШЕЪРИЯТ ТИЛИДА АНЪАНАВИЙ ТАДҚИҚ УСУЛЛАРИ ВА ЯНГИЧА ТАМОЙИЛЛАР

*Мажитова Сабоҳат Жамиловна,  
СамДУ филология фанлари фалсафа доктори*

*Таянч сўз ва иборалар: матн, шеър, газал, луғат, конкорданс, рамз, тимсол, шеъроят тили, замонавий технология, маъновий талқин.*

Адабий тилнинг ўзига хос хусусиятларини илмий таҳлил ва тадқиқ қилиш ҳамда ўрганиш натижасида олимлар унинг тарихий шаклланиш босқичлари, ривожланиш жараёни, хронологияси, тараққиёт тамойиллари жиҳатидан форс-тожик тилининг генетик асосларини муайян даврларга ва алоҳида зиналарга ажратган. Бу тадқиқотларнинг айримларида ҳолисона ёндашувларга амал қилиниб, соғлом, чуқур ва тўғри тамойил ва руҳият кузатилса, уларнинг баъзиларида даврнинг сиёсий-ижтимоий воқеа-ҳодисалари таъсир кўрсатгани, бирёқлама қарашнинг устунлиги кўзга ташланади. Бу ҳолат, айниқса, поэзия тили, луғавий бирликларнинг семантик хусусиятлари ва маъно товланишлари тадқиқи жараёнида, у ёки бу шоир девонидаги кўп қўлланилган сўз ва ибораларнинг таҳлил ва тафсирида, шоир шеърларидаги истилоҳлар маъноларининг энг нозик қирраларини кашф этишда яққол кўринади.

Соҳа тадқиқотчилари бу йўналишдаги бугунги кунгача олиб борилган илмий изланишлардаги жиддий камчиликнинг асосий омилини луғат муаллифларининг сўзга биртомонлама қараганидан деб билган. Яъни шарҳланувчи сўз ва луғавий бирликларни асл манбалар ва илмий-танқидий матндан карточкалар асосида изчил тарзда, тўла-тўқис ўрганмаганликларида намоён бўлади. Зеро, луғавий бирликларни шарҳлаш ва изохлаш қўл меҳнати билангина амалга ошириладиган иш эмас. Шунинг учун бугунги кунда бу ишни замонавий технологик воситалар, компьютер ва электрон дастурлар ёрдамида амалга ошириш ва ҳар бир асар асосида маълумотлар базасини яратиш жуда самарали ҳисобланади ва айни

замонда уни амалда татбиқ этиш муҳимроқдир. Бу каби янгича ёндашувлар тадқиқотчиларга тизимли тарзда адибнинг алоҳида асари ёки бутун мероси борасида ўз муносабатини аниқ-равшан ифодалаш имконини беради. Яъни олим ижодкор асарларининг луғавий таркибидаги бадиий тимсоллар ёки сўзларнинг семантик хусусиятларини, ўзига хос маъно товланишларини теран ва атрофлича аниқлаш имкониятига эга бўлади. Ҳар бир луғавий бирликнинг семантик таҳлили лексикограф томонидан тил тизимида боғлиқ равишда алоҳида бир шоир-ёзувчи ижоди ёки муайян бир давр адиблари ижодиёти асосида уйғунликда ёки бу тизимнинг асосий қисми ўлароқ алоҳида тарзда амалга оширилиши лозим. Акс ҳолда, бундай тадқиқот самарасиз яқунланади. Шу боис маъно товланишларини ва ҳар бир луғавий бирликнинг семантик белгиларини очиқ-ойдин ва кенг талқин қилиш учун изланувчи танлаган сўз ишлатилган барча байтлар картотекасини жамлаши керак бўлади. Ёки шоир асарларининг электрон варианты асосида мезон луғати (частота) ёки жомеъ луғати (конкорданс) яратиб, тадқиқот ишини шу типдаги луғатлар негизида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Луғатлардаги яна бир ноқислик сўзларнинг шарҳ этиш услуби ва сўздаги параметрик, горизонтал ва вертикал маънолар силсиласи мавжудлигини инобатга олмасликда намоён бўлади. Луғатлар муаллифи бу борада янгича метод ва услублардан фойдаланишмаган. Ҳар бир луғавий бирлик – лексема ўзининг бош маъноси асосида матнда жузъий, яққа ва ё турғун тарзда шарҳланган, аммо сўзнинг турли маъно товланишлари матн



